

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

Б Ю Л Л Е Т Е Н Ъ



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бош муҳаррир: физика-математика фанлари доктори **К.Султонов**

Аъзолар: иқтисод фанлари доктори **А.Юсулов** (бош муҳаррир ўринбосари),
қишлоқ хўжалик фанлари доктори **Б.Азимов**, иқтисод фанлари доктори
Р.Алимов, физика-математика фанлари доктори **И.Ганиев**, педагогика
фанлари доктори **У.Иноятов**, геология-минералогия фанлари доктори
Б.Исахўжаев, техника фанлари доктори **К.Каримов**, тиббиёт фанлари
доктори **И.Мавлонов**, филология фанлари доктори **Н.Рахмонов**,
тиббиёт фанлари доктори **Р.Собирова**, кимё фанлари доктори
А.Тўраев, тарих фанлари доктори **А.Ходжаев**, физика-математика
фанлари номзоди **С.Зулунов** (масъул котиб)

М У Н Д А Р И Ж А

Ўзбекистонда сиёсий фанлар: муаммолар, изланишлар, натижалар ва истиқболлар.....	3
Номзодлик имтиҳонларини ўтказилиши тўғрисида ахборот.....	11
Ихтисослашган кенгашлар фаолиятини назорат тариқасида ўрганиш натижалари тўғрисида ахборот.....	12
ОАК Раёсатининг қарорлари.....	13
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси ихтисослашган кенгашлари рўйхатининг давоми.....	24
ОАК Раёсатида рад жавоби берилган ишлар.....	25
ОАК Процедура комиссиясида.....	27
Фан доктори ва фан номзоди илмий даражалари берилган ҳамда профессор илмий унвонида тасдиқланганлар рўйхати.....	28
Дастлабки экспертиза натижалари.....	41
Диссертациялар тўғрисида маълумотлар.....	42
Диссертация ишлари мавзулари тўғрисида маълумот	130

Ўзбекистонда сиёсий фанлар: муаммолар, изланишлар, натижалар ва истиқболлар

Р.М. Алимов - сиёсий фанлар доктори, профессор

Жамиятимизда кечаётган сиёсий ўзгаришлар, янгиланишлар олий мактаб олдида ҳам янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Ушбу вазифаларнинг энг юксаги – турли соҳаларга мансуб, замон талабларига жавоб бера оладиган бўлажак мутахассислар билим даражаси сифатини кундан-кунга ошириб боришдир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий ислохотларнинг ютуғи сиёсий фан, сиёсий маданият асосларини биз қанчалик ўзлаштирганлигимиз билан чамбарчас боғлиқдир десак муболаға бўлмайди. Инчунун, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий янгиланишлар кишилар онгини ўзгартириш орқали амалга оширилади. Айнан сиёсий фанлар олдида бугун ана шундай улуғвор вазифа турибди.

Келгуси йили мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма баҳорини нишонлаймиз. Сиёсий фанлар Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнггина фан сифатида аста-секинлик билан шаклланаётган бўлса-да¹, у чуқур тарихий илдизларга эгадир. Ватамизнинг сиёсий тафаккури тарихида Абу Наср Форобий, Низомулмулк, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Амир Темур, Улуғбек, Бобир каби бир қатор олим ва давлат арбоблари чуқур из қолдиришган. Лекин тарихимизнинг сўнги йилларида юзага келган вазият, яъни мустабид тузум туфайли сиёсий фикр ривожига узилиш юз берган эди. Истиқлол туфайли, ўзбек халқи яна ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан олиб борилаётган мустақил, оқилона, вазмин ва босиқ ички ва ташқи сиёсат туфайли халқимиз осойишталиги, тинчлиги таъминланди, ҳуқуқий, демократик жамият қуриш асослари ишлаб чиқилди, фан, маориф ва маданият ривожига катта эътибор қаратила бошланди. Бунинг натижасида кишиларимиз сиёсий онги ва сиёсий маданиятининг йилдан-йилга юксалиб бораётганлигини кўряпмиз. Ушбу шароитларда Ўзбекистонда янги, навқирон фан йўналиши сифатида сиёсатшунослик, яъни политология ривожлана бошлади ва сиёсий тадқиқотлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Тарих нуқтаи назаридан йигирма йил даврни тавсифлаш учун жуда қисқа муддат. Лекин чуқур ўзгаришлар ва кўпгина эскича қарашларнинг тубдан синдирилиши даврида бу муддат Ўзбекистон Республикасидаги ички сиёсий жараёнлар, халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсатимиздаги муваффақиятлар тўғрисида ҳолисона илмий мушоҳада юритиш учун етарли ҳисобланади.

Собиқ совет Иттифоқининг қулашидан сўнг, Ўзбекистон ҳам Ҳамдўстликнинг бошқа мустақил мамлакатлари қаторида ҳозирги замон дунёсида муносиб ўрин эгаллашга интилди. Бу осон бўлмади, баъзи ўринларда хато қилинди, баъзан омадсизлик ҳам бўлди. Ҳеч нарсага қарамай, Ўзбекистон қадам-бақадам, ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг мустақкам пойдеворини яратди. Ўзбекистонни 165 мамлакат тан олди, улардан 120 тадан ортиғи билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган².

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳияти, республика раҳбарининг обрўси, дунёқараши,

¹ 1969 йилда Тошкент давлат университети фалсафа факультети қошида политология бўлими очилган. Бироқ, бу ерда сиёсий фанлар йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ.

² Қаранг: Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. – Т: Ўзбекистон, 1997. – Б. 296.

шахсияти кўламига кўра халқаро сиёсатнинг мустақил ва салмоқли омилига айланди. Замонавий Ўзбекистон – халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъектидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда политология фанини ривожлантириш борасида қатор ютуқларга эришилди. Олимларимиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизимига, жамиятда юз бераётган муҳим сиёсий жараёнларга, ижтимоий-сиёсий соҳада шахс мақомига, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг сиёсий маданияти ва маънавиятини юксалтириш масалаларига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, ташқи сиёсати, халқаро муносабатлар, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш муаммоларига бағишланган ўнлаб тадқиқотлар амалга оширилди.

Бироқ дунёда кечаётган геосиёсий ўзгаришлар, молиявий-иқтисодий инқироз, глобллашув жараёнлари, Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамиятини қуриш, ҳамда мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган кенг миқёсли ишлар политология фани олдида янгидан-янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Бу вазифалар политология фанини ривожлантириш йўналишида эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиб, мавжуд камчиликлар ва муаммолар ҳақида рўй-рост фикрлашиб олишни талаб этмоқда.

Политологиянинг объектини сиёсат, сиёсий жараёнлар белгилаб, унинг предметини сиёсий ҳокимиятнинг қарор топиши, фаолияти ва қонуниятлари ташкил этади. Сиёсий фанлар йўналишидаги тадқиқотлар турли фанлар билан узвийликда амалга оширилади. Булар геосиёсат, геоиқтисод, тарих, география, ижтимоий психология, конфликтология, мамлакатшунослик, маданиятшунослик ва бошқалардир. Сўнгги вақтларда алоҳида бир йўналиш сифатида хавфсизликни, миллий хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий муаммолари ҳам тадқиқотлар объектига айланди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда сиёсий фанлар йўналишида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимояга қабул қилиш ва уни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузурида 23.00.02-“Сиёсий институтлар ва жараёнлар”, 23.00.03-“Сиёсий маданият ва мафкура” ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошида 23.00.04-“Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари” шифрлари бўйича ихтисослашган кенгашлар фаолият олиб бормоқда. Ушбу ихтисослашган кенгашлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг (ОАК) рухсатига кўра 09.00.10-“Сиёсат фалсафаси”, 19.00.12-“Сиёсий психология”, 23.00.01-“Сиёсий фанлар назарияси, тарихи ва методологияси” ихтисосликлари бўйича бир марталик ихтисослашган кенгашлар тузиб, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояларини ўтказмоқдалар.

1992 йилдан то ҳозирги кунга қадар, республикаимизда, сиёсий фанлар бўйича 41 та докторлик, 124 та номзодлик ишлари тайёрланиб, ҳимоялари ўтказилди. Фан докторларининг 6 нафари 09.00.10, 1 нафари 19.00.12, 1 нафари 23.00.01, 17 нафари 23.00.02, 6 нафари 23.00.03, 10 нафари 23.00.04 ихтисослик шифрлари бўйича ҳимоя қилганлар.

Фан номзодларининг 7 нафари 09.00.10, 2 нафари 23.00.01, 64 нафари 23.00.02, 12 нафари 23.00.03, 36 нафари 23.00.04 ихтисослик шифрлари бўйича ҳимоя қилганлар. 2 нафар докторлик ва 3 нафар номзодлик ишларининг ҳимояси ёпиқ тарзда амалга оширилган.

Юқорида келтирилган рақамлар шундан далолат берадики, йилдан-йилга мамлакатимизда сиёсатни тушунадиган ва тўғри тушунтириб бера оладиган, уни кузатиб борадиган, таҳлил этадиган, ҳолисона баҳолай оладиган, Ўзбекистонда,

қўшни давлатларда ва бутун дунёда кечаётган жараёнлар ҳақида сиёсий тафаккур ва илмий мушоҳадага эга бўлган миллий сиёсатшунослар қатлами шаклланиб келмоқда. Ушбу кадрлар бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида, илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида, фондларда, жамоат ва нодавлат ташкилотларида, вазирлик ва идораларда меҳнат қилиб, ўз билим ва маҳоратларини Ўзбекистоннинг мустақкам пойдеворини қуриш йўлида сафарбар қилиб келмоқдалар. Улар томонидан тайёрланаётган илмий мақолалар, таҳлилий хужжатлар, рисоалар, монографиялар, ўқув қўлланма ва дарсликлар жамиятимиз аъзолари ва биринчи галда, ёшларимизнинг сиёсий онги, сиёсий маданиятини шакллантириш йўлида керакли дастуруламал бўлмоқда десак муболаға бўлмайди. Айрим олимларимизнинг илмий мақола ва китоблари хорижий мамлакатларда ҳам чоп этилиб, Ўзбекистонни дунёга танитиш борасида муҳим омил бўлмоқда.

Бироқ, сўнгги йилларда, юқорида қайд этилган ютуқларнинг соясида, ОАК талабларига жавоб бермайдиган айрим номзодлик ва ҳатто, докторлик ишлари тайёрланиб, ҳимояларга олиб чиқилмоқда. Олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг назарий савиясига оид бир қатор камчиликлар борлигини, жаҳондаги етакчи сиёсатшунослик мактабларининг илғор тажрибалари чуқур ўрганилмаётганлигини, тизимли ва стратегик таҳлилни амалга ошириш, истиқболни белгилаш (прогноз) салоҳиятига эга мутахассисларнинг етишмаслигини, сиёсий фан билан амалиёт ўртасидаги ўзаро алоқа механизмларининг заифлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг асосий сабаблари нималардан иборат ва бу борада қандай муаммолар бор? Келинг қуйида шу ҳақда ҳам мушоҳада юритиб кўрайлик.

Биринчидан, сўнгги йилларда “сиёсатшунос”, аниқроғи “сиёсатчи” бўламан деганларнинг сони ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, таҳсинга лойиқ ҳолат, албатта, Чунки, Ўзбекистонда кечаётган сиёсий жараёнларда иштирок этиш, сиёсий билим ва малакага эга бўлишни кўпчилик истайди. Лекин бу ўринда биргина истакнинг ўзи камлик қилади.

Маълумки, бугунги кунда политология йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш мамлакатимиздаги икки олий ўқув юртида амалга оширилмоқда. Булар, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институтларидир. Шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида халқаро муносабатлар соҳасида бўлажак мутахассислар тайёрланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ҳам сиёсий фанлар йўналишлари бўйича магистрлар тайёрланади. Ўтган йиллар ичида ушбу олий даргоҳларни мингдан зиёд ёшларимиз битириб чиқиб, бакалавр ва магистр даражаларига эришдилар. Аммо, бугунги кунга қадар сиёсий фанлар бўйича номзодлик ва докторлик ишларини ҳимоя қилганларнинг аксарият қисми асосий таълим йўналишига кўра сиёсатшунос эмаслар. Албатта, политология йўналиши бўйича берилган диплом, унинг эгаси “сиёсатшунос” ёки “сиёсатчи” бўлиб қолди дегани эмас. Лекин, сиёсий фанлар бўйича илмий иш ёзишни мақсад қилган тадқиқотчи сиёсий фанлар назарияси ва тарихини, унинг объекти ва предметини, сиёсий жараёнлар ва тизимлар, тушунча ва категорияларни мукаммал эгаллаган бўлиши лозим. Мутахассислик бўйича топшириладиган имтиҳон, ҳар доим ҳам бир неча йиллар давомида эгалладиган билим даражаси кафолатини бермайди. Боз устига, педагогика, тарих, фалсафа, ҳуқуқ, ҳатто аниқ фанлар бўйича номзодлик ишини ёқлаб, оз вақт ўтгач, айнан сиёсий фанлар бўйича фан доктори илмий даражасини олишга даъвогарлик қилаётганлар сони ортиб бормоқда. Бунинг натижасида, ҳимояга олиб чиқилаётган айрим номзодлик ва докторлик ишларининг назарий асослари пухта ишланиб чиқилмай, амалий жиҳатдан ҳеч кимга кераксиз бўлган “илмий ишланмалар” яратилмоқда.

Шу билан бир қаторда, сўнгги йилларда аспирантура ёки докторантурада таҳсил олмасдан туриб, тадқиқотчи ва изланувчи сифатида илмий иш ёзадиганлар кўлами кенгайиб қолди. Бунинг натижасида номзодлик иши ҳимоясидан сўнг, 1-2 йил ўтмасдан докторлик ишини ҳимояга олиб чиқаётган “олимларимиз” кўпайиб бормоқда. Албатта, юқори мартаба эгасининг сиёсий фанлар доктори номига эга бўлиши таҳсинга лойиқ ҳолат. Бироқ, ҳеч бир лавозим эгасининг ақл-заковати, фикрлаш доираси, дунёқараши, ватанпарварлик ёки инсонийлик ҳис-туйғулари унинг қандай диплом эгаси эканлиги билан белгиланмаслигини унутмаслигимиз лозим.

Иккинчидан, сиёсий фанлар соҳасида ҳимояга олиб чиқиш учун танланаётган мавзулар қониқарли даражада эмас. Одатда, мавзуни тадқиқотчи танлайди ёки илмий раҳбар, илмий маслаҳатчи тавсия этади. Лекин мавзу қаерда танланади, уни танлашдан мақсад нима, ушбу мавзу бўйича яратилган диссертациянинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти нималардан иборат бўлади, буни муаллиф ўзига аниқ тасаввур этмоғи лозим. “ОАК Бюллетени” журналида чоп этишга жўнатилаётган мавзулар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда танланган мавзу билан ихтисослик шифрлари ўртасида тафовут бор. Айрим муаммо ва масалалар бўйича қайта-қайта мавзулар танланиб, улар бўйича мазмунан бири-бирига жуда яқин бўлган диссертациялар тайёрланмоқда. Масалан, “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” нисбатан янги халқаро ташкилот бўлишига қарамасдан, бу мавзуга бағишланган тўртинчи номзодлик иши ёзилмоқда. Тўғри, бунга ҳеч ким монелик қила олмайди. Бироқ, тадқиқотчиларимиз имкон қадар осон йўлдан боришга, юзада турган мавзуларга қўл уришга ҳаракат қилмоқдалар.

Албатта, мавзудаги сўзларнинг тўғри танланиши, жумлаларнинг равлонлиги жуда муҳим. Лекин, чиройли жумлалар тузиш мақсадида “геосиёсат”, “глобаллашув”, “стратегия”, “миллий манфаатлар”, “интеграция” каби баландпарвоз сўзларни, уларни моҳиятини яхши англамасдан туриб, мавзуга қўшиш ҳоллари кузатилмоқда. Ишнинг назарий бобларида эса, бу каби терминларнинг мазмун-моҳиятини тадқиқотчилар чуқур очиб бера олмаяптилар. Ундан ташқари шундай ишларга дуч келяпмизки, мавзу долзарб, ихтисослик шифрига мос, лекин диссертацияни ўқиб чиқсангиз, унинг мазмуни умуман бошқа ихтисослик шифрига тўғри келади. Бу ҳолат, одатда, илмий раҳбарнинг диссертация мавзуси ёки мазмунини ўз илмий йўналишига мослаштиришга ҳаракат қилаётганлиги натижасида рўй бермоқда. Ҳар бир илмий раҳбар келажакда ўз илмий мактабини шакллантиришга интилаётганлиги тушунарли ҳолат албатта, лекин бу тадқиқотчининг эркинлигини чегаралаш эвазига амалга оширилмаслиги лозим. Назаримизда, ҳар қандай илмий тадқиқот мавзусининг ўз буюртмачиси бўлиши керак. Республика миқёсида сиёсий фанлар соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар мавзусини танлаш, баҳолаш ва тасдиқлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини йўлга қўймас эканмиз, бу тариқа камчиликлар олдини олиб бўлмайди.

Таҳлил этилаётган вақт оралиғида, 23.00.01-“Сиёсий фанлар назарияси, тарихи ва методологияси” ихтисослик шифридан фақатгина 1 та докторлик ва 2 та номзодлик ишлари ҳимоя қилинган. Ушбу ихтисослик шифри бўйича танланадиган мавзулар нақадар долзарб эканлиги, уларни бажариш учун чуқур назарий, тарихий билим ва кўникмалар зарурлигини ҳаммамиз яхши англаймиз. Шунингдек, бу йўналишда чуқур изланишлар олиб бориш учун узоқ йиллар керак бўлиши ҳам маълум. Бироқ, миллий давлатчилик тарихимизни, юқорида номлари тилга олинган алломалар, фозилу-фузалоларнинг бизга қолдирган сиёсий мерослари, уларнинг сиёсий тафаккурлари, бу борада улар томонидан яратилган қўлёзмалар, китобларни, манбаларни излаб топишга, ўрганишга, таҳлил этишга ва шу асосда

сиёсий фанимиз учун жуда керакли бўлган илмий янгиликлар очишга интилаётган тадқиқотчиларимиз етишиб чиқмаяпти. Бу ўта мураккаб ва савобли ишни амалга ошириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Учинчидан, тайёрланаётган ҳар қандай номзодлик ва айниқса, докторлик ишлари чуқур назарий ва методологик асосга эга бўлиши кераклигини ҳаммамиз яхши биламиз. Илмий ишларнинг назарий ва методологик асосини Президент И.А.Каримовнинг фалсафий ҳамда концептуал хусусиятга эга бўлган асарлари, турли хил илмий концепциялар, назариялар, олимларимиз ва хорижий мамлакатлардаги сиёсатшуносларнинг фундаментал асарлари ташкил этади. Улардан тўғри ва ўринли фойдаланиш илмий ишнинг ютуғини белгилаб берувчи муҳим омилдир.

Сиёсатшуносларимизнинг аксарият қисми ўз тадқиқотларида Россияда, Ғарб ва Шарқ мамлакатларида чоп этилган манбаларга нисбатан кўпроқ таяниб изланиш олиб борадилар. Бир тарафдан бу тушунарли, албатта. Бироқ, Ўзбекистон вакили томонидан ёки мамлакатимиз ҳудудида яратилаётган ҳар қандай илмий иш бизнинг сиёсий ҳаётимиз тарихи билан, мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, ташқи сиёсатимиз устуворликлари, қолаверса миллий манфаатларимизни таъминлаш масаласи билан узвий боғланган бўлиши керак. Ҳар қандай хорижий илмий манбадан фойдаланиш қиёсий, танқидий, баҳс-мунозара тарзида амалга оширилса, ўринли бўлади. Лекин, кўпчилик диссертацияларда айнан баҳс-мунозара етишмайди. Иқтибос олинаётган манба муаллифининг фикри тўғридан-тўғри кўчириб олиниб, ҳеч бир шарҳсиз, у билан мунозарага киришмасдан диссертацияларга киритилмоқда. Айрим бу тариқа ёндошув билан тайёрланган илмий ишларни ўқиб, диссертантнинг ўз шахсий фикри, нуқтаи-назари қаерда деган савол туғилади. Шу билан бирга, миллий-маънавий негизларга бир ёқлама устуворлик бериб, умуминсоний қадриятларни ҳам унутиб қўйиш нотўғри. Илм кўп қирраликни ва холисликни талаб этади.

ОАК экспертизасидан ўтаётган диссертацияларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, баъзи тадқиқотчиларимиз манбаларнинг асл нусхаларини ўрганмасдан туриб, иккиламчи манбалардан фойдаланмоқдалар. Яъни бошқа бир тадқиқотчининг илмий ишидаги адабиётлар рўйхати асосида диссертацияларда иқтибослар келтирмоқдалар. Боз устига, фикр, жумла, айрим вақтларда тўлиқ бир қисмлар кўчириб олинган, лекин манбаларга иқтибослар берилмаган ҳолатлар учрамоқда. Россияда ва бошқа мамлакатларда чоп этилган илмий адабиётларни ўзбек тилига ўгириб, шу илмий таҳлилларни, фикр-мулоҳазаларни ўзиникидек баён қилаётган, фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига даъвогарлик қилган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас. ОАК экспертизаси вақтида бу тариқа ишлар аниқланиб, ихтисослашган кенгашларга тегишли танбехлар билан қайтариб юборилмоқда.

Жумладан, 2006 йили 23.00.04 ихтисослик шифри бўйича ёқланган 1 та номзодлик иши бўйича, 2008 йили 23.00.02 ихтисослик шифри бўйича ёқланган 2 та докторлик ва 23.00.03 ихтисослик шифри бўйича ёқланган 1 та номзодлик ишлари бўйича, 2009 йили 23.00.04 ихтисослик шифри бўйича ёқланган 1 та номзодлик иши бўйича, 2010 йили 09.00.10 ихтисослик шифри бўйича ёқланган 1 та докторлик ва 1 та номзодлик, 23.00.02 ихтисослик шифри бўйича ёқланган 1 та докторлик ишлари бўйича ОАК экспертизаси вақтида жиддий камчиликлар аниқланиб, улар қониқарсиз баҳоланди, тадқиқотчилар, уларнинг илмий раҳбарлари ва маслаҳатчилари, ушбу диссертацияларни ҳимояга қабул қилган ихтисослашган кенгашлар, оппонентлар, етакчи ташкилотлар номига эътирозлар билдирилди.

Ҳар қандай диссертация иши – бу илм. Биз олий маълумот олгач, ўз билимларимиз доирасини кенгайтириш мақсадида аспирантурада таҳсил оламиз,

номзодлик иши, кейинчалик эса докторлик ишларини ёзамиз. Айнан илм олиш учун изланамиз, нина билан қудуқ қазигандай меҳнат қиламиз. Бу тариқа ёзилган ҳар қандай иш инсонни янада чуқурлаштиради, маънан бойитади, уни забардаст ва кенг қамровли ақл-заковат эгаси қилиб тарбиялайди. Бугунги кунда Ўзбекистондан ҳам турли хил фан йўналишларида илм излаётган ана шундай забардаст олимлар етишиб чиқмоқда. Уларнинг асосий мақсади илм яратиш, илмий мактаб шакллантириш, бинобарин, дунёга ўзбек деган улуғ номни тарқатишдир. Шундай экан, биз ҳамкасбларимизни илмий изланишларга қўл уришдан аввал, ўз салоҳиятларини тарозуга қўйиб кўришларини таклиф этмоқчимиз.

Тўртинчидан, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг дастлабки экспертизаси талаб даражасида эмас. Диссертация тайёр бўлгач, унинг илк муҳокамаси кафедрада ўтказилади. Сўнгра бу жараён муаммовий, илмий-мувофиқлаштирувчи кенгашларда, ихтисослашган кенгашлар қошидаги семинарларда амалга оширилади. Диссертацияларнинг қўшимча тарзда, мутахассислик йўналишига хос турли олий ўқув даргоҳларида ташқи экспертизалардан ўтиб келиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Иш ҳимояга қабул қилинган, аввал экспертлар гуруҳи, сўнгра оппонентлар уни кўриб чиқадилар, баҳолайдилар ва ҳимояга тавсия этадилар. Ана шу босқичда диссертация ундаги мавжуд барча назарий, услубий, имло, жумлавий, техник ва бошқа камчиликлардан ҳоли қилинган бўлиши лозим. Чунки ҳар қандай диссертация иши тадқиқотчининг, унинг илмий раҳбарининг ва қолаверса, уни ҳимоядан ўтказган ихтисослашган кенгашнинг юзидир.

ОАК экспертизасига келган номзодлик ва докторлик ишлари билан танишиш шуни кўрсатмоқдаки, баъзи тадқиқотчиларимиз илмий ишнинг объекти ва предметини белгилашда ноаниқликларга йўл қўймоқдалар. Айниқса, ишнинг предмети диссертация мавзусидан йироқлашиб кетган, унинг мақсади, вазифалари диссертация тузилишига мос келмайдиган, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар ва диссертациянинг илмий янгилиги аксиомалардан иборат бўлиб қолган, хулосалар илмий асосланмаган, берилган таклиф ва тавсиялар ҳеч бир амалий аҳамиятга эга бўлмаган ишлар сони кўпайиб бормоқда. Айрим диссертациялардаги боблар ва фасллар (параграфлар)нинг номланиши бир масалага бағишланган, лекин уларнинг мазмуни эса бошқа бир масалага йўналтирилган ишлар учрамоқда. Боз устига, кўпчилик тадқиқотчиларимиз, айниқса, илмга энди кириб келаётган ёш олимлар таҳлил ва башорат қилиш услубларини яхши билмайдилар. Бунинг натижасида долзарб бир мавзу бўйича мавжуд мураккаб муаммолар, ҳолатлар юзаки таҳлил қилинмоқда ва улар бўйича юзаки хулосалар чиқарилмоқда.

Сиёсий фанлар бўйича, айниқса, сиёсий институтлар ва жараёнлар ихтисослиги йўналишида диссертация тайёрлаётган олимларимиз “жараён майдонларидаги тадқиқотлар”, фокус-гуруҳлар, “ақлий ҳужум”, сценарийлар, моделлаштириш, экстраполяция, статистик таҳлил, сиёсий жараёнларда бевосита ёки билвосита иштирок этиш орқали кузатув, қиёсий баҳолаш ва тизимли таҳлил услубларидан талаб даражасида фойдаланмаяптилар. Бунинг натижасида ҳаётдан узилиб қолган, жамиятда кечаётган сиёсий жараёнларнинг келиб чиқиш сабаблари, туб моҳияти ва мазмуни чуқур очиб берилмаган илмий ишлар ҳимояга олиб чиқилмоқда.

Шундай номзодлик диссертациялари борки, улар билан танишсангиз, у ерда йўл қўйилган юзлаб имло, жумлавий, техник хатоларни, ОАК талабларининг қўпол равишда бузилганлигини кўриб хайратга тушасиз. Бунинг асосий сабаби, дастлабки экспертизанинг пухта ўтказилмаслигида, ихтисослашган кенгашлар илмий котибларининг, оппонентлар ва рецензентларнинг ўз масъулиятларига совуққонлик билан қарашларидадир. ОАК экспертизаси вақтида қониқарсиз

баҳоланган докторлик ва номзодлик ишлари ихтисослашган кенгашларда бир овоздан маъқулланиб ўтказиб юборилганлигини, оппонентлар ва етакчи ташкилотлар берган хулосалар фақат ижобий бўлиб қолганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Назаримизда, дастлабки экспертиза жараёни ихтисослашган кенгашлар раислари, ушбу илмий иш тайёрланаётган кафедралар раҳбарлари томонидан қаттиқ назоратга олиниши лозим.

Ундан ташқари, диссертациялар ҳимояга қабул қилиб олингунга қадар, уларни ҳолис эксперт, шу соҳанинг мутахассиси томонидан ўқиб, баҳоланишини йўлга қўйиш таклифини ўрганиб чиқиш вақти келди деган фикримиз бор. Ҳолис эксперт ОАК талаблари даражасида диссертация маромига етказилганлигига эришгандан сўнг, уни ҳимояга қабул қилишга тавсия этади. Бу таклиф, баҳсталаб, албатта. Бу борада яқуний хулосани ихтисослашган кенгашлар чиқармоқлари керак.

Бешинчидан, тадқиқотчиларимиз томонидан чоп этилаётган илмий мақолалар, рисоалар, монографиялар, ўқув қўлланмалар ва дарсликларнинг савияси талаб даражасида эмас. Одатда, номзодлик диссертациясини ёзаётган тадқиқотчилар камида 5 та илмий мақолалар чоп этиши керак. Шулардан, камида 2 таси ОАК томонидан эътироф этилган илмий журналларда бўлиши лозим. Докторлик диссертациясини ҳимояга олиб чиқаётган тадқиқотчилардан умумий сони 20 дан кам бўлмаган илмий ишлар эълон қилиш талаб этилмоқда. Шулардан, камида 10 таси ОАК томонидан эътироф этилган илмий журналларда бўлиши зарур. Шунингдек, фан докторлари ягона муаллифликда 1 та монография чоп этишлари талаб этилади. Чоп этилган мақолалар диссертация мавзусига мос ва унинг мазмунидан келиб чиққанлигига эътибор қаратилади. Сўнгги вақтларда, шунингдек, сиёсий фанлар йўналишида доцент ва профессор илмий унвонларига даъвогар илмий даража эгаларининг ўқув қўлланмалари нашрдан чиқмоқда.

ОАК номига юборилаётган аттестация ишларидаги илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим диссертантлар номи бир ёки мазмуни жуда ҳам бир-бирига яқин мақолаларни турли журналларда чоп эттириб, илмий ишлар сонини кўпайтиришга уринмоқдалар. Илмий унвонга даъвогар айрим ҳамкасбларимиз Россияда чоп этилган илмий ишларни Интернетдан олиб, ўқув қўлланма тарзида, ўз номларидан ўзбек тилида нашр эттирмоқдалар. Шу билан биргаликда, “Политология” фани бўйича кетма-кет, турли олимлар гуруҳи томонидан сўнгги 10 йил ичида бир неча мартаба ўқув қўлланмалар тайёрланиб, чоп эттирилди. Лекин уларнинг мазмуни, муаллифлар гуруҳи турли бўлишига қарамасдан, 90 фоизга бир хил. Боз устига, сўнгги йилларда халқаро муносабатлар, геосиёсат, ташқи сиёсат масалаларига бағишланган бир неча монографиялар чоп эттирилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда. Аммо ушбу ўқув қўлланмалар, монографияларнинг илмий-назарий савияси ва амалий аҳамияти талаб даражасида баҳоланиб, марказлашган тарзда экспертизадан ўтказилмаяпти.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза бор. Сиёсий фанлар соҳасида қалам тебратаётган олимларимизни бугунги кунда дунё таниши керак. Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқларимиз ва муаммолар, мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати, дунёда кечаётган сиёсий жараёнларга бизнинг муносабатимиз ҳақида чуқур мулоҳазали, ҳолис мақолаларнинг хорижий мамлакатлардаги таниқли илмий журналларда чоп этилишига бизда эҳтиёж катта. Шунинг учун, фан доктори илмий даражасига ёки профессор илмий унвонига даъвогар ҳамкасбларимиздан хорижий мамлакатларда камида 3 та, фан номзоди илмий даражаси ва доцент илмий унвонига даъвогарлар учун хорижда чоп этилган камида 1 та илмий мақолалар бўлиши зарурлиги белгилаб қўйилиши керак.

Бугунги кунда сиёсий фанлар мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида

босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилиб, бунданда юксакроқ марраларга эришмоғимизга тўсиқ бўлаётган иллатларни аниқлаб, уларга сиёсий баҳо бериб, уларни бартараф этишнинг йўлларини, механизмларини ишлаб чиқмоғи керак. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг чуқур мазмун-моҳияти, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳуқуқий, демократик жамият қуриш борасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳали кўплаб илмий ишлар яратилиши лозим. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларда тутган ўрнига бағишланган фундаментал илмий ишлар яратилиши вақти келди.

Мамлакатимизда политология фанини, сиёсий тадқиқотларни янада ривожлантириш хусусида қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** беришни жоиз деб биламиз:

1. Бундан буён сиёсий фанлар йўналишида, мавжуд ҳар бир ихтисослик шифрларига мос келадиган тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқ бўлган долзарб мавзулар рўйхатини ишлаб чиқиш бўйича ОАК қошида ишчи гуруҳи тузилишини таклиф этамиз. Ушбу рўйхатга жумладан, қуйидаги йўналишлар бўйича мавзулар киритилиши мумкин:

- сиёсий фанлар тарихи ва назариясига оид;
- сиёсий фанлар методологияси, яъни ички ва ташқи сиёсат узвий боғлиқлигининг механизмларини ишлаб чиқишга, XXI асрда дунё ҳамжамияти ривожланишининг янги йўналишлари ва омилларини ўрганишга, Ўзбекистоннинг умумжаҳон миқёсида янада илғор ўринларга чиқиб боришининг сиёсий механизмларини ишлаб чиқишга оид;

- Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги ютуқлар ва мавжуд муаммоларни илмий жиҳатдан чуқур ва тизимли таҳлил этишга оид;

- Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан турли йўналишлардаги муносабатларига оид;

- мамлакатимиз атрофидаги геосиёсий камарларда жойлашган минтақавий давлатлар ва “куч марказлари”нинг Марказий Осиёда тўқнаш келган муштарак ва зиддиятли манфаатларини, ҳамда уларнинг иқтисодий ва сиёсий-ҳарбий қудратларининг ўсиб боришига ва бу жараёнларнинг Ўзбекистонга таъсирини чуқур ва комплекс тарзда ўрганишга оид;

- умумжаҳон ва минтақавий даражадаги геосиёсий омилларнинг алоҳида олинган давлат ёки аниқ бир давлатлар гуруҳига таъсирини тадқиқ этишга оид;

- дунёдаги глобаллашув ва регионализм жараёнлари ҳамда уларнинг давлатлар миллий манфаатларига, геостратегиясига таъсирини ўрганишга оид;

- АҚШ, Россия, Хитой, Европа Иттифоқи, Япония, ислом дунёси, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаларини ўрганиш билан боғлиқ мамлакатшунослик ва минтақашунослик тадқиқотларини ривожлантиришга оид ва бошқалар.

Бироқ, ҳар бир тадқиқотчи ушбу рўйхатга кирмаган, унинг нуқтаи-назарига кўра илмий янгилик яратишга молик бошқа бир мавзунини танлаш имкониятига эга эканлиги алоҳида белгилаб қўйилиши лозим.

2. Сиёсий фанлар бўйича республика миқёсида фаолият олиб борадиган Мувофиқлаштириш кенгашини тузишни таклиф этамиз. Унинг зиммасига қуйидаги вазифаларни юклаш мақсадга мувофиқдир:

- сиёсий фанлар бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларининг тадқиқотчилар томонидан танланган мавзуларини кўриб чиқиш, баҳолаш ва тасдиқлаш;

- сиёсий фанлар йўналиши бўйича тайёрланган монографиялар, ўқув қўлланма ва дарсликларни ўрганиш, таҳлил этиш, баҳолаш ва Мувофиқлаштириш кенгаши орқали нашрга тавсия этиш;

- “Политология”, “Геосиёсат”, “Халқаро муносабатлар” фанлари йўналишида республика миқёсида эътироф этиладиган янги ягона дарсликларни тайёрлаш ва нашр этиш бўйича муаллифлар гуруҳини белгилаш.

3. Сиёсий фанлар соҳасида илмий фаолият олиб бораётган республика олимларининг доимий мулоқотларини, баҳс-мунозараларини, баҳамжиҳатликларини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон политологлари уюшмасини ташкил этишни тавсия этамиз.

4. 2011 йили Тошкент шаҳрида политологларнинг республика II илмий-амалий конференцияларини ташкил этишни ва унда, сиёсий фанларнинг ҳолати, мавжуд муаммоларни муҳокама этиб, истиқболларни белгилаб олишни тавсия қиламиз (I конференция 2001 йил 18 октябрда бўлиб ўтган).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли фундаментал асарида таъкидлаганидек, янги аср халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлади¹. XXI аср сиёсий харитасида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, бир томондан глобаллашув жараёнлари, давлатлар, жамиятлар ҳаёт-мамотининг бир-бирига ўта боғлиқлигининг кучайиб бориши, бошқа томондан ноанъанавий таҳдидлар – халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизм, қурол-яроғ ва одам савдоси, гиёҳвандлик бизнеси каби таҳдидлар кўламининг кенгайиб бораётганлиги политология фани олдида ҳам бўлажак илмий тадқиқотлар борасида катта вазифалар қўймоқда.

Мамлакатимизнинг сиёсатшунос олимлари ушбу вазифаларни чуқур англаган ҳолда, истиқлолимизни янада мустақамлаш, ҳур ва навқирон Ўзбекистонимизнинг ёруғ келажagini, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада ошириш, миллий хавфсизлигимиз ва миллий манфаатларимизни кенг кўламда таъминлаш йўлида ўз билим ва шижоатларини, тинимсиз меҳнатларини аямайдилар деб умид билдирамыз.

Номзодлик имтиҳонларини ўтказилиши тўғрисида ахборот

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида Низом»га мувофиқ ОАКга номзодлик имтиҳонларини қабул қилиш ҳуқуқи берилган муассасаларни назорат тариқасида ўрганиш ваколати берилган.

ОАКнинг назорат режасига мувофиқ 2010 йилнинг 18 май куни ЎзР ФА Санъатшунослик институтида, 25 май куни Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университетида ҳамда 28 май куни Тошкент давлат педагогика университетида номзодлик имтиҳонларини ўтказиш назорат тариқасида ўрганилди.

Мазкур масалани ЎзР ФА Санъатшунослик институтида ўрганиш натижасида қуйидаги камчиликлар аниқланди: имтиҳонни қабул қилиш бўйича имзоланган буйруқларда (27.04.2010й., № 15-И, № 16-И, № 17-И) тегишли ишларни ташкил

¹ Қаранг: Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. – Т: Ўзбекистон, 1997. – Б. 286-313.

этиш бўйича масъул шахс белгиланмаган; имтиҳон топширувчиларнинг ҳужжатлари тегишли равишда расмийлаштирилмаган; имтиҳон комиссиясининг аксарият аъзолари имтиҳонга келмаган; номзодлик имтиҳонини ўтказишнинг ташкилий масалалари ҳам ОАКнинг “Номзодлик имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” талаблари асосида амалга оширилмаган. Аниқланган камчиликлар сабабли имтиҳонни қабул қилиш тўхтатилди. Номзодлик имтиҳонларини ташкил этишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ЎзР ФА Санъатшунослик институти директорининг буйруғи билан тегишли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, директорнинг тегишли буйруғи билан имтиҳонга келмаган 3 нафар комиссия аъзоси қаттиқ огоҳлантирилди.

Ўзбекистон Миллий университетида номзодлик имтиҳонини ўтказиш ишлари мавжуд тартиб-қоида асосида ташкил этилган.

2009 йилнинг ноябрь ойи имтиҳонлар сессиясида Тошкент давлат техника университети (“Фалсафа, миллий истиқлол ғояси ва фан методологияси” фани) ва Тошкент давлат педагогика университетида (13.00.01, 13.00.02, 13.00.08, 19.00.05, 19.00.06, 19.00.07 ихтисосликлари) номзодлик имтиҳонларини ўтказиш назорат тариқасида ўрганилган эди. Номзодлик имтиҳонларини ўрганиш натижасида уларда қатор камчиликлар аниқланган ва университетлар раҳбариятига ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган эди. 2010 йилнинг май ойи имтиҳонлар сессиясида Тошкент давлат техника университети (“Чет тили” фани) ва Тошкент давлат педагогика университетида (“Фалсафа, миллий ғоя ва фан методологияси” фани) номзодлик имтиҳонларини ўтказиш назорат тариқасида қайта ўрганилди. Университетларда номзодлик имтиҳонларини ўтказиш ишлари “Номзодлик имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” талаблари асосида ташкил этилган.

Номзодлик имтиҳонларини Низом талаблари асосида ташкил қилишни таъминлаш мақсадида, жумладан, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

номзодлик имтиҳонларини белгиланган муддатларда имтиҳон комиссиялари аъзоларининг тўлиқ иштирокида ўтказилишига алоҳида эътибор бериш;

имтиҳонларни “Номзодлик имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” талаблари асосида ташкил этиш.

Номзодлик имтиҳонларини Низом талаблари асосида ташкил қилиш тегишли илмий-ташкилий ишларнинг самарадорлигини оширишга ҳамда тадқиқотчилар билимларини ҳолисона баҳолашга хизмат қилади.

Таҳририят

Ихтисослашган кенгашлар фаолиятини назорат тариқасида ўрганиш натижалари тўғрисида ахборот

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида Низом»га мувофиқ ОАКга ихтисослашган кенгашлар фаолиятини назорат тариқасида ўрганиш вазифаси юклатилган.

ОАКнинг назорат режасига мувофиқ 2010 йилнинг 10 июнь куни Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги К.128.10.01 рақамли, 16 июнь куни ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д.015.04.01 рақамли ва 22 июнь куни Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги

Д.020.44.01 рақамли ихтисослашган кенгашлар фаолияти назорат тариқасида ўрганилди.

Назорат тариқасида ўрганилган ихтисослашган кенгашларда иш юритиш ва аттестация ишларини мавжуд талаблар асосида шакллантирилганлиги ҳамда диссертация ишлари ҳимояларининг ОАК Низомлари талаблари асосида ташкил этилганлиги кузатилди.

Мазкур ихтисослашган кенгашлар аъзолари билан ўтказилган йиғилишларда уларга диссертация ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Шунингдек, диссертация ишлари илмий натижаларининг нуфузли хорижий ихтисослашган илмий журналларда чор этишнинг аҳамияти, олинган илмий натижаларни халқаро экспертизадан ўтказишни такомиллаштириш ҳамда олимларимизнинг илмий ютуқларини жаҳонда тарғиб қилиш каби масалалар тўғрисида фикрлар билдирилди.

Тахририят

ЎЗР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 24 июн

№ 166/6

Тошкент ш.

***Миллий ғоя, мафкура ва мамлакатимиз тарихи мавзуси
бўйича фалсафа, тарих, сиёсий ва педагогика фанлари
соҳаларида бажарилган докторлик ва номзодлик диссертациялари
илмий натижаларини «ZiyoNET» ахборот порталида
жойлаштириш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги «“Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида»ги 1271-сонли қарорининг 92-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «Миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи мавзулари бўйича веб-ресурсларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари режаси» лойиҳаси ишлаб чиқилди, белгиланган тартибда манфаатдор вазирлик ва идоралар, жумладан, ОАК билан келишилди ва тасдиқланди. Тасдиқланган ушбу чора-тадбирлар режасининг 1.6-бандига кўра миллий ғоя, мафкура ва мамлакатимиз тарихи мавзуси бўйича бажарилган докторлик ва номзодлик диссертациялари илмий натижалари «ZiyoNET» ахборот порталига жойлаштирилиши белгиланган.

Юқоридагилар асосида

ОАК Раёсати қарор қилади:

1. 2010 йилнинг 1 майдан бошлаб авторефератларнинг электрон нусхаларини «ZiyoNET» ахборот тармоғи порталига ва ихтисослашган кенгаш (ташкилот, муассаса) веб-сайтига диссертация ҳимоясидан бир ой олдин мавжуд талаблар асосида жойлаштириб борилиши ҳамда ушбу вазифа ихтисослашган кенгашлар раҳбариятига юклатилганлиги маъқуллансин.

2. Миллий ғоя, мафкура ва мамлакатимиз тарихи мавзуси бўйича фалсафа, тарих, сиёсий ва педагогика фанлари соҳаларида бажарилган докторлик ва номзодлик диссертациялари илмий натижалари «ZiyoNET» ахборот порталига жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. Фалсафа, тарих, сиёсий ва педагогика фанлари бўйича илмий даражаларга талабгорларнинг ОАК «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида Низом» талабларига мувофиқ докторлик диссертацияси бўйича 20 та илмий ишларидан икkitаси ҳамда номзодлик диссертацияси бўйича 5 та илмий ишларидан биттаси «ZiyoNET» ахборот порталига жойлаштирилсин ва улар диссертантнинг нашр ишлари қаторида ҳисоблансин.

4. Мазкур тартиб 2010 йилнинг 1 июль кунидан бошлаб амалиётга жорий этилсин.

**Раис в.б.
Бош илмий котиб**

**К.С.Султонов
А.Т.Юсупов**

ЎЗР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 24 июн

№ 166/7

Тошкент ш.

ОАК Раёсатининг 2010 йил 25 мартдаги 163/9-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ихтисослашган кенгашлар тизимини такомиллаштириш юзасидан ОАК Раёсатининг 2010 йил 25 мартдаги 163/9-сонли қарори билан белгиланган тегишли чора-тадбирларни пухта ва тўла бажариш учун ихтисослашган кенгашлар тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни чуқур ва атрофлича кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан барча фикрларни эътиборга олиб, тегишли ишларни амалга ошириш мақсадида

ОАК Раёсати қарор қилади:

1. Фаолият кўрсатиб турган барча ихтисослашган кенгашлар ваколат муддати 2010 йил 31 декабригача белгилансин.

2. ОАК эксперт кенгашлари ихтисослашган кенгашлар тизимини такомиллаштириш бўйича ОАК Раёсатининг 2010 йил 25 мартдаги 163/9-сонли қарори билан маъқулланган таклифларни 2010 йил 31 декабригача пухта ва тўла амалга оширсинлар.

3. ОАК Раёсатининг 2010 йил 25 мартдаги 163/9-сонли қарорининг 2, 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. ОАК ихтисослашган кенгашлари раиси, раис ўринбосари ва илмий котибининг ушбу вазифаларда сурункали ишлаш муддати 3 йил деб белгилансин ҳамда шу асосда ихтисослашган кенгашлар раҳбарларининг ротацияси амалга ошириб борилсин.

5. Ихтисослашган кенгашлар фаолият кўрсатиб турган ташкилотлар раҳбарлари ихтисослашган кенгаш раиси, раис ўринбосари ва илмий котиби ротацияси бўйича асосланган таклифларни 2010 йил 1 октябргача ОАКга тақдим этсинлар.

Раис в.б.
Бош илмий котиб

К.С.Султонов
А.Т.Юсупов

ЎзР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 29 апрел

№ 164/5

Тошкент ш.

Тиббий-терапевтик
фанлари бўйича эксперт кенгаши

ЎзР ОАК Раёсатининг 2008 йил 25 сентябрдаги 147/5 қарорига биноан тиббиёт фанлари бўйича илмий даражаларга талабгорларнинг мақолалари нашр этилиши шарт бўлган хорижий ихтисослашган илмий журналлар рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори ва номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган ушбу фан соҳаси юқори даражада ривожланган мамлакатларда нашр этиладиган тиббиёт бўйича ихтисослашган етакчи илмий журналлар рўйхатига «Гастроэнтерологический журнал “Вестник клуба панкреатологов” (Донецк, Украина)» журнали киритилсин.

Раис в.б.
Бош илмий котиб

К.С.Султонов
А.Т.Юсупов

ЎзР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 27 май

№ 165/4

Тошкент ш.

ЎзР ОАК Раёсатининг 2010 йил 25 февралдаги 162/5 қарори билан тасдиқланган филология фанлари бўйича илмий даражаларга талабгорларнинг мақолалари нашр этилиши шарт бўлган хорижий ихтисослашган илмий журналлар рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Филология фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган ушбу фан соҳаси юқори даражада ривожланган мамлакатларда нашр этиладиган филология бўйича ихтисослашган етакчи илмий журналларнинг қўшимча рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Раис в.б.
Бош илмий котиб

К.С.Султонов
А.Т.Юсупов

ЎзР ОАК Раёсатининг
2010 йил 27 майдаги
165/4-сонли қарорига
ИЛОВА

Филология фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган чет мамлакатларда нашр этиладиган ихтисослашган етакчи илмий журналлар қўшимча рўйхати

Миср Араб Республикаси

1. الادب – Ал-адаб
2. الأزهر – Ал-Азҳар
3. الأدب – Ал-Мусаввар
4. Хелвон университети илмий журнали
5. “Ал-Ҳилол” ёзувчилар уюшмасининг адабий, маданий журнали
6. مجلة كلية اللغات و الترجمة. جامعة الأزهر مصر («Тил ва таржима» илмий журнали)
Ал-Азҳар университети
7. “الصقفة الجديدة» («Янги маданият») Қоҳира давлат ижтимоий-маданий адабий журнали
8. “عين الشمس» (Айн-шамс университети илмий журнали)

Сурия Араб Республикаси

1. الموقف العربي – Ал-Мувқиф ал-арабий
2. المعرفة – Ал-Маърифа
3. الطريق – Ат-Тариқ

Кувайт

1. مجلة شهرية، سياسية، إقتصادية و إجتماعية "أوان"

Эрон Ислом Республикаси

1. “Soxan-e ešq” – “Ишқ сўзи” Форс тили ва адабиёти бўйича жаҳоний ахборотнома
2. “Nāme-ye farhangestan-e olum”. Фанлар академияси ахборотномаси.
3. “Nāme-ye pārsi” “Порс хати”. Форс тили ва адабиётини ривожлантириш кенгаши ойномаси
4. “Irān šenātx” “Эроншунослик”. Ҳамдўстлик мамлакатлари ва Кавказ эроншуносларининг ахбороти
5. “Majalle-ye dāneškadeye adabiyāt va olum-e ensāni”. Машҳад университети журнали

Афғонистон Ислом Республикаси

1. “Кобул” журнали. Афғон академияси илмий нашри
2. “Пашту” журнали. Академия нашри
3. “Ариёна”. Илмий журнал
4. “Пашту”. Пешавар университети илмий журнали

5. Кобул университети илмий журналы
6. “Адаб”. Илмий журнал

Хитой Халқ Республикаси

1. “Beijing daxue” Пекин университети
2. “Beijing uyuan daxue” Пекин тиллар университети
3. “Beijing zhongyang minzu daxue” Пекин марказий миллатлар университети
4. “Beijing shifan daxue” Пекин педагогика университети
5. “Beijing shoudu shifan daxue” Пекин пойтахт педагогика университети
6. “Xi'an waiyu daxue” Сиянь чет тиллари университети
7. “Yunnan shifan daxue” Юннань педагогика университети
8. “Shihezi shifan daxue” Шихэзи педагогика университети
9. “Xinjiang daxue” Синцзян университети
10. “Tianjin daxue” Тяньзинь университети
11. “Tianjin nankai daxue” Тяньзинь Нанкай университети
12. “Tianjin shifan daxue” Тяньзинь педагогика университети
13. “Changchun dongbei shifan daxue” Чанчун педагогика университети
14. “Shanghai shifan daxue” Шанхай педагогика университети
15. “Lanzhou daxue” Ланчжоу университети

Япония

1. Цукуба университети илмий журналы
2. Хосей университети илмий журналы
3. Фукусима Гакуин институти илмий журналы
4. Токио чет тиллар институти илмий журналы

Жанубий Корея Республикаси

1. Каннам университети илмий журналы (“Korean studies”)
2. Ханкук университети илмий журналы
3. Кукмин университети илмий журналы
4. Ханшин университети илмий журналы
5. Намсеул университети илмий журналы
6. Чунгбук университети илмий журналы

Ҳиндистон Республикаси

1. Деҳли университети илмий журналы
2. Мумбай университети илмий журналы
3. Колкатта университети илмий журналы
4. Агра университети илмий журналы
5. Алигарх университети илмий журналы
6. Аҳмадобод университети илмий журналы
7. Жавахарлал Неру университети илмий журналы
8. Жамия Миллия университети илмий журналы
9. Indian Linguistics (“Ҳинд тилшунослиги”) илмий журналы, Ченнай
10. Indian Literature (“Ҳинд адабиёти”) илмий журналы

Покистон Ислом Республикаси

1. Халқаро ислом университети илмий журналы
2. Лаҳор университети илмий журналы
3. Карачи университети илмий журналы
4. Пешавар университети илмий журналы

Туркия

1. “Edebiyat topluluğu” Туркия Инону университети журналы (Türkiye Cumhuriyeti İnönü Üniversitesi)
2. “Güncel Sanat” Маданият, санъат, адабиёт журналы. (Türkiye Cumhuriyeti Antalya) (Kültür, Sanat, Edebiyat dergisi)
3. “Kardeş kalemler” Евро-Осиё Туркия Ёзувчилар Уюшмасининг ойлик адабий, маданий журналы (Aylık Avrasya Edebiyat dergisi)

ЎЗР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 29 апрел

№ 164/6

Тошкент ш.

Қишлоқ-хўжалиги ва Техника
фанлари бўйича эксперт кенгашлари

Ихтисослик паспортига ўзгартириш киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

06.01.02-“Мелиорация ва суғорма деҳқончилик” ихтисослиги паспортининг янги таҳрири тасдиқлансин.

**Раис в.б.
Бош илмий котиб**

**К.С.Султонов
А.Т.Юсупов**

ПАСПОРТ СПЕЦИАЛЬНОСТИ “МЕЛИОРАЦИЯ И ОРОШАЕМОЕ ЗЕМЛЕДЕЛИЕ” - 06.01.02

I. Формула специальности

«Мелиорация и орошаемое земледелие» - область науки и техники, целенаправленно занимающаяся регулированием и прогнозированием водного, воздушного, теплового, пищевого и солевого режимов земель в целях повышения продуктивности и эффективного использования водно-земельных ресурсов.

Цели исследования - совершенствование технологий в орошаемом земледелии и мелиорации земель, повышение качества и надежности проектирования, строительства, эксплуатации и управления ирригационных и мелиоративных систем, охраны окружающей среды и использования водно-земельных ресурсов.

Значимость научных и технических проблем данной специальности для народного хозяйства заключается в совершенствовании методов, технических средств и технологий использования водно-земельных ресурсов, повышении эффективности работы ирригационных и мелиоративных систем, продуктивности орошаемых и мелиорированных земель, обеспечивающих высокий уровень интенсификации сельскохозяйственного производства, защиту природной среды и водоснабжения участников водохозяйственного комплекса.

II. Области исследований

1.

1. Исследование потребности земель в мелиорациях (орошение, рассоление, осушение, рекультивация, противоэрозионные мероприятия и т.п.). Научное обоснование и разработка методов почвенно-мелиоративных изысканий в целях орошения земель, внедрения современных средств мелиоративного контроля почв, включая полевые, аэрокосмические и лабораторные.

2. Исследование по разработке новых методов коренных мелиораций и обоснованию их влияния на плодородие мелиорированных почв и сопряженных с ними земель. Разработка методов рекультивации, охраны земель и агроландшафтов.

3. Исследование принципов гидромодульного районирования орошаемых земель, методов и объемов водопотребления сельскохозяйственных культур во времени, с целью разработки для них рациональных режимов орошения, дренирования и осушения в различных природно-климатических зонах, исследование агротехники выращивания сельскохозяйственных культур на мелиорированных землях.

4. Исследование способов и техники орошения сельскохозяйственных культур, дренирования и осушения сельскохозяйственных угодий.

5. Исследование и прогноз солевого, водного режимов и других почвенных процессов на мелиоративных землях, разработка совершенных инженерных методов предупреждения и борьбы с засолением и другими видами деградации орошаемых почв (заболачивание, ирригационная эрозия).

6. Исследование и разработка методов и высокоэффективных систем, технических средств, сбора информации и контроля за параметрами почвенных и других режимов на мелиорированных землях.

7. Обоснование оптимальных и критических почвенно-мелиоративных режимов: солевых, физико-химических, биохимических, физических и др., и исследование их взаимосвязи и зависимости от геоморфолого-литологических, гидрогеологических, эколого-климатических и других природных и ирригационно-хозяйственных условий.

8. Исследование методов расчёта параметров элементов ирригационных и мелиоративных систем, разработка их более совершенных конструкций.

9. Исследование и разработка современных методов, способов и технических средств управления водными ресурсами и водопользования в орошаемом земледелии.

10. Исследование способов обводнения территорий, водоснабжения, водоотведения и очистки сточных вод сельских населённых пунктов и сельскохозяйственных предприятий.

11. Исследование специальных видов мелиораций: противоэрозионных, по охране грунтовых и речных вод, производственных комплексов, пастбищ, лесов, городов и населённых пунктов.

12. Исследование источников воды для орошения и обводнения, способов восполнения водоисточников, разработка методов, технических средств и технологий по улучшению качества водных ресурсов.

13. Исследование технологических процессов механизации мелиоративных, культурно-технических и эксплуатационных работ, обеспечивающих высокую надежность работы элементов мелиоративных систем и оптимальный уровень регулируемых почвенно-мелиоративных режимов агроландшафтов.

14. Исследование способов и технических средств совершенствования

эксплуатации ирригационных и мелиоративных систем.

15. Исследование способов организации и средств охраны труда и техники безопасности в условиях строительства и эксплуатации ирригационных и мелиоративных систем.

25.	НОРҚУЛОВА Дилрабо Мансуровна	Кимё фанлари номзоди	05.17.04-"Органик моддалар технологияси"	Д.067.24.02, Тошкент кимё- технология институту, Тошкент кимё-технология институту
26.	НУМАНОВА Барно Мухитдиновна	Иқтисод фанлари номзоди	08.00.07-"Молия, пул муомаласи ва кредит"	Д.005.25.01, ЎзР Банк-молия академияси, Давлат акциядорлик тижорат Асакабанк Юнусобод бўлими
27.	ОСТАНОВ Ўктам Юлдошевич	Кимё фанлари номзоди	05.17.06-"Пластик массалар ва шишапластиклар технологияси ва уларни қайта ишлаш"	Д.067.24.02, Тошкент кимё- технология институту, Тошкент кимё-технология институту
28.	ОСТОНОВ Ойбек Алиқулович	Тарих фанлари номзоди	07.00.01-"Ўзбекистон тарихи"	К.067.02.12 Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат аграр университети
29.	ПАТТАХОВА	Тиббиёт	14.00.42-"Клиник	Д.087.01.01, Тошкент тиббиёт

	Малика Хусановна	фанлари номзоди	фармакология"	академияси, Тошкент тиббиёт академияси
30.	РАМБЕРГЕНОВ Абат Кенгесбаевич	Техника фанлари номзоди	05.17.01-"Ноорганик моддалар технологияси"	Д.015.13.01, ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот сода заводи унитар корхонаси
31.	РАСУЛОВ Мақсуд Абдурахманович	Тиббиёт фанлари номзоди	14.00.17-"Нормал физиология"	Д.087.09.02, Тошкент тиббиёт академияси, "Солвей фарма" фармацевтик компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
32.	РАСУЛОВА Зиёдахон Абдубориевна	Тарих фанлари номзоди	07.00.07-"Этнография, этнология ва антропология"	Д.015.09.01, ЎзР ФА Тарих институти, ЎзР ФА Тарих институти
33.	РАХИМОВ Расулбек Иброхимович	Тиббиёт фанлари номзоди	14.00.16-"Патологик физиология"	Д.087.09.02, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт академияси
34.	САДЫКОВА Альбина Венеровна	Педагогика фанлари номзоди	13.00.02-"Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси"	К.067.18.01, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат педагогика университети
35.	САДЫКОВА Шоиста Акбаровна	Педагогика фанлари номзоди	13.00.01-"Педагогика назарияси ва тарихи"	К.067.18.03, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат педагогика университети
36.	САИТКАСИМОВ Акбар Исаханович	Сиёсий фанлар номзоди	23.00.02-"Сиёсий институтлар ва жараёнлар"	Д.005.10.01, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Жиззах вилояти "Истиқбол" Минтақавий тадқиқот Маркази
37.	САЛИМОВ Одилхон Рустамович	Тиббиёт фанлари номзоди	14.00.21-"Стоматология"	Д.087.01.02, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт академияси
38.	САТТАРОВ Масъуджон Ахтамович	Қ.хўжалик фанлари номзоди	06.01.09-"Ўсимликшунослик"	Д.020.44.01, Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ, Ўзбекистон Шоличилик ИТИ
39.	ТАДЖИЕВА Гульчехра Зоҳидовна	Тиббиёт фанлари номзоди	14.00.09-"Педиатрия"	Д.087.10.01, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти
40.	ТАНИЕВ Аҳмаджон Баҳромович	Иқтисод фанлари номзоди	08.00.07-"Молия, пул муомаласи ва кредит"	Д.005.25.01, ЎзР Банк-молия академияси, Самарқанд давлат университети
41.	ТУРАЕВА Дилором Тазабаевна	Биология фанлари номзоди	03.00.04-"Биокимё", 14.00.25-"Фармакология"	Д.015.16.01, ЎзР ФА Биокимё институти, Ўзбекистон Миллий университети
42.	ТУРСУНОВ Шухрат Хамидович	Иқтисод фанлари номзоди	08.00.13-"Менежмент ва маркетинг"	Д.067.06.01, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Қарши шаҳри ҳокимияти
43.	УРАЗОВА Лариса Карамовна	Тарих фанлари номзоди	07.00.01-"Ўзбекистон тарихи"	К.015.30.01, ЎзР ФА ҚҚБ Тарих, археология ва этнография институти, ЎзР ФА ҚҚБ Тарих, археология ва этнография институти
44.	УРОКОВ Аслидин Хушвактович	Техника фанлари номзоди	05.23.11-"Автомобил йўллари ва аэродромлар қурилиши"	К.067.33.01, Тошкент автомобил-йўллар институти, Тошкент автомобил-йўллар институти
45.	УТЕПОВА Гулзада Бектурсуновна	Тиббиёт фанлари номзоди	14.00.09-"Педиатрия", 14.00.46-"Болалар юқумли касалликлари"	Д.087.10.01, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Республика ихтисослаштирилган

				педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази
46.	ФАЗИЛОВ Алишер Шомуродович	Техника фанлари номзоди	05.13.01-"Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш"	Д.015.17.02, ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти
47.	ХАМРАЕВА Сайёра Насимовна	Иқтисод фанлари номзоди	08.00.04-"Агросаноат мажмуи иқтисодиёти"	Д.005.25.01, ЎзР Банк-молия академияси, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
48.	ХОДЖИБАЕВА Гулнора Абдуазимовна	Тиббиёт фанлари номзоди	14.00.01-"Акушерлик ва гинекология"	Д.087.01.03, Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ИАТМ
49.	ХОДИЕВ Шухрат Ильхамович	Техника фанлари номзоди	05.13.11-"Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти"	Д.001.25.01, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Миллий университети
50.	ЦАЙ Марина Владимировна	Филология фанлари номзоди	10.01.05-"Рус адабиёти ва Европа, Америка ва Австралия халқлари адабиёти"	К.067.02.10, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
51.	ШАМШЕТОВА Анжим Караматдиновна	Психология фанлари номзоди	19.00.07-"Педагогик психология"	К.067.18.04, Тошкент давлат педагогика университети, Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти
52.	ШАРИПОВ Мирзо Зокирович	Физ.-мат. фанлари номзоди	01.04.11-"Магнит ҳодисалари физикаси"	ДК.015.90.01, ЎзР ФА Иссиқлик физикаси бўлими, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти
53.	ШОНИЁЗОВ Махмуджон Очилов	Филология фанлари номзоди	10.01.11-"Адабий манбашунослик ва матншунослик"	Д.067.02.16, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Миллий университети
54.	ШОКИРОВА Хавасхон Нурмаматовна	Филология фанлари номзоди	10.02.01-"Ўзбек тили"	ДК.015.04.02, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, Фарғона вилояти 1-аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат
55.	ЭГАМКУЛОВ Улугбек Қувандиқович	Тиббиёт фанлари номзоди	14.00.09-"Педиатрия"	Д.087.10.01, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти
56.	ЮЛДАШЕВА Дилчеҳра Юсупхоновна	Тиббиёт фанлари номзоди	14.00.01-"Акушерлик ва гинекология"	Д.087.01.03, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт академияси
57.	ЯРМУХАМЕДОВ Бехзод Хамидович	Тиббиёт фанлари номзоди	14.00.21-"Стоматология"	Д.087.01.02, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт академияси
58.	ҚҮЛДАШЕВ Шерали Темирралиевич	Тарих фанлари номзоди	07.00.01-"Ўзбекистон тарихи"	Д.015.09.01, ЎзР ФА Тарих институти, ЎзР ФА Шарқшунослик институти

ПРОФЕССОРЛАР

№	Ф.И.Ш	Ихтисослик шифри ва номи ёки кафедра номи	Иш жойи
1.	АБДИКАРИМОВ Муродилло	“Муסיқий таълим” кафедраси	Қарши давлат университети
2.	АЛИМДЖАНОВ Иброхим Инамович	14.00.09-“Педиатрия”	Андижон давлат тиббиёт институти
3.	АРЗИКУЛОВ Абдурайим Шамшиевич	14.00.09-“Педиатрия”	Андижон давлат тиббиёт институти
4.	ДЖУРАЕВ Ташболта Тухтаевич	“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси	Тошкент молия институти
5.	ДЕВЯТОВ Андрей Васильевич	14.00.27-“Хирургия”	Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази
6.	ЗАКИРОВ Алимджан Абдурахимович	“Иқтисодиёт” кафедраси	Тошкент давлат техника университети
7.	ИКРАМОВ Адхам Ильхамович	14.00.19-“Нур диагностикаси, нур терапияси”	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти
8.	ИКРОМОВ Исроил Акрамович	“Математик анализ” кафедраси	Самарқанд давлат университети
9.	ИСЛАМДЖАНОВА Хазифахон	10.02.03-“Славян тиллари (рус тили)”	Тошкент давлат шарқшунослик институти
10.	КАМАЛОВ Толяган Сиражидинович	05.14.01-“Энергетика тизимлари ва мажмуалари”	ЎзР ФА Энергетика ва автоматика институти
11.	ЛУТФУЛЛАЕВА Дурдана Эсановна	10.02.01-“Ўзбек тили”	Тошкент вилоят давлат педагогика институти
12.	МИРЗАЕВ Мирмахсуд Махмудович	“Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик” кафедраси	Тошкент давлат аграр университети
13.	РОЗИКОВ Уткир Абдуллоевич	01.01.01- “Математик анализ”	ФА Математика ва информатик технологиялар институти
14.	РУСТАМОВА Хамида Елемесовна	14.00.33-“Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлаш”	Тошкент тиббиёт академияси
15.	ХАМРАЕВ Хабибулла Таирович	14.00.03-“Эндокринология”	Самарқанд давлат тиббиёт институти
16.	ЭРГАШЕВА Юлдуз Алимовна	07.00.01-“Ўзбекистон тарихи”	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
17.	ЮНУСОВА Юлия Моисеевна	“Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти” кафедраси	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
18.	ҚАҲҲОРОВ Сиддиқ Қаҳҳорович	13.00.02-“Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси”	Бухоро давлат университети

Дастлабки экспертиза натижалари

Диссертация ишларининг ҳимоялари тўғрисида эълонга тақдим этилган маълумотлар ва диссертация авторефератларининг техник экспертиза натижалари ва ОАК Илмий экспертиза бўлими томонидан берилган хулосалар асосида «ОАК Бюллетени» журналининг 2010 йил 4-сонида чоп этиш учун юборилган, лекин меъёрий камчиликлар мавжуд бўлганлиги сабабли диссертация ҳимояси тўғрисида эълон берилмаган ишлар қуйидагилардир (ушбу камчиликлар ОАК Веб-сайтида эълон қилинган):

1. **Х.О.Ходжаев** – 02.00.01 ихтисослиги бўйича кимё фанлари номзоди илмий даражасига талабгор. Иш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш томонидан тақдим этилган. *Талабгор ҳимоя қилгунга қадар номзодлик имтиҳонларини топширганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлик муддатлари ўтиб кетиши муносабати билан имтиҳонларни қайта топшириши шарт. Ихтисослашган кенгаш қошидаги семинар қайд варақасида ноаниқликлар мавжуд. Авторефератда хатолар ва ноаниқликлар мавжуд.*

2. **Д.А.Маматкулов** – 03.00.04 ихтисослиги бўйича биология фанлари

номзоди илмий даражасига талабгор. Иш ЎзР ФА Биокимё институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш (раис – Т.С.Саатов) томонидан тақдим этилган. *Талабгорнинг биология фанлари бўйича ОАК рўйхатидаги илмий журналлардаги мақолалари етарли эмас. Авторефератларни расмийлаштириш қоидаларига амал қилинмаган (иллюстрациялар). Авторефератда хатолар ва ноаниқликлар мавжуд.*

3. **Д.Д.Алиев** – 03.00.13 ихтисослиги бўйича биология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор. Иш ЎзР ФА ЎзР ФА Физиология ва биофизика институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш (раис – П.Б.Усмонов) томонидан тақдим этилган. *Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар томонидан диссертация бўйича кўрсатилган камчиликлар бартараф этилиб, ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар ишни қайта кўриб чиқиб, диссертацияни ҳимояга қабул қилиш ҳақида якуний қарор қабул қилиши керак. Эълон матнида ва талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотномада хато ва ноаниқликлар мавжуд. Авторефератда хатолар ва ноаниқликлар мавжуд.*

4. **Н.С.Расулова** – 07.00.01 ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор. Иш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш томонидан тақдим этилган. *Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар томонидан ҳимояга тавсия этилмаган диссертацияни кенгаш ҳимояга қабул қилган. Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар томонидан диссертация бўйича кўрсатилган камчиликлар бартараф этилиб, ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар ишни қайта кўриб чиқиб, диссертацияни ҳимояга қабул қилиш ҳақида якуний қарор қабул қилиши керак. Илмий ишлар рўйхатида ноаниқликлар мавжуд. Авторефератда хатолар ва ноаниқликлар мавжуд.*

5. **Н.М.Тўрабаева** – 08.00.12 ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор. Иш Тошкент молия институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш (раис – А.В.Вахобов) томонидан тақдим этилган. *Авторефератда ва ихтисослашган кенгаш қароридан кўчирмада оппонентлар ва етакчи ташкилот ҳар хил келтирилган. Илмий ишлар рўйхатида ноаниқликлар мавжуд. Авторефератда хатолар ва ноаниқликлар мавжуд.*

6. **М.П.Қаландарова** – 12.00.03 ихтисослиги бўйича юридик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор. Иш Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш (раис – М.Б.Усмонов) томонидан тақдим этилган. *Талабгор ҳимоя қилгунга қадар номзодлик имтиҳонларини топширганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлик муддатлари ўтиб кетиши муносабати билан имтиҳонларни қайта топшириши шарт. Авторефератда хатолар ва ноаниқликлар мавжуд.*

Ихтисослашган кенгашларга тақдим этилган

ДИССЕРТАЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР *

(маълумотларда талабгорлар томонидан ҳимоя қилинаётган ишнинг илмий янгилиги келтирилган)

Ушбу диссертацияларнинг ҳимоялари тўғрисидаги эълонлар
ОАК Веб-сайтида (www.vak.uz) берилган

* Диссертация ҳимоялари ҳақидаги материалларни «ОАК Бюллетени» журналида эълон қилиниши диссертация ишлари ижобий баҳоланганлигини ёки ОАК томонидан тан олинганлигини мутлақо билдирмайди.

(ихтисосликлар шифрлари бўйича чоп этилади)

ФАН ДОКТОРИ илмий даражасини олиш учун

Физика-математика фанлари

Ташмухамедова Дилноза Артикбаевна: «Ярим ўтказгич ва диэлектрик пленкаларни кичик энергияли ионлар билан бомбардимон қилганда ҳосил бўлувчи нанопленкалар ва нанокристалларнинг электрон спектроскопияси» (01.04.04) – ЎзР ФА Электроника институти (100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўч., 33. Тел.: 262-79-40, факс: 262-87-67) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Б.Е.Умирзаков

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Оппонентлар: А.Т.Мамадалимов, А.Ю.Митягин, С.Джуманов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети қошидаги

«Амалий физика» ИТИ

Ишнинг мақсади кичик энергияли ионлари билан бомбардировка қилиш ва ундан кейинги қиздириш усули билан ярим ўтказгичли ва диэлектрик пленкалар асосида бир ва кўп компонентли нанокристаллар, нанопленкалар ва ўтапанжараларнинг шаклланиш қонуниятларини ва физик механизмларини аниқлашдан иборатдир.

Si, GaAs ва CaF₂ юза қатламларида ион имплантация ва кейинги қиздириш усули билан ҳосил қилинган нанокристалл фазаларнинг ўлчамлари ва нанопленкаларнинг қалинлиги аниқланди. Кремний ҳолатида ионлар имплантацияси атомлар орасидаги боғларнинг узилишига, юзанинг аралашма атомлари билан бойишига ва MeSi₂ турдаги бирикмаларнинг ҳосил бўлишига олиб келиши кўрсатилган. Икки компонентли намуналарда эса бирикмаларнинг парчаланиши учувчан атомларнинг (As₂, F₂ ҳолида) юзадан десорбциясига, юзанинг аралашма атомлари билан бойишига ва қиздиришдан сўнг учкомпонентли бирикмаларнинг ҳосил бўлишига олиб келган. Силицид нанокристаллари ва нанопленкаларининг энергетик зоналари ва кристалл панжараларининг параметрлари уларнинг ўлчамларига боғлиқ эканлиги аниқланди. Уч қатламли Ca – CaF₂ – Si туридаги эпитаксиал нанопленкалар, ҳамда ўрганилаётган материалларнинг нанокристалли юзалари учун: Si + ncMeSi₂, GaAs + ncGa_{1-x}Me_xAs ва CaF₂ + ncMe энергетик диаграммалар тузилди. MeSi₂ нанокристаллари жойлашган Si сиртининг модели таклиф қилинди. Наноўлчамли фазаларнинг таркибини ва структурасини баҳолаш усули таклиф қилинди. Туннел токини ўлчашга асосланган нанокристалл фазалар ва нанопленкаларнинг критик ўлчамларини баҳолаш усули таклиф қилинди. Гетероэпитаксиал наноструктуралар шаклланишининг асосий механизмлари, ҳамда нанообъектларнинг ўлчамлари ўзгариши билан уларнинг электрон ва кристалл структуралари ўзгаришининг асосий механизмлари аниқланди. Ишнинг натижалари микро-, нано- ва оптоэлектроника асбобсозлиги учун зарур бўлган ярим ўтказгич–диэлектрик–ярим ўтказгич ва металл–диэлектрик–ярим ўтказгич типдаги кўп қатламли наноструктураларни яратишда қўлланилишга тавсия қилинади.

Кимё фанлари

Каримқулов Қурбонқул Мавланкулович: «Пахта толаси ва унинг маҳсулотларининг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси асосида классификациясининг илмий-методологик асослари» (02.00.22-техника фанлари) – Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК (100174, Тошкент, Мирза-Ғолиб кўч., 7^а. Тел.: 246-39-28) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчилар: М.А.Асқаров, И.Р.Асқаров

Иш бажарилган ташкилотлар: Олий ҳарбий божхона институти,

Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК

Оппонентлар: М.А.Рахимжонов, М.П.Юлдашев, К.Э.Эргашев

Етакчи ташкилот: «Пахтатозалаш ИИЧБ» ОАЖ

Ишнинг мақсади: пахта толалари ва маҳсулотларининг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасидаги (ТИФ ТН) такомиллашган янги кодларини ишлаб чиқиш, пахта маҳсулотлари учун самарали божхона экспертизаси усулларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Илмий янгилиги: Илк бор, пахта толалари ва маҳсулотларининг кимёвий, физик-механик кўрсаткичлари, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ТИФ ТН товар кодларини белгилашнинг илмий-методологик асослари яратилган.

Пахта толасининг ҳар хил навида целлюлозанинг ажралиши турлича, яъни нави ва ифлосланиш даражаси ортиши натижасида целлюлоза камайиши аниқланди. Пишганлик коэффициенти (1,8%-1,4%) камайиши натижасида целлюлозанинг миқдори 1,3% га камайди. Пахта толасининг ҳар хил нави учун бир-биридан фарқ қиладиган кимёвий ва физик-механик кўрсаткичлари, масалан, ифлосланиш даражаси (2,1%-12,5%); чизиқли зичлик (125 м/текс-200 м/текс) га ортиши натижасида, *a*-целлюлоза (96,7%-93,6%); *b*-целлюлоза (2,3%-1,2%); *γ*-целлюлоза (2,0%-1,0%)га камайиши аниқланди.

5 навли, 9 типли пахта толаси ва «А» ва «Б» тип пахта линтининг микро- ва макро-тузилиши ИК- ва ПМР-спектрлари ва рентген анализи ёрдамида ўрганилди. ИК-спектрида пахта толасининг кристалланиш даражаси фарқлари аниқланди.

Биология фанлари

Сейтханова Бибигул Толегенқызы: «Ҳомиладор аёллар микрофлорасининг янги туғилган чақалоқлар тери қоплами нормо-патофлораси шаклланишига таъсирининг микробиологик исботи» **(03.00.07-тиббиёт фанлари)** – ЎзР ССВ Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ (100133, Тошкент, Решетов кўч., 2. Тел.: 243-36-05) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Б.А.Рамазанова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ

Оппонентлар: Н.Р.Нуриддинова, З.А.Нурузова, У.Ю.Юсупов

Етакчи ташкилот: РФ Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги
Новосибирск давлат тиббиёт университети

Ишнинг мақсади: Ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг туғруқ йўллари ва ичак микрофлораси вакиллариининг биологик хусусиятлари ва спектрини ўрганиш, оналар микрофлорасининг янги туғилган чақалоқлар микрофлорасига ва тери қоплами нормо-патофлораси шаклланишига таъсирини аниқлаш.

Ҳомиладор аёллар туғруқ йўллари ва ичак микрофлорасининг ҳолати янги туғилган чақалоқлар микрофлораси шаклланишига таъсири аниқланди. Оналар ичак микробиоценози янги туғилган чақалоқ биотопларининг облигат микрофлорасини ўзида акс этиради. Дисбиоз кузатишган оналардан туғилган чақалоқлар асосий биотоплари микробиоценозининг шаклланишида бузилишлар кузатилиши бўйича моил гуруҳлар қаторига киради: неонатал даврнинг охирига қараб чақалоқларда асосий биотопларнинг микробиоценози шаклланмаган, бу кузатув остида бўлган 63,4% чақалоқларнинг тери микроб популяциясида дисбиотик ўзгаришлар мавжудлиги билан номоёнлашди; “моил гуруҳ” га мансуб янги туғилган чақалоқлар тери микробиоценози шартли патоген микроорганизмлар миқдорининг юқорилиги билан характерланади, бу эса колонизацион резистентлик бузилишига олиб келади, натижада чақалоқларнинг адаптация имкониятлари камайиб ҳар хил йирингли-септик касалликлар келиб чиқишига шароит туғилади. Муддатидан олдин туғилган чақалоқлар тери микробиоценози спектрида, ўз вақтида туғилган чақалоқлар тери микробиоценози спектрига нисбатан турли номуносивликлар кузатилади. Она ва чақалоқлардан ажратилган энтеробактерияларнинг мобил генетик элементлари мавжудлиги ва “патоген оролчалар” шаклланиш частотаси оналар ва чақалоқлар микрофлораси дисбиозига боғлиқлиги аниқланди. Она ва чақалоқлар терисидан ажратилган микроорганизмлар штаммларининг биологик хусусиятлари, антибиотикларга нисбатан резистентлиги ва кристаллограммасининг ўзига хослиги аниқланди.

Геология-минералогия фанлари

Раджабов Шухрат Сайфуллаевич: «Геофизик маълумотлар бўйича Бухоро-Хива минтақаси юра кесмасининг тузилиши ва латерал нобиржинслилиги» **(04.00.22)** – ЎзР ФА Сейсмология институти (100128, Тошкент, Зулфияхоним кўч., 3. Тел. 241-51-71) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Б.Б.Таль-Вирский

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: А.А.Молчанов, Ф.Х.Зуннунов, Ф.Г.Долгополов

Етакчи ташкилот: "Ўзбекгеофизика" ОАЖ

Ишнинг асосий мақсади бўлиб геологик-геофизик маълумотларни комплекс талқин қилиш услубини ишлаб чиқиш ва уни седиментацион ҳавзанинг геологик ривожланиши тўғрисидаги янги дунёқарашлар талқини ва латерал нобиржинслиликни аниқлашни ўз ичига оловчи Бухоро-Хива минтақаси формациялари, структуралари ва юра ётқизиклари кесмасини ўрганишга тадқиқ қилиш ҳисобланади.

Ишда Бухоро-Хива минтақасининг юра ётқизиклари учун геологик-геофизик маълумотларни комплекс талқин қилишнинг янги усули ишлаб чиқилди. Ушбу усул циклостратиграфик таҳлил, ерусти ва бурғи қудуқларидан олинган геофизик маълумотларни комплекс талқин қилиш, сейсмик тўлқинли майдонларни математик моделлаштиришни ўз ичига оловчи бир қатор геологик ва геофизик фанларнинг ютуқларига таянади.

Ишда юра кесмасини циклостратиграфик табақалаш натижасида учта формацион комплекслар таркибида янада майдороқ стратиграфик бирликлар ажратилди. Нормалаштирилган каротаж диаграммаларининг спектрал таҳлили натижасида ажратилган циклостратиграфик комплекслар таркибида уларни табақалашда диагностик белгилар бўлиб ҳисобланувчи ўзига хос амплитуда-частота параметрларига эгаллиги аниқланди. Юра кесмаси чегаралари ёпиқ полигон тизими бўйича вақтли кесмалар профилларида кузатиб борилувчи сейсмостратиграфик комплексларга табақаланди. Яратилган геологик-геофизик моделлар латерал нобиржинслиликни аниқлашда тест тизимини белгилаш ва уларни нефт ва газнинг ноантиклинал тутқичлари туркумлари бўйича таснифлашга имкон берди.

Ўтказилган изланишлар натижасида тадқиқ қилинган минтақадаги юра кесмасининг формацияси, тузилиши ва структуралари ўрганилди, ҳамда углеводородларнинг тутқичлари ва тўпламларини топишга истиқболли участкалар ажратилди.

Техника фанлари

Назаров Абдулазиз Мўминович: «Модификацияланган оптик толали материаллар асосидаги электрон ва коммуникацион асбоблар ва қурилмалар» **(05.11.13)** – Тошкент давлат техника университети (100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: 227-10-32) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Т.Д.Раджабов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Оппонентлар: Н.Ю.Тўраев, А.А.Азимов, У.Т.Мухамедхонов

Етакчи ташкилот: «Ўзбектелеком» АК

Ишнинг мақсади: модификацияланган оптик толали материаллар асосида ахборотларни қайта ишлаш ва турли объектларнинг параметрларини назорат қилиш оптик толали системалари асбоблари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш ва яратишдан иборатдир.

Ишнинг илмий янгилиги: оптик материалларни қайта ишлашнинг замонавий технологиялари ва уларни ахборот узатиш ва назорат қилиш оптик толали системаларида қўлланиши таҳлили асосида оптик материалларни модификациялаш вакуум усуллари, камёб ер элементларидаги толали кучайтиргичлар ва толали лазерлардаги намликни ўлчаш асбоблари ишлаб чиқилган. Оптик толали асбоблар самарасини сезиларли равишда оширишга имкон берадиган оптик материалларни турли элементлар билан вакуумда легирлаш усуллари ишлаб чиқилди ва уларни оптимал параметрлари аниқланди. Модификацияланган материалларнинг хусусиятларини тадқиқ этиш учун қатор экспериментал стендлар ишлаб чиқилди ва легирланган материалларни оптик толали системаларда юқори самара билан қўллашга имкон берадиган физик-кимёвий ва оптик характеристикалари тадқиқ қилинди.

Икки сатҳли амплитудали модуляцияланган сигналлардан фойдаланувчи оптик толали алоқа линиялари учун чиқишдаги шовқин сатҳини камайтирадиган кучайтиргич ишлаб чиқилди. Толали лазер нурланишини ютилиши асосида ишлайдиган, актив толали сенсорга эга, сув буғларини назорат қилувчи асбоблар ишлаб чиқилди.

Хамраева Сановар Атоевна: «Тўқимани шакллантириш параметрларини оптималлаштириш орқали унинг ейилишга чидамли-лигини ошириш» **(05.19.03)** - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (100100, Тошкент, Шохжаҳон кўч., 5. Тел.: 253-06-06, факс: 253-36-17) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Э.А.Оников

Иш бажарилган ташкилотлар: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология

институти

Оппонентлар: М.М.Муқимов, С.С.Юхин, Ф.А.Велиев

Етакчи ташкилот: Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти

Ишнинг мақсади газламанинг таянч сиртини аниқлаш усулини яратиш ва хомуза ёпилишидан аввал арқоқ, танда ипларининг таранглигини ўзгартириш йўли орқали унинг таянч сиртини ва ишқаланишга чидамлилигини оширишдан иборат.

Қуйидаги илмий натижалар олинган:

- газламанинг таянч сиртига чиқувчи алоҳида танда ва арқоқ қоплама-ларининг кўрсаткичини аниқлаш оригинал услуги яратилди;

- газлама таянч сиртини баҳоловчи, ишлаб чиқиладиган тўқима сифатини ва ассортимент имкониятини кенгайтириш имконини берувчи алгоритм дастур яратилди;

- газлама таянч сиртига чиқувчи, танда ва арқоқ қопламалари улушини таснифловчи таянч сиртнинг нисбий кўрсаткич коэффициенти аниқланди;

- тўқув ўрилишларини қуриш учун алгоритм дастур яратилди;

- газламаларнинг таянч сирти ва емирилишга чидамлилиги дастгоҳни тахтовчи параметрларидан бири бўлган хомуза ёпилишидан аввалги арқоқ ипи таранглиги ва танда иплари тарангли-гига боғлиқлиги аниқланди;

- арқоқ ипи ташлаш жараёнида арқоқ ташлагичга таъсир этувчи куч тенграмаси тузилди ва хомуза ёпилишидан аввал арқоқ ипи таранглигини аниқловчи, ҳамда тенг сиртли газлама ишлаб чиқиш имконини берувчи газлама сиртидаги ипларнинг мувозанат тенграмаси тузилди.

- шимдириш жарараёнида тўқима намунаси деформациясини ва структураси сиқилишини бартараф қилувчи, тўқимада жойлашган ипларнинг тўлқин эгилиш баландлигини аниқлашнинг мукамал усули яратилди;

- тўқима структураси геометрик кўрсаткичларни аниқлаш учун тенграма тузилди ва тўқимадаги ипларнинг тўлқин эгилиш баландлиги формуласи топилди;

- арқоқ ипи ташлаш жараёнида ҳар хил майдонлардаги иккита босқичда унинг таранглигини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди.

Мягков Сергей Владимирович: «Гидрология ва суғорма деҳқончиликда ахборот тизимларини яратишда технологик ечимларни ишлаб чиқишнинг илмий-услубий тамойиллари» **(05.23.16, 11.00.07)** – Тошкент ирригация ва мелиорация институти (100000, Тошкент, Кори-Ниёзов кўч., 39) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчилар: В.Е.Чуб, А.Т.Салохиддинов

Иш бажарилган ташкилот: Гидрометеорология ИТИ

Оппонентлар: Э.Ж.Махмудов, А.Ф.Шахидов, Б.Х.Хўжаёров

Етакчи ташкилот: Ўрта Осиё ирригация ИТИ (САНИИРИ)

Олиб борилган назарий ва дала тадқиқотлари асосида кўчки ва сел хавфларини тадқиқ этиш ва сув ресурсларини баҳолаш билан боғлиқ янги технологик ечимлар ва уларни қўллаш услублари ишлаб чиқилган. Империк қонуниятлар ва ГИС технологияларидан фойдаланган ҳолда қияликларнинг сув эрозиясига қарши барқарорлиги даражаси баҳоланган. Муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган сув объектларининг гидрологик режимини оптимал бошқариш масаласини ечишга имконини берувчи эмпирик қонуниятлар олинган.

Сув сатҳини қисқа муддатли кўтарилиши (паводка) динамикаси билан боғлиқ мураккаб гидравлик масалаларнинг ечимига янгича ёндашув ишлаб чиқилган ва шу асосда ўзан ва сув

баланси ҳисобларида юқори аниқликка эришиш таъминланган. Деформацияланган ўзанда қисқа муддатли сув сатхи кўтарилиши(паводка)нинг ҳаракат қонуниятлари аниқланган ва шу асосда муҳим халқ ҳўжалиги аҳамиятига эга бўлган йирик масала ечими таъминланган. Суғорма деҳқончиликда сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон берувчи грунт сувлари ва тупроқ намлиги потенциалининг ўзаро таъсири гидравлик модели ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган.

Қаранг яна: Қ.М.Каримқулов (02.00.22)

Тарих фанлари

Кобзева Ольга Петровна: «Буюк Ипак йўли: ўрганилиш муаммолари таҳлили ва қайта тикланиш истиқболлари» **(07.00.03, 07.00.09)** – ЎзР ФА Шарқшунослик институти (100170, Тошкент, Мирзо Улуғбек кўч., 81) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Э.В.Ртвеладзе

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Ю.Ф.Буряков, А.Ахмедов, Н.Э.Каримова

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация Буюк Ипак йўлини тадқиқ қилиш ҳамда тиклаш истиқболлари муаммоларига ва уни Евроосиё мамлакатлари, шу маконда истиқомат қилаётган халқларнинг ҳаётида тутган ўрни, шунингдек тарихий-маданий меросини ўрганишга бағишланган.

Ишда XIX аср охири – XXI аср бошларида Буюк Ипак йўлини ўрганишни концептуал масалалари илк бор замонавий методология асосида жаҳондаги тарихий жараёнлар билан узвий боғлиқликда Буюк Ипак йўли тарихи даврлаштирилди.

Тадқиқотда қўйилган вазифалар ҳал қилиниши Буюк Ипак йўлида XX аср охири – XXI аср бошларида олиб борилган илмий тадқиқотлар долзарб муаммоларини кўрсатиб беришга имкон бериб, ЮНЕСКОнинг илмий тадқиқотларини янги босқичга кўтаришдаги ўрни ва ролини белгилаб, Буюк Ипак йўлига доир Интернет ахборот порталларини (Виртуал Ипак йўли) тадқиқ этиш, замонавий ахборот технологиялари асосида кўрсатилган муаммоларни ўрганишдаги ролини аниқлаш имкониятини яратиб берди.

Ишда Буюк Ипак йўлини ўрганишдаги Ўзбекистон олимлари ва уларнинг хорижий ҳамкасбларининг халқаро ҳамкорлиги, XXI асрда Буюк Ипак йўлини тиклаш лойиҳаларини геосиёсий ва иқтисодий қирралари ўрганилган бўлиб, Евроосиё давлатларини Буюк Ипак йўлини маданий ва ижтимоий-иқтисодий юксалишидаги иштироки таҳлил қилинган.

Тадқиқотда XXI асрда Буюк Ипак йўли транспорт магистралларини ривожлантириш истиқболлари, халқаро туризм, шунингдек Буюк Ипак йўлини жонлантиришдаги геосиёсий, иқтисодий ва маданий хусусиятга эга бўлган муаммолар аниқланиб уларни ҳал қилишга оид таклифлар берилган.

Фалсафа фанлари

Керимов Усеин Люманович: «Нутқнинг мантиқий синтези назарияси борлиқ микрокосми сифатида» **(09.00.01)** - Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 227-12-24, факс: 246-53-21, 246-02-24) ва ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-87, факс: 262-38-87) (диссертация рус тилида)

Иш бажарилган ташкилотлар: Ўзбекистон Миллий университети,

ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Оппонентлар: Ш.С.Қўшоқов, К.Ж.Туленова, Б.Р.Менглиев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат шарқшунослик институти

Ишнинг мақсади нутқнинг онтологик ҳодиса сифатидаги синтезини аниқлашдан иборат.

Диссертацияда нутқнинг онтологик ҳодиса сифатидаги синтези ўрганилган. Чунки нутқ ички ўзгаришларида борлиқ ички ўзгаришлари акс этади. Нутқ борлиқнинг энг ёрқин ва энг тўлиқ кичик моделидир. Бинобарин, нутқ синтези ҳақида фикрлаш, пировардида борлиқ синтези хусусда ҳам фикрлаш демакдир. Нутқ мантиқий синтези назариясининг фан ва фалсафада пайдо бўлиши -

онгнинг чексиз имкониятларидан кенг фойдаланишдир. Демак, ушбу тадқиқот фан фалсафаси, мантиқ, тилшунослик, психология, онтология, гносеология, фан ва фалсафа методологияси предметлари фундаментал масалаларининг ечимига дахлдордир. Муайян ғояга таянган субъект нутқнинг мантикий синтезига эга бўлиши мумкин. Моддий сўз шакллари ҳиссий билиш орқали, уларнинг идеал тушунчалари фикрлаш жараёни орқали, ҳукм ва ҳулосалар чиқариш тафаккурнинг ўрта ривожланган даражасида, ғоялар зеҳннинг юқори ривожланган даражасида қабул қилинади. Абсолют ғоя эса зеҳннинг олий даражасида қабул қилинади. Демак, абсолют ғоя зеҳннинг охириги чегарасидир. Абсолют ғоядан ўтиш – руҳнинг бенуқсон даражаларига юксалишдир. Ғоялар нутқни субъект онгида қандай бўлса, шундай синтезлаштиради. Нутқ назарияси ҳақидаги қарашлар мантиқ ва тилшунослик фанларининг энг самарали ютуқларидан фойдаланиш орқали шакллантирилган. Демак, мантиқ ва тилшунослик фанлари нутқ назариясида эришилган кашфиётларнинг илмий-назарий асосини ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ОТМ ларида ўқитилаётган мантиқ, тилшунослик, психология, фалсафа, фалсафа ва фан методологияси, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, маънавият асослари, диний экстремизмга қарши курашининг назарияси ва амалиёти, табиий ва гуманитар фанларнинг фалсафий муаммолари предметлари, шунингдек, сунъий ақлни юксалтириш босқичида фойдаланиш мумкин.

Сафарова Нигора Олимовна: «Терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий таҳлили» **(09.00.03)** - Ўзбекистон Миллий университети (100095, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 246-36-56, факс: 711-78-28) ва ЎЗР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-87, факс: 262-38-87) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий маслаҳатчи: Р.Рахмонов

Иш бажарилган ташкилот: ЎЗР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Оппонентлар: Р.Н.Носиров, А.Бегматов, М.А.Ражабова

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади террор, терроризм ҳодисалари ва уларга қарши курашни жаҳон файласуфлари таълимотлари асосида тарихий-фалсафий таҳлил этиш ва тегишли илмий ҳулосалар ва амалий тақлифлар ишлаб чиқишга қаратилган.

Диссертацияда тарихий-фалсафий ва қиёсий таҳлил қилиш асосида террорнинг инсоният ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги эволюцияси кўрсатилди. Агрессия ва деструктивлик террор ва терроризм генезисида муҳим омиллиги ёритиб берилди. Террор ҳодисасининг терроризмга ўзгариш жараёни ва ушбу жараённинг асосини «зўравонлик» ташкил этиши асослаб берилди. Терроризм динамикасининг таҳлили ва классификацияси илмий тадқиқот объект сифатида ўрганилди. Ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихи асосида терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий тамойиллари ишлаб чиқилди. Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари умуминсоний ғояларига асосланиб терроризмни потенциал сабабларига (агрессия, зўрлик, конфликтлар, бегоналашув, худбинлик, эгоизм, нафс) қарши курашнинг аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижаларидан оммавий ахборот воситалари, маънавият тарғибот марказлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, турли ижтимоий институтларнинг фаолиятида терроризмга қарши курашишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳамда оммавий маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Филология фанлари

Хайруллаев Хуршиджон Зайниевич: «Тил ва нутқ бирликларининг поғонали муносабати» **(10.02.19)** – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (100138, Тошкент, Кичик халқа йўли кўч., Г-9а мавзеси, 21-а) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий маслаҳатчи: Н.Қ.Турниёзов

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат чет тиллар институти

Оппонентлар: А.Э.Маматов, Р.Расулов, Р.Р.Сайфуллаева

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Ишнинг мақсади тил ва нутқ бирликлари поғонали муносабатининг илмий талқинини беришдан иборат бўлиб, бунда тилшуносларнинг мавзуга доир фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш, уларга муносабат билдириш, тилда фонематик, морфематик, сўз сатҳларининг устуворлигини далиллаш, сатҳларнинг ҳар бири нисбий автоном характерли эканини ва улар ўртасидаги боғланиш тил системаси воқелигини таъминловчи асосий омиллигини, тил сатҳлари бирликларининг реал қўлланиши поғонали муносабатга таянишини кўрсатиб бериш, ички ҳамда сатҳлараро поғонали муносабат тамойилларини илмий асослаш, поғоналилиқ синтагматик муносабат доирасида шаклланишининг илмий изоҳини бериш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилади. Бундан ташқари, гап, мураккаб синтактик қурилма ва абзац нутқнинг асосий бирликлари эканлиги, улар ўртасида иерархик муносабат воқеланишининг ўзига хос жиҳатларини мукамал ёритиш, шунингдек, нутқ бирликларининг ҳар бири система ичида системани ташкил этиши ва уларнинг устпредикатив мақоми хусусида атрофлича маълумот берилади.

Ўзбек тили материали асосида тил ва нутқ бирликларининг сатҳлараро поғонали муносабат муаммолари илк бор тадқиқот объекти сифатида ўрганилди. Тил системаси воқелигида муҳим аҳамият касб этувчи сатҳ тушунчаси ҳақидаги анъанавий назарияга танқидий ёндашилди ва тилшунослик манбаларида фонетик, фонологик, бўғин, морфонологик, сўз ҳамда синтактик сатҳ каби қатор тушунчалар изоҳталаб эканлиги далилланди, сатҳ белгиланишининг асосий тамойили тил бирликлари билан узвий боғлиқлиги илмий асосланди. Тил бирликларининг сатҳлараро поғонали муносабатидан ташқари, уларнинг дифференциал белгиларига асосланувчи ички меризматик сатҳ ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди. Сатҳ тушунчасининг асосида тил бирликлари ётиши лозимлиги, мазкур бирликлар қанча бўлса, сатҳлар сони ҳам шунча бўлиши исботланди. Тил сатҳлари ҳам, нутқ сатҳлари ҳам бир-бирининг иштирокисиз мавжуд бўла олмаслиги ва шу боис уларни нисбий автоном механизмлар тарзида ўрганиш лозимлиги кўрсатиб берилди. Гап нутқ бирлиги эканлиги, унинг таркибида тилнинг барча бирликлари ва сатҳлари ўзаро кесишиб иерархик муносабат ташкил этишининг илмий шарҳи келтирилди. Фонематик сатҳдан бошқа барча сатҳлар ичида синтагматик муносабат мавжудлиги ва уларнинг ҳар бири система ичида система фаоллик кўрсатиши объектини тақозо этиши ёритилди.

Юридик фанлар

Ибрагимов Закиржан Султонович: «Давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил)» **(12.00.01)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий маслаҳатчи: Ҳ.Т.Одилқориев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ИИБ Академияси

Оппонентлар: З.М.Исломов, С.Д.Ниятуллаев, А.Х.Саттаров

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси прокуратурасини давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрнини аниқлаш ва уни давлат механизмнинг муҳим элементи сифатида тадқиқ этиш, бу органнинг фаолиятини назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш бўйича илмий хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги: суд-ҳуқуқий ислохотлар даврида прокуратура идораларининг мазкур ислохотларни амалга оширишдаги роли таҳлил этилиб, унинг келажақдаги янги мақомини инobatга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ҳуқуқий муносабатларни, давлат тизимидаги ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора сифатида ўзига хос услубда амалга ошириш фаолияти янги илмий йўналиш сифатида ўрганилди. Бу соҳадаги мамлакатимиз ва хорижда мавжуд тажрибадан фойдаланиб, прокуратура фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштиришдан иборат фикрлар илгари сурилган ва хулосалар чиқарилган.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги хулосаларни амалиётга татбиқ этилиши натижасида: биринчидан, илмий-назарий соҳада – прокуратуранинг суд-ҳуқуқий ислохотлари жараёнидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини аниқлаштиришда; иккинчидан, прокуратуранинг ҳуқуқий мақомини ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган комплекс илмий тадқиқот ишларида; учинчидан, прокуратуранинг қонунбузарликлардан жабр кўрган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ асосий фаолиятига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш учун имкониятлар яратишда; тўртинчидан, таълим-ўқув соҳасида «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» ҳамда «Прокурорлик назорати» фанларини замонавий тарзда бойитиб, уларни

ўқитиш жараёнида; бешинчидан, прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомига оид асосий таклифлардан қонун ижодкорлиги фаолиятида фойдаланиш мумкин.

Саид-Газиева Нилуфархон Шерзодовна: «Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари» **(12.00.01)** - Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий маслаҳатчи: З.М.Исломов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: И.А.Хамедов, Ш.И.Жалилов, А.А.Хамраев

Етакчи ташкилот: ЎЗР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ишнинг мақсади тўпланган назарий ва амалий материал асосида давлат хизмати ва давлат хизматчилари тўғрисидаги илмий назарияни таърифлаш ва асослаб бериш. Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ этиш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилаш, самарадорлик кўрсаткичларини қайд этиш, унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва муаммонинг концептуал негизини, назарий ва амалий аҳамиятини очиқ беришдан иборатдир.

Ишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этиш муаммосини умумназарий жиҳатдан ўрганишга биринчи марта қўл урилди. Диссертацияда давлат хизматини ислоҳ этишнинг концепцияси таклиф этилган ва асослаб берилган. Бу концепция «давлат хизматчиси», «мансабдор шахс», «кадрлар», «давлат органлари кадрлари», «кадрлар тайёрлаш тизими», «кадрлар малакасини ошириш тизими», «коррупция», «конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик» каби атама ва тушунчаларни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация хулосалари ва қоидаларидан ҳуқуқнинг умумий назарияси дастурини такомиллаштиришда, ушбу илмий муаммо бўйича махсус курсни ўқитишда фойдаланилиши мумкин. Назарий қоидалардан илмий жамоаларнинг илмий-тадқиқот ишларида мавзунини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш жараёнида, эмпирик тадқиқотлар ўтказишда, ҳуқуқнинг умумий назарияси турдош муаммолари бўйича комплекс дастурлар тузишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек диссертациянинг хулосалари ва қоидаларидан, чет эл тажрибаси таҳлилидан давлат хизматини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқишда, тегишли қонунни ишлаб чиқиш ва амалга киритишда фойдаланиш мумкин.

Утанов Мухтархан Айдарханович: «Товламачиликка қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан таъминланиши назарияси ва амалиёти» **(12.00.08)** - Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Ю.С.Пўлатов

Иш бажарилган ташкилот: ЎЗР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Оппонентлар: Е.О.Алауханов, З.З.Гулямов, Ж.А.Неъматов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади товламачиликка қарши курашда жиноят қонунининг назарий ва амалий жиҳатларини концептуал ўрганиш; уюшган жиноятчилик ва товламачилик тушунчасини ишлаб чиқиш; ўрганилаётган ҳодисага қарши курашга оид халқаро ва миллий қонун нормаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш; товламачиликни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш; уюшган товламачиликка криминологик тавсиф бериш; товламачиликни комплекс тадқиқ этиш асосида: а) Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантириш; б) жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш; в) қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш; г) уюшган товламачиликка қарши курашнинг умумий ва махсус чораларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг янгилиги шундаки, узоқ тарихий давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг товламачилик ва унинг уюшган шакллари учун жавобгарлик белгиланган нормаларининг ривожланиши ўрганилган бўлиб, бу ҳозирги шароитда товламачиликка қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий асослари ва унинг қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилади. Жиноятчиликка қарши курашга оид халқаро ҳужжатлар ва халқаро тажрибани, товламачиликка қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини ўрганиш асосида муаллиф томонидан жиноят-ҳуқуқий нормаларни, уларни қўллаш амалиётини, шунингдек, товламачиликнинг олдини олиш чораларини такомиллаштириш бўйича назарий асосланган ва амалиётда ўз исботини топган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Искандаров Зайниддин Ҳамидович: «Тожикистон Республикаси жиноят процессида инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий асослари» **(12.00.09)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-38) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Ғ.А.Абдумажидов

Иш бажарилган ташкилот: Тожикистон Миллий университети

Оппонентлар: Ю.С.Пулатов, Ғ.М.Мухитдинов, Б.Саломов

Етакчи ташкилот: Наманган давлат университети

Ишнинг мақсадлари: жиноят процессида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммосини унинг конституцион-ҳуқуқий асосларининг кўп қирралилигини очиқ бериш орқали комплекс ўрганиш; инсон ҳуқуқлари ҳамда жамият ва давлат манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жиноят процессида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш нуқтаи назаридан жиноят процесси тушунчаси ва йўналишини таҳлил этиш; халқаро-ҳуқуқий актлар меъёрларини жиноят процессида қўллаш, уларни жиноят-процессуал қонунчиликка имплементация қилиш; давлат ҳимояси моҳиятининг таҳлили; адвокат томонидан амалга оширилаётган ҳимоя мазмунини белгилаш; адвокатнинг жиноят процессида иштироки масалаларини кўриб чиқиш; жиноят-процессуал қонунчилиқни ва уни амалиётда қўллаш ишларини такомиллаштиришга қаратилган назарий ҳулосалар, тақлифларни шакллантириш мақсадида кўрсатилган институтларнинг қонунчиликка оид нуқсонлари ва амалий кўринишдаги муаммоларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги, муаллиф миллий жиноят-процессуал ҳуқуқ тарихида илк маротаба замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда жиноят-процесси фанни, қонунчилик тараққиёти ҳамда уни қўллаш амалиёти учун жиддий аҳамиятга эга бўлган инсон ҳуқуқларини жиноят процессида ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларидек ўта муҳим ижтимоий-ҳуқуқий муаммонинг комплекс равишдаги монографик тадқиқотини амалга оширган.

Ишнинг тақлиф ва тавсиялари Тожикистон Республикаси ЖПК лойиҳасини ишлаб чиқишда Тожикистон Республикаси Мажлиси Оли Мажлиси намоёндағони Конституцияви қонунийлик, қонунчилик ва инсон ҳуқуқлари қўмитаси томонидан қабул қилиниб, Тожикистон Республикаси 2009 йилги ЖПКда эътиборга олинган, шунингдек судлар, адвокатура ва прокуратура амалиётига татбиқ этилган.

Педагогика фанлари

Каримбеков Самат Ахатович: «Ўзбекистон олий таълим тизими ривожланишида интеграция жараёнлари (педагогик компаративистика мисолида)» **(13.00.01)** - Тошкент давлат педагогика университети (100070, Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб кўч.,103. Тел.:254-92-02, факс: 215-54-18) (диссертация рус тилида)

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Оппонентлар: Ғ.Б.Шоумаров, У.Ш.Бегимкулов, Ғ.Р.Қадирова

Етакчи ташкилот: Гулистон давлат университети

Ишнинг мақсади: компаратив (қиёсий) педагогик тадқиқот асосида олий таълим тизими ривожланишида интеграцион жараёнларни модели аниқлаш, асосий оптимал Ўзбекистон олий таълим тизимини манбаи бўлмиш интеграцион-педагогик йўналишларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги: яхлит шаклда тарихий ва назарий илмий асосланган, амалда қўлланиб келинадиган концептуал кўринишдаги ва ҳорижда кенг ўрин топган педагогик тизимлар, айниқса интеграцион-педагогик жараёнлар, Ўзбекистон олий таълим тизими ривожланишида топган ўрни таҳлилий ўрганилган ва ёритилган; келтирилган ва қиёсий ўрганиб чиқилган интеграцион жараёнларнинг бугунги Ўзбекистон таълим тизимидаги ҳолати ва амалдаги кўриниши педагогик таҳлилдан ўтказилган. Илғор тажрибадан ўтган ҳорижий интеграцион-педагогик тизимларни жорий этиб, амалда қўлланилишидаги мавжуд ижтимоий-психологик ва культурологик муаммолар аниқлаштирилган. Д.Дьюи, С.Френе ва Х.Гарднерларнинг педагогик тизимлари конкрет компаративистика мисолида кенг ёритилган ва уларни таълим тизимини ислоҳ қилишда ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурнинг жорий этилишда эгаллаган даражаси ва ўрни берилган. Яхлит олиб борилган назарий ва амалий педагогик таҳлил асосида XX асрнинг 90-йилларида ва XXI асрнинг бошланишида республикамиз таълим тизимида ҳорижий интеграцион-таълим тажрибаларининг самарали жорий этилиши кўрсатилган. Интеграцион курсларнинг олий таълим ва ўрта-маҳсус касб-ҳунара таълими тизимларининг гуманитар йўналишдаги мутахассисликлар тайёрлаш олиб бориладиган фаолиятида таълимни инсонпарварлаштиришнинг ташкилий ишларининг аспектлари аниқлаштирилган. Олий таълим муассасалари учун интеграцион-педагогик жараёнларга оид

тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тиббиёт фанлари

Ташкенбаева Элеонора Негматовна: «Метаболик тизим патогенези, клиникасида гиперурикемия ва юрак-томир асоратларининг ривожланиши» **(14.00.05)** – Тошкент тиббиёт академияси (100174, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 246-05-13) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: А.Л.Аляви

Иш бажарилган ташкилотлар: Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация ИАТМ, РШТЁИМ Самарқанд филиали

Оппонентлар: Б.Т.Даминов, У.К.Камилова, Ю.Н.Зияев

Етакчи ташкилот: Москва давлат тиббиёт-стоматология университети

Комплекс клиник ва патофизиологик тадқиқотлар асосида гиперурикемия мавжуд беморларда илк бор гиперурикемиянинг эндотелиал дисфункция, юрак ишемик касаллиги ва ўткир коронар синдромнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган юрак ва томирларда функционал-метаболик бузилишлар ривожланишининг муҳим хавф омили сифатидаги аҳамияти аниқланган.

Гиперурикемия томирларнинг NO-реактивлигининг пасайишига олиб келади ва унинг оқибатида ишемия, метаболик бузилишларни кучайтирувчи жараёнларнинг фаоллашуви чакиради. Кучайиб боровчи нотурғун стенокардия ва ўткир миокард инфаркти билан беморлардаги ангиноз хуружларнинг тез-тез учраши қонда сийдик кислотаси концентрациясининг ошиши, эритроцитлар мембрана-ларида азот оксиди миқдори, NO-синтаза фаолигининг камайиши, НАДФНга боғлиқ нитратредуктаза реакцияси тезлигининг ошиши, пероксинитрит экспрессияси, супероксиддисмутаза ферменти фаол-лигининг пасайиши билан бирга боради, бу эса уларнинг симптомсиз гиперурикемия билан беморларда юрак-томир касалликлари патогенезидаги муҳим аҳамиятини асослайди.

Гулямов Суръат Саидвалиевич: «Ўсмирларда тиш кариеси, пародонтнинг яллиғланиш касалликларини даволаш ва олдини олиш» **(14.00.21)** – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: А.С.Йулдашханова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: С.С.Агзамходжаев, Т.К.Супиев, И.М.Мухамедов

Етакчи ташкилот: Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети

Ишнинг мақсади: Ўсмирларда пародонт касалликлари ва кариесни даволаш ва олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ёндошишларни асослаш ва ишлаб чиқиш.

Биринчи марта ўсмирларда пародонт касалликлари ва тиш кариесини ривожланишининг сўлакнинг минерализация потенциали пасайиши, фагоцитоз жараёнлари бузилиши ва кариес ривожланиши ва уни гингивит билан бирга кечишига олиб келувчи патогенетик мезонлари ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланди.

Ушбу ёшдаги болаларда адекват даволаш, профилактика ва даволаш самарадорлигини давомийлигини сақлаш мақсадида пародонт ва тиш қаттиқ тўқимасидаги ўзига хос ўзгаришлар аниқланди ва тизимлаштирилди.

Пародонт тўқимаси патологияси бўлмаган ва сурункали катарал гингивит (СКГ) мавжуд болаларда клиник текширишлар, оғиз бўшлиғи биокимёвий кўрсаткичлари, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати эпителийси дифференцировкаси жараёнларига, кариесоген тиш карашлари даражаси ва ҳосил бўлиш тезлигига комплекс даволаш-профилактика чораларини таъсири аниқланди.

Тиш кариеси ва уни СКГ билан бирга кузатилганда патогенетик даволашда тиш кариеси ва сурункали катарал гингивитни ривожланишида даволаш-профилактик чора-тадбирлар алгоритми ишлаб чиқилди.

Хасанов Адхам Иброхимович: «Болаларда юз-жағ яллиғланиш касалликларини патогенетик даволашда янги томонлари (жиҳатлари)» **(14.00.21)** –

Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 150-78-25, факс: 150-78-28) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.И.Азимов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Т.К.Супиев, А.А.Хожиметов, С.Э.Кубаев

Етакчи ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Ишнинг мақсади: Болаларда одонтоген юз-жағ яллиғланиш касалликларини патогенетик даволашнинг самарадорлигини ошириш

Болаларда одонтоген юз-жағ яллиғланиш касалликларини кўп бўлган преморбид омиллари кальций алмашувини ва гемостаз тизимини бузилиши, иммунитет кўрсаткичларини пасайиши, анемия ва дисбактериоз ҳолатлари касалликни ривожланиши ва кечишида патогенетик ахамиятги борлиги аниқланди. Болаларни текшириш натижасида аниқ бўлди-ки, патогенетик давода киска спектрли инфра-қизил нурларни ва биологик актив қушимча «Активный кальций»ни кулланиши даволашнинг гемостаз тизимидаги қон ивишининг таркибий қисмини мувозанатини тиклайди, кальций алмашувини тиклаб остеопарозни ривожланишини олдини олади, ичак бузилишини меъёрга келтириб иммунитетни гумораль ва ҳужайравий кўрсаткичларини тиклайди. Бу ўз навбатида даволаш вақтини камайтириб жараённи сурункали ҳолатга ўтишидан оғохлантиради.

Джахангиров Фарход Набиевич: «Дитерпеноид алкалоидларининг фармакологияси» (14.00.25) – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 289-43-96) (илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертация рус тилида)

Иш бажарилган ташкилот: ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти

Оппонентлар: Б.Ш.Шоисламов, А.Г.Курмуков, М.Н.Махсумов

Етакчи ташкилот: РФ ТФА Фармакология ИТИ

Ишнинг мақсади: дитерпеноидли алкалоидларни (ДА) асосий структуравий типларининг фармакологик хусусиятларини ва уларнинг физиологик таъсир доирасини аниқлаш. Асосан фаол ва истиқболли бирикмаларни аниқлаш, ҳужайра мембранасига таъсир механизмининг ўрганиш, сифатли дори препаратларини ва биореактивларни халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига жорий этиш ва зарарсизлик даражасини аниқлаш. Фармакологик таъсирини структура - активлик йўналишига боғлиқлик таҳлилларини татбиқ қилиш. Мавжуд синфларга оид табиий бирикмаларни, биологик актив моддаларни изланишлар давомида кўпроқ истиқболли йўналишларини белгилаш.

Илк бор 123та ДАларнинг фармако-токсикологик хусусиятлари систематик жиҳатдан ўрганилди. Олинган маълумотлар уларнинг фармакологик хусусиятлари, ҳужайра мембранасига таъсир механизми, фармакодинамикаси, зарарсизлик даражаси, биотрансформацияси ва структура-активлигига боғлиқлиги аниқланди. Экспериментал ва амалий медицина, фармакология ва доривор химияда янги йўналиш ҳисобланган янги, юқори самарали доривор препаратлар ва биореактивлар базасини ўрганиш ва яратиш, тиббиёт ва молекуляр биология учун муҳим ва амалий жиҳатдан қизиқарли бўлган юқори антиаритмик, анальгетик, маҳаллий анестетик, спазмолитик, яллиғланишга қарши, Н-ацетилхолинблокаторлик, нейропротекторлик, психотроп, нейрокардиотоксик активликларни намоён қилувчи кимёвий моддаларнинг оригинал гуруҳлари кўрсатиб берилди. Янги биологик актив моддаларни мақсадга мувофиқ ҳолда олдиндан айтиш, структурасини тузиш ва ишлаб чиқишни ДА қаторида структура - активликга алоқадорлик қонуниятлари топилди. Дунё амалиётида аналог мавжуд бўлмаган, кимёвий структураси ва ўзига хос таъсир механизми бўйича фарқланувчи янги антиаритмик моддаларни ишлаб чиқарилди ва ДАларни турли хил структуравий типлари асосида янги йўналишлар очиб берилди.

Ўтказилган изланишлар асосида импорт дорилар ўрнини қоплайдиган ва экспортга мўлжалланган антиаритмиклар - аллапинин ва аклезин препаратлари соғлиқни сақлаш учун амалиётга жорий этилди. Уларнинг субстанциялари чиқиндиларидан фитокосметика учун липид концентратли моддалари яратилди: "Гўзал", "Аканта", "Гулноз". Ҳар хил тиббий-биологик изланишлар учун 24 та биореактив тақлиф қилинди. Ўз ССВ ДВга ва ТТСНҚББга клиник синовдан ўтказишга рўхсат олиш учун янги антиаритмик хусусиятга эга бўлган N-дезацетил-лаппаконитин, 1-о-бензоилнапеллин ва кураресимон Ротундолий препаратларини ИТХлари топширилди.

Қаранг яна: Б.Т.Сейтханова (03.00.07)

Фармацевтика фанлари

Абдуллабекова Вилоятхон Нуруллабековна: «Ўзбекистоннинг флавоноид сақловчи ўсимликлари асосида олинган фитопрепаратларни назорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва стандартлаш» **(15.00.02)** – Тошкент фармацевтика институти (100015, Тошкент, Ойбек кўч., 45) (диссертация рус тилида)

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Оппонентлар: Х.М.Комилов, А.У.Тулегенова, У.Н.Зайнутдинов

Етакчи ташкилот: ЎзР ССВ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси

Ишнинг мақсади: Флавоноид сақловчи маҳаллий хом ашё асосидаги фитопрепаратларнинг - тукли эрва қуруқ экстракти, доривор тирноқгул, туркистон арслонқуйруғи, дағал далачай ва дала гунафшаси настойкалари сифатини назорат қилишнинг илмий асосланган ускунавий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш ва стандартлаш.

Тукли эрва, доривор тирноқгул, туркистон арслонқуйруғи, дағал далачай ва дала гунафшасининг флавоноидларини ўрганиш асосида улардан олинган фитопрепаратларнинг сифатини таҳлил қилиш ва стандартлашнинг илмий асосланган замонавий УБ-спектрофотометрия, юқори самарали суюқлик хроматография ва капилляр зонали электрофорез усуллари ишлаб чиқилган. Олинган дори шакллариининг сақланиш муддатлари табиий сақлаш усули ёрдамида белгиланган. Тукли эрва қуруқ экстракти, тирноқгул ва арслонқуйруқ настойкалари учун тузилган меъёрий ҳужжатлар ЎзР ССВ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган. Тирноқгул ва арслонқуйруқ настойкалари учун ишлаб чиқилган таҳлил усуллари фитокимё ишлаб чиқариш саноатининг назорат-таҳлил лабораториялари амалиётига татбиқ этилган. Тукли эрва қуруқ экстракти ЎзР ССВ фармакология қўмитаси томонидан тиббиётда диуретик ва спазмолитик дори воситаси сифатида кенг қўллашга рухсат этилган.

Сиёсий фанлар

Абдураззоқова Мумтаза Анваровна: «Шарқ мамлакатларида секуляризмнинг ривожланиши (Ҳиндистон ва Туркия мисолида)» **(23.00.04)** – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (100077, Тошкент, Мустақиллик шоҳ кўч., 54. Тел.: 267-07-07, факс: 267-07-07) (диссертация рус тилида)

Иш бажарилган ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Оппонентлар: Н.Туляганова, З.Мунавваров, С.Жўраев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация Шарқ мамлакатларида секуляризация жараёнлари дунё ривожланишининг асосий компонентларидан бири сифатида ўрганишга бағишланган.

Ишнинг мақсади: Ҳиндистон ва Туркияда секуляризм ривожланишини, мазкур давлатлар сиёсий ҳаётида диннинг ролини таҳлил қилиш. Тадқиқот аҳамияти ушбу жараённинг ривожланиш истиқболларини аниқлаш зарурати ҳамда уни таснифловчи тенденцияларни тизимли таҳлил қилиш муҳимлиги билан белгиланади.

Глобаллашув, замонавий сиёсий жараёнлар ва халқаро муносабатлар ривожланиши шароитида дунёнинг қарама-қарши «секуляризация» ва «десекуляризация»/«ресакрализация» тенденциялари кучаймоқда ҳамда жаҳон сиёсий жараёнининг таркибий қисми сифатида дуализм «секуляризм» - «диннинг қайтиши/тикланиши» юзага келди. Секуляризация жараёни бир вақтнинг ўзида деструктив ва конструктив вазифаларни бажаради, секуляризацияга зид бўлган «диний уйғониш», «маънавиятга қайтиш» тенденцияси, яъни дунёнинг *десекуляризация* ва ундан сўнгги *ресакрализацияси* яққол кузатилмоқда; замонавий секуляризация жараёни *глобаллашувнинг* воситасига айланмоқда; секуляризмнинг фарқли жиҳати унинг сиёсий жараён билан узвий боғлиқлигидир.

Ҳиндистон ва Туркияда дин ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари мисоли Шарқ жамиятларида диний ва сиёсий ўзаро алоқасининг алгоритмини аниқлашга кўмаклашади, бу эса қатор муаммолар, жумладан, низоларни бартараф этиш, ҳозирги дунё тузилиши тенденцияларини белгилаш, жамиятлар ва турли диний тизимларни модернизациялаш каби масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

ФАН НОМЗОДИ илмий даражасини олиш учун

Физика-математика фанлари

Атамуратов Алимардон Абдиримович: «Мероморф функцияларни тайинланган йўналиш бўйича давом қилдириш» **(01.01.01)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси. ЎЗМУ. Тел.: 246-02-30, Факс: 246-15-54) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.С.Садуллаев

Иш бажарилган ташкилот: Урганч давлат университети

Оппонентлар: Г.Худайберганов, Б.Б.Пренов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертация иши мероморф функцияларни тайинланган йўналиш бўйича давом қилдириш ва сепарат-мероморф функцияларни мероморф давом қилдириш масалаларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- тайинланган йўналишда кесимларнинг бирор тўплами бўйича мероморф давом қилувчи функцияларнинг мероморфлик соҳаси аниқланган;
- бир ўзгарувчиси бўйича мероморф давом қилдириш ҳақидаги Ротштейн леммасининг локал чегаравий варианты исбот қилинган;
- сепарат-мероморф функцияларнинг мероморфлик соҳаси Р-ўлчов ёрдамида ифода этилган;
- соҳа чегарасининг бўлагида аниқланган сепарат-мероморф функцияларнинг мероморфлик соҳалари аниқланган.

Рузиев Жалол Эсанмуратович: «Ўлчовли функциялар халқаси устидаги операторлар алгебрасининг дифференциаллашлари ва автоморфизмлари» **(01.01.01)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 246-02-30. Факс: 246-15-54) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.А.Аюпов

Иш бажарилган ташкилот: ЎЗР ФА Математика ва информацион технологиялар институти

Оппонентлар: Р.З.Абдуллаев, Б.С.Закиров

Етакчи ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Қўшма операторлар ҳақидаги фон Нейман теоремасининг вектор варианты исботланди.

Ўлчовли функциялар халқаси устидаги S^* -алгебранинг $*$ -автоморфизми ва бу алгебранинг универсал таснифнинг композицияси бирор унитар оператор орқали ҳосил қилиниши исботланди.

Ўлчовли функциялар халқаси устидаги (b_0) -яқинлашишга нисбатан зич ва умумий аниқланиш соҳасига эга бўлган чегараланмаган операторларнинг максимал алгебрасини ажратиб кўрсатилди ва бу алгебраларнинг барча вектор-чизикли дифференциаллашлари ҳамда автоморфизмлари (мос равишда, $*$ -автоморфизмлари) ички бўлиши исботланди.

Ўлчовли функциялар алгебраси устидаги вектор-чегараланган вектор-чизикли операторлар алгебрасининг дифференциаллашининг нормасини уни ҳосил қилувчи операторлар нормаларининг инфимумининг иккиланганига тенглиги исботланди.

Тўрақулов Давир Давронович: «Қавариқ гиперсиртларда мужассамланган силлиқ ўлчовлар Фурье алмаштиришларининг баҳолари ҳақида» **(01.01.01)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 246-02-30, Факс: 246-15-54) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: И.А.Икромов

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат университети

Оппонентлар: С.А.Имомқулов, Ж.К.Тешабоев

Етакчи ташкилот: ЎЗР ФА Математика ва информацион технологиялар институти

Иш қавариқ гиперсиртларда мужассамланган силлиқ ўлчовлар Фурье алмаштиришларининг йўналишлар бўйича текис баҳоларини ўрганиш ва баъзи гиперсиртларда Фурье алмаштиришларини аниқлаш масалаларига бағишланган.

Олинган натижаларнинг янгилиги:

- Евклид фазосидаги қавариқ гиперсиртларда мужассамланган силлиқ борел ўлчовларининг Фурье алмаштиришлари баҳоланган;

- мос тебранувчан интеграллар учун алоҳида олинган ва текис тебраниш кўрсаткичлари орасидаги боғланиш кўрсатилган;

- олинган баҳолар тебраниш кўрсаткичи яримдан кичик бўлган ҳолда кўп ўлчовли Евклид фазосидаги қавариқ гиперсиртлар учун оптимал эканлиги исботланган;

- тўрт ўлчовли Евклид фазосидаги қавариқ гиперсиртларда мужассамланган силлиқ борел ўлчовларининг Фурье алмаштиришлари баҳоланган;

- олинган баҳонинг Евклид фазосидаги уч ўлчовли қавариқ аналитик гиперсиртлар учун оптималлиги исботланган;

- баъзи қавариқ гиперсиртлар учун Фурье алмаштиришларининг (L_p, L_2) чегараланганлик масаласи ечилган.

Бекиев Аширмэт Бекиевич: «Лаплас, иссиқлик ўтказувчанлик ва Даламбер операторларининг кўпайтмасини ўз ичига оладиган тўртинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун чегаравий масалалар» (01.01.02) – ЎзР ФА Математика ва инфор­мацион технологиялар институти (100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўч., 29. Тел.: 262-75-44, факс: 262-73-57) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Д.Аманов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Математика ва инфор­мацион технологиялар институти

Оппонентлар: Ш.Г.Касимов, А.Р.Хашимов

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети

Мавзунинг долзарблиги: Ҳозирги кунда геофизика, океанология, атмосфера физикасининг муаммолари ва бошқа муаммолар билан боғлиқ ҳолда тўртинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалаларга келтириладиган ҳар турли бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг динамикасини ўрганиш масаласига қизиқиш кучаймоқда. Бир ўлчамли оқимларнинг динамик тенг­ламаси, сиқилувчан экспоненциаль стратифицирланган суюқлик динамик тенгламаси ва бошқалар бунга типик мисол бўлади. Диспергирланган муҳитда тўлқин тарқалиши масаласи ва балка ҳамда стерженнинг тебраниши тўртинчи тартибли тенгламани ўрганишга келтирилади. Лаплас, иссиқлик ўтказувчанлик ва Даламбер операторларининг кўпайтмасини ўз ичига оладиган тўртинчи тартибли тенгламалар учун чегаравий масалалар ўрганилмаган.

Ишнинг мақсади: Тўғри тўртбурчакли соҳада Лаплас, иссиқлик ўтказувчанлик ва Даламбер операторларининг кўпайтмасини ўз ичига оладиган тўртинчи тартибли тенглама ва аралаш типдаги тўртинчи тартибли тенглама учун чегаравий масалаларни қўйиш ва тадқиқ қилиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тўғри тўртбурчакли соҳада Лаплас, иссиқлик ўтказувчанлик ва Даламбер операторларининг кўпайтмасини ўз ичига оладиган тўртинчи тартибли тенглама ва аралаш типдаги тўртинчи тартибли тенглама учун чегаравий масалаларнинг соҳа ўлчамларига боғлиқ ҳолда бир қийматли регуля­р ечимининг мавжудлиги кўрсатилган. Қаралаётган масалаларнинг кучли ечимга эғалиги исботланган ва спектрал хоссалари ўрганилган. Айрим масалаларнинг ечими учун априор баҳо олинган.

Атахужаев Акбарали Азамхужаевич: «Боғлиқсиз орттирмали тасодифий жараёнлар учун йўлакни кесиб ўтишлар сони тақсимо­тининг асимптотикаси» (01.01.05) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси. ЎЗМУ. Тел.: 246-02-30, факс: 246-15-54) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: В.Р.Ходжибаев

Иш бажарилган ташкилот: Наманган муҳандислик-педагогика институти

Оппонентлар: А.А.Абдушукуров, Р.Х.Кенджаев

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Математика ва инфор­мацион технологиялар институти

Ишнинг мақсади: Бир жинсли боғлиқсиз орттирмали тасодифий жараёнлар ва умумлашган тикланиш жараёнлари изларининг тўғри чизиқли йўлакни кесиб ўтишлар сони тақсимо­тининг тўла асимптотик ёйилмаларини топиш.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- бир жинсли боғлиқсиз орттирмали тасодифий жараёнлар ва умумлашган тикланиш жараёнлари изларининг тўғри чизиқли йўлакни t моментгача кесиб ўтишлар сони тақсимо­тининг t чексизликка интилганда тўла асимптотик ёйилмалари топилган. Бунда t ўсиши билан йўлак кенглиги ҳам t га боғлиқ равишда ўсиб боради ва жараёнга, асосан, Крамер шартлари типдаги шартлар қўйилади;

- асимптотик ёйилмалар биринчи ҳадларининг аниқ кўриниши ёзилган ва кейинги ҳадларини ҳисоблаш алгоритми келтирилган;

- юқорида кўрсатилган натижалар умумлашган тикланиш жараёнлари ҳолига кўчирилган.

Жумакулов Хуршиджон Қодиралиевич: «Иммиграцияли тармоқланувчи тасодифий жараёнлар кетма-кетлигининг яқинлашиши ҳақида» **(01.01.05)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси. ЎЗМУ. Тел.: 246-02-30. Факс: 246-15-54) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Қ.Форманов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Математика ва инфор­мацион технологиялар институти

Оппонентлар: В.Р.Ходжибаев, А.А.Джамирзаев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Иш иммиграцияли тармоқланувчи тасодифий жараёнларнинг асимптотик анализига бағишланган ва унда:

- қўшилувчилар сони келажакка боғлиқ бўлмаган ҳолда боғлиқсиз номанфий тасодифий миқдорлар тасодифий сондаги йиғиндисининг математик кутилиши учун баҳо олинган;

- иммиграцияли тармоқланувчи жараёнлар бошланғич ҳолатининг асимптотик жараёнга таъсири аниқланган ва бу жараёнларнинг ўсиш тезликлари келтирилган;

- тармоқланувчи жараён тебранишининг Винер жараёнлари функционалига су­ст яқинлашишини таъминловчи шартлар топилган;

- авлодлари сонининг ўртачаси бирга секин яқинлашувчи иммиграцияли деярли критик тармоқланувчи жараённинг ўсиш тезлиги топилган.

Буранов Худояр Махмадиярович: «Гистерезис типдаги эластикдемпферловчи характеристикали ва суюқликли бўғинларга эга бўлган тебранишлардан ҳимояланувчи системаларнинг устиворлиги» **(01.02.01)** – ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти (100125, Тошкент, Академшаҳарча, Дўрмон йўли кўч., 31. Тел.: 262-71-52) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: О.М.Дўсматов

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат университети

Оппонентлар: Ҳ.Тураев, Б.Атажанов

Етакчи ташкилот: Андижон давлат университети

Ишнинг мақсади: Гистерезис типдаги эластикдемпферловчи элементли ва суюқликли бўғинларга эга бўлган тебранишлардан ҳимояланувчи системалар устиворлигини текширишда умумий ёндашувни такомиллаштириш, гармоник ва тасодифий қўзғалишлардаги стационар тебранишларининг устиворлигини текшириш; тўпланган ва тақсимланган параметрли тебранишлардан ҳимояланувчи системаларнинг устиворлигини система элементларининг чизиқлимас хоссаларини эътиборга олиб, конструкцион параметрларига боғлиқ ҳолда текшириш.

Ишда гармоник ва тасодифий қўзғалишлардаги турли типдаги динамик сўндиргичли ва гистерезис типдаги эластикдемпферловчи элементли чизиқлимас тебранишлардан ҳимояланувчи системалар устиворлигининг янги типдаги масалалари ечилган; устиворлик шартлари ва устиворлик соҳаларининг чегараларини аниқловчи ифодалар олинган, ҳамда қаралаётган системалар параметрларининг турли қийматлари учун амплитуда-частота характеристикалари, резонанс эгри чизиқлари муносабатлари олинган ва бу параметрларнинг тебранишлардан ҳимояланувчи системалар ҳаракат устиворлигига таъсири текширилган. Такомиллаштирилган ёндашув, ўтказилган

сонли ҳисоблар, олинган натижалар ва ҳулосалар тебранишлардан химояланувчи ва техник объектлар динамик ҳисоблашларига асосланган ҳолда ёндашиш, гармоник ва тасодифий ташқи кўзғалишлардаги чизиқсимас тебранишлардан химояланувчи системаларни янада аниқроқ моделлаштириш ва бир қатор масалаларини ечиш имконини беради.

Ялгашев Бурхон Файзуллаевич: «Қовушоқ сиқилувчан суюқликни ўз ичига олган доиравий кесимли цилиндрик қатламнинг ностационар тебранишлари» (01.02.04) – ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти (100125, Тошкент, Академшаҳарча, Дўрмон йўли кўч., 31) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.Х.Худойназаров

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат университети

Оппонентлар: Б.М.Мардонов, А.Т.Буриев

Етакчи ташкилот: Тошкент темир йўл транспорти мухандислари институти

Ишнинг мақсади: ихтиёрий қалинликдаги цилиндрик эластик қатламнинг қовушоқ сиқилувчан суюқлик билан ўзаро таъсирини ва ташқи динамик юкланишларни ҳисобга олган ҳолда бўйлама-радиал тебранишлари умумий ва тақрибий тенгламаларини келтириб чиқариш ва унинг методикасини ишлаб чиқиш; кучланиш тензори ва кўчиш вектори компоненталари учун формулалар чиқариш; айланиш инерцияси, кўндаланг силжиш деформацияси ва таъсирлашаётган қовушоқ сиқилувчан суюқликнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда цилиндрик қатламнинг ностационар тебранишларига оид амалий масалалар ечиш.

Ишда доиравий цилиндрик қатлам ва қобиқларнинг қовушоқ сиқилувчан суюқлик билан ўзаро таъсири механикаси масалаларининг янги синфи шакллантирилган ва ечилган; қаралаётган гидроэластик система тебраниш тенгламалари келтириб чиқарилган; қовушоқ сиқилувчан суюқлик тўлдирилган доиравий цилиндрик қатламда гармоник буралма, сиқувчи ва бўйлама тўлқинлар тарқалиши янги масалалари ечилган ва тўлқинли жараёнлар тадқиқ қилинган.

Олинган натижалар қовушоқ сиқилувчан суюқлик билан тўлдирилган доиравий цилиндрик қатлам ва қобиқлар динамик ҳисобига асосли ёндошишга, гидроэластик система учун бир қатор муаммоларни мукамалроқ моделлаштириш ва уларни аниқроқ ечиш имконини беради ҳамда газ ва нефть узатиш қувурлари, учувчи аппаратлар, цилиндрик шаклдаги сув ости ва ер ости объектлари элементларини лойиҳалаштириш ва бошқа ҳисоблашда қўлланилиши мумкин.

Гирянская Виктория Сергеевна: «Аксиал-симметрик гравитацион моделларда умумий нисбийлик назарияси эффектлари ва уларнинг компакт объектлар астрофизикасига тадбиқлари» (01.03.02, 01.04.02) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси. ЎЗМУ. Тел.: 246-15-81, факс: 246-53-21) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.Ж.Ахмедов

Иш бажарилган ташкилотлар: ЎзР ФА Ядро физикаси институти,

ЎзР ФА Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: И.С.Саттаров, Б.А.Файзуллаев

Етакчи ташкилот: Украина МФА Назарий физика институти

Илк бора брандаги олам моделида вакуум билан ўралган секин айланувчи нейтрон юлдуз магнит майдони учун аналитик ва электр майдон учун сонли ечимлар олинди.

Биринчи марта а) гравитомагнит зарядга б) бран кучланганлигига в) тороидал тебранишларга эга бўлган секин айланувчи магнитланган нейтрон юлдуз магнитосфераси кутб қалпоғи атрофида скаляр потенциал ва электр майдон учун аналитик ечимлар олинди. Илк бора пульсар энергия йўқотишининг а) НУТ параметрга б) бран параметрига в) тороидал тебранишлар модаси ва амплитудасига боғлиқлиги таҳлил этилди.

Олинган натижалар асосида қисман нурланувчи пульсар ҳолатини тўлиқ тушунирувчи янги гипотеза таклиф этилди.

Илк бора юлдуз типик параметрларга эга бўлган ҳолда радиодиапазонда нурланиш чиқармаслиги ҳақида далолат берувчи айланмайдиган тебранувчи нейтрон юлдуз ўчиш чизигининг график тасвири олинди.

Илк бора НУТ параметрнинг квант интерференция эффектларига сезиларли таъсир кўрсатишидан далолат берувчи Керр-Тауб-НУТ фазо-вақтида Саньяк тажрибасида

интерференцияланувчи оқимлар фаза фарқи ва нейтрон интерферометрида зарралар фаза силжишининг аналитик ифодалари топилди.

Қора ўралар учун Эйнштейн тенгламаларининг аниқ нософерик ечимларини характерловчи янги теорема исботланди.

Гулямов Абдурасул Гафурович: «Деформацион эффектлар динамикаси ва яримўтказгич пардаларида реактив фототоклар» (01.04.10) - ЎзР ФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ Физика-техника институти (100084, Тошкент, Бодомзор йули кўч., 2 б. факс: 235-42-91) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.Х.Шамирзаев

Иш бажарилган ташкилотлар: ЎзР ФА Физика-техника институти,

Наманган муҳандислик-педагогика институти

Оппонентлар: А.Ю.Лейдерман, С.З.Зайнобиддинов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади ўта юқори частотали(ЎЮЧ) майдондаги р-п-ўтишларда электр юритувчи кучларнинг(ЭЮК) ҳосил бўлиш механизмларини тадқиқ қилиш. Тензосезгир плёнкалардаги деформацион эффектлар динамикасини термодинамиканинг циклик жараёнлари усули, ҳамда тебранишлар назариясида кенг қўлланиладиган “фазалар траекторияси” усули орқали ёритиш.

Кучли ЎЮЧ майдоннинг р-п-ўтишлардаги электронлар ва коваклар концентрациясини ўзгаришига таъсири ўрганилди. ЎЮЧ тўлқин таъсирида р-п-ўтиш ЭЮК ва ток генераторига айланади деган хулоса қилинди. ЎЮЧ тўлқин р-п-ўтишга статистик ва динамик таъсир этиши аниқланди. ЎЮЧ квазипотенциал р-п-ўтишларда ҳосил бўлувчи уярмавий тоқларни камайитириши кўрсатиб берилди.

Яримўтказгичнинг электр ўтказувчанлигига деформациянинг таъсири тадқиқ қилинди. Деформациянинг намуна қаршилигига таъсирини, тебранишлар назариясида кенг қўлланиладиган “фазалар траекторияси” усули орқали ёритиш мумкинлиги кўрсатиб берилди. “Фазалар траекторияси”нинг шакли ташқи таъсирларга жуда сезгирлиги ва у қимматли маълумоларни ўзида мужассам этганлиги аниқланди.

Хусусий яримўтказгичнинг тензосезгирлигига ёруғликнинг таъсири кўриб чиқилган. Хусусий ёруғлик билан ёритиш намунанинг тензосезгирлигини ошириши кўрсатиб берилган.

Аширбекова Сапура Уббиниязовна: «Монтмориллонит билан полимеризацион тўлдирилган полиамид-6 нанокомполитларининг тузилиши ва хоссалари» (01.04.19-техника фанлари) – ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти (100128, Тошкент, А.Қодирий кўч., 7б) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Н.Р.Ашуров

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти

Оппонентлар: У.Абдурахманов, А.А.Холмуминов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети қошидаги «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси

Ишнинг мақсади: полиамид-6 ни монтмориллонит билан полимеризацион тўлдириш жараёнида нанокомполитларнинг ҳосил бўлиш хусусиятлари ва қонуниятларини комплекс ўрганиш, нанокомполитлар структуравий уюшма параметрлари ҳамда уларнинг физик-механик хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва капролактама анионли фаоланган полимерланиш вариантыда нанокомполитлар олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Илк маротаба полиамид-6 макромолекулаларининг монтмориллонит қатламлари оралиғига интеркаляцияланиш механизми тақдим этилди. Хоссалари бўйича соф полиамид-6 нинг қайишқоқлик модули кўрсаткичлари, ўткизувчанлиги, иссиқлиққа ва ўтга чидамлилигига нисбатан устунликка эга бўлган нанокомполитлар олинди.

Нанокомполитлар структуравий уюшма параметрларини назарий ҳисоблаш учун модел тушунчалар қўлланилган ва қатламли силикатнинг қатламлари оралиғига полиамид-6 макромолекуласини турли даражада интеркаляцияланган ва қатламлари эксфолиацияланган нанокомполитлар яратиш йўллари аниқланган.

Илк бор бир босқичли усулда нанокомполитлар олиш ва улар асосида “мономер-тайёр маҳсулот” чизмаси бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқиш технологияси тақлиф этилган.

Нургалиев Ильнар Накипович: «Оптимал дескрипторлар воситасида полимер тизимларнинг физик хоссаларини топологик (QSPR) моделлаштириш» (01.04.19) – ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти (100128, Тошкент, А.Қодирий кўч., 76. Тел.: 241-85-94, факс: 244-26-61) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Торопов

Илмий маслаҳатчи: С.Ш.Рашидова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти

Оппонентлар: Н.Н.Тўраева, О.Е.Сидоренко

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Иссиқлик физикаси бўлими

Ишнинг мақсади: полимерларнинг хоссаларини аниқлаш ва уларни маълум мақсадларга йўналтирилган тарзда синтез қилиш учун назарий асослар сифатида статистик қонуниятларга таянган оптимал дескрипторлардан фойдаланиб, структуралари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида полимерларни физик хоссаларини олдиндан айтиб бериш учун топологик QSPR моделлаштиришни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу локал инвариант графлар корреляцион вазнларини оптималлаштиришга асосланган дескрипторларни бир ва икки компонентли полимер тизимларнинг физик хоссаларини олдиндан айтиб бериш учун қўлланиши баҳоланган.

Илк маротаба оптимал дескрипторлар асосида полиариленоксидларни шишаланаш ҳарорати, олигофенилларнинг суюқланиш ҳарорати, октанол-сув органик моддаларни тақсимланиш коэффициенти ҳамда Флори-Хаггинс параметрлари, қуйи критик аралашуш ҳарорати ва икки компонентли полимер-эритувчи тизими учун тавсифли қовушоқлик моделлари ишлаб чиқилган.

Кимё фанлари

Генжемуратова Гулхан Пердебаевна: «2,3-алмашган хиназолон-4 тузлари С-,N-,O-ациллаш реакцияларида» (02.00.03) - Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.М.Шахидоятов

Иш бажарилган ташкилотлар: ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти,

ЎзР ФА ҚҚБ Табиий фанлар бирлашган институти

Оппонентлар: Қ.Н.Ахмедов, З.Н.Османов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон кимё-фармацевтика ИТИ

Ишнинг мақсади: трициклик хиназолон-4 ларни органик кислоталар хлорангидридлари билан реакциясини ўрганиш, олинган тузлар С-,N-,O- ацилловчи агент сифатида ишлатиш ва натижада α-ҳолатида ацил гуруҳи сақловчи моддалар, амидлар, N-ациламино- кислоталар ва мураккаб эфирлар олиш усуллари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Биринчи марта -2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолон-4 ларни бензоилхлорид, унинг хосилалари, ацетилбромид билан реакцияси систематик равишда ўрганилди. Олинган N-ацил -2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолон-4 тузларининг трициклик хиназолин алкалоидларини α-углеродни ациллаш агенти сифатида ишлатиш мумкинлиги кўрсатилди. Олинган тузлар С-,N-,O- ацилловчи агентлар сифатида, хизмат қилиши мумкинлиги топилди. 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолон-4 лар кислота галлоидангид- ридлари ва аминлар билан таъсирланиши натижасида юқори унумда амидлар ҳосил бўлиши аниқланди. Ҳар хил тузилишдаги амидларни, ациламинокислоталарни, ацилалкалоидларни ва мураккаб эфирларни олишнинг усули яратилди. Реакция бориш жараёнига таъсир этувчи омиллар топилди.

Трициклик хиназолон -4-ларни α-углерод атомига, аминларга, аминокислоталарга, спиртларга ацил гуруҳи киритишнинг янги усуллари яратилди. Ишлаб чиқилган усулни кам миқдордаги алкалоид ва аминокислоталарни ациллаш учун қўллашда имконияти кўрсатилди.

Кузнецов Данил Владимирович: «2-амино-1,3,4-тиадиазол ҳамда кой кислота фрагментлари билан модификацияланган дибензо-18-краун-6нинг синтези, экстракцион ва транспорт хусусиятлари» (02.00.03) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 214-52-36, факс: 246-53-21) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.К.Ташмухамедова

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: В.С.Абдукахаров, Д.Н.Далимов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти

Ишнинг мақсади: 2-амино-1,3,4-тиадиазол ва кой кислота фрагментлари билан модификацияланган ДБ18К6ни синтез қилиш, уларнинг экстракцион ва транспорт хусусиятларини ҳамда фунгицид ва ўсишни стимуллаштирувчи фаолликларини ўрганиш.

Ишнинг илмий янгилиги: 2-амино-1,3,4-тиадиазол ва кой кислота фрагментларини тутган ДБ18К6 ҳосилаларини олиш усуллари ишлаб чиқилди. Макроҳалқанинг таъсирига боғлиқ айрим реакцияларнинг бошқача кетиши қайд этилди.

ДБ18К6ни полифосфат кислота (ПФК)да сирка кислота билан ацетиллаш усулини такомиллаштириш натижасида ДБ18К6нинг моноацетил ҳосиласи унумини 2 марта кўпайтиришга эришилди. ДБ18К6нинг ацетил ҳосилаларини тегишли карбон кислоталаргача оксидлаш усули такомиллаштирилди. Оксидланиш жараёнини оз миқдордаги диоксан тутган сувда олиб бориш мумкинлиги аниқланди (диоксан сарфи 10 марта камайтирилди).

ДБ18К6нинг ён занжирига аминотиадиазол фрагментини киритиб гетероҳалқаланиш учун энг яхши катализатор ПФК эканлиги кўрсатилди.

Олинган моддаларнинг экстракцион ва транспорт хусусиятларини ўрганиш учун текширилаётган модданинг парафин композити бўлмиш краунли сорбент асосида ясалган қаттиқ мембрана яратилган.

Файзуллаев Одилжон Очилдиевич: «Метаннинг $(Mn_2O_3)_x \cdot (ZrO_2)_y \cdot (KCl)_z$ катализаторида оксидланишли конденсацияланиши кинетикаси ва жараёни оптималлаштириш» (02.00.04) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 214-52-36) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Қ.М.Муродов

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат университети

Оппонентлар: Х.Т.Шарипов, М.К.Асомов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Ишнинг мақсади: Метаннинг оксидланишли конденсацияланиш реакциясини термодинамик асослаш, дифференциал реактор шароитида кинетик қонуниятларни ўрганиш ва улар асосида жараёни моделлаштириш ва оптималлаштириш.

Ишнинг илмий янгилиги: Метанни оксидланишли конденсациялаш реакцияси Кандинер-Бренклей усулида термодинамик жиҳатдан баҳоланди. Дифференциал реактор шароитида танланган катализатор $(Mn_2O_3)_x \cdot (ZrO_2)_y \cdot (KCl)_z$ иштирокида метанни оксидланишли конденсациялаш реакциясининг кинетик қонуниятлари ўрганилди.

Метаннинг молекуляр кислород иштирокида оксидланишли конденсацияланиш жараёнининг макрокинетик қонуниятлари газ оқими ҳажмий тезлиги, ҳарорат ва катализатор ўлчамининг кенг оралиғида ўрганилди. Реакциянинг кинетик соҳада ўтиш имконини берадиган параметрлари топилди. Солиштирма ҳажмий тезлик ва ҳароратни кенг интервалда ўзгартириб, метанни оксидланишли конденсациялаш реакциясининг дифференциал реактор шароитини таъминлайдиган соҳаси аниқланди.

Метан ва кислород парциал босимларининг оксидланишли конденсацияланиш реакцияси тезлигига таъсири ўрганилди ва улар парциал босимларининг ортиши этилен ҳосил бўлиш тезлигининг ортишига олиб келиши аниқланди.

Хайтметова Саидахон Боқижоновна: «Гидролитик парчаланган карбоксиметилцеллюлоза олиш технологиясини яратиш ва уни тиббиёт мақсадлари учун қўллаш» (02.00.10-техника фанлари) – ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти (100170, Тошкент, Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: 262-59-13, факс: 262-73-48) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.С.Тураев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Биоорганик кимё институти

Оппонентлар: Ш.Ш.Сагдуллаев, З.О.Назарова

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон кимё-фармацевтика институти

Ишнинг мақсади гидролитик парчалаш усулидан фойдаланиб белгиланган молекуляр кўрсаткичли карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) олиш технологиясини яратиш ва у асосида дори воситаларини таблеткаш учун янги парчалагич, сунъий танглай тишларни мустаҳкамлаш учун композиция, антиаритмик таъсирга эга биологик фаол восита олишдан иборат.

Белгиланган молекуляр кўрсаткич, ғовак структура ва тиббий-биологик хоссага эга модификацияланган КМЦ олиш технологияси илмий асосланди. Модификацияланган КМЦ асосида доривор препаратларни таблеткаш учун парчалагич, сунъий танглай тишларни мустаҳкамлаш учун композиция олинди.

Модификацияланган КМЦ ва этацин гидрохлорид асосида антиаритмик фаолликка эга бўлган ва таъсир вақти узайтирилган биологик фаол модда олиш мумкинлиги кўрсатилди.

Абдуллаев Акбар Хикматович: «Кўп функционалли битум композицияларнинг самарали таркибларини ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» **(02.00.16-техника фанлари)** – Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси (100174, Тошкент, Мирза Ғолиб кўч., 7а. Тел.: 246-39-28, факс: 246-05-49) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.Б.Собиров

Илмий маслаҳатчи: С.С.Негматов

Иш бажарилган ташкилот: «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси

Оппонентлар: М.А.Асқаров, А.А.Норқулов

Етакчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти

Ишнинг мақсади маҳаллий хом ашё ва кўп вазифаларга мўлжалланган техноген чиқиндилар асосида органик ва ноорганик таркибий қисмлардан фойдаланган ҳолда юқори физикавий-механик хусусиятларга эга бўлган самарали битум композициялар таркибини ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Илк бор композицияларни 120 °С дан 180 °С гача ҳароратда уларнинг кўп вазифаларга мўлжалланган бирикмалари ва тузилма шакллантирувчиларини ҳам органик, ҳам ноорганик (модификацияланган госсипол қатрони, гидролизли лигнин, сўндирилган оҳак, уротропин, резина майдаси, иккиламчи полиэтилен, поливинилхлорид, базальт толаси ва механик фаоллашган воллостонит) таркибий қисмлар билан, уларнинг битум композицияларнинг юмшатиш ҳароратини ошиб боришига ва уларнинг иссиқлик ва совуқбордошлигига ижобий таъсир кўрсатувчи табиати, тури ва таркибига қараб, модификациялаш йўли билан самарали битум композицияларни олиш имконияти илмий нуқтаи назардан асослаб берилди.

Очиб берилган қонуниятлар асосида илк бор юқори физикавий-механик ва фойдаланиш хусусиятларга эга ҳамда йўл, фуқаролик ва саноат қурилиши учун мўлжалланган самарали битум композицияларни яратиш ва олишнинг илмий-услубий ва технологик тамойиллари ишлаб чиқилди.

Биология фанлари

Тойчиев Абдукодир Ходжаикбарович: «АТФ-ўтказувчи макси-анион каналининг активация механизми» **(03.00.02)** – ЎзР ФА Физиология ва биофизика институти (100095, Тошкент, Ниёзов кўч., 1.) (диссертация инглиз тилида)

Илмий раҳбар: Р.З.Сабилов

Иш бажарилган ташкилотлар: Ўзбекистон Миллий университети,

Физиология Миллий тадқиқот институти (Оказак ш., Япония)

Оппонентлар: Б.А.Салахутдинов, И.Казаков

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Биокимё институти

Ишнинг мақсади: Макси-анион каналининг активация механизмини тўлиқ ўрганиш, ҳамда макси-анион каналининг оқсиллини ТТҲН гени кодлаши ҳақидаги гипотезани текшириш.

Ишда биринчи марта макси-анион каналининг активация механизми канал оқсиллининг тирозин фосфатаза билан дефосфорилланиши натижасида рўй бериши кўрсатилди. Макси-анион каналлини фаоллаштирувчи фосфатазалардан бири – RPTP ζ рецептор-тирозин фосфатаза ажратилди. hTTYN1 генининг сплайс-вариантлари - ТТҲН1-Е ва ТТҲН1-SV инсон буйраги эпителий ҳужайралари

НЕК293Т линиясига гетерологик экспрессия қилинганда стандарт биофизик параметрларга эга бўлган макси-анион каналини фаоллаштиришга қодир эмаслиги биринчи марта кўрсатилди.

Ишнинг натижалари юрак ва мианинг ишемик патологиялари, ўсмалар, ҳамда макси-анион канали иштирокида кечадиган бошқа патологияларни даволаш мақсадида макси-анион каналини бошқариш механизмини тушуниш ҳужайра ҳажмини бошқариш, ҳужайраларнинг дастурлаштирилган ўлими (апоптоз) ва ҳужайралараро сигнализация каби патофизиологик муҳим жараёнларнинг механизмини чуқур ўрганиш учун зарурдир.

Рахимова Нозима Мирзаатхамовна: «Экспериментал қандли диабетда жигар митохондриясини функционал ҳолатига фитоэкдистероидлар ва нероболни таъсири» **(03.00.04-тиббиёт фанлари)** – ЎзР ФА Биокимё институти (100143, Тошкент, Х.Абдуллаев кўч., 56. Тел.: 262-24-41) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: К.Т.Алматов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Б.Мирзаев, В.Н.Сыров

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Фитоэкдистероидлар – экдистерон, туркестерон ва синтетик эркак жинсий гормони препарати – нероболни аллоксан диабетли каламушларнинг жигар митохондрияларида Ca^{+2} ташилишига, АТФ-аза фаоллигига, нафас олиш ва оксидланишли фосфорланишга, липидларнинг миқдорига, липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнига ва фосфолипазларнинг фаолликлари таъсирини тадқиқот қилиш.

Гипергликемияда каламушлар жигари митохондриялари мембраналарида носпецифик ўтказувчанлигини ўзгариши, кальций транспортининг ортиши, АТФ-аза фаоллигининг сусайиши, нафас олиш ва оксидланишли фосфорланишнинг бузилиши билан бирга кечиши аниқланди. Фитоэкдистероидлар ва неробол юқоридаги кўрсаткичларни деярли бутунлай тиклади, нафас олиш ферментларини, фосфолипазлар келтириб чиқарган мембрана фосфолипидлари тузилишини меъёрга келтирди. Препаратлар сукцинатоксидазларнинг экзоген цитохром c га боғлиқ фаоллигини (ДА) ошишига таъсир кўрсатмади. Экдистерон қисман, туркестерон ва неробол деярли тўлиқ ротенонга сезгир ДА НАДН-оксидазани нормаллаштирди. Препаратлар диабетда кузатиладиган кардиолипин, фосфатид кислота ва лизофосфолипидлар билан тўйинганликни ҳамда жигарда фосфатидилсерин ва сфингомиелин камайишини бартараф этган. Ўрганилаётган препаратлар фосфатидилхолинни, туркестерон эса фосфатидилинозитни миқдорини кўпайтирган. Диабетда жигар митохондрияларида фосфатидилсерин таркибини неробол тўлиқ, фитоэкдистероидлар эса қисман қайта тиклаган. Фитоэкдистероидлар ва неробол ФЛ Д нинг гидролитик ва трансалкирловчи фаоллиги кучайишини ҳамда жигар митохондрия мембраналари ФЛ A_2 ва ЛФЛ A_1 фаоллигини камайишини, липидларнинг перекисли оксидланиши жараёнлари ортишини қисман йўқ қилган.

Эшчанова Дилафруз Бахадыровна: «Экспериментал гиперхолестеринемия ривожланиш даврида флатероннинг антиоксидант тизим ва цитокинларга таъсири» **(03.00.04, 14.00.25-тиббиёт фанлари)** – ЎзР ФА Биокимё институти (100125, Тошкент, Х.Абдуллаев кўч., 56. Тел.: 262-24-41) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбарлар: Р.А.Сабилова, З.А.Хушбакова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: А.А.Абидов, З.З.Хакимов

Етакчи ташкилот: Жанубий Қозоғистон давлат фармацевтика академияси

Ишнинг мақсади: Экспериментал гиперхолестеринемия ривожланиш даврида антиоксидант тизим ва цитокинларга флатерон таъсир механизмининг баъзи ўзига хос томонларини ўрганиш.

Гемфибразилга нисбатан флатероннинг экспериментал гиперхолестеринемияда ўзгарган метаболик жараёнлар ва цитокин тизимига тикловчи таъсири ўрганилган. Гемфибразилга нисбатан флатерон юқори даражада эркин радикалли оксидланиш жараёнларини тўхтатиши, антиоксидант тизимни кучайтириши, азот оксиди миқдорини бошқариши аниқланган. Бундан ташқари препарат интерлейкин-8, С-реактив оксил миқдорини меёрлаштиради. Экспериментал гиперхолестеринемияда флатероннинг холестерин ташилишини яхшилаши, апопротеин ва холестерин миқдорини қон зардобидида меёрлаштириши кўрсатилган.

Флатероннинг гомеостазнинг патологик ўзгарган тизимларига ижобий таъсири натижасида аорта интимасида морфологик ва морфометрик кўрсаткичлар яхшиланди. Флатероннинг аниқланган

самарадорлиги уни гиперхолестеринемия ва атеросклероз натижасида ўзгарган липидлар метаболизми ва иммун тизим функциясини тиклаш учун тавсия этишга имкон беради.

Якубова Дилноза Турдалиевна: «Экспериментал қалқонсимон без дисфункциясида мия ҳужайралари мембраналари рецепторлик хусусиятлари бузилишининг ўзига хослиги» **(03.00.04-тиббиёт фанлари)** – ЎзР ФА Биокимё институти (100143, Тошкент, Ҳ.Абдуллаев кўч., 56) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ф.Ҳ.Иноятова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Т.О.Бабаев, Л.Б.Нугманова

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Экспериментал қалқонсимон без касаллигида мия ҳужайралари мембранаси рецепторлик хусусиятининг бузилиш механизми ва ўзига хослигини аниқлаш.

Экспериментал гипо- ва гипертиреозда каламушлар мия ҳужайралари мембранаси рецепторлари зичлиги ва боғланиш константаси, липидларнинг перекисли оксидланиши ҳамда антиоксидант тизим кўрсаткичларининг ўзгариши ўрганилган. Гипотиреозда каламушлар миясининг ҳар хил қисмлари синаптосомаларида ГАМК_A-рецепторларининг ГАМК- ва бензодиазепин боғловчи сайтларининг зичлиги ошган, гипертиреозда эса камайган. Шунингдек, каламушлар миясининг ҳар хил қисмлари синаптосомаларида кайнат типигаги глутамат-рецепторларининг кайнат боғловчи сайтларининг зичлиги гипотиреозда камайган, гипертиреозда эса - ошган. Бу ўзгаришлар гиперлипопероксидация ҳамда бош мия турли қисмларидаги антиоксидант ҳимоя ферментлари фаоллигининг ўзгаришига асосланади, айниқса, гипотиреозда. Гистохимик гипотиреозда нерв ҳужайралари цитоплазмасидаги тигроид модда миқдори камайиши кузатилган, гипертиреозда эса гиперхромазия ва гипертрофия аниқланган. Олинган натижалар нейроэндокрин касалликларни олдини олишда ва даволашда қўлланилиши мумкин, тегишли даवони буюришда аниқ ёндошишга имкон беради, шунингдек, нейротроп метаболит даво зарурлигини кўрсатади.

Абдуназаров Эркин Эргашович: «Тошкент воҳаси шароитида *Valeriana officinalis* L. нинг интродукцияси ва биоэкологик хусусиятлари» **(03.00.05)** - ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ (100053, Тошкент, Боғишамол кўч., 232. Тел.: 289-04-65, факс: 262-79-38) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Т.Ё.Тухтаев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ

Оппонентлар: Т.У.Рахимова, Н.М.Кармишина

Етакчи ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Ишнинг мақсади: Тошкент воҳаси шароитида *Valeriana officinalis* L. нинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва етиштириш усуллари ишлаб чиқиш.

Valeriana officinalis L. ни илк марта Тошкент воҳаси шароитида онтогенези, морфологик ва биоэкологик хусусиятлари, мавсумий ривожланиш мароми, гуллаш биологияси, уруғ маҳсулдорлиги, ер устки ва ер остки аъзоларининг ҳосилдорлиги, сув режимининг айрим кўрсаткичлари, кўпайтириш усуллари ва фитокимёвий таркиби ўрганилди.

Тадқиқотлар натижалари асосида Тошкент воҳаси шароитида *Valeriana officinalis* L. ни кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилди ва кўп йиллик илмий тажрибалар натижасида ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ Ботаника боғи «Тиббиёт ботаникаси» лабораториясининг тажриба майдонида ўстирилган ўсимликларнинг сони 3 минг тупга етди ва 200 м² майдонда экинзор барпо этилди. Олинган маълумотлардан доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослашган хўжаликларда ва дори-дармон ишлаб чиқариш тармоқларига тавсия этилди.

Бердибаева Дилфуза Базарбаевна: «Жануби–Ғарбий Қизилқум буғдойдошларининг (*Poaeseae* Barnh.) экологик шароитга структурал адаптацияси» **(03.00.05)** – ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ (100053, Тошкент, Боғишамол кўч., 232. Тел.: 289-04-65, факс: 262-79-38) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Бутник

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ

Оппонентлар: Н.Ф.Русанов, В.П.Клят

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Ишнинг мақсади: *Roaseae Barnh.* оиласига мансуб айрим ксерофит буғдойдошлар биоморфининг характерли белгиларини ва вегетатив органларининг тузилишини қурғоқчил шароитга мослашувига боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

Жануби–Ғарбий Қизилқум шароитида буғдойдошлар оиласига мансуб 5 та турининг ҳаётий шаклларидаги шохланишнинг алоҳида хусусиятлари ва новдаларини ўсиш йўналиши ҳамда илдиз тизимининг тарқалиши тупроқ омилларини ҳисобга олган ҳолда тавсифланди. Вегетатив органларидаги аниқланган умумий ва фарқланувчи белгилар мазкур турларни склероморф ва суккулент-склероморф гуруҳларга тааллуқлилигини кўрсатди. Эфемер *Eremopyrum bonaepartis* (Spreng.) Nevski вегетатив органларининг тузилишига тупроқ омилларининг таъсири аниқланди ва унинг яшаш шароити ҳақидаги тасаввурлар кенгайтирилди.

Бир йиллик ва кўп йиллик буғдойдошларда аниқланган ксеро- ва галоомилларга мослашиш йўллари ксерофилизация муаммоларининг ечимига ўз ҳиссасини қўшади. Буғдойдошларда аниқланган мослашиш хусусиятлари, уларни структуравий-экологик дифференциациясини ҳисобга олган ҳолда чўл минтақаси яйловларини яхшилаш учун фойдаланишга тавсия этиш имконини беради.

Сафарова Нигора Каримджоновна: «Турли интродукция шароитларида *Hibiscus esculentus* L. нинг биологияси ва сув режими» **(03.00.05)** – ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ (100053, Тошкент, Боғишамол кўч., 232. Тел.: 289-04-65, факс: 262-79-38) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Т.Т.Рахимова

Иш бажарилган ташкилотлар: ЎзР ФА Хоразм Маъмун академияси,
ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ

Оппонентлар: И.В.Белолипов, Ж.Х.Хўжаев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади – республикамиз шароитида янги ўсимлик *Hibiscus esculentus* L. (бамия) га мансуб 4 та давлатдан олинган 4 та намунанинг Хоразм ва Тошкент тупроқ-иқлим шароитларида биоэкологик ва физиологик хусусиятларини ўрганиш.

Илк марта Хоразм воҳасининг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитида бамия ўсимлигининг морфологик, биоэкологик ва физиологик хусусиятлари ўрганилиб, мева ва уруғларининг биокимёвий таркиби аниқланди. Икки хил экологик шароитларда (Хоразм ва Тошкент) ўсимлик намуналарининг ўсиши ва ривожланиши онтогенезнинг барча давларида ўрганилди. Бамия намуналари уруғларининг унувчанлигига ҳароратнинг таъсири ҳамда уруғларнинг ҳақиқий ва потенциал маҳсулдорлиги аниқланди.

Бамия ўсимлигининг ўсиш ва ривожланиш жараёнларига минерал ўғитларнинг таъсири ўрганилди. Ўсимликнинг ер устки биомассаси ҳосилдорлиги ва сув режимининг асосий кўрсаткичлари аниқланди. Хоразм воҳасида бамияни етиштиришнинг йўллари ишлаб чиқилди.

Исломов Абдумовлон Йулдошевич: «Болаларда ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланиши касаллигида аэроб ва анаэроб микроорганизмларнинг тавсифи» **(03.00.07-тиббиёт фанлари)** – ЎзР ССВ Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ (100133, Тошкент, Решетов кўч., 2. Тел.: 243-36-05) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.А.Мирзаева

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: Л.Г.Баженов, Т.Ш.Маматова

Етакчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

273 та Ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланиши билан касалланган бемор болалар (ЎҚЙЯ), шулардан 155 таси ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланиши (ЎҚЎЙЯ), 59 таси ўрта қулоқнинг сурункали йирингли яллиғланиши (ЎҚСЙЯ) ва 59 таси қулоқдан ташқари ЛОР касалликлари билан огриган болаларда аэроб, анаэроб ҳамда атипик хоссалари узгарган штаммлар микроорганизмларнинг ролини, болаларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда урганилди. Олинган натижаларга кўра ҳозирги даврда болаларда ёшлари бўйича ўрта қулоқнинг ўткир ва сурункали яллиғланишига сабаб бўлаётган микроорганизмларнинг пейзажи аниқланди. Ўрта қулоқнинг ўткир

йирингли яллиғланиши кўпроқ 0-3 ёшдаги ва 4-6 ёшдаги болаларда, сурункали йирингли яллиғланиш эса аксинча, 11 ёш ва ундан юқори ёшдаги болаларда кўп учраши аниқланди. Минтақамиз шароитида ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланиши билан оғриган болаларда биринчи марта *M. catarrhalis* ва *H. Influenza* ажратиб олинди. Ўрта қулоқнинг ўткир ва сурункали яллиғланишларида биринчи марта микроорганизмларнинг атипик штамлари ажратиб олинди (7,8% ва 21,42% мос ҳолда). Ушбу ҳол юқори диагностик аҳамиятга эга. Болаларда ўрта қулоқнинг ўткир ва сурункали яллиғланишининг этиологиясида анаэроб бактерияларнинг роли аниқланди. Бунда анаэроблар ўрта қулоқнинг ўткир йирингли яллиғланишидан кўра сурункали йирингли яллиғланишида кўпроқ ажратиб олинди (5,8% ва 16,8% мос ҳолда). Ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланишида, антибиотиклар таъсирида қўзғатувчиларнинг ўзгарувчанлиги ва микроорганизмлар ассоциациясининг этиологик роллари биринчи бор аниқланди. Асосан икки компонентли ва уч компонентли микроб ассоциациялари қайд қилинди. ЎҚЎЙЯ да икки компонентлик микроб ассоциациясига қараганда, купрок уч компонентлик микроб ассоциацияси учради (2,1 марта ортик), аммо ЎҚСЙЯ да икки компонентлик микроб ассоциацияси купрок учрашлиги аниқланди.

Мадияров Руслан Сейдазимович: «Ўзбекистон Республикасида ажратилган *S. flexneri* ва *S. sonnei*, биологик хусусиятлари ҳамда махсус генетик маркёрлари» **(03.00.07-тиббиёт фанлари)** – ЎзР ССВ Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ (100133, Тошкент, Решетов кўч., 2. Тел.: 243-36-05) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.Д.Ахмедова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ

Оппонентлар: И.М.Мухаммедов, Н.Р.Нуриддинова

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида турли даврларда ажратилган бактериал дизентерияни қўзғатувчи *S. flexneri* ва *S. sonnei* турларининг биологик хусусиятларини қиёсий ўрганиш.

Текширилган Зонне шигеллаларининг катта қисми IIg ва IIe суббиотипларига мансуб бўлди. Шигеллаларнинг антибактериал препаратларга (АБП) нисбатан резистентлигининг таҳлили шуни кўрсатдики, *S. flexneri* штамлари учун ампициллин, хлорамфеникол, тетрациклинларга ёндош чидамлилик характерли бўлди. Цефалоспоринлар ва фторхинолонларга чидамли шигеллалар штамлари қайд этилди. Бизнинг текширувлар натижалари шигеллаларнинг маҳаллий популяциялари орасида интегронларнинг анча кўп тарқалганлигидан далолат беради. *S. sonnei* нинг ўрганилган штамлари *S. flexneri* штамларига нисбатан кам адгезив бўлдилар. *HEp-2* ҳужайралари культураларида шигеллаларнинг вирулентлигини аниқлаш моделида *S. flexneri* ва *S. sonnei* турлари ўртасида цитопатоген таъсири (ЦПТ) ни чақириш бўйича тафовутлар борлиги аниқланди. *S. flexneri* ЦПТ ни келтириб чиқариш жадаллиги бўйича ҳам, унинг намоён бўлиш даражаси бўйича ҳам *S. sonnei* га нисбатан анча кучли фаолликка эга бўлди. ЦПТ кўрсаткичлари (даражаси ва келиб чиқиш вақти) билан антибиотикорезистентлик ўртасида боғлиқлик кузатилмади. Олинган маълумотларшуни кўрсатдики, сақланиш муддати ва туридан қатъий назар барча тадқиқ этилган шигелла штамларнинг *ipaH* генига эгаллигини кўрсатди. *set1A* и *set1B* генлари фақат *S. flexneri* 2 да аниқланди. *sen* генининг тарқалганлиги *S. flexneri* да *S. sonnei* га нисбатан юқори бўлди. Ўрганилган штамлар орасида *S. flexneri* 2 юқори вирулентлиги, анча кенг спектрдаги вирулентлик генлари, интегронлар тўпламига эгаллиги, кўпроқ резистентлиги билан ажралиб турди, бироқ ушбу штамлар орасида ҳам паст ва ўрта адгезив, 3 тадан кўп бўлмаган АБП ларга нисбатан резистент штамлар учраб турди. Олинган маълумотлар шигеллаларнинг ЦПТ бўйича вирулентлиги билан вирулентлик генлари тўплами ўртасида боғлиқлик борлигидан далолат беради. Ўрганилган штамларнинг адгезивлиги билан тадқиқ этилган вирулентлик генлари тўплами ўртасида боғлиқлик кузатилмади.

Хушматов Шунқор Садуллаевич: «Дитерпеноид алкалоидларнинг каламуш юрак мускуллари ион каналларига таъсир механизмини ўрганиш» **(03.00.13)** – ЎзР ФА Физиология ва биофизика институти (100095, Тошкент, Ниёзов кўч., 1. Тел.: 246-94-12, факс: 246-94-12) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: П.Б.Усманов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Физиология ва биофизика институти

Оппонентлар: Р.Н.Ахмеров, З.А.Маматова
Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади *Delphinium L.* ўсимлик авлодидан ажратиб олинган дельфатин ва 6-дезоксиделькорин дитерпеноид алкалоидларининг каламуш юрак хужайралари ион каналлари билан таъсир механизмларини ўрганиш ҳисобланади.

Биринчи марта каламуш юраги папилляр мускули препаратларида дельфатин дитерпеноид алкалоиди қуйи стимуляция частоталарида мусбат, юқори стимуляция частоталарида сезиларли манфий инотроп таъсирга эга эканлиги аниқланди. 6-Дезоксиделькорин дитерпеноид алкалоиди эса барча стимуляция частоталарида фақат манфий инотроп таъсир кўрсатиши аниқланди. Дельфатиннинг қуйи стимуляция частоталарида мусбат инотроп таъсири СР Ca^{2+} -каналлини фаоллаштириши ва СРдан Ca^{2+} ионлари чиқишини кучайтириши, натижада кардиомиоцит хужайра ички Ca^{2+} ионлари концентрациясини ошириши билан боғлиқлиги аниқланди. Дельфатин ва 6-дезоксиделькориннинг инотроп таъсири асосида хужайра ичкарида $[\text{Ca}^{2+}]_i$ ионлари концентрацияси камайиши ва кардиомиоцит қисқариш кучи сусайишига олиб келувчи сарколемма потенциалга боғлиқ Na^+ - ва Ca^{2+} -каналлари функциясини модификациялаши ётиши мумкинлиги аниқланди. Ушбу кўринишда Na^+ - ва Ca^{2+} -каналлари функциясининг модификацияси дельфатин ва 6-дезоксиделькорин алкалоидларининг антиаритмик таъсири асосини ташкил қилади.

Эргашев Нурали Аъзамович: «Кадмий ионларининг ҳазм ферментлари фаоллигига таъсири» (03.00.13) – ЎЗР ФА Физиология ва биофизика институти (100095, Тошкент, Ниёзов кўч., 1. Тел.: 246-94-12) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Л.С.Кучкарова

Иш бажарилган ташкилот: ЎЗР ФА Физиология ва биофизика институти

Оппонентлар: Ш.Курбанов, А.А.Абдумаджидов

Етакчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Ишнинг мақсади: кадмий ионларининг углевод ва оксилларнинг ҳазм қилиш жараёнига таъсирини ўрганиш.

Ишда биринчи марта кадмий ионларининг ошқозон ости бешида углевод ва оксилларнинг бошланғич гидролизиди иштирок этувчи ферментлар фаоллигига ўзига хос таъсири кўрсатилди. Кадмийли интоксикацияда мембранага боғлиқ ферментларнинг ичак бўйлаб фаоллиги кам ўзгариши (γ -амилаза) ёки ўзгармаслиги (мальтаза, сахараза, глицил-L-лейциндипептидгидролаза), гидролазалар фаоллигининг проксимо-дистал градиент бўйича силжиши карбогидраза ва дипептидгидролазалар учун бир хил йўналишда намоён бўлиб, ингичка ичакнинг умумий гидролитик сифимини сақлашга қаратилганлиги аниқланди. Кадмий ионларининг α -амилаза фаоллигига таъсирининг баъзи функционал механизмлари очиб берилди. Кадмийли интоксикацияда ошқозон ости беши тўқимасида α -амилаза фаоллигининг ортиши жинсга хос ҳамда фермент секрециясининг камайиши ва унинг қонга инкрециясининг ўзгармаслиги, шунингдек, фермент тузилишининг модификацион ўзгаришлари билан боғлиқ. Кадмий ионларининг ошқозон ости беши экзокрин қисми функционал ҳолатига канцерогеник таъсири кўрсатиб берилди.

Аметов Якуб Идрисович: «Қорақалпоғистон аграр ландшафтида уяловчи қушлар фаунаси тузилиши ва ҳаракатланиши» (03.00.16) – ЎЗР ФА Зоология институти (100095, Тошкент, А.Ниёзов кўч., 1) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: О.В.Митропольский

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: С.М.Мамбетуллаева, С.Э.Фундукчиев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади: Қорақалпоғистон аграр ландшафти орнитофаунасини комплекс ўрганиш, уларнинг тузилишини очиб бериш ва қушларнинг антропоген яшаш жойларига экологик мослашишларини ўрганиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги. Биринчи марта Қорақалпоғистон аграр ландшафти қушларининг тўлиқ тур таркиби аниқланган, уларнинг аграр ландшафтларни асосий яшаш жойларидаги сонининг мавсумий ўзгаришлари таърифланган. Қушларнинг аграр ландшафтларга экологик мослашишлари ёритиб берилган. Характерли ва хўжалик аҳамиятга эга бўлган 14 турли қушнинг экологияси ўрганилган, шунингдек қушларнинг қишлоқ хўжалиги учун аҳамияти баҳоланган. Тадқиқотлар натижаси асосида орнитофаунани бутунлигича, шу билан бирга камёб ва йўқолиб

кетиш арафасида турган турларни сақлаб қолиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Диссертант томонидан Қорақалпоғистон фаунаси учун янги тур – бегунок топилган.

Амалий аҳамияти. Олинган натижалар Қорақалпоғистон аграр ландшафти орнитофаунаси ҳақида тўлиқ маълумот беради. Диссертация материалларини қишлоқ хўжалиги ишчиларининг амалий фаолиятида, табиатни муҳофаза қилиш ва аҳолига экологик таълим-тарбия беришда тарғибот сифатида фойдаланиш мумкин.

Саттаров Музаффар Эштемирович: «*Aspergillus terreus* 9 ва *Pleurotus ostreatus* УзБИ-И105 целлюлазаларини ажратиш ва таснифлаш» (03.00.23) – ЎзР ФА Микробиология институти (100128, Тошкент, А.Қодирий кўч., 7^б. Тел.: 244-25-19, факс: 244-25-82) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: З.Р.Ахмедова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Микробиология институти

Оппонентлар: А.А.Ахунов, А.А.Атаханов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти

Ишнинг мақсади: турли таксономик гуруҳларга мансуб замбуруғлар орасидан целлюлазанинг юқори фаолликка эга продуцентларини аниқлаш, улардан целлюлаза препаратини олиш ва қиёсий тавсифлаш, шунингдек целлюлазаларнинг комплекс препаратларини уруғга экишдан олдин ишлов бериш учун қўллаш усулларини ишлаб чиқиш.

Сапротроф ва ксилотроф замбуруғлар ўртасида ўтказилган скрининг натижалари кўра юқори фаолликка эга иккита штамм – микромицет *Aspergillus terreus* 9 ва базидиомицет *Pleurotus ostreatus* УзБИ-И105 танлаб олинди. Физик-кимёвий, каталитик хоссаларига кўра фарқланувчи эндо-1,4-β-глюканаза ферментининг иккита формаси ажратилди ва тозаланди. Биринчи марта сапротроф ва ксилотроф замбуруғлар ва танлаб олинган *Aspergillus terreus* 9 и *Pleurotus ostreatus* УзБИ-И105 – юқори фаолликка эга маҳаллий штаммларнинг целлюлолитик фаолликларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Илк бор *Aspergillus terreus* 9 ва *Pleurotus ostreatus* УзБИ-И105 замбуруғлари тоза ҳолда олинган эндоглюканаза ферментларининг пахта чигити унувчанлигига бўлган синергетик таъсири исботланди.

Иккала замбуруғ ферментларининг тоза формаларини чигитни экиш жараёнида биргаликда қўллаш натижасида унинг униш қуввати ошади, униб чиқиши муддати қисқаради ва целлюлазанинг комплекс препаратларини пахтачиликда қўллаш имкониятларини яратади.

Хўжжиев Содиқ Олтиевич: «Цианидли ва роданидли оқова сувларни юксак сув ўсимликлари ёрдамида тозалаш биотехнологияси» (03.00.23) – ЎзР ФА Микробиология институти (100128, Тошкент, А.Қодирий кўч., 7^б. Тел.: 244-25-19, факс: 244-25-82) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: С.Б.Бўриев

Иш бажарилган ташкилотлар: ЎзР ФА “Ботаника” ИИЧМ,

Бухоро давлат университети

Оппонентлар: З.Ф.Исмоилов, Г.И.Джуманиязова

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Сув муаммолари институти

Айни пайтда, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган цианидли ва роданидли оқова сувлар ҳамон тозаланмасдан, махсус ҳавзаларда сақланмоқда. Бу эса цианидли ва роданидли оқова сувларни экологик хавфсиз бўлган услублар ёрдамида тозалаш технологиясини яратишни тақозо этади.

«Navoiyazot» ОАЖ цианидли ва роданидли оқова сувларининг физик хоссаси ва кимёвий таркиби, микроорганизмлари, микроскопик сувўтлари ва содда ҳайвонларининг тур таркиби ва миқдори аниқланди. Цианидли ва роданидли оқова сувларни интродуцент юксак сув ўсимликлари – азолла (*A. caroliniana* Willd.), пистия (*P. stratiotes* L.), эйхорния (*E. crassipes* Solms.) ва кичик ряска (*L. minor* L.) ёрдамида тозалаш мумкинлиги илмий асослаб берилди.

Цианидли ва роданидли оқова сувларни тозалашда юксак сув ўсимликларининг ролини аниқлаш, яъни макро- ва микроэлементларнинг ўсимлик тўқималаридаги аккумуляциясини ўрганиш мақсадида цианидли ва роданидли оқова сувларда ўстирилган юксак сув ўсимликларининг анатомик тузилиши қиёсий ўрганилди ва уларнинг биомассасидаги макро- ва микроэлементлар таркиби ва миқдори аниқланди.

Ушбу йўналишда амалга оширилган тадқиқотларнинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон иқлим шароитида юксак сув ўсимликлари – каролина азолласи (*A. caroliniana Willd.*), пистия (*P. stratiotes L.*), эйхорния (*E. crassipes Solms.*) ва кичик ряска (*L. minor L.*) ёрдамида цианидли ва роданидли оқова сувларни тозалашнинг биотехнологик усули яратилди ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Исағалиев Муроджон Тўйчибойевич: «Сўх конус ёйилмаси суғориладиган тупроқларининг геохимёвий хусусиятлари» (03.00.27) – Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот давлат институти (100179, Тошкент, Қамарнисо кўч., 3. Тел.: 246-09-50, факс: 246-76-00) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ғ.Юлдашев

Иш бажарилган ташкилот: Фарғона давлат университети

Оппонентлар: М.М.Тошқўзиев, Х.Х.Турсунов

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Ишнинг мақсади: Сўх дарёси соҳиллари ва конус ёйилмаси тупроқларига морфогенетик, ландшафт-геохимёвий тадқиқот усуллари орқали мажмуавий тавсиф бериш ва «тупроқ ҳосил қилувчи жинслар-тупроқ-ўсимлик» элементар геохимёвий тизимида элементларнинг биогеоимёвий миграцияси ва агрогеоимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш.

Фарғона вилоятининг жанубий-ғарбий қисми чўл ва бўз тупроқлар минтақалари суғориладиган тупроқлари учун мақбул геохимёвий ва агрогеоимёвий муҳитни асослаш мақсадида тупроқлар кесимида, она жинсларида ва ўсимликларда макро- ва микроэлементларнинг меъёрлари, нисбатлари, шакллари, уларнинг «тупроқ ҳосил қилувчи жинслар-тупроқ-ўсимлик» тизимида биогеоимёвий миграцияси ўрганилган, ҳамда геохимёвий ландшафт занжирида педогеоимёвий провинциялар аниқланган.

Шадиева Нилуфар Искандаровна: «Тоғ ёнбағри эрозияланган лалми ва суғориладиган тупроқларининг гумусли ҳолати, хоссалари, унумдорлиги (Шимолий Туркистон ва Ғарбий Чотқол тупроқлари мисолида)» (03.00.27) – Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот давлат институти (100179, Тошкент, Қамарнисо кўч., 3. Тел.: 246-09-50, факс: 246-76-00) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.М.Тошқўзиев

Иш бажарилган ташкилот: Тупроқшунослик ва агрохимё ИТДИ

Оппонентлар: Л.Т.Турсунов, Х.М.Махсудов

Етакчи ташкилот: Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика ИИЧМ

Ишнинг мақсади: Шимолий Туркистон ва Ғарбий Чотқол тоғ ёнбағрида тарқалган лалми ва суғориладиган тупроқларга эрозия жараёнларининг таъсири, тупроқ хосса-хусусиятларини, гумус таркиби ва гумусли ҳолатини ўзгаришини аниқлаш ва тупроқ унумдорлигини сақлаш, оширишнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш.

Шимолий Туркистон ва Ғарбий Чотқол тоғ ёнбағрида тарқалган лалми ва суғориладиган тупроқларнинг морфогенетик, кимёвий, агрохимёвий, айрим физик хоссалари ва гумус таркиби, захираси ҳамда гумусли ҳолати эрозия жараёнлари таъсирида ўзгариши ўрганилди.

Тадиққ этилган ҳудудда тарқалган турлича эрозияланган суғориладиган ва лалми тоғ олди ва тоғ тупроқ типларида гумус профилининг шаклланиши хусусиятлари, гумус миқдори, захираси, гуруҳий ва фракциявий таркиби ҳамда эрозиянинг олдини олиш ва тупроқ унумдорлигини оширишда узлуксиз алмашлаб экиш тизимининг аҳамиятига оид янги маълумотлар олинди. Ўрганилган тупроқларнинг гумусли ҳолати республикамиз тупроқларига мослаштирилган янги таснифда биринчи маротаба ифодаланди.

Гумусга оид янги маълумотлар тоғ олди ва тоғ тупроқлари классификацияси ва бонитировкасини аниқлаш ва деталлаштириш учун, тупроқ хариталарини тузиш ишлари ва тупроқни муҳофаза қилишда фойдаланиш мумкин.

Қодирова Дилрабо Абдукаримовна: «Туркистон тоғ тизмаси эрозияланган тупроқлари ва уларнинг биологик фаоллиги» (03.00.27) - Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот давлат институти (100179, Тошкент, Қамарнисо кўч., 3. Тел.: 246-09-50, факс: 246-76-00) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Л.А.Гафурова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: Л.Т.Турсунов, Х.Т.Хожиев

Етакчи ташкилот: Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика ИИЧМ

Ишнинг мақсади: Туркистон тоғ тизмаси шимолий-ғарбий ёнбағрида тарқалган тупроқларнинг генетик хусусиятларини, таркиби, хоссалари, биологик фаоллигини ва арид тоғ тупроқ ҳосил бўлиш шароитида тупроқ унумдорлигининг ушбу диагностик кўрсаткичларини эрозия таъсирида ўзгаришини ўрганиш.

Туркистон тоғ тизмаси шимолий-ғарбий ёнбағри тупроқларининг морфогенетик, агрокимёвий, агрофизикавий, микробиологик ва биокимёвий хусусиятлари генетик жиҳатдан ўрганилди ҳамда уларнинг эрозия жараёнлари таъсирида ўзгариши тадқиқ этилди. Илк маротаба ўрганилган ҳудудда вертикал минтақаланиш бўйича тарқалган тупроқларда микроорганизмларнинг физиологик гуруҳларининг миқдори, оксидловчи-қайтарувчи ферментлар фаоллиги, тупроқнинг нафас олиш жадаллиги тадқиқ этилди ва уларнинг гидротермик шароитлар бўйича динамикаси ўрганилди. Тадқиқотлар давомида тупроқ типлари ва типчалари даражасида ферментлар билан таъминланиши ҳамда тупроқ хоссалари ва биологик фаоллиги ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар аниқланди. Ҳудуд тупроқлари шаклланишида қиялик элементи ва экспозициясининг аҳамияти кўрсатилди.

Эрозияга хавфли ерларнинг биологик фаоллигига оид тадқиқот натижалари тупроқ ҳосил қилиш жараёнларини барқарорлаштириш, ерлардан фойдаланишда илмий асосланган эрозияга қарши технологияларни ишлаб чиқиш, агротехник чора-тадбирларни, яъни турли хил ўғитлар қўллашни, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш кабиларни мукаммаллаштириш имконини беради, шунингдек бу маълумотлардан тупроқ диагностикасида, уларнинг унумдорлик даражаси ва экологик ҳолатини кўрсатувчи биологик тестлар тузишда фойдаланиш мумкин.

Геология-минералогия фанлари

Игамбердиев Эркинжон Эргашович: «Олмалиқ-Ангрен маъданли районининг кумуш- ва олтинли конларида платинанинг мавжудлиги» (04.00.02) - ЎзР ФА Геология ва геофизика институти (100041, Тошкент, Н.Хожибоев кўч., 49. Тел.: 262-65-16, факс: 262-63-81) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Р.Г.Юсупов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: С.Т.Бадалов, М.М.Мусаева

Етакчи ташкилот: «Нодир ва рангли металллар геологияси» ИИЧМ

Ишнинг мақсади: Олмалиқ-Ангрен маъданли ҳудудини кумуш- ва олтин маъданли конларининг платиналилигини ўрганиш, платина гуруҳидаги металлларни тақсимланиш хусусиятларини тадқиқ қилиш, ноанъанавий (бирга учровчи) платиналиликли турларга ажратиш, конларни платиналиликка оид минералогик-геокимёвий мезонларини ишлаб чиқиш.

Олмалиқ-Ангрен маъданли ҳудудидаги кумуш- ва олтин маъданли конларда платиналилик майда аралашма шаклида намоён бўлади. Бу конлар платина гуруҳи металлларининг тўпланиш кетма-кетлигига оид хусусиятлари бўйича фарқ қиладилар. Маъданли формацияларни платиналилигининг геокимёвий мезонлари ишлаб чиқилган, типоморф минераллар ажратилган, маъданли элементлар тўпланиш жадаллигининг геокимёвий қаторлари ва геокимёвий индикаторлар нисбатлари Au:Ag, Se:Te, Ag:Pt, Pd:Pt, Ni:Co аниқланган.

Олмалиқ-Ангрен маъданли ҳудудининг юқори эоцен - қуйи олигоцен қирғоқбўйи-денгиз ва пляжга оид кремнийли шағалларда (сердолик, опал, халцедон), кварц дончаларда, кварцли кумлар ва кумтошларда нодир металл (Au, Pd, Pt) минералланиш аниқланган. У Fe-Si-U таркибли оксид-гидрооксидли майда аралашма шаклда, алоҳида минералларда учрайди ва минтақада илгари маълум бўлмаган турга мансуб.

Атабаев Дилшот Хусаинбаевич: «Сурхондарё ботиқлигининг чуқурлик тузилиши ва уни рельефдаги акси» (04.00.22) – ЎзР ФА Сейсмология институти (100128, Тошкент, Зулфияхоним кўч., 3. Тел.: 241-51-71) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: О.П.Мордвинцев

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Р.Н.Ибрагимов, В.А.Пак

Етакчи ташкилот: «Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви

институту» ОАЖ

Ишнинг асосий мақсади геологик-геофизикавий ҳамда геоморфологик усуллар ёрдамида Сурхондарё депрессиясининг чуқурликдаги геологик тузилишини (жумладан пойдевор юзаси, Мохо ва бошқа қатламларнинг чегараларини) ўрганиш ва уларни Ер юзасининг замонавий рельефида акс эттирилишининг хусусиятларини аниқлашдир.

Ишда вақтли ва сейсмогеологик кесмаларни комплекс таҳлил қилиш натижасида Мохоровичич юзаси, консолидациялашган Ер пўстининг қуйи қисми ва бурмаланган палеозой пойдеворининг уст қисми каби муайян геологик-геофизикавий чегараларни белгиловчи бир қатор сейсмик тўлқинларни алмашиб ўзгартирувчи майдончалар ҳамда мантиягача бориб етадиган, чуқур Ер ёриқлари ажратилган. Илгари маълум бўлмаган, физик ҳоссаларига кўра “мантия плюми” деб талқин қилинди, ҳамда ҳудуднинг жанубий ва ғарбий қисмларида Ер пўстининг пастки оралиқ Мохоровичич зонаси ажратилган.

Зилзилаларнинг алмашув тўлқинлари усули маълумотларига асосан фундаментнинг қўмилган юзаси рельефининг 1:200000 масштабдаги схематик харитаси тузилди. Палеозой фундаментининг тузилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида дизъюнктив бузилмалар аниқланди ва палеозой ётқизикларининг дислокацияланганлик даражаси баҳоланди. Сурхондарё ботиқлиги учун регионал профиллар бўйича Ер қобиғининг геозичлик моделлари тузилди.

Техника фанлари

Насирходжаев Фаррух Рахматходжаевич: «Фото- ва инъекция-вольтаик эффектлар асосида радиотехник қурилмаларнинг функционал тугунлари» **(05.12.14)** - Тошкент ахборот технологиялари университети (100084, Тошкент, Амир Темур кўч., 108. Тел.: 238-64-20) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.К.Арипов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Оппонентлар: А.А.Халиков, А.Л.Чен

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Ишнинг мақсади: Иш чидамлилиқ ва ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида аналог ва рақамли радиотехник қурилмалар функционал тугунларини, жумладан: спектрал сезгирлик диапазони ва кучайтириш коэффициенти бўйича оптималлашган ҳамда юкламага бериладиган қувват бўйича коллектор-эмиттер кучланиши ва температуранинг кенг ўзгариш диапазонида барқарор ишлашга қодир гетероген, гомоген, каскод кучайтиргичли фотоўзгартиргичларни; кучайтиргичли фотоўзгартиргичлар схемаларини компьютерда моделлаштириш усулини; комплементар биполяр транзисторлар асосидаги «ЁКИ-ЭМАС» ва «ҲАМ-ЭМАС» схемаларини яратишда фото- ва инъекцион-вольтаик эффектлар комплекс қўлланилишини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этишга бағишланган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тадқиқотлар натижасида фото- ва инъекцион-вольтаик эффектлар комплекс қўлланилиши янги кучайтурувчи оптоэлектрон схемаларни синтез қилиш имконини беради; гетероген ва гомоген кучайтиргичли фотоўзгартиргичлар таклиф этилган; бир хил яримўтказгич материал қўлланилганда юқори фотосезгирликка эга бўладиган каскод кучайтиргичли фотоўзгартиргич ишлаб чиқилган; таклиф этилган кучайтиргичли фотоўзгартиргичлар характеристикаларини аниқлаш учун математик модель ва параметрларни компьютерда ҳисоблайдиган алгоритм ишлаб чиқилган; комплементар биполяр транзисторларда тузилган инвертор узатиш характеристикасини аниқлаш ва параметрларни компьютерда ҳисоблаш учун алгоритм ишлаб чиқилган; комплементар биполяр транзисторларда тузилган инвертор асосидаги «ЁКИ-ЭМАС» ва «ҲАМ-ЭМАС» схемалари таклиф этилган.

Хакимов Зафар Туляганович: «Ахборотларни оптик толали узатиш тизимларида АОҚСФдан фойдаланиб спектрал характеристикаларини яхшилаш услубларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш» **(05.12.04)** - Тошкент ахборот технологиялари университети (100084, Тошкент, Амир Темур кўч., 108. Тел.: 238-64-15) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Т.Д.Раджабов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Оппонентлар: А.А.Халиков, А.А.Абдуазизов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА «Академасбоб» ИИЧБ

Ишнинг мақсади: оптик толали алоқа линияларни (ОТАЛ) оптимал иш режаларини танлаш учун акустооптик қайта соналандирилган филтрлардан (АОҚСФ) фойдаланиб оптик толали элементлар ва ахборотларни оптик толали узатиш тизимлар (ОТУТ) спектрал характеристикаларини комплекс тадқиқ қилиш ҳисобланади. ОТУТ ўтиш спектрал характеристикалари контурини линеаризациялаш ва оптик сигналларни регенерациялаш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: ахборотларни оптик толали узатиш тизимларининг спектрал характеристикаларини линеаризациялаш, филтрлаш ва нурланиш интенсивлигини ошириш учун акустооптик эффектларидан фойдаланишнинг илмий асослари ўрнатилган; акустооптик филтрлардан фойдаланиш асосида ОТУТлар спектрал характеристикаларини яхшилаш услублари ишлаб чиқилган; реал тезликли ахборотлар узатишнинг оптик толали тизимларида кечадиган жараёнларни имитациялаш ва ОТАЛ параметрларини тадқиқ қилиш учун АОҚСФ асосида ўлчов стенди ва комплекси ишлаб чиқилган.

Халилова Полина Юрьевна: «Юқори тезликдаги толали-оптик узатиш тизимларида солитон технологиясини қўллаш самарадорлигини ошириш» (05.12.04) – Тошкент ахборот технологиялари университети (100084, Тошкент, Амир Темур кўч., 108. Тел.: 238-64-15) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Т.Д.Раджабов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Оппонентлар: Х.К.Арипов, А.Х.Абдукадыров

Етакчи ташкилот: «UNICON.UZ» – давлат унитар корхонаси «Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази»

Ишнинг мақсади: легировачи аралашмалар, дисперсион ва нозикли эффектларини ҳисобга олган ҳолда оптик толалардан солитонларнинг ўтиш жараёнларини ўрганиш асосида ахборотларни узатишнинг юқори тезликдаги толали-оптик тизимларида солитон технологиясини қўллаш самарадорлигини ошириш.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида диссипатив солитонларни генерациялаш имконияти аниқланган; тасодифий параметрлар ва фаол аралашмаларни эътиборга олган ҳолда оптик толаларда автосолитонларнинг мавжудлиги ўрнатилган; Бозе-Эйнштейн конденсати концепциясидан келиб чиқиб, солитонлар динамикаси моделлари асосида солитонларнинг динамикасига оптик толалардаги тез алмашинувчи ғалаёнларни таъсири аниқланган; оптик толаларга ионли легировлаш усули билан камёб ер элементларни киритганда кучайтиргичларнинг кучайтириш коэффициентини ошириш эффекти ўрнатилган. Олинган натижалар ахборотларни узатишнинг оптик толали тизимларини структураларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш имконини беради.

Халиков Содикжон Салихджанович: «Темир йўл транспортининг контактли тармоқ улаб-узгичларидаги бошқарув тизим қурилмаларини такомиллаштириш». (05.13.05) – Тошкент давлат техника университети (100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: 246-46-00, факс: 227-10-32) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Халиков

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Оппонентлар: С.Ф.Амиров, Э.У.Улжаев

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Энергетика и автоматика институти

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг электрлаштирилган темир йўллари учун, улаб-узгичларни техник-иқтисодий ва фойдаланишдаги тавсифларини яхшилаш мақсадида электрон ҳисоблаш бошқарув машинаси (ЭХБМ) негизидаги радиобошқарув тизим қурилмасини яратиш орқали темир йўл транспортининг контактли тармоқ улаб-узгичларидаги бошқарув тизим қурилмаларини такомиллаштириш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: илк бор, электрлаштирилган темир йўл контактли тармоқ улаб-узгичларини радиобошқарув тизимида рақамли қурилма, ЭХБМ ёрдамида улаб-узгичлар ҳолатини назорат қилиш, улаб-узгичлар электр юритгичини контактсиз бошқарув схемалари тақлиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг электрлаштирилган темир йўл контактли тармоқ улаб-узгичларидаги замонавий радиобошқарув тизим қурилмасини яратиш имкониятлари орқали аниқланади.

Хушбоқов Бахтиёр Худоймуродович: «Темир йўл транспорти электр таъминоти қурилмаларини бошқарув тизими учун кўп чегарали ток транспорти» (05.13.05) – Тошкент давлат техника университети (100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: 246-46-00, факс: 227-10-32) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.Ф.Амиров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Оппонентлар: А.М.Плахтиев, И.Х.Сиддиқов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Энергетика ва автоматика институти

Ишнинг мақсади: темир йўл транспорти электр таъминот қурилмаларини бошқариш тизимлари учун функционал имкониятлари кенгайтирилган ва динамик хоссалари яхшиланган кўп чегарали ток трансформаторларини яратиш ва тадқиқ этиш.

Олинган натижалар: функционал имкониятлари кенгайтирилган ва динамик хоссалари яхшиланган кўп чегарали ток трансформаторлари (ТТ) яратилди, асосий магнитланиш эгри чизиғи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг математик моделлари, кўп чегарали ТТ ўткинчи режимларда ишлаганда хатолигини камайтириш усули ва ТТ параметрик структура схемалари ишлаб чиқилди ҳамда яратилган кўп чегарали ТТ асосий характеристикалари тадқиқ қилинди.

Яратилган кўп чегарали ТТ кенгайтирилган функционал имкониятларга эга ва ўткинчи режимларда ўзгартириш аниқлиги юқори.

Ташев Комил Ахматович: «Ахборот-коммуникацион тизимларни ташқи хужумлардан ҳимоялашнинг аппарат-дастурий воситаларини ташкил этиш» (05.13.19) – Тошкент ахборот технологиялари университети (100084, Тошкент, Амир Темур кўч., 108. Тел.: 238-64-15) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.М.Каримов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Оппонентлар: Ф.Б.Абуталиев, Р.И.Исаев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Ишнинг мақсади: АКТларда, уларнинг ҳимояланиш даражасини оширишга имкон берувчи хужумларни аниқлавчи ва бартараф этувчи моделлар, усуллар ва воситаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: хужумларни аниқлаш ва бартараф этиш тизимларининг самарадорлигини оширишга имкон берувчи тармоқ пакетларини параллел ишлаш усули таклиф этилган; хужумларни аниқлаш ва бартараф этиш учун тармоқ пакетлари ва АКТ объектларинининг ҳолатини таҳлиллашда кўп қатламли усулидан фойдаланиш имконияти исботланган; АКТларни адаптив ҳимоялашни амалга оширишга имкон берувчи хужумларни аниқлаш ва бартараф этишнинг мукаммаллаштирилган модели таклиф этилган; таклиф этилган мукаммаллаштирилган модел асосида, тармоқ трафигини параллель ва кўп қатламли ишлашдан фойдаланиб, хужумларни аниқлаш ва бартараф этиш тизими ишлаб чиқилган; сигнатур усули ва ҳолатларни назоратлаш асосида ахборот-коммуникацион тизимни ташқи хужумлардан ҳимояловчи ва ёлғон огоҳлантиришларни пайдо бўлишини бартараф этишга имкон берувчи аппарат-дастурий мажмуини ташкил этиш усули таклиф этилган.

Алимов Умарбек Кадырбергенович: «Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида фосфорли ва азотфосфорли ўғитлар олиш технологиясини яратиш» (05.17.01) – ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти (100170, Тошкент, Мирзо Улуғбек кўч., 77-а. Тел.: 262-56-60, факс: 262-79-90) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.С.Намазов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Оппонентлар: Б.С.Закиров, В.А.Линкевич

Етакчи ташкилот: «Аммофос-Максам» ОАЖ

Бойитилмаган Марказий Қизилқум фосфоритларини бирламчи фосфорли ва азотфосфорли ўғитларга қайта ишлашнинг ресурстежамкор технологияси яратилди. Қизилқум фосфоритлари ҳар хил турларининг фосфоркислотали гипс бўтқаси билан ўзаро таъсирлашуви бўтқа : фосфат хом ашёси масса нисбатларининг кенг оралиқларида тадқиқ этилди. Сулфокалцийфосфат бўтқаларининг реологик хоссаларини ҳароратга боғлиқлиги ўрганилди.

Марказий Қизилқум фосфоритларини қисман аммонийлашган экстракцион фосфор кислотаси билан фаоллаштириш йўли орқали азотфосфорли ўғитлар олиш жараёни кислота : фосфат хом ашёси масса нисбатлари, шунингдек кислота рН нинг кенг оралиқларида ўрганилди. Бирламчи фосфорли ва азотфосфорли ўғитлар олишнинг мақбул шароитлари топилди ва уларнинг физик-кимёвий ҳамда товар хоссалари аниқланди. Янги турдаги ўғитлар олиш жараёнининг асосий технологик параметрлари лаборатория модел курилмасида ва “Аммофос-Максам” ОАЖ тажриба-саноат шароитларида ишлаб чиқилди. Ёўза ўсимлигида олиб борилган агрокимёвий синовлар яратилган ўғитларнинг аъъанавий аммофосга тенг қийматли эканлигини кўрсатди.

Қаноатов Хайрулло Муродиллаевич: «Марказий Қизилқум фосфоритларини фосфор кислотали фаоллаштириш йўли билан бирламчи фосфорли ўғитлар олиш технологияси» (05.17.01) – ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти (100170, Тошкент, Мирзо Улуғбек кўч., 77-а. Тел.: 262-56-60) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.М.Беглов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Оппонентлар: А.У.Эркаев, Б.Б.Содиқов

Етакчи ташкилот: «Самарқандкимё» ОАЖ

Ишнинг мақсади паст навли Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида бирламчи фосфорли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Юқори карбонатли паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини фосфор кислотали фаоллаштириш ҳамда кислотали термик қайта ишлаш усуллари билан катта миқдорда ўзлашувчан ва сувда эрувчан P_2O_5 шакллари бўлган юқори концентрланган бирламчи фосфорли ўғитлар олиш мумкинлиги кўрсатилди. Мазкур ишни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш қишлоқ хўжалигига кузги шудгорда солиш учун жуда ҳам зарур бўлган бирламчи фосфорли ўғитларни етиштириб беради. Ишнинг натижалари Қизилқум фосфорит комбинатининг минераллашган массаси ва фосфорит чанги каби йирик тоннали чиқиндиларини фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришига жалб қилиш имконини беради.

Ибрагимходжаев Азиз Махаматович: «Топинамбур (*Helianthus tuberosus* L) ўсимлигидан кимёвий қайта ишлашга яроқли целлюлоза олиш технологиясини яратиш» (05.17.06) – Тошкент кимё-технология институти (100011, Тошкент, А.Навоий кўч., 32. Тел.: 244-79-21) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Г.Р.Рахмонбердиев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент кимё-технология институти

Оппонентлар: М.Т.Примкулов, Ш.М.Миркамилов

Етакчи ташкилот: ТДТУ қошидаги “Фан ва тараққиёт” давлат унитар корхонаси

Ишнинг мақсади: Кўп йиллик топинамбур ўсимлигидан кимёвий қайта ишлашга мос келадиган целлюлоза олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш. Олинган целлюлозанинг, ундан олинган оддий ва мураккаб эфирларини ҳамда қоғознинг замонавий усуллар билан ўрганиш, уларнинг хоссаларини маълум целлюлозалардан олинган махсулот хоссалари билан солиштириш.

Ишнинг илмий янгилиги: Илк бор кўп йиллик ўсимлиги топинамбурдан целлюлоза олиш технологияси ишлаб чиқилди. Олинган целлюлозанинг хоссалари замонавий усуллар (ИК-спектроскопия, рентгенография, электрон микроскопия, молекуляр нур тарқатиш, сорбция ва х.к.) билан текширилди ва хоссалари маълум целлюлоза (пахта линти, терак целлюлозаси) хоссалари билан солиштирилди.

Биринчи маротаба олинган целлюлоза асосида унинг оддий (карбоксиметилцеллюлоза) ва мураккаб (ацетат целлюлоза) эфирлари, қоғоз олинди ва уларнинг хоссалари текширилди.

Олинган натижалар асосида топинамбурдан олинган целлюлозани кимёвий қайта ишлашга яроқли эканлиги ва четдан келтирилаётган целлюлозани ўрнини тўла тўқис боса олиши назарий ва амалий асослаб берилди.

Лутфуллаев Садулла Шукурович: «Модифицирланган иккиламчи маҳсулотлар асосида поливинилхлорид учун термостабилизаторлар ишлаб чиқиш ва хоссаларини тадқиқ қилиш» **(05.17.06)** – Тошкент кимё-технология институти (100011, Тошкент, А.Навоий кўч., 32. Тел.: 244-79-21) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: З.З.Мирвалиев

Иш бажарилган ташкилот: Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Оппонентлар: Т.Ж.Қодиров, А.Ҳ.Юсупбеков

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади: “Капролактама” заводи технологик чиқиндиси Т-маҳсулоти ва госсипол смоласи асосида поливинилхлорид учун юқори самарали кимёвий модифицирланган термостабилизаторлар яратиш ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда республикаимиз минерал хом ашёси ҳисобланган шорситни тўлдирувчи сифатида қўллаш. Шу билан бирга модифицирланган ПВХ ни термостабиллиги, электр ва физик-механик хоссаларини ўрганишдан иборат.

Маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш мақсадида ПВХ ни физик модифицирлаб шорсит ва «Капролактама» заводининг технологик чиқиндиси Т-маҳсулоти, шунингдек ёғ-мой маҳсулотларини қайта ишлашда ҳосил бўладиган госсипол смоласи қўлланилди. Ушбу ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида ПВХ композицияси учун самарали ингредиентлар синтез қилинди. Ишда ПВХ композициясининг термик ва термооксидланиш деструкция кинетикаси ва уларнинг механизми тадқиқ қилинди. Олинган полимер композицион материаллари асосида уларнинг физик-кимёвий, технологик ва электр хоссалари ўрганилди, шунингдек технологияси ишлаб чиқилди ва технологик жараённинг математик модели яратилди.

ПВХ стабиллигини ошириш соҳасидаги кўплаб тадқиқотлар натижасида модифицирланган Т-маҳсулоти ва госсипол смолаларидан ПВХ композициялари учун термостабилизаторлар, антиоксидантлар, синергистлар ва ёғловчи агентлар сифатида фойдаланиш имкониятлари аниқланди.

Мирзаев Нодир Баходирович: «Толали материаллар билан мустаҳкамланган полимер қопламалар ва плёнкаларни ишлаб чиқиш» **(05.17.06)** – Тошкент кимё-технология институти (100011, Тошкент, А.Навоий кўч., 32. Тел.: 244-79-21) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.С.Рафиков

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Оппонентлар: Ф.А.Магрупов, А.Т.Тиллаев

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Биоорганик кимё институти

Ишнинг мақсади: Иш толали материаллар билан мустаҳкамланган полимер қоплама ва пленкаларни, жумладан, трикотаж асосида яратиш ва тадқиқ этишга бағишланган, бунда ташкил этувчи материаллар хом ашё тури, табиати, тугал маҳсулотни шакллантириш усуллари, мустаҳкамловчи элемент тўрсимон ячеикаси шакли ва ўлчамларига боғлиқ равишда хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Биринчи бор турли хом ашёдан тўқилган тўрсимон трикотаж билан мустаҳкамланган композицион полиэтилен пленка олинган ва уларнинг хоссалари тадқиқига кўра тўрсимон трикотажни полимер пленка ва қопламаларнинг тўлдирувчиси сифатида фойдаланиш асосланган. Тўрсимон трикотаж ва поливинилхлорид асосида янги кўп қатламли мустаҳкамланган композицион материал яратилган. Материалнинг табиати, тўрсимон трикотажнинг тўқилиши, технологик кўрсаткичлари том ёпқич материалларни ишлаб чиқаришда қўллаш учун аниқланган. Мустаҳкамланган полимер пленка ва қопламаларнинг эксплуатацион ва физик-механик хусусиятлари хом ашё тури, мустаҳкамловчи элемент тўрсимон ячеикасининг геометрик ўлчами ва шакли, қатламли материални ишлаб чиқариш усули ва шакллантириш меъёрларига боғлиқлиги кўрсатилган.

Юлдашов Алиё Раззакович: «Крахмални модификацияловчи технологияларни яратиш ва қўллаш» **(05.17.06)** – Тошкент кимё-технология институти (100011, Тошкент, А.Навоий кўч., 32. Тел.: 244-79-21, факс: 244-79-17) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.Бахрамов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети
Оппонентлар: Ф.А.Магруппов, Ю.А.Салимсаков
Етакчи ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Ишнинг мақсади – ИҚ-нурлантириш ва эластик-деформация таъсирида модификацияланган крахмал олиш услубларини яратиш, ҳамда уни турли саноат ишлаб чиқаришларида қўллашдан иборат.

Илмий изланишлар давомида, биринчи маротаба, крахмални ИҚ-нурлантириш иссиқлиги, ҳамда бир вақтнинг ўзида юқори босим ва эластик-деформация таъсирида модификацияловчи бир-биридан фарқ қиладиган иккита услуб яратилган. Физика-кимёвий усуллар ёрдамида, биринчи маротаба крахмални модификациялашнинг принцип ва механизми ўрнатилган. Олинган натижалар асосида крахмалнинг модификацияланиш даражасини аниқлашнинг янги микроскопик таҳлил қилиш усули таклиф қилинган.

Модификацияланган крахмал олишнинг янги технологияси асосида тажриба-саноат қурилмаси яратилган ва технологик линияси ташкил қилинган. Модификацияланган крахмал олишнинг «Техникавий шарти» ва «Технологик регламент» лари тузилган. Лицензион шартнома асосида «Тегіттоп» ИИЧҚда модификацияланган крахмал ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва корхонада йилига 250-300 тонна модификацияланган крахмал ишлаб чиқарилмоқда.

Рейпназарова Зинахан Даулетназаровна: «Барботаж аппаратида аммофос бўтқасини буғлатиш жараёнини такомиллаштириш» (05.17.08) - Тошкент давлат техника университети (100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: 246-46-00) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Артиков
Иш бажарилган ташкилот: Тошкент кимё-технология институти
Оппонентлар: Д.Н.Мухиддинов, Д.П.Мухитдинов
Етакчи ташкилот: «Самарқандкимё» ОАЖ

Ишнинг мақсади: маъданли ўғитлар бўтқасини барботажли буғлатиш аппаратида математик моделлаштириш ёрдамида, ҳисоблаш усулини, тежамкор жараённи синтез қилиш ва жиҳозни модернизациялаш.

Илмий янгилиги: аммофосли бўтқани буғлатишнинг мураккаб технологик жараёнини янгича ёндошган ҳолда комплекс таҳлил қилинди ва бунинг учун кўп босқичли тизимли таҳлил қилинди, барботажли буғлатиш аппарати элементларини математик моделлари ишлаб чиқилди. Аммофосли бўтқани буғлатиш жараёнининг асосий параметрларини ўзаро таъсири аниқланди. Аммофосли бўтқани қайнаш ҳароратини босимга бутқадаги намликнинг турли концентрацияларига боғлиқлиги тажриба йўли билан аниқланди. Суюқ-газ тизимида мувозанат шарти ўрнатилди. Суюқ ва газ фазалари ўртасида ҳажмий иссиқлик бериш коэффицентини аниқлаш, шунингдек барботажли буғлатиш аппаратида бўтқани буғлатиш жараёнининг компьютерда ҳисоблаш усули тавсия этилди. Барботажли кубда суюқлик қатламлари бўйича иситувчи газнинг ҳароратини тақсимланиши қонуниятлари тадқиқ қилинди. Буғлатиш аппаратининг барботажли кубини секцияларга бўлиш йўли билан ўзаро таъсирланувчи оқимларнинг гидродинамик структурасини яхшилаш ҳисобига аммофосли бўтқани буғлатиш жараёнининг такомиллаштириш имконияти аниқланди ва аппаратнинг эни бўйича секцияларга бўлинган қисмларини оқимларнинг гидродинамик ҳолатига таъсири ўрганилди. Аппаратнинг ишчи зонасида суюқ фазада оқимларнинг гидродинамик тузилишини икки ячейкада амалга ошириш имкони аниқланди.

Хурмаматов Абдуғаффор Мирзабдуллаевич: «Марказдан қочма куч майдонида толасимон заррачаларни чўкиш жараёнини жадаллаштириш ва циклон ускуналарини модернизация қилиш» (05.17.08) – Тошкент давлат техника университети (100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: 246-46-00, факс: 227-10-32) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: З.С.Салимов
Иш бажарилган ташкилотлар: Тошкент давлат техника университети,
ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти
Оппонентлар: Ж.Н.Мухитдинов, К.К.Қаюмов
Етакчи ташкилот: “Ўзбеккимёмаш заводи” ОАЖ

Ишнинг мақсади: марказдан қочма кучмайдонида толасимон заррачаларни чўкиш жараёни самарали усулларини ишлаб чиқиш ва ва ҳаво ташланмаларини толасимон чанглардан тозалаш учун циклон ускуналарини модернизация қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.

Олинган натижалар: коагулятор симларнинг эгилиш бурчаги 35° бўлганда, чангли ҳаво тезлиги 17 м/с бўлганда толасимон заррачаларнинг максимал коагуляцияга учраш самараси (61%) аниқланган; циклон ичидаги ҳаво оқимини рецркуляция қилиш орқали юзага чиққан ижобий самара тасдиқланган ва ушбу самара ёрдамида энг майда толали чанг заррачаларини (<5 мкм) ажратиш самарадорлиги 13% га кўпаяди; ҳавони тозалашнинг толали заррачаларни симли коагуляторда йириклаштириш ва циклонда майда заррачаларнинг қайтадан сепарациясини ташкил қилишга асосланган самарали усули ишлаб чиқилган ва ушбу усул заррачаларнинг чўкиш тезлигини 2,5 баробар ошишини ва ҳаво ташландикларини юқори даражада тозаланишини (97,6%) таъминлайди; марказдан қочма майдонда атмосфера ҳавосини толали чанглардан тозалаш жараёнининг энг мақбул кўрсаткичлари аниқланган.

Ишлаб чиқилган модернизация қилинган циклон ускунаси ва чанг тозалаш схемаси пахта тозалаш заводлари ҳудудларида экологик ҳолатни тубдан яхшилаш имкониятини яратади, ҳамда энергия ва ресурс тежашни таъминлайди.

Ҳамдамов Анвар Махмудович: «Пахта мойи мисцелласининг охириги дистилляциялаш жараёнини такомиллаштириш» (05.18.12) – Тошкент кимё-технология институти (100011, Тошкент, А.Навоий кўч., 32. Тел.: 244-79-21, факс: 244-79-17) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Худайбердиев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент кимё-технология институти

Оппонентлар: Б.И.Мухамедов, Қ.П.Серкаев

Етакчи ташкилот: «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ ҚҚ

Ишнинг мақсади. Математик моделлаштириш ва оптималлаштириш йўли билан пахта мойи мисцелласининг охириги дистилляциялаш жараёнини такомиллаштириш ва самарадорлиги юқори бўлган қурилма яратишдан иборат.

Илмий янгилиги: ўсимлик мойи мисцелласининг охириги дистилляциялашнинг назарий ва амалий асослари ривожлантирилди; бунда охириги дистилляциялаш жараёнида эритувчи билан бир қаторда мойдаги эркин ёғ кислоталарининг ажралиб чиқиш шарт-шароитлари ўрганилди ва таҳлил қилинди; кўп поғонали усулдан фойдаланиб, охириги дистилляциялаш жараёни ва аппарати таҳлил қилинди; аниқланган таркибга мос равишда жараённинг кўп поғонали математик модели шакллантирилди; математик модел ёрдамида битта тарелкада кечаётган ва тарелкалар йиғиндисидан иборат бўлган аппаратдаги жараён кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги аниқланди; аппаратдаги тарелкалар сони ортиб бориши ўрганилиши натижасида поғоналар, яъни тарелкаларнинг керакли сони аниқланди (улар сони 6 донани ташкил қилди); аппаратдаги қолдиқ босимни ва мисцелла ҳароратини жараён боришига таъсири ўрганилиб, оптимал шароитлар топилди; ишлаб чиқаришда ярим саноат роторли-дискли дистилляторда қарама-қарши режимда мисцелланинг охириги дистилляциялаш жараёнининг такомиллаштириш механизми ўрганилди; пахта мойи мисцелласининг охириги дистилляциялаш ва мисцелла таркибидаги эркин ёғ кислоталарини ажратишнинг усули ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: Ёғ-мой саноати корхоналарида фойдаланилаётган габарит ўлчамлари катта, кўп металл сарфланадиган, қиммат, хизмат кўрсатиш ноқулай бўлган қурилмалар ўрнига жараён интенсив борадиган, ихчам ҳамда таннархи арзон қурилмалар, ушбу жараён ва унга турдош жараёнларни ҳисоблаш воситалари ва ярим саноат қурилмаси яратилди ва ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилди.

Ҳасанов Жаҳонгир Ҳикматиллоевич: «Пахта чигити кунжарасини муаллақ ҳолатда экстракциялаш жараёнини такомиллаштириш» (05.18.12) - Тошкент кимё - технология институти (100011, Тошкент, Навоий кўч., 32. Тел.: 244-79-21, факс: 244-79-17) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.Маматкулов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент кимё-технология институти

Оппонентлар: С.А.Абдурахимов, С.К.Нигмаджанов

Етакчи ташкилот: «Косон ёғ-экстракция» ОАЖ ҚҚ

Ишнинг мақсади: Пахта чигити кунжарасини муаллақ ҳолатда экстракциялаш жараёнини такомиллаштириш ва юқори самарали экстракцион қурилмани шакллантириш.

Илмий янгилиги: Муаллақ ҳолатда мойли маҳсулотда мой миқдори ўзгаришининг математик ифодалари ишлаб чиқилди, хусусан, заррача фикрий қатламларида, заррачанинг ўзида, қаттиқ фазада, бир ва кўп босқичли қурилмаларда муаллақ ҳолатдаги мойли маҳсулотнинг мойлилиги ва мисцелла концентрацияларининг ўзгариши ифодаланди; муаллақ қатламда пахта чигити кунжарасини экстракциялашда диффузия коэффициентининг таъсири, шунингдек муаллақ ҳолатда маҳсулот заррачалари диаметрининг таъсири ва ушбу кўрсаткичлар умумлаштирилиб экстракциялаш жараёни давомийлиги аниқланди; муаллақ ҳолатда пахта чигити кунжарасини экстракциялаш жараёнининг оптималлаштириш услуби ва жараённинг оптимал кўрсаткичлари ҳамда конструктив ўлчамлари топилди; пахта чигити кунжарасини муаллақ ҳолатда экстракциялаш тажриба қурилмасида диффузия коэффициентининг $4,5 \cdot 10^{-10} \text{ м}^2/\text{с}$ қиймати аниқланди. экстракциялаш жараёни жадал бориши учун ихчам, юқори унумдорликли қурилма таклиф қилинди.

Шодыев Зиядулло Очилович: «СХ сепараторида пахта оқимини тенг тақсимлаш тизимини яратиш» (05.19.02) – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (100100, Тошкент, Шоҳжаҳон кўч., 5. Тел.: 253-06-06, факс: 253-36-17) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.Т.Ходжиев

Иш бажарилган ташкилот: Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти

Оппонентлар: Р.М.Муродов, И.Д.Мадумаров

Етакчи ташкилот: “Пахтатозалаш” ИИЧБ

Ишнинг мақсади чигитли пахтани дастлабки ишлашда тола ва чигитни табиий хусусиятларини сақлаб қолишни таъминловчи такомиллашган янги сепаратор мосламасини ишлаб чиқишдир.

Олиб борилган назарий ва амалий изланишлар натижасида:

- тўрли юза билан чигитли пахта орасидаги ўзаро ҳолат илмий асосда ўрганилиб, тола узилишининг олдини олиш чегараси аниқланди;
- пахта оқимини вакуум – клапан ишчи узунлиги бўйича текис тақсимланиб тушиши учун йўналтиргичлар сони 2-7 оралиқда бўлиши сонли натижалар орқали илмий асосланди;
- чигитли пахтанинг бир маромда тақсимланиш соҳаси тўлиқ бўлиши йўналтиргичлар жойлашган соҳани геометрик параметрларига, пахтанинг қувурдаги ва ҳавонинг тезликларига боғлиқлиги асослаб берилди;
- такомиллашган янги СХМ сепаратори яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Ахмедов Жаҳонгир Адхамович: «Янги структурали ўрилган жарроҳлик ипак ипларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» (05.19.03) – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (100100, Тошкент, Шоҳжаҳон кўч., 5. Тел.: 253-06-06, факс: 253-36-17) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.Э.Гуламов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Оппонентлар: М.М.Муқимов, Н.Ж.Қобулова

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон табиий толалар ИТИ

Ишнинг мақсади: Республикамизда етиштирилаётган пилла хом ашёсидан фойдаланиб, янги структурали ўрилган жарроҳлик ипак иплари ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

Янги структурали ўрилган жарроҳлик ипак ипларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш жараёнида қуйидаги илмий янгиликларга эришилди:

- хом ипак ипидан фойдаланиб илк бор янги структурали ўрилган жарроҳлик ипларини ишлаб чиқариш технологияси яратилди;
- жарроҳлик ипларини ўрилиш коэффициентини асослаш, чизиқли зичлигини ва узилиш кучини ҳисоблаш формулалари такомиллаштирилди;
- ўрилган хирургик иплар учун хом ипак тайёрлаш усули учун патент олинди;
- чувиш жараёнида ипларни узилиши, нуқсон ҳосил бўлиш жараёни назарий жиҳатдан таҳлил қилинди ва юқори А синфдаги сифатли ипак чувиш тезлиги тавсия этилди;

- янги структурали ўрилган жарроҳлик ипининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари тадқиқ қилинди ҳамда уларни ташкил қилувчи қўшилган иплар сони билан ип қаттиқлигини ўзаро боғлиқлик графиклари олинди.

Усмонова Шахноза Анваровна: «Равон бўялувчи ипак матолари ишлаб чиқариш учун хом ашё тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш» (05.19.03) – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (100100, Тошкент, Шоҳжаҳон кўч., 5. Тел.: 253-06-06, факс: 253-36-17) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.А.Алимова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Оппонентлар: М.З.Абдукаримова, А.Ю.Рахимов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон табиий толалар ИТИ

Ишнинг мақсади: Пилла қобиғини тусланиши бўйича рангларга саралаш орқали, сидирға бўяладиган ипак матолари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш.

Ишнинг илмий янгилиги:

- сидирға бўяладиган мато, трикотаж ва бошқа ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хом ашё тайёрлаш мақсадида иплар механикаси ва амалий тадқиқотларга асосланган ҳолда пилла қобиғлари ранглари тусланиши бўйича саралаб ва чувиб олинган хом ипакни қўшиб эшиб, қайнатиб сўнгра яна қўшиб эшиш жараёнларидан иборат такомиллаштирилган технология яратилди;

- механик пилла саралаш конвейери (МКК-1) ни ультрабинафша нур таъсирида реал вақт ичида ранглари бўйича саралаш ЭВМ дастури асосида автоматлаштирилди;

- назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида янги замонавий КСС-SR-100 дастгоҳида халқаро стандарт «А» синфига мансуб хом ипак чувиш рационал тезлиги 115-120 м/мин (назарий 135 м/мин) дан юқори бўлмаслиги исботланди;

- аналитик ва экспериментал тадқиқотлар асосида эшилган ипларни укруткаси (қисқариши) бурамлар сонини ип радиусига кўпайтмасини ўндан бир қисмига тенглиги аниқланди. Эшилган ипак ипларни укрутка қийматини аниқловчи формула тавсия этилди.

**Қаранг яна: С.У.Аширбекова (01.04.19), С.Б.Хайтметова (02.00.10),
А.Х.Абдуллаев (02.00.16)**

Қишлоқ хўжалик фанлари

Абдушукурова Замира Зайнитдиновна: «Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг агрофизикавий хоссалари ва туз тартиботи (Жиззах чўли шимоли-ғарбий қисми мисолида)» (06.01.03) - Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти (100179, Тошкент, Қамарнисо кўч., 3. Тел.: 246-09-50, факс: 246-76-00) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: С.Абдуллаев

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Р.Қурвонтоев, А.Х.Абдуллаев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Ишнинг мақсади: Жиззах чўли суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларининг ҳозирги кундаги агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатини таҳлил қилиш, суғориш ва агротехник тадбирлар таъсирида тупроқ мелиоратив ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлаш ҳамда уни оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш.

Жиззах чўли асосий суғориладиган тупроқларининг ҳозирги кундаги агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари ва сизот сувларининг таркиби ўрганилиб, мелиоратив нуқтаи назардан суғориш таъсирида содир бўлаётган ўзгаришлар очиб берилган. Суғориш, антропоген омиллар ва маданий ўсимликлар таъсирида текширилган тупроқлар таркибидаги озиқа моддалари миқдори ҳамда агрофизикавий хоссаларининг ўзгариши аниқланган, тупроқларнинг механик таркиби бўйича олинган маълумотлар асосида улар мелиоратив гуруҳларга ажратилган. Шунингдек тупроқларнинг ҳозирги замон сув-туз тартиботи ўрганилиб, мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Айтжанов Бахытжан Узақбаевич: «Қорақалпоғистон шароитида ғўзанинг шўрга чидамли намуналарини ажратиш ва улардан селекция ишида фойдаланиш» **(06.01.05)** - Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги ИТИ (111218, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салор шаҳарчаси, Университет кўч., 1. Тел.: 150-61-37, факс: 8-371-150-61-37) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Х.Сайдалиев

Иш бажарилган ташкилот: Қорақалпоғистон деҳқончилик ИТИ

Оппонентлар: С.М.Ризаева, Ш.Э.Намазов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ

Ишнинг мақсади ЎзҒСУИТИ ғўза коллекциясида мавжуд бўлган АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Африка, Австралия, Афғонистон, Покистон, Эрондан янги келтирилган 500 та намунани Қорақалпоғистоннинг ўртача шўрланган тупроқли майдонларида синаш ва шўрланган ерлар шароитида ҳосилдорлиги, тезпишарлиги ва тола сифати юқори бўлган намуналарни аниқлаш, ажратиб олинган намуналарни районлашган ва истиқболли навлар билан чагиштириб бошланғич ашё сифатида селекционер-генетик олимларга тавсия этишдан иборат.

Ғўза коллекциясидаги хорижий намуналарни биринчи маротаба Қорақалпоғистон Республикасининг табиий шўрланган тупроқ шароитида ўрганиш асосида бир қатор ижобий кўрсаткичли намуналар ажратилди. Бу намуналар иштирокида олинган F_1 - F_3 дурагайларда шўрга чидамлилигининг намоён бўлиши натижасида ўзида тезпишарлик, бир дона кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги ҳамда микронейри бўйича ижобий кўрсаткичларни мужассам қилган дурагай оилаларни селекционер-генетик изланишларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилди. Ажратиб олинган намуналар ва дурагайлар Қорақалпоғистон шўрланган ерлари шароитига чидамли бошланғич ашё ва навлар яратиш учун тавсия этилди.

Мадрахимов Илхомжон Хакимбоевич: «Янги ва районлашган ғўза навларининг уруғлик сифатини ўрганиш» **(06.01.05)** – Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги ИТИ (111218, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салор шаҳарчаси, Университет кўч.,1. Тел.: 150-61-37) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Д.Х.Ахмедов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги ИТИ

Оппонентлар: А.А.Нариманов, Ш.Ҳ.Абдуалимов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Ишнинг мақсади ўрта толали ғўза навларининг уруғлик чигит сифат кўрсаткичларини ўрганиш асосида уларга кимёвий препаратлар ва электромагнит майдоннинг (ЭММ) таъсирини аниқлашдан иборат.

Изланишлар давомида биринчи маротаба уруғлик чигит сифат кўрсаткичларидан, чигит унувчанлиги билан мойдорлигининг кучли даражада ижобий, чигит мағзи таркибидаги оқсил миқдори билан эса кучсиз салбий боғлиқлиги ҳамда 1000 дона чигит вазни билан дала унувчанлиги белгилари орасида ўрта ва кучли даражада ижобий боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Уруғлик чигит сифат кўрсаткичларига П-4 кимёвий уруғ дориллагичи, Самара, Гумат натрий, ХС-2 стимуляторлари ҳамда ЭММнинг ижобий таъсир этиши аниқланди. П-4 кимёвий уруғ дориллагичи, Самара, Гумат натрий стимуляторлари кейинги авлод уруғлик чигит сифат кўрсаткичларини ҳам юқори бўлишини таъминлади.

Тадқиқот натижаларига асосан чигитнинг сифат кўрсаткичларидан дала шароитида униб чиқиш тезлиги (10,7 % га), унувчанлиги (16,6 % га) ҳамда ҳосил шохлари сони (1,2 донага), бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони (1,6 донага), маҳсулдорлик (5,5 г га), ҳосилдорлик (4,5 ц/га га) ва тола узунлиги (0,5 мм га) каби қимматли хўжалик белгиларини оширишда чигитларни экишдан аввал Самара, Гумат натрий стимуляторлари ёки П-4 уруғ дориллагичи билан ишлов бериш тавсия этилади.

Рашидова Дилбар Каримовна: «Дала экинлари уруғлари сифатини баҳолаш усуллариини такомиллаштириш» **(06.01.05)** - Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги ИТИ (111218, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салор шаҳарчаси, Университет кўч., 1. Тел.: 150-61-37) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.С.Козубаев

Иш бажарилган ташкилот: Республика қишлоқ хўжалик экинлари бирламчи уруғчилиги ва уруғшунослик станцияси

Оппонентлар: Ш.Ж.Тешаев, С.С.Алиходжаева

Етакчи ташкилот: ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Ишнинг мақсади дала экинлари уруғларини сифатини аниқлаш усулларини такомиллаштириш учун қиёсий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уруғлик чигитнинг сифатини аниқлаш бўйича халқаро меъёрларни маҳаллий шароитга мослаштиришдан иборат.

Изданишлар натижасида мавжуд стандартларнинг меъёрий талабларига уруғлик чигит сифатини аниқлаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритилган ва таклифлар берилган. Шунингдек «Капсулаланган уруғлик чигит» техникавий шартлар тасдиқланган.

Уруғ сифатини баҳолашнинг янги усуллари ишлаб чиқилиб уруғларнинг наводорлик ва экиш сифати бўйича давлат стандартига киритилган – бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда муҳим шартлардан ҳисобланади. Уруғ сифатини баҳолаш усулларини такомиллаштириш уруғчиликни ташкил этишнинг янги шаклларига ўтиш шароитида халқаро талабларга мос ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган уруғларни жаҳон бозорига чиқишга имкон беради.

Стандартларга киритилган ўзгартиришлар пахта уруғчилиги лабораторияларида қўлланилмоқда, ишлаб чиқаришда кам тукли ва капсулаланган уруғлик чигитдан фойдаланилмоқда.

Хаитов Ботир Бахтиёрович: «Мажмуий ва босқичли электр ишлов беришнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири» (06.01.09) - Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ (111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ а/б ЎзПITI. Тел.: (+99895) 142-22-35) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Ж.Тешаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: Р.С.Назаров, А.Т.Росабоев

Етакчи ташкилот: ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Ишнинг мақсади: Тошкент вилояти типик бўз тупроқлар шароитида етиштирилаётган ўрта толали Наманган-77, С-6524 ва АН-Баяут-2 ғўза навларининг чигитларига экиш олдидан ва униб чиққан ғўза ниҳолларига вегетация даврида мақбул муддатларда электр ишлов беришнинг самарадорлигини ўрганишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ўрта толали Наманган-77, АН-Баяут-2 ва С-6524 ғўза навларига мажмуий ва босқичли электр ишлов беришнинг муддатлари ва самарадорлиги илк бор ўрганилди. Бу навларнинг чигитларига экиш олдидан ва ғўзанинг вегетация даврида чин барг чиқариш ва шоналаш фазаларида мажмуий ва босқичли электр ишлов берилганда юқори самара олинди. Ўрта толали Наманган-77, АН-Баяут-2 ва С-6524 ғўза навларининг “чигитларига экиш олдидан + чин барг чиқариш + шоналаш” фазаларида мажмуий ва босқичли электр ишлов берилганда энг юқори ҳосилдорликка эришилди, пахта ҳосили назоратга нисбатан мос равишда 5,9; 2,7 ва 4,4 ц/га ошганлиги кузатилиб, рентабеллик даражаси мос равишда 26,1- 24,1- 21,6% ни ташкил қилди.

Хўжаев Отабек Темирович: «Олма, нок, беҳининг кенг тарқалган касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари» (06.01.11) - Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ (111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ а/б ЎзПITI. Тел.: (+99895) 142-22-35) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Э.Холмуродов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: Е.Торениязов, С.Рамазанова

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти

Ишнинг мақсади: Тошкент вилояти шароитида уруғли мевали дарахтларидан иборат боғларнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш, кенг тарқалган касалликларнинг тарқалиши,

келтирадиган зарарини таҳлил қилиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тошкент вилояти шароитида уруғли мевали боғларда олма, нок ва беҳининг парша, ун-шудринг, қора рак ҳамда цитоспороз касалликларининг тарқалиши ва зарари, навларнинг касалликларга чидамлилиги биринчи марта ўрганилди.

Уруғли мевали дарахтларнинг кенг тарқалган касалликларини қўзғатувчилари 2 та синф (*Ascomycetes*, *Deuteromycetes*), 2 та кенжа синф (*Loculoascomycetidae*, *Euascomycetidae*), 4 та тартиб (*Dothideales*, *Hyphomycetales*, *Erysiphales*, *Sphaeropsidales*), 6 та оила (*Venturiaceae*, *Dematiaceae*, *Erysiphaceae*, *Moniliaceae*, *Sphaeropsidaceae*, *Pseudosphaeriaceae*), 7 та туркум (*Venturia*, *Fusicladium*, *Podosphaera*, *Oidium*, *Sphaeropsis*, *Physalospora*, *Cytospora*) ҳамда 8 та турга (*V.inaequalis*, *F.dendriticum*, *V.pirina*, *F.pirinum*, *P.leucotricha*, *O.farinosum*, *O.cydoniae*, *Sph. malorum*, *P.cydoniae*, *P.malorum*, *C.schulzeri*, *C.carphosperma*) мансублиги аниқланди.

Аниқланилган касалликларга қарши республика қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган фунгицидлардан Байлетонни 0,4 кг/га, Топсин-М ни 1,0 кг/га ва Топазни 0,2 л/га сарф меъёрида ишлатиш билан фитосанитар тадбирларни биргаликда қўллаш асосида самарали кураш усуллари ишлаб чиқилди ҳамда қўлланилган фунгицидларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Кукенов Ўрмонбой Таубалдиевич: «“Сарибел” завод типидagi сур қоракўл қўйларининг наслий хусусиятлари» (06.02.01) – “Племэлита” ИИБ Ўзбекистон чорвачилик ИТИ (111212, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Қизил шалола” п/б. Тел. 431-07-21, 8 (370) 95-65-335) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: С.Ю.Юсупов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси ИТИ

Оппонентлар: П.С.Собиров, Р.Турғанбоев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Ишнинг асосий мақсади: Қоракўлчиликда биринчи бор яратилган яссигул типли “Сарибел” завод типидagi сур қоракўл қўйларининг наслий хусусиятларини тизимлар бўйича баҳолаш, уларни соҳада азалдан урчитилиб кўпайтириладиган ярим доира қаламгул типли қўйлар хусусиятлари билан қиёслаш завод типли салоҳиятидан соҳада самарали фойдаланиш ва ясси гуруҳидаги сифатли ассортиментдаги қоракўл маҳсулоти салмоғини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Унда қўйидаги илмий натижаларга эришилди:

- завод типли қўйлари қимматли кумушсимон рангбарангликдаги авлодлар бериш бўйича юқори салоҳиятига эга. Уларнинг салмоғи 79,1 фоизга тенг;

- ранг ифодаланиши, текислиги бўйича тажриба гуруҳи қўйлари кучли наслий хусусиятларини намоён қилди. Улар авлодларида аъло ранг ифодаланишидаги қўзилар салмоғи 51,9 фоизни, аъло ранг текислидаги қўзилар салмоғи завод типли бўйича 71,9 фоизни “Сарибел” линияси бўйича 73,3 фоизни ташкил этди;

- завод типли қўйлари ўзига хос ясси типли авлодлар бериш бўйича юқори наслий салоҳиятини кўрсатди. Бундай авлодлар салмоғи 70,2-71,1 фоизга тенг бўлиши аниқланди;

- завод типидagi кузатилган муҳим селекцион белгиларнинг юқори ирсийланиш ва корреляция коэффициентлари уларнинг кучли наслий хусусиятларга эгалигини кўрсатади.

Досмухамедова Мухайё Хуснитдиновна: «Қора-ола зотли турли генотипли сигирларни сут маҳсулдорлиги ва айрим биологик хусусиятлари» (06.02.04) - “Племэлита” ИИБ Ўзбекистон чорвачилик ИТИ (111212, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Қизил шалола” п/б. Тел.: 431-07-21) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: У.Н.Носиров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: Н.А.Бобокулов, У.М.Куччиев

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Ишнинг асосий мақсади: қора-ола зотли турли голштин генотипли сигирлар сут маҳсулдорлик генетик потенциалини намоён этишда лактация фазалари бўйича серсут қилиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг ташқи муҳит шароитига мослашиш биологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Унда қўйидаги илмий натижаларга эришилди:

- лактация фазалари бўйича серсут қилиш технологиясида тажриба гуруҳларидаги қора-ола зотли турли голштин генотипли сигирлар сут соғими хўжалик шароитида олинган кўрсаткичларга нисбатан 1165-1826 килограмм (42,7-67,1 %)га ошди;
- 1 килограмм сут ишлаб чиқаришга 0,95-1,02 озуқа бирлиги сарфланди;
- лактациянинг 10-20 кунларида гуруҳлар бўйича ўртача кунлик соғим 11,5-15,5 килограммдан 150-160 кунлари 16,2-19,9 килограммга кўтарилди; сигирларнинг технологик белгилари яхшиланди, сут бериш жадаллиги 1,50-1,90 кг/дақиқага ошди;
- сигирларнинг ёзги иссиқ ҳароратга чидамлилиги юқори бўлиб, уни сут соғими, ёғ миқдори ва оксил миқдорлари билан боғланувчанлиги ижобий корреляцияда намоён бўлди;
- бир сигирдан олинган фойда гуруҳлар бўйича 345,7-573,0 минг сўмга ва рентабеллик даражаси 36-41 фоизга кўтарилди.

Ешмуратова Сулухан Тулегеновна: «Турли технологик асраш шароитида туя сутини етиштириш ва қайта ишлаш» **(06.02.04)** – “Племэлита” ИИБ Ўзбекистон чорвачилик ИТИ (111212, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Қизил шалола” п/б. Тел. 431-07-21, 8 (370) 95-65-335) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Р.У.Турганбаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: Д.Холмирзаев, Э.С.Умарова

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси ИТИ

Ишнинг асосий мақсади: Туяларни жун маҳсулдорлиги ва ёш бўталокларнинг ўсишига зиёнсиз ҳолда уларнинг сут маҳсулдорлигини оширишга имконият берувчи бир ўрқачли она туяларни асрашнинг оптимал технологиясини ишлаб чиқиш.

Унда қуйидаги илмий натижаларга эришилди:

- илк бор Қорақалпоғистоннинг “Устюрт” платосида ҳар хил технологик шароитда асралган бир ўрқачли туяларни сут маҳсулдорлиги ўрганилди;
- сутнинг лактация даври бўйича кимёвий таркиби ва технологик хусусияти, шубатни сифати ҳар хил муддатларида аниқланди;
- туяларни соғишни уларни жун маҳсулдорлигига, ёш бўталокларнинг ўсишига таъсири ўрганилди;
- тадқиқот натижалари асосида соғиладиган туяларни боқишни оптимал технологиясини танланди ва иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Тарих фанлари

Буранова Нигора Аъзамкуловна: «Ўзбекистоннинг марказлашган халқ хўжалиги тизимига киритилиши ва унинг оқибатлари (саноат мисолида 1925-1940 йиллар)» **(07.00.01)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 246-36-56) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.Ҳ.Муртазаева

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Д.Б.Бобожонова, С.С.Агзамходжаев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ишда Ўзбекистон тарихида кам ўрганилган ва миллий истиқлол ғояси асосида таҳлил этилмаган 1925-1940 йилларда Ўзбекистоннинг «марказлашган халқ хўжалиги» тизимига киритилиши ва унинг оқибатлари масаласи саноат мисолида тадқиқ қилинган.

Тарихий манбалар, архив ҳужжатлари асосида 1925-1940 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий соҳада ривожланиш ва инқирозли ҳолатларнинг юзага келиш оқибатлари янги методологик асосларда атрофлича таҳлил қилинди. Ҳозиргача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган кўплаб янги маълумотлар муомалага киритилди.

Марказлашган халқ хўжалиги тизимида Ўзбекистон Республикасининг ўрни, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир фактик маълумотлар умумлаштирилди. Совет давлатининг бу соҳадаги сиёсати Ўзбекистон мисолида ўрганилиб илмий хулосалар берилди. Шунингдек, ушбу тадқиқот 1925-1940 йилларда Ўзбекистон тарихи, хусусан унинг иқтисодиётда эришган ютуқлари, камчиликлари ҳамда унинг оқибатларини чуқурроқ ўрганишга кўмаклашади.

Махмудов Бехзод Хамидович: «Қорахонийлар давлатчилиқ тизимининг хусусиятлари» **(07.00.01)** - Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 246-36-56) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.Р.Муҳаммаджонов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Ш.Ҳ.Воҳидов, Б.Ж.Эшов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Ишнинг мақсади Қорахонийлар давлатининг шаклланиш жараёни, унинг ижтимоий-иқтисодий асоси ва бошқарув тизимини таҳлил этиш ҳамда баҳолашдан иборат.

Диссертацияда Қорахонийлар давлатининг ташкил топган даври ва этник таркибий хусусиятига оид масалалар ойдинлаштирилиб, давлатнинг тарихий тараққиёт босқичлари белгиланди ва унинг қўллаб туркий қабилалар иттифоқи, уюшмасидан вужудга келганлиги масаласи таҳлил этилди. Шунингдек, Қорахонийлар давлат бошқарувида унвон сифатида қўлланган бир қанча атамаларнинг мазмун-моҳияти ва бошқарув тизимига доир бир қатор муаммолар Ўзбекистон тарихшунослигида илк бор тадқиқ этилиб, уларнинг ҳар бирини таҳлилий натижалари ва хулосалари берилди.

Мўминов Дурбек Нўмонович: «Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуроли ҳаракат (1920-1926 й.)» **(07.00.01)** - Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 246-36-56, факс: 244-73-12, 244-77-28) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Қ.К.Ражабов

Иш бажарилган ташкилот: Андижон давлат университети

Оппонентлар: М.Абдурахманов, Ш.Ҳайитов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишда XX аср 20-йилларида Бухородаги ҳарбий жараёнлар, қизил армияга қарши Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухородаги миллий озодлик кураши илк бор атрафлича тадқиқ этилган.

Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода совет ҳокимиятини ўрнатиш учун ташкил этилган турли ҳарбий экспедициялар, комиссиялар ҳамда фронтларнинг босқинчилик ва талончиликлари, қизил армияга қарши қуроли ҳаракатнинг бошланиши ва динамикаси ҳамда мағлубиятга учраш сабаблари таҳлил этилган.

Қуроли ҳаракатнинг ҳарбий раҳбарлари ва ғоявий раҳнамолари фаолияти, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари чуқур таҳлил этилиб, яхлит тадқиқот доирасида очиб берилган.

Мазкур ҳудудда қизил армияга қарши қуроли ҳаракатнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг Туркистон минтақасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга тасири илк мартаба ўрганилиб, янги маълумотлар илмий муомалага киритилган.

Розимова Ёрқиной Юлдашевна: «Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида 1991-2007 йй)» **(07.00.01)** - Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 246-36-56, факс: 244-73-12) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.Ҳ.Муртазаева

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Д.Б.Бобожонова, О.Б.Ата-Мирзаев

Етакчи ташкилот: ЎЗР ФА ҚҚБ Тарих, археология ва этнография институти

Ишда Ўзбекистонда мустақиллик йиллари урбанизация жараёнларининг тарихий жиҳатлари илк бор Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида атрафлича тадқиқ этилган.

Шаҳарларнинг ривожланишига қаратилган давлат сиёсати, катта ва кичик шаҳарларнинг инфратузилмасини яратилиши аниқ фактлар асосида кўрсатилган. Мустақиллик йилларида миграция ва бошқа демографик жараёнларнинг шаҳарлар ривожига таъсири тадқиқ этилган.

Ўрганилган ҳудуд шаҳарларида иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар, аҳолини иш билан таъминланиши, унинг ижтимоий ҳимоя қилиниши масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳужжатлар ва статистик маълумотлар асосида ёритилган.

Инфратузилманинг муҳим компоненти – янги ишчи ўринларини яратиш бўйича чора-тадбирлар, экологик муаммоларни олдини олиш борасидаги давлат сиёсати ва халқаро ташкилотлар фаолияти

илмий ишда ўз аксини топган. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятлари илк бор илмий муомалага киритилган маълумотлар асосида ўрганилган.

Тоғаева Анорой Зайниддиновна: «Тошкент-Оренбург темир йўли ва унинг Туркистон иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрни» (07.00.01) – ЎзР ФА Тарих институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-73, факс: 262-93-51) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Д.Ҳ.Зияева

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Тарих институти

Оппонентлар: Н.А.Абдурахимова, Н.У.Мусаев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ишда Ўзбекистон тарихида илмий жиҳатдан таҳлил этилмаган Тошкент-Оренбург темир йўли қурилиши тарихи, унинг 1917 йилгача бўлган фаолияти ҳамда Туркистон иқтисодий-ижтимоий ҳаётига кўрсатган таъсири тадқиқ этилган.

Тадқиқот архив ҳужжатлари ва бошқа характердаги манбалар асосида тайёрланган бўлиб, унда биринчи марта Тошкент–Оренбург темир йўли тарихи ва унинг Туркистон ҳаётида тутган ўрни аниқ даврий чегарада, махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилди. Жумладан, Россия империяси ҳукуматининг Тошкент–Оренбург темир йўли қурилишидан кўзланган стратегик мақсадлари ёритилиб, темир йўл лойиҳаларининг расмий доираларда ҳамда жамоатчилик орасидаги муҳокама жараёнлари тадқиқ этилди. Тошкент темир йўлининг қурилиш жараёни, бу борадаги муаммолар ўрганилди. Тошкент темир йўлининг Туркистон ўлкаси иқтисодий ҳаётига кўрсатган зиддиятли таъсири, темир йўл қурилишининг ижтимоий оқибатлари таҳлил этилди. Шунингдек, темир йўлнинг ўлкани метрополиянинг хомашё базаси ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилишидаги ўрни кўрсатиб берилди.

Қувватова Нодира Қодировна: «XX асрнинг 20-80 йилларида Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти (Қашқадарё вилояти мисолида)» (07.00.01) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 246-36-56, факс: 244-73-12) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: О.Жўрақулов

Иш бажарилган ташкилот: Қарши давлат университети

Оппонентлар: И.А.Алимов, М.Инатов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Ишда XX асрнинг 20-80 йилларида Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти (Қашқадарё вилояти мисолида) масаласи илк бор илмий ва тарихий жиҳатдан тадқиқ этилди.

Мавзуга янгича методологик ёндашув асосида XX асрнинг 20-80 йилларида Қашқадарё қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, совет ҳокимиятининг амалга оширилган жамоалаштириш сиёсати, қулоқларнинг синф сифатида тугатилиши, колхоз ва совхозларнинг ташкил этилиши, иккинчи жаҳон уруши йилларида вилоятда қишлоқ аҳлининг эришилган ғалабага қўшган ҳиссалари, урушдан кейинги йилларда қишлоқ ҳаётининг бирмунча яхшиланиши, совет ҳокимиятининг сўнгги йилларида эса қишлоқда маъмурий-буйруқбозлик (қўшиб ёзиш, «пахта иши», «ўзбеклар иши») ҳаракатининг авж олиши таҳлил этилди.

Қашқадарё вилояти иқтисодий тараққиётга доир кўрсаткичлар йўл қўйилган хато ва камчиликлар илк маротаба кўплаб манбалар, архив маълумотларига таянган ҳолда ўрганилиб илмий муомалага киритилган.

Курбанов Алишер Каршиевич: «Фаластин муаммоси ва унга араб дунёсининг муносабати» (07.00.03) – ЎзР ФА Шарқшунослик институти (100170, Тошкент, Мирзо Улуғбек кўч., 81. Тел.: 262-54-61) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.М.Баҳодиров

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Шарқшунослик институти

Оппонентлар: Т.С.Саттаров, К.К.Шаниязов

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Тадқиқотда XX асрнинг 40-йилларидан то бугунга қадар дунё ҳамжамиятининг жиддий хавотирига сабаб бўлиб келаётган Фаластин-Исроил можаросининг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи ғарбий Европа, яҳудий, араб, ўзбек, шунингдек МДХ мамлакатлари тарихчилари, сиёсатшунослари ва халқаро муносабатлар бўйича мутахассисларининг тадқиқотларини жалб қилган ҳолда араб ва инглиз тилларидаги материаллар асосида тадқиқ этилган. Шу билан бирга, Яқин Шарқ мамлакатлари, бир қатор минтақавий ва халқаро ташкилотлар, жумладан, Араб Давлатлари Уюшмаси, БМТ ва ЕИ муносабатлари таҳлиliga катта эътибор қаратилган.

Ишда Араб-Исроил урушларининг оқибатлари ўрганилиб, уларнинг Фаластин муаммоси кўламининг кенгайишига сабаб бўлганлиги очиб берилган. Яқин Шарқ можароси бўйича БМТ резолюциялари, турли йилларда ташкил этилган халқаро конференциялар материаллари ҳамда Фаластин-Исроил муаммосига доир қабул қилинган ҳужжатлар таҳлили, шунингдек, Фаластин Озодлик Ташкилоти саъй-ҳаракатлари тарихини тадқиқ этиш асосида дунёдаги бу каби глобал масалаларни ҳарбий куч ишлатиш йўли билан эмас, балки фақат тинч йўл ва музокаралар воситасида ҳал қилиш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

Диссертация натижалари асосида илмий муомалага Яқин Шарқ можароси борасида янги маълумотларни киритиш билан бир қаторда дунёдаги глобал муаммоларни ўрганишда назарий-амалий билимларни чуқурлаштиради. Тадқиқот материаллари ва илова қилинган тарихий ҳужжатлар халқаро муносабатлар соҳаси мутахассислари, тадқиқотчилар, тарихчилар, сиёсатшунослар ва ёш дипломатлар учун фойдали бўлиши, мазкур йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Мадьярова Салимахон Нуманджановна: «Туркистон Мухторияти тарихшунослиги (1917 – 2008 йй.)» **(07.00.09)** – ЎзР ФА Тарих институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-73) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Д.А.Алимова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Тарих институти

Оппонентлар: С.С.Агзамходжаев, О.М.Масалиева

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади – Туркистон Мухторияти тарихи билан боғлиқ совет ва мустақиллик даври манба ва адабиётларини комплекс ҳолда ўрганиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотда Туркистон Мухторияти тарихи масалаларини ўрганилишининг умумий ривожланиш йўллари, тадқиқотлардаги муаммога ёндашув ва асосий концепциялар эволюцияси кўрсатиб берилган.

Туркистон миллий матбуоти материалларини совет ва мустақиллик даври тадқиқотлари билан қиёсий таҳлил этиш орқали Туркистон Мухторияти тарихининг тадқиқ этилмаган ёки кам ўрганилган масалалари очиб берилган.

Иқтисод фанлари

Маҳсуталиев Абдусалом Хасанович: «Меҳнат бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш йўналишлари» **(08.00.01)** – Тошкент молия институти (100000, Тошкент, А.Темур кўч., 60-А. Тел.: 234-53-34, Факс.: 234-67-71) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Қ.Ҳ.Муфтайдинов

Иш бажарилган ташкилот: Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти

Оппонентлар: Ш.Ш.Шодмонов, З.А.Толаметова

Етакчи ташкилот: Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида меҳнат бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини оширишга ҳамда такомиллаштиришга қаратилган илмий хулосалар ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш даврида меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар аниқланди;

- республикаларда меҳнат бозори ва унинг инфратузилмасини ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари очиб берилди;
- миллий иқтисодиётда меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг босқичлари чуқур таҳлил этилди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, ишчи кучи миграциясини аҳолининг меҳнатда бандлигини оширишдаги роли аниқланди;
- меҳнат бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш ва уни янада ривожлантиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олимхонов Акмалхон Олимхон ўғли: «Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш» (08.00.02) – ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (100060, Тошкент, Боровский кўч., 5. Тел./ факс: 233-14-78) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.Л.Турсунходжаев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти

Оппонентлар: А.А.Исажонов, У.С.Нодирханов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ишнинг мақсади жаҳон хўжалиги глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- жаҳон хўжалик тизими глобаллашувининг назарий асослари ва иқтисодий шартларини умумлаштириш натижасида халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг хусусиятлари аниқланди;
- макро-, микро- ва интеграциявий даражаларда шаклланувчи ташқи иқтисодий алоқалар ҳам жаҳон, ҳам миллий даражадаги муносабатларни қамраб олувчи тизим сифатида таърифланди;
- глобаллашув жараёнларининг миллий иқтисодиётга ижобий ва салбий оқибатларига баҳо берилди, бу уларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида минтақавий бозорлар ривожланишига таъсири даражасини аниқлаш имконини берди;
- глобаллашув шароитида халқаро савдони мувофиқлаштириш воситаларини қўллаш имкониятларини белгилаш мақсадида, республика ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиши динамикаси таҳлили натижалари асосида маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланди;
- Хитой Халқ Республикасининг жаҳон хўжалик тизимига босқичма-босқич интеграциялашуви борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишининг ижобий ва салбий тенденциялари очиб берилди;
- ривожланишнинг қисман “ўзлаштириш” стратегиясини қўллашга асосланган, миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатнинг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи инновациявий тури бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Шохўжаева Зебо Сафоевна: «Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари» (08.00.04) – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16. Тел.: 237-54-01. Факс: 237-50-11) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.Х.Эргашев

Иш бажарилган ташкилот: Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Оппонентлар: Ў.П.Умурзоқов, О.Муртазаев

Етакчи ташкилот: ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Ишнинг мақсади: қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- қишлоқ хўжалигида сув ресурслари билан таъминланганлик ва фойдаланиш даражаси назарий жиҳатидан асосланган;
- сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнида бозор механизмларини жорий этиш учун такомиллашган тўлов тизими асослаб берилган;

- қишлоқ хўжалигида ўртача ва кучли шўрланган ерлардан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлифлар ишлаб чиқилган;

- турли хўжалик юритувчи субъектларида суғоришнинг замонавий усулларида фойдаланиш ва СФУларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган амалий тавсиялар тайёрланган;

- сув хўжалиги мажмуаси тизимларида сувдан самарали фойдаланишнинг электрон хариталарини ишлаб чиқиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Очилов Илҳом Сайитқулович: «Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари» **(08.00.05)** - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (103000, Самарқанд, Амир Темур кўч., 9. Тел.: (8366) 233-38-72, факс: (8366) 233-10-54) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.Қ.Пардаев

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Оппонентлар: З.Н.Қурбонов, Қ.Ж.Мирзаев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ишнинг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий йўналишларини тадқиқ қилиш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини ишга солиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- хизмат, рақобат муҳити ва бизнес муҳити тушунчаларининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди ва миллий ҳисоблар тизими талабларидан келиб чиққан ҳолда унинг таснифига аниқлик киритилди;

- жаҳон инқирози шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилди;

- хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, келажакда унинг асосий соҳалардан бирига айланиши ва мазкур соҳанинг муаммолари илмий-тадқиқот ишларининг доимий равишда ўрганилиши лозим бўлган объекти бўлиб қолишлиги назарий жиҳатдан асосланди;

- хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги назарий жиҳатдан асосланди ва самарадорликнинг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди;

- хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда стандартлаштириш ва сертификатлаштиришни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва соҳа тадбиркорларини шу масалаларни ўрганиш бўйича махсус курсларда ўқитиш лозимлиги асосланди;

- хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини фойдаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш орқали ички имкониятлардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилди.

Байхонов Баҳодир Турсунбаевич: «Тўқимачилик саноати корхоналарида инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш жараёнларини моделлаштириш» **(08.00.06)** - Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.Х.Алимов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: Э.Жаббаров, Б.Маҳмудов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Математика ва инфор­мацион технологиялар институти

Ишнинг мақсади: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида фойдаланилаётган инвестиция самарадорлигини баҳолаш жараёнларини эконо­метрик моделлаштириш асосида тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича амалий хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг янгилиги:

- турли мулкчиликка асосланган тўқимачилик корхоналарида хатарлилик ва таваккалчилик даражаларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилаётган инвестицияларга таъсир этувчи омиллар тасниф этилди;

- тўқимачилик саноати корхоналарида инвестициялаш жараёнини эконометрик моделлаштиришнинг ўзига ҳос босқичлари ишлаб чиқилди;

- Лагранж интерполяция функцияси негизида фойдаланилаётган инвестиция самарадорлиги ҳамда унда юзага келадиган хатарлилик даражаларини аниқлаш моделлари ишлаб чиқилди;

- инвестицияни қайси соҳага қандай миқдорда қўйилиши бўйича тавсиялар ҳамда хатарлилик ва ноаниқлик омилларини ҳисобга олиш усуллари ишлаб чиқилди;

- ишлаб чиқаришга таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олувчи инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга имкон берувчи математик модел ишлаб чиқилди.

Рашитова Нилуфар Хатамбаевна: «Аграр секторда тузилмавий силжишларни статистик ўрганиш усуллари» **(08.00.06)** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ё.А.Абдуллаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент молия институти

Оппонентлар: Х.Ғ.Набиев, Б.М.Махмудов

Етакчи ташкилот: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Ишнинг мақсади: тузилмавий силжишларни статистик ўрганиш усуллари такомиллаштириш асосида аграр секторда тузилмавий силжишларни таҳлил қилиш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: қишлоқ хўжалиги тармоғи таркибий тузилмасининг ўзига ҳос хусусиятлари, ундаги силжишларнинг омиллари ва зиддиятлари очиқ берилган; тузилмавий силжишларни статистик баҳолаш усуллари тадқиқ этилган ҳамда такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган; Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг тармоқ, ҳудудий тузилмасида рўй берган силжишлар статистик усуллар ёрдамида баҳоланган; қишлоқ хўжалиги тузилмасидаги силжишларнинг натижавий кўрсаткичларига таъсир йўналиши аниқланган ва прогнозлаштирилган; самарали тузилмавий силжишларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларининг оптимал таркибий тузилмаси таклиф этилган.

Маматов Баҳадыр Сафаралиевич: «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиёти ва уни такомиллаштириш» **(08.00.07)** – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16. Тел.: 237-54-01. Факс: 237-50-11) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.В.Ваҳобов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент молия институти

Оппонентлар: Т.И.Бобакулов, Д.А.Таджибаева

Етакчи ташкилот: ЎзР Марказий банки

Ишнинг мақсади: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишида қуйидаги назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- банклар ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатишни ривожлантириш тенденциялари аниқланди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиётидаги муаммолар аниқланди ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялашни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди;

- ўрта муддатли истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муталова Дилором Махамаджоновна: «Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштириш» **(08.00.07)** – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: О.Қ.Абдурахмонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: А.С.Жўраев, А.Ж.Адизов
Етакчи ташкилот: ЎзР Солиқ академияси

Ишнинг мақсади: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишда қуйидаги назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибининг моҳияти, афзалликлари ва камчиликлари очиб берилди;
- ягона солиқ тўлови тўлашни фақат кичик бизнес субъектларига рухсат этиш мақсадга мувофиқлиги илмий асослаб берилди;
- акцизоти махсулоти ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларини барча кичик бизнес субъектлари каби ягона солиқ тўловига ўтказишга рухсат бериш бўйича илмий асосланган таклиф киритилди;
- ягона солиқ тўлови ва ягона ер солиғининг солиққа тортиш объектини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ишлаб чиқилди;
- умумий овқатланиш корхоналари тўй ва маросимлар учун ижарага берилганда ягона солиқ тўлови ставкаларини меҳнат сарфи ўзгаришига қараб ўзгартириб бориш бўйича илмий таклиф киритилди.

Мухамеджанов Камолиддин Анварович: «Тижорат банклари кредит портфели ва кредит рискларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари» **(08.00.07)** – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16. Тел.: 237-54-01. Факс: 237-50-11) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Т.М.Каралиев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент молия институти

Оппонентлар: Т.И.Бобакулов, И.Р.Тоймухамедов

Етакчи ташкилот: ЎзР Марказий банки

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит рискини камайтириш ва кредит портфелини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди ва амалий натижаларга эришилди:

- банкларнинг кредит портфели ва кредит рискини бошқаришнинг хусусиятлари аниқланди, уларнинг амалий аҳамияти асосланди;
- суғурта компанияларининг суғурта полисларидан банк кредитларининг таъминот объекти сифатида фаол фойдаланиш йўли билан кредит рискини камайтириш йўллари таклиф қилинди;
- кредит рискларини бошқариш тизимининг элементлари тизимлаштирилди ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик аниқланди;
- судаларни риск даражасидан келиб чиққан ҳолда мониторинг қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- тижорат банкининг кредит портфелини шакллантиришдаги фаолиятининг муаллифлик стратегияси ишлаб чиқилди.

Урмонов Жаҳонгир Жалолдинович: «Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истиқболлари» **(08.00.07)** – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16, Тел.: 237-54-01, факс: 237-50-11) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.Ҳ.Ҳайдаров

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси

Оппонентлар: О.О.Олимжонов, Ш.Ш.Тўраев

Етакчи ташкилот: ЎзР Молия вазирлиги

Ишнинг мақсади: Кичик бизнес субъектларини солиқлар орқали рағбатлантириш ва солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- микрофирма ва кичик корхоналарни солиққа тортишнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, соддалаштирилган солиқ тизимига ўтиш учун ишчилар сони билан биргаликда, товар айланмаси бўйича қўшимча мезонини жорий этиш тавсия қилинган;

- солиқ тушумларининг солиққа тортиш базасига боғлиқлиги корреляцион таҳлил қилинган ва ягона солиқ тўлови ставкасини пасайтиришнинг иқтисодий самараси математик моделлар орқали исботлаб берилган;

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида солиқ юкини камайтириш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкасини 10% дан 8% га тушириш ва регрессив табақалаштирилган ставкаларини татбиқ этиш таклиф этилган;

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида умумий савдо тушумида пластик карточка орқали қилинган қисмига нисбатан регрессив солиқ ставкаларни жорий қилиш асосланган;

- солиқ тушумларида микрофирма ва кичик корхоналар тўлайдиган ягона солиқ тўлови тушумларининг ривожланиш тенденциялари эконометрик таҳлил асосида таҳлил қилиниб, уларнинг ўрта муддатга мўлжалланган муқобил илмий прогнозлар ишлаб чиқилган;

- янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш имтиёзидан фойдаланиш муддатини 12 ой ўрнига 24 ойга узайтириш тавсия этилган;

- янги таҳрирдаги Солиқ кодекси меъёрларини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шарифходжаева Комила Улфатовна: «Рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсирини баҳолаш ва камайтириш» (08.00.07) – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.В.Ваҳобов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент молия институти

Оппонентлар: Т.И.Бобакулов, Р.Х.Карлибаева

Етакчи ташкилот: Давлат ва жамият қурилиши академияси

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес корхоналари фойдасига риск таъсирини камайтириш ва баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ишда қуйидаги назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- кичик бизнес корхоналари фойдасига риск таъсирини баҳолашнинг миқдорий усулидан фойдаланишнинг афзаллиги ва мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

- рискларни баҳолашда ва уларнинг омилли таҳлилини амалга оширишда инфляция даражаси, солиқлар ва мажбурий тўловлар миқдорини ҳисобга олишнинг зарурлиги асосланди;

- кичик бизнес субъектлари фойдасига рискларнинг таъсирини камайтириш мақсадида айланиш коэффицентлари даражасининг пасайишига йўл қўймаслик, давлат кредит кафолатларини бериш, товар фьючерсларидан фойдаланиш амалиёти таклиф қилинди;

- кичик бизнес субъектлари тадбиркорлик riskини суғурталашнинг давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш таклифи асосланди;

- кичик бизнес корхоналари фойдасига ликвидлик riskининг таъсирини камайтириш мақсадида жорий ликвидлилик коэффицентининг норматив даражасини директив тарзда белгилаш таклиф қилинди;

- республикамиз кичик бизнес корхоналари фаолиятида бечмаркинг ва аутсорсинг усулларини қўллаш орқали фойдага иқтисодий рискларнинг таъсирини пасайтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қурбонов Хайрилла Абдурасулович: «Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш» (08.00.07) – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16. Тел.: 237-54-01. Факс: 237-50-11) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: О.Ю.Рашидов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: Т.С.Маликов, Б.Т.Турабов

Етакчи ташкилот: ЎзР Молия вазирлиги

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишида қуйидаги назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш мақсадида бюджет тизимини тартибга солиш сиёсатидаги мувофиқликни таъминлашнинг янги вазифалари ва имкониятлари тизими шакллантирилди;

- маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларининг ҳолатини таҳлил қилиш асосида уларнинг даромад базасини мустаҳкамлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- давлат бюджетининг даромад қисмини бажарилишини таъминлаш мақсадида солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланишини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

- давлат бюджетининг харажатларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

- ҳозирги фискал номарказлаштириш сиёсати шароитида маҳаллий бюджетлар харажатлари ва даромадларини оптималлаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- даромадларни қайта тақсимлаш тизими ва бюджет тизимини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муқумов Зафар Авазмуротович: «Инновацион фаолият харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари» **(08.00.08)** – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.Ю.Жўраев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: Р.Д.Дусмуратов, А.А.Каримов

Етакчи ташкилот: ЎзР Молия вазирлиги

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолият харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- инновацион фаолият тушунчасининг моҳияти очиқ берилган;

- инновацион фаолият харажатлари таркибини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф берилган;

- инновацион фаолият харажатларининг янги мезонлар бўйича туркумлаш ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби, аудитни ташкил қилишга таъсири асослаб берилган;

- инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилган;

- инновацион фаолият харажатларини ҳисобга олиш услуги ишлаб чиқилган;

- инновацион фаолият харажатлари ҳисобини аудит қилишда босқичлар бўйича маълумотларни йиғиш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

- инновацион фаолият харажатлари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказиш услуги ишлаб чиқилган.

Аъзам Сардор Эркин ўғли: «Хитой экспорт сиёсати стратегиясининг замонавий тамойиллари ва ўзига хос жиҳатлари» **(08.00.09)** – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (100077, Тошкент, Мустақиллик шоҳ кўч., 54. Тел.: 267-05-89) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.Т.Тўхлиев

Иш бажарилган ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Оппонентлар: А.А.Исаджанов, О.М.Аҳмедов

Етакчи ташкилот: Давлат ва жамият қурилиши академияси

Ишнинг мақсади Хитой экспорт сиёсати стратегиясида кузатилаётган замонавий тамойиллар ва ўзига хос жиҳатларни тадқиқ қилиш ҳамда ижобий тажрибани Ўзбекистон шароитида қўллаш

имкониятларини ишлаб чиқиш, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларининг барқарор ва ўзаро манфаатли ривожланишини таъминлашга доир чора-тадбирларни аниқлашдан иборат.

Ишнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- Хитой экспорти жадаллашувининг асосий омиллари гуруҳлаштирилиб, экспорт маҳсулот таркиби ҳамда жуғрофий йўналишлари ретроспектив жиҳатдан таҳлил қилинган ва асосий тамойиллар кўрсатилган;

- Ўзбекистон-Хитой савдо алоқаларида кузатилаётган асосий тенденциялар, ундаги беқарор ҳолатлар ва иқтисодий манфаатларга зид келувчи жиҳатлар аниқланган;

- Ўзбекистон экспорт сиёсати стратегиясини такомиллаштиришга доир янги йўналишлар аниқланган;

- Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий шароитда экспорт салоҳиятини ошириш, бу борадаги сиёсат стратегиясини такомиллаштириш, интеграцион жараёнларни жадаллаштириш орқали толлинг савдосини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон ва Хитой экспорт сиёсатлари қиёсий таҳлил қилинган.

Дергачева Татьяна Анатольевна: «Жаҳон хўжалиги глобаллашувининг давлат иқтисодий тизимлари ижтимоий трансформациясига таъсири» **(08.00.09)** – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (100077, Тошкент, Мустақиллик кўч., 54. Тел.: 267-07-07, факс: 267-09-00) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.А.Ходжаев

Иш бажарилган ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Оппонентлар: О.К.Иминов, Д.М.Каримова

Етакчи ташкилот: Ижтимоий тадқиқотлар институти

Ишнинг мақсади жаҳон хўжалиги глобаллашувининг давлат иқтисодий тизимларининг макроиқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга кўрсатаётган таъсирининг тенденциялари, шакллари ва геоиқтисодий хусусиятларини аниқлаш ҳамда глобал фавқулдда ҳодисалар ва инқирозли вазиятларга бардош бера оладиган низосиз ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг оқилона йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги:

- глобаллашув жараёнининг мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий трансформациясига таъсирининг асосий йўналишлари таснифланган;

- “глобализациянинг ижтимоийлашуви” – макроиқтисодий муҳит трансформациясида мақсадли ижтимоий вазифалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг башарият ривожланиши билан боғлиқ индикатив кўрсаткичларнинг илмий-услубий таснифига аниқлик киритилди ва кенгайтирилди;

- иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш мақсадида халқаро мезонларни қўллаш орқали ўзгараётган иқтисодиётлар индикатив қиёсланди ва сараланди;

- ўтиш даври иқтисодиёти давлатларида татбиқ қилиш мақсадида, Европа мамлакатлари иқтисодиётининг ижтимоийлашган ва инновацион моделлари ажратиб олинди ва таҳлил қилинди.

- иқтисодий тизимлар трансформациялари ва унинг ижтимоий қисмининг барқарорлиги ва зиддиятсизлигининг объектив мезонлари белгиланди.

- эконометрик моделлар асосида макроиқтисодий трансформация жараёнларининг республика ЯИМ ҳажмига ўртача минтақавий таъсири аниқланди.

Бакиева Ирода Акбаровна: «Ўзбекистонда бизнес соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг иқтисодий жиҳатлари» **(08.00.10)** - ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўч., 5) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Қ.Х.Абдурахмонов

Иш бажарилган ташкилот: Россия Иқтисодиёт академияси Тошкент филиали

Оппонентлар: А.А.Сотволдиев, В.У.Ёдгоров

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади: Бизнес соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этиш ва Ўзбекистон узлуксиз таълим тизими доирасида уни такомиллаштиришга доир тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- меҳнат бозорида иштирок этувчи кадрлар кўникмаларини шакллантириш учун тижорат корхонаси фаолиятини ташкил этиш ва юритиш соҳасидаги билимларни шакллантирувчи фанлар йиғиндиси сифатида тушуниладиган «бизнес соҳасида таълим» тушунчасининг мазмуни очиб берилди; «бизнес-таълим», «иқтисодий таълим» ва «бошқарув таълими» каби умумий тушунчаларнинг бир-биридан фарқи кўрсатилди, тадбиркорлик соҳасида таълим хизматларининг асосий хусусиятлари акс эттирилди;

- бизнес соҳаси учун таълим хизматлари ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари нуқтаи-назаридан миллий таълим тизими тенденциялари ва унинг таркибий қисмларининг асосий муаммолари тадқиқ қилинди;

- таълим дастурлари сифатининг юқори даражасини таъминлаш ва таълим хизматлари бозорида рақобатни кенгайтириш асосида бизнес соҳаси учун таълим хизматларини давлат томонидан молиялаштиришнинг устувор йўналишлари ва тамойиллари аниқланди;

- миллий таълим тизими доирасида бизнес соҳаси учун тадбиркор кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари тақлиф этилди.

Ирматова Азиза Бахрамовна: «Ишсиз аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш (Тошкент вилояти мисолида)» **(08.00.10)**
- ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўч., 5. Тел./факс: 233-14-78) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Р.Холмўминов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: З.Я.Худайбердиев, Х.Х.Мамадалиева

Етакчи ташкилот: Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази

Ишнинг мақсади: Ишсиз аёлларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- ишсиз аёлларини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий механизмининг назарий жиҳатлари тадқиқ этилган;

- ишсиз аёлларни ижтимоий ҳимоясини ишсизликдан ижтимоий суғурталаш асосида амалга ошириш иқтисодий тарафдан мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

- Тошкент вилояти ҳудудлараро аёл меҳнат бозорини гуруҳлаш орқали таҳлил амалга оширилган;

- социологик тадқиқотлар асосида ишсиз аёлларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳолати баҳоланган;

- аёлларни хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларга ишсизлик нафақа тўлаш тизимини такомиллаштириш борасида тақлифлар берилган;

- ишсиз аёлларини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий механизмини такомиллаштириш борасида амалий тавсиялар берилган.

Жураев Абдор Туробович: «Европа Иттифоқининг иқтисодий-инвестицион имкониятлари ҳамда Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» **(08.00.11)** – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (100077, Тошкент, Мустақиллик кўч., 54. Тел.: 267-67-69) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.Ш.Бекмуродов

Иш бажарилган ташкилот: Бухоро давлат университети

Оппонентлар: Н.Сирожиддинов, З.А.Исраилов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат шарқшунослик институти

Ишнинг мақсади Европа Иттифоқи ташқи иқтисодий-инвестицион муносабатларидаги тенденцияларни, хусусан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давридаги ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан илмий асосланган тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишида қуйидаги назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- Европа Иттифоқи иқтисодий интеграцияси тузилмавий элементлари тавсифланди ҳамда уларнинг ҳудуд иқтисодий-инвестицион имкониятларига кўрсатган таъсири ўрганилди;

- Европа Иттифоқи иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга қаратилган стратегиянинг аҳоли турмуш даражасига таъсири таҳлил қилинди ва шу асосда “иқтисодий рақобатбардошлик – аҳоли фаровонлиги” алоқасига янгича ёндашув асосланди;
- Европа Иттифоқи ташқи савдо сиёсатининг асосий йўналишлари ўрганилди ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳудуддаги инвестицион фаолиятга тегишли вазият прогнозлаштирилди;
- Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлардаги тенденциялар тавсифланди;
- Республикамизда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг устивор йўналишларига мувофиқ равишда, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хамдамов Мирзоумид Мирзаюлдашевич: «Замонавий валюта бозори шаклланиши ва фаолият кўрсатиши муаммолари (Буюк Британия мисолида)» **(08.00.11)** – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (100077, Тошкент, Мустақиллик шоҳ кўч., 54. Тел.: 267-67-69) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.С.Ғуломов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: Г.Г.Назарова, Ж.Ш.Кудайбергенов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади: Европа иқтисодий интеграцияси ва молиявий инқироз оқибатларини бартараф этиш шароитларида Буюк Британия валюта бозори ривожланиши, босқичлари ва институционал хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси валюта тизимини самарали тартибга солиш, айирбошлаш курсларини эркинлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида комплекс тадқиқ қилиш.

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- миллий иқтисодий фани материаллари ва унинг мезонларининг таркибий таснифи асосида валюта бозори таълимотининг комплекс ва дастурий жиҳатдан мақсадли тадқиқ қилинди;
- ғарбда таниқли Г. Каселлнинг “харид қобилияти паритети” назарияси ва Р. Манделлнинг “ягона оптимал валюта ҳудуди” назарияси каби илмий таълимотининг танқидий комплекс таҳлили амалга оширилди;
- жаҳон молиявий инқирози шароитида валюта-молиявий муносабатлар қайта шаклланишининг сабаблари ва аҳамиятга эга босқичлари ҳамда замонавий валюта тизимининг аҳамиятли жиҳатлари аниқланди;
- Европа валюта тизими ва Буюк Британиянинг умумий ва аниқ валюта-молиявий аҳволи комплекси ўрганиб чиқилди;
- Буюк Британиянинг ягона валюта – еврога ўтиши оқибатлари иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилинди; валюта-молиявий бирлашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари таклиф этилди.

Дедажанов Бахтиёр Набижанович: «Чакана савдони ривожланишида бошқарув стратегиясидан фойдаланиш (Наманган вилояти чакана савдо корхоналари мисолида)» **(08.00.13)** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: И.Иватов

Иш бажарилган ташкилот: Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти

Оппонентлар: Ш.Дж.Эргашходжаева, О.М.Ахмедов

Етакчи ташкилот: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ишнинг мақсади: Чакана савдони ривожланишида бошқарув стратегиясидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш бўйича назарий ва илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- чакана савдо ривожланишининг бошқаришда менежмент назарияси ва амалиётдан фойдаланиш, унинг ўзига хос хусусиятлари ва тамойиллари очиқ берилган;

- ҳудудий чакана савдо фаолиятини бошқариш тизимининг ҳозирги замон концептуал жиҳатлари асосланган;
- чакана савдо ривожланишини бошқариш жараёнлари билан боғлиқ мезонлар ва ўлчамлар аниқланган;
- чакана савдони ривожланишида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш механизми кўрсатиб берилган;
- иқтисодийни модернизация қилиш шароитида чакана савдони бошқарув стратегияси ишлаб чиқилган;
- чакана савдо ривожланишини башоратлаш усулларида фойдаланиб, уни бошқариш жараёнлари бўйича истиқболли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Остонакулова Гулсарахон Муҳаммадқуб қизи: «Ипакчилик тармоғини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси мисолида)» **(08.00.13)** - Тошкент давлат иқтисодий университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-44-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ж.Жалолов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодий университети

Оппонентлар: И.И.Иватов, Р.А.Исаев

Етакчи ташкилот: «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси

Ўзбекистонда ипакчилик тармоғини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш усуллари тақомиллаштириш асосида корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган илмий ва амалий тавсияларни тақлиф этиш тадқиқотнинг мақсадидир.

Ишнинг илмий янгилиги:

- ипакчилик тармоғининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва маркетингининг замонавий тамойиллари асослаб берилган;
- ипакчилик тармоғи корхоналарининг маҳсулотларига муқобил нархларни белгилаш ва маҳсулотларнинг турларини кўпайтириш маркетинг стратегияси;
- ипакчилик тармоғи корхоналари учун муқобил маркетинг тузилмаси ва унинг стратегияси, маҳсулотларини диверсификация қилиш йўллари ишлаб чиқилган;
- ипакчилик тармоғи маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш услублари негизида тармоқни ривожлантиришда касаначилик тизимидан фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.

Парпиев Дилшод Ботирович: «Ўзбекистон Республикасида нефт-газ қазиб чиқаришнинг халқаро маркетинг стратегиясини шакллантириш» **(08.00.13)** – Тошкент давлат иқтисодий университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Ю.Ходиев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодий университети

Оппонентлар: А.Ш.Бекмуродов, Н.Б.Холматов

Етакчи ташкилот: “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси Нефт ва газ илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти

Ишнинг мақсади: миллий нефт ва газ тармоғининг халқаро маркетинг стратегиясини шакллантириш ва уни амалга ошириш бўйича илмий-услубий тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- Ўзбекистон нефтгаз тармоғининг глобал энергетика тизимидаги ўрни баҳоланган;
- вертикал-интеграциялашган миллий нефтгаз компаниялари рақобатбардошлигини мустаҳкамлашнинг зарурий омиллари аниқланган;
- хорижий нефт-газ компаниялари стратегик устунликларини шакллантириш тенденциялари очиқ берилган;
- нефтгаз компанияларининг маркетинг стратегиясини шакллантиришда ҳисобга олиши лозим бўлган омиллар асосланган;
- нефтгаз компанияларининг кучли ва заиф томонларини солиштириш орқали уларнинг стратегик устуворлик матрицаси ишлаб чиқилган;
- “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси фаолиятини таҳлил қилиш ва истиқболларини прогнозлаш амалга оширилган.

Расулов Нодирбек Мадрахимович: «Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида)» **(08.00.13)** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Н.Зайнутдинов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: М.Б.Хамидулин, Д.Х.Суюнов

Етакчи ташкилот: ЎзР Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси

Ишнинг мақсади: корпоратив бошқарув тизимидаги долзарб муаммоларни тадқиқ этиш, корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- корпоратив бошқарув тушунчасига берилган турли таърифларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида унинг иқтисодий моҳияти очиқ берилган ва муаллиф томонидан бу қараш ва ёндашувларга шахсий муносабат билдирилган;

- иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнида корпоратив бошқарувнинг ривожланиш жиҳатлари ва тенденциялари ўрганилиб, корпоратив бошқарувни ўзига хос жиҳатлари асослаб берилган;

- «Нотўқимачи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарувга асосланган бошқарув механизми ҳолати таҳлил этилиб, корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аниқланган;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида саноат корхоналари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган;

- корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришдаги асосий муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этиш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Юнусходжаев Азаматходжа Ахматходжаевич: «Ўзбекистон Республикаси фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг маркетинг тадқиқотлари ва уларни ривожлантириш самарадорлиги» **(08.00.13)** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: И.А.Джалалова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: А.С.Солиев, О.М.Ахмедов

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти

Ишнинг мақсади фармацевтик маркетингнинг шаклланиш ва ривожланиш шартларини баҳолаш, фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарининг аҳолини самарали ва хавфсиз дори воситаларига эҳтиёжини тўлароқ таъминлашга оид фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- фармацевтика бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг назарий ва илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган;

- фармацевтика бозорининг асосий сегментларига (ишлаб чиқариш, улгуржи савдо, чакана сектор) аниқлаштирилган; ҳозирда ишлаб чиқариш фармацевтика бозорининг асосий бўғини эканлиги аниқланган;

- ўзида ижтимоий ва тижорат жиҳатларини мужассамлаштирувчи ўзига хос товар категорияси сифатида дори воситасининг хусуситлари очиқ берилган;

- Ўзбекистон фармацевтика бозорининг ташқи макро ва ташқи микро муҳити таҳлили тизими ишлаб чиқилган;

- фармацевтика компанияси бизнес жараёнлари ва маркетинг фаолиятини ташкил этишда замонавий информатсион технологияларидан фойдаланиш натижасида маркетинг ахборот тизимида юз бераётган асосий ўзгаришлар тизимлаштирилган;

- улгуржи фармацевтика компаниясида маркетинг ва сотиш бўлимидаги муносабатларда мавжуд асосий муаммолар аниқланган;
- улгуржи ҳудудий фармацевтика бозорининг қиёсий жозибдорлигини мажмуавий баҳолашнинг услубияти ишлаб чиқилган.

Жиемуратов Темирбай Полатбаевич: «Қорхона бошқарув жараёнлари ахборот таъминотини ташкил этишни такомиллаштириш («Қорақалпоқ МТП» АЖ мисолида)» **(08.00.14)** - Тошкент давлат иқтисодийёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.А.Бегалов

Иш бажарилган ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Оппонентлар: Э.Ж.Жаббаров, Ё.С.Илхомова

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Математика ва инфорацион технологиялар институти

Ишнинг мақсади: Фермер хўжаликларида техник ва технологик хизматлар кўрсатувчи машина-трактор парки бошқарувининг ахборот таъминотини ташкил этиш жараёнларини такомиллаштиришдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- мавсумий талаблардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларида техник ва технологик хизматлар кўрсатувчи машина-трактор паркларининг бошқарув поғоналари кесимида ахборотларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш усуллари таклиф этилган;
- ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда фермер хўжаликларида МТП томонидан турли хилдаги техник ва технологик хизматларни кўрсатиш механизмлари асосланган;
- фермер хўжаликларида ўз вақтида хизматлар кўрсатиш учун тезкор бошқарув қарорларини қабул қилинишида автоматлаштирилган ахборот тизимларидан кенг фойдаланган ҳолда МТП ахборот таъминотини ташкил этишнинг концептуал схемаси ишлаб чиқилган;
- фермер хўжаликларида МТП томонидан географик зоналар кесимида оптимал техник ва технологик хизматлар кўрсатишнинг усуллари таклиф қилинган;
- машина-трактор паркларида ахборот ресурсларини қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва улар асосида бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминловчи автоматлаштирилган иш ўринларини ташкил этишнинг технологиялари таклиф қилинган.

Жуковская Ирина Евгеньевна: «Туризмда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш жараёнларининг тадқиқи» **(08.00.14)** – Тошкент давлат иқтисодийёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.А.Бегалов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Оппонентлар: А.С.Абдуғаффоров, А.А.Қобулов

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти

Ишнинг мақсади: бозор иқтисодиёти шароитида туризм соҳаси учун ахборот-коммуникация технологияларини самарали лойиҳалаштириш, жорий қилиш ва фаолият кўрсатишини такомиллаштиришнинг ёндашувлари, меҳа-низмлари ва усуллари бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида туризм соҳасининг иқтисодий ўсишини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияла-рининг (АКТ) роли асослаб берилган;
- туризм индустриясида АКТни самарали қўллашнинг назарий тадқиқи қилиниб, улар ривожланиб боришининг асосий тенденциялари, қонуни-ятлари ва йўллари, АКТнинг туризм саноати корхоналарининг самарали фаолиятига таъсири кўрсатиб берилган;
- туризм сервис корхоналарида АКТни самарали жорий этиш тамойиллари, ёндашувлари ва йўллари таклиф этилган;
- туризм саноати корхоналари учун автоматлаштирилган бошқарув ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш усуллари яратилган;
- туризмдаги операцияларни тадқиқ этишга нисбатан тизимли ёндашув қўлланилиб, АКТдан кенг ва самарали фойдаланиши қулай бўлган сегмент-лар ажратилган;

- меҳмонхоналар тармоғида АКТни жорий этиш йўли билан меҳмон-хона хизматларининг сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш механизмлари таклиф этилган;
- истеъмолчилар учун мослашувчанлиги ва жозибадорлиги билан ажралиб турувчи янги туризм маҳсулотларини шакллантиришга нисбатан виртуал кўргазма негизида стратегик ёндашувлар ишлаб чиқилган;
- туризм саноати корхоналари учун компьютер ахборот тармоқларидан самарали фойдаланишга доир илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва миллий иқтисодиётни мо-дернизация қилиш шароитида соҳанинг истиқболли ривожланиб бориш йўналишларини эътиборга олган ҳолда туризмда АКТни самарали қўллаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Фалсафа фанлари

Аллаярова Солиҳа Нарзуллоевна: «Фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатлари» **(09.00.01)** - Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 227-12-24) ва ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.А.Шермухамедова

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: А.Қ.Қодиров, Р.Имомалиева

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ишнинг мақсади фалсафий герменевтиканинг матнни тушунишдаги ўрни ва аҳамиятини очиш орқали, герменевтик тафаккурни шакллантиришнинг назарий асосларини аниқлашдан иборат.

Диссертацияда герменевтиканинг тарихий, илмий асослари ўрганилиб, унинг замонавий фалсафий йўналиш сифатидаги аҳамияти ёритилди ва умумий таснифи берилди. Тушунишнинг кўпқиррали ҳодиса сифатида онтологик, гносеологик, праксиологик, аксиологик, феноменологик, экзистенциал-психологик жиҳатлари таҳлил қилинди. Тушунишнинг дедуктив-номологик, интенционал, сабабий-детерминистик, лингвистик, психологик ва бошқа таърифлари ишлаб чиқилди. “Герменевтик доира” тамойилининг хусусиятлари очиб берилди. Бадий ижод асари, тарихий манбаларнинг мазмуни муаллиф тушунишининг натижаси эканлиги назарий асосланди. Тасвирий ифода, рамзларнинг инсон дунёқараши ва тафаккурига таъсири ўрганилди. Миллий ғоя тарғиботини кучайтириш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда герменевтик методологиянинг самарадорлигини ошириш зарурияти асосланди.

Тадқиқот натижаларидан Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар “Тасвирий Ойна” ижодий уюшмаси, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти ҳамда бошқа фан ва таълим, маънавият-маърифат тизимидаги субъектлар фойдаланиши мумкин.

Филология фанлари

Абдулхайров Бурҳон Ҳусанович: «Миён Бузрук Солиҳов – ўзбек жадид драматургияси ва театри тадқиқотчиси» **(10.01.01)** – ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.Каримов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти

Оппонентлар: Ҳ.Болтабоев, Ш.Ризаев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Ишда Миён Бузрук Солиҳовнинг “Ўзбек театри тарихи учун материаллар” китоби адабиётшунослик ҳамда театршуносликка оид манба сифатида монографик тадқиқ этилган, М.Б.Солиҳовнинг таржимаи ҳоли нисбатан мукаммал ёритилган.

Мазкур манбанинг жадид драматургияси ва театри тарихига тааллуқли асар сифатида ўрганилиши натижасида ўзбек драматургияси ва театрининг бошланғич даврига оид кўплаб янгиликлар аниқланган. Ўзбек жадид драматургияси ва театрининг майдонга келиши билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратилган.

Ўзбек жадид драмаларининг ёзилиши, нашр этилиши ва сахнага қўйилиши билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Драматургия ва театرنинг 1917 йил ўзгаришлари давридаги ҳолати ва бу

пайтда кузатилган муаммолар атрофлича таҳлил қилинган. Ишда, шунингдек, “Ўзбек театри тарихи учун материаллар” китобига 30-йиллар танқидчилиги муносабати масаласи ҳам кўриб чиқилган.

Бердимуратова Махсуда Раҳматовна: «Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий адабий мероси» (10.01.03) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 246-34-55) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.Комилов

Иш бажарилган ташкилот: Термиз давлат университети

Оппонентлар: Н.Жумахўжа, Н.Шодмонов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертацияда XIX асрда Хоразмда яшаб ижод этган Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий ҳаёти ва адабий мероси илк бор монографик планда яхлит ўрганилган. Шоирнинг қўлёзма ва тошбосма девони нусхалари орасидан нисбатан мукаммал нусхаси аниқланиб, жорий имлога таъдил қилинган. Шоир адабий меросининг жанрлар таркиби ўрганилиб, ҳажми белгиланган. Оғаҳий ва Комил Хоразмийга замондош ва ҳаммаслак шоирнинг Хоразм адабий муҳитида тутган ўрни баҳоланган.

Рожий Хоразмийнинг илмий таржимаи ҳоли илк бор тикланиб, Навоий ва Ғузулийга издошлиги асосида анъанавийлик ва адабий таъсир масаласи тадқиқ қилинган. Шоир ижодининг ўзига хослиги, новаторлиги очиқ берилган. Ғазал, мухаммас, мусаддас, мустазод, қасида ва ҳикматлари ҳамда “Илтижономаи Рожий” асари таҳлил этилиб, шу асосда шоирнинг бадиий маҳорати ёритилган.

Рожий таҳаллуси билан Шарқ адабиётида ижод қилган 16 нафар шоир ҳақида турли архив материаллари, тазкиралар ва тадқиқотлардан материаллар тўпланиб, Рожий Хоразмий меросининг ўзига хослиги хусусида илмий-назарий хулосалар чиқарилган.

Аяпов Аманжол Тилепович: «Мустақиллик давридаги қорақалпоқ публицистик лирикаси» (10.01.04) - Қорақалпоқ давлат университети (230100, Нукус, Ч.Абдиров кўч., 1. Тел.: (8-361) 223-56-71) (диссертация қорақалпоқ тилида)

Илмий раҳбар: Қ.Оразимбетов

Иш бажарилган ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Оппонентлар: К.Алламбергенов, З.Бекбергенова

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади: Мустақиллик давридаги қорақалпоқ публицистик лирикасининг ривожланиш хусусиятлари, лирик қаҳрамон образининг ўзига хослиги, ҳозирги публицистик лирикадаги адабий конфликт ва жанрнинг ривож топишида бадиий тил поэтикасининг аҳамияти ва бошқа масалаларни ўрганиш ва илмий-назарий хулосалар қилиш назарда тутилган.

Тадқиқот натижалари умуман XX аср қорақалпоқ шеърияти ҳақидаги илмий-назарий қарашларни янада тўлдиради, мустақиллик даври қорақалпоқ лирикасида бадиий образининг ўзига хослиги, лирикада адабий конфликт, бадиий тил поэтикасининг жанр поэтикасидаги тутган ўрни тадқиқ қилишда илмий манба сифатида хизмат қилади. Илмий иш хулосалари ва материалларидан олий таълим тизимида, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ҳозирги қорақалпоқ адабиётини, ҳозирги миллий шеъриятни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Сагидуллаева Джамиля Нуруллаевна: «Қорақалпоқ қиссаларида услубий изланишлар (1980-йиллар қиссалари мисолида)» (10.01.04) - Қорақалпоқ давлат университети (230100, Нукус, Ч.Абдиров кўч., 1. Тел.: (8-361) 223-56-71, факс: (8-361) 223-60-19) (диссертация қорақалпоқ тилида)

Илмий раҳбар: Қ.Жаримбетов

Иш бажарилган ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Оппонентлар: К.Алламбергенов, П.Нуржанов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади 1980-йиллар қорақалпоқ қиссаларининг жанрий-услубий хусусиятлари, ёзувчиларнинг қиссанависликдаги индивидуал услубини монографик йўналишда тадқиқ қилишдан иборат. Шунингдек, тадқиқотда қорақалпоқ қиссаларининг ривоя шакллари ва усуллари, композицион янгиликлари, муаллифлар ижодий лабораториясини ўрганиш назарда тутилган.

Тадқиқот натижалари умуман XX аср қорақалпоқ насри ҳақида илмий-назарий қарашларни янада тўлдиради, ҳозирги адабий жараён ва индивидуал услуб масалаларини тадқиқ қилишда илмий манба сифатида хизмат қилади. Илмий иш хулосалари ва материалларидан олий таълим тизимида, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида қорақалпоқ адабиётини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Халмуратова Муҳаббат Ташкенбаевна: «XIX аср ва XX аср бошидаги қорақалпоқ адабиётида эпик жанрлар эволюцияси» (10.01.04) - Қорақалпоқ давлат университети (230100, Нукус, Ч.Абдиров кўч., 1) (диссертация қорақалпоқ тилида)

Илмий раҳбар: С.Баҳодирова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА ҚҚБ Тил ва адабиёт институти

Оппонентлар: А.Пахратдинов, С.Матеев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Диссертацияда XIX ва XX аср боши қорақалпоқ мумтоз шоирлари эпик асарларининг жанр хусусиятлари, тарихий ва бадиий тараққиёти йўли ўрганилган.

Ишда қорақалпоқ адабиётида эпик жанрнинг пайдо бўлиши, фольклор аъёналарининг қўлланилиши, композицион тузилиши, образлар тизими ўрганилди.

XIX ва XX аср бошидаги қорақалпоқ адабиётида эпик жанр эволюцион тараққиётини қиёсий таҳлил қилиш орқали эпик жанрнинг миллий бадиий даражаси, фольклор билан генетик ва типологик алоқалари, шаклий ва жанр хусусиятлари очиқ берилди. Унинг материалларидан ва натижаларидан қорақалпоқ адабиётининг поэтикасини, хусусан, жанрлар тизимини, жанрлар тарихини ўрганишда, адабиётшунослик атамаларининг луғатларини тузишда, илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ундан XIX ва XX аср бошидаги қорақалпоқ адабиёти тарихи, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида адабий тур жанрлар бўйича махсус маърузалар ўқишда, талабалар учун ўқув қўлланмаларини яратишда фойдаланиш мумкин.

Гибралтарская Оксана Николаевна: «Д.Андреев ижодида XX аср маданий парадигмаси» (10.01.05) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 214-52-36) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.Н.Давшан

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: А.С.Лиходзиевский, Н.А.Чекулина

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишда Д.Андреев ижодида XX аср маданий парадигмаси асосий компонентлари ва шакллариининг намоён бўлиш спецификаси таҳлил қилинган. Бу, ўз навбатида, Д.Андреев ижодининг рус классик адабиёти ва бир-биридан ажралган ҳолда ижод қилган замондошлари ижоди билан типологик ўхшашлигини аниқлаш имкониятини берган. Ишда Д.Андреев ижоди микропоэтика (композицион структура, макон-вақт қурилиши, поэтик услуб) ва макропоэтика (“поэма-мистерия” синтетик жанри, романтик аъёна, эстетикликнинг экспликацияси сифатидаги пародия) нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган; Д.Андреевнинг ўзида постсимволизм, постреализм ва постмодернизм элементларини мужассамлаштирган бадиий услуби – “метареализм” аниқланган.

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: ушбу тадқиқот – Д.Андреев асарларини маданий парадигма аспектида концептуал идрок қилишнинг биринчи тажрибасидир, бу унинг ижодидаги фалсафий, эстетик ва бадиий принциплар бирлигини таҳлил қилишга имконият яратади. Диссертацияда илк бор мистерия XX аср маданий парадигмаси ва Д.Андреев фалсафий-бадиий системасининг намоён этувчиси сифатида таҳлил қилинган; XIX-XX асрлар рус адабиётининг ўзгарувчан мотивлари ва айрим концептлари ҳақидаги тасаввурлар аниқланган ва конкретлаштирилган (“миф о Городе”, “миф о Поэте”, “Женский миф”); лексик ва стилистик воситаларнинг ўзига хослиги кўриб чиқилган; Д.Андреевнинг бутун ижодига хос бўлган символизация қилиш услуби ва дунёни мистериал моделлаштириш асосида унинг бадиий услуби аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, у XX аср эстетик стратегиялари соҳасидаги филологик тадқиқотларнинг ривожига хизмат қилади; ундан бадиий системаларда фалсафий, эстетик ва маданий алоқалар характерини ўрганишда; дунёни кўриш концепциясига асосланган фалсафий-бадиий синтез хусусиятларини тавсифлашда; адабий жараёнга парадигматик ёндашувни татбиқ қилишда; назарий хулосаларга асосланган жанр синтези ҳодисаларини назарий асослашда унумли фойдаланиш мумкин.

Нарзуллаева Дилноза Раджаббековна: «Вирджиния Вулф асарларида “онг оқими” техникасини қўллаш маҳорати» **(10.01.05)** - Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 114-52-36) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.С.Лиходзиевский

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат чет тиллар институти

Оппонентлар: Н.Отаджанов, В.В.Бадиков

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади Вирджиния Вулфнинг ёзувчи-психолог сифатидаги индивидуал ўзига хослигини кўрсатиш, унинг ижодий ютуқлари ва жаҳон адабиёти ва кейинги психологик прозаларга таъсирини ўрганишдир.

Диссертацияда илк маротаба ёзувчи томонидан сўнгги романлар (“Орландо”, “Тўлқинлар”) да “онг оқими” техникаси қўлланиш спецификаси муаммоси кўтарилган. Диссертацияда “онг оқими” тушунчаси ҳақида янги назарий тартиблар ҳамда уларнинг ёзувчи ва адабиётшунослар томонидан қўлланиши ҳақида фикр юритилган.

Ибрагимова Дилшода Турсунбаевна: «“Хилдебранд ҳақида қўшиқ” асари, унинг шарқона ва европача паралеллари (матн структураси ва қиёсий таҳлил муаммолари)» **(10.01.07)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 214-52-36) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Т.Томасек

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Н.Раҳимжонов, З.Я.Содиқов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ишда ота ва ўғил курашини “кезиб юрувчи” мотив асосида ҳикоя қилиш тадқиқ қилинган. Ишда структур ва қиёсий таҳлиллар берилган. Унда саккизта эпик асар матнидаги ота ва ўғил курашини “кезиб юрувчи” мотив асосида ҳикоя қилиш комплексининг нарратив таҳлил элементлари ҳам келтирилган. Кўрсатилган методларни татбиқ қилиш тадқиқ қилинаётган матнлар структурасида қадимги немис “Песнь о Хильдебранде” асарининг ҳикоя қилиш типи билан сабаб-натига алоқаларини топиш имконини беради. Бу алоқалар ота ва ўғил ўртасидаги курашни ҳикоя қилишда асос ҳисобланади ҳамда Шарқ ва Ғарбнинг эпик асарларида такрорланувчи констант ҳикоя қилиш элементларини ажратиш имкониятини яратади, бу эса, ўз навбатида, тадқиқ қилинаётган мотивнинг турли адабий анъаналар томонидан ўзлаштирилганлигини исботлайди.

Ишда қуйидаги янгиликларга эришилган: озарбайжон “Кёроғлонун Дербенд Сэфэри” ва арман “Давид Сасунский” эпослари “Песнь о Хильдебранде” асарининг ҳикоя қилиш типига мос келувчи материал сифатида структур таҳлил қилинди; кураш структур методлар ва нарратив таҳлил қилиш нуқтаи назаридан қиёсий адабиётшунослик ва фольклористика аспектида “кезиб юрувчи” мотив асосида тадқиқ қилинди; В.Пропп “морфологияси” принципи бўйича мотивлар комплексининг имманент компонентлари системалаштирилди.

Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, унда нафақат ота ва ўғил ўртасидаги курашни ҳикоя қилишдаги ўхшашликлар, балки “кезиб юрувчи” мотивлар, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги адабий алоқалар ва паралеллар муаммоларини ўрганишнинг айрим йўллари ҳам келтирилган.

Хатамова Дилфуза Абдувахобовна: «Адабиётшунослик терминларида идентификация ва муқобиллик муаммолари (русча-ўзбекча терминология асосида)» **(10.01.07)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 114-52-36) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Х.Болтабоев

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Н.Ф.Каримов, М.О.Шарафутдинова

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети.

Ишнинг мақсади - рус ва ўзбек тилларида яратилган адабиётшуносликка доир терминологияда идентификация ва эквивалентлик масалаларини илмий тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ўзбек адабиётшунослигида терминология масаласи адабий-эстетик жараённинг бирлиги сифатида илк бор илмий тизимга солинаётганида; адабий асар таҳлили жараёнида фаол қўлланиладиган терминлар ва уларнинг идентификацияси масалалари бадиий бутунликини ташкил этувчи элементлар тизими сифатида қаралаётганида; бадиий шакл ва мазмун бирлигига доир терминлар ўзаро муносабатда ва мувофиқликда таҳлил этилаётганида; адабий тур ва жанрларга тегишли терминлар рус ва ўзбек тилларидаги эквивалентлари қиёсланган ҳолда тадқиқ этилаётганида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти: адабиётшунослик терминологиясининг идентификацияси масаласини назарий жиҳатдан ўрганиш ва адабий терминларнинг рус ҳамда ўзбек тилларидаги эквивалентларини аниқлаш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Диссертация натижаларидан келиб чиқадиган умумлашма ва хулосалар миллий истиқлол ғоясини ўзига сингдирган ўзбек адабиётшунослигида терминология назариясини тадқиқ қилишда, уни янгича назарий қарашлар билан бойитишда муайян даражада хизмат қилади.

Раҳмонова Сайёра Ражабовна: «Ўзбек сонетлари: поэтик структура ва бадиий образ» (10.01.08) – ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-42-64, 262-42-34) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Назаров

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти

Оппонентлар: У.Норматов, У.Ҳамдамов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Ишда ўзбек сонетининг шаклланиши, адабий, тарихий, фалсафий омиллари назарий планда тадқиқ этилди.

Ўзбек сонети жаҳон сонетнавислиги контекстида текширилди. Тарихан сонет ва ўзбек мумтоз шеър жанрлари ўртасидаги каноник, структурал муносабати ўрганилди.

Ўзбек сонетининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари белгиланди. Ўзбек сонетлар туркуми ва сонетлар гулчамбарининг ўзига хос структурал, семантик жиҳатлари аниқланди.

XX асрнинг ўттизинчи, олтишинчи, тўқсонинчи йилларда яратилган ўзбек сонетлари структура, семантика ва поэтик образ жиҳатидан назарий талқин қилинди. Ўзбек сонетлар туркуми ва сонетлар гулчамбарининг каноник жиҳатлари белгиланди.

Тадқиқот натижалари ўзбек адабиётшунослиги, хусусан, адабиёт назарияси фани бўйича шеър поэтикаси, структураси семантикаси муаммоларини ёритишда амалий-назарий аҳамият касб этади.

Сулаймонова Гулбаҳор Алитўраевна: «Ўзбек тилида от туркумидаги сўзларнинг полифункционаллиги» (10.02.01) - ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-42-64) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ё.Тожиев

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: А.Маматов, Г.Рихсиева

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишда ўзбек тилидаги от туркумига оид сўзларнинг полифункционаллик хусусиятлари, уларнинг лексик-семантик ва услубий функциялари тадқиқ этилган.

Ишнинг мақсади от туркумидаги сўзларнинг полифункционаллигини юзага келтирувчи нолисоний ва лисоний омилларни ва уларнинг услубий хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Ишда от туркумига оид сўзларнинг метафора, метонимия, синекдоха каби ҳодисалар туфайли полифункционаллик касб этганлиги таҳлил этилган. Бундан ташқари от туркумидаги сўзлар полифункционаллигининг лисоний омиллари бўлган эллипсис, синоним, антоним, семантик калькалар асосида полифункционалликнинг шаклланиши каби масалалар ёритилган. Диссертацияда от сўзларнинг ҳам денотатив, ҳам коннотатив вазифа бажариши кўрсатиб берилди ҳамда конверсиялашган от сўзларнинг полифункционаллик хусусиятлари алоҳида ажратиб кўрсатилди. Унда адъективатларнинг лексик-семантик полифункционаллиги, шунингдек, уларнинг синтактик полифункционаллиги батафсил таҳлил қилинган.

Турниязова Шахноза Нигматовна: «Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари» (10.02.01) – ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Ўринбоев

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат чет тиллар институти

Оппонентлар: Р.Сайфуллаева, М.Сапарниёзова

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Тадқиқотда ўзбек тилида матн шаклланишининг лингвистик талқини берилди, микроматн турлари аниқланди ҳамда макро-матннинг (абзац мисолида) деривацион хусусиятлари ўзбек тилшунослигида илк бор таҳлил этилди. Шунингдек, макро- ва микроматн деривациясининг илмий тавсифи берилди. Ўзбек тилида микроматн шаклланишида, уларнинг турлари этиборга олингани ҳолда, семантик, лексик ҳамда синтактик деривациялар қонуниятлари қўлланиши асослаб берилди. Макро-матн деривацион тамойилларининг микроматн шаклланиши тамойилларидан кескин фарқланиши илмий асосланди.

Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртлари филология факультетларида, шунингдек, филологик йўналишдаги илм масканларида нутқ ҳамда матн лингвистикаси назарий курсларини ўқишда, магистратура талабаларига синтаксис муаммоларига бағишланган ихтисос курсларини ўқишда, матн лингвистикаси масалалари бобида номзодлик ва магистрлик диссертацияларини ёзишда илмий материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Қазақбаева Анаргул Толыбаевна: «Қорақалпоқ тилида қўшимчаларнинг вариантчилиги» (10.02.02) - Қорақалпоқ давлат университети (230100, Нукус, Ч.Абдиров кўч., 1. Тел.: (8-361) 223-56-71) (диссертация қорақалпоқ тилида)

Илмий раҳбар: А.Даулетов

Иш бажарилган ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Оппонентлар: О.Доспанов, А.Альниязов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация қорақалпоқ тилидаги қўшимчалар вариантларининг пайдо бўлиш сабабларини, тилнинг тарихий тараққиёт босқичларида ўзгаришга учраш ҳолатларини, энг дастлабки инвариантларни ва ҳозирги тилимиздаги вариантлар қаторларини аниқлаш, шунингдек, қўшимчаларни бошқа туркий тиллардаги муштарак қўшимчалар вариантлари билан қиёсий ўрганиш орқали қорақалпоқ тилининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқот қорақалпоқ тили имло қоидаларини такомиллаштиришда, грамматикани туғри изоҳлашда, уларни қайта қўриб чиқишда катта аҳамият касб этади. Иш натижалари дарсликлар ёзишда, луғатлар тузишда, фонетика, тил тарихи, диалектология, морфемика ва грамматика бўйича дарс ва машғулотлар олиб боришда катта аҳамиятга эга. Унинг материалларидан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида маърузалар ўқишда, махсус курслар ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

Мамирова Шарапат Калибековна: «Рус тили луғатларида сифат стилистик бўёғининг акс этиши» (10.02.03) - Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 214-52-36) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.Джусупов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Оппонентлар: А.С.Пардаев, А.А.Абдуллаева

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Замонавий рус тилшунослигида сифатнинг стилистик бўёққа эга бўлиш хусусиятлари ва уни турли даврларда нашр қилинган луғатларда акс этишини тадқиқ қилиш муаммоси долзарб ҳисобланади. Зеро, луғатларда муаллифлар, лингвистик ва экстралингвистик сабаблардан келиб чиққан ҳолда, сифатнинг стилистик бўёқларини турлича белгилаб (8 тадан 36 тагача), айрим сифатларга эса ҳар хил стилистик баҳо бериб келмоқдалар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: ишда рус тилининг 8та луғатида келтирилган сифатни стилистик жиҳатдан баҳолашдаги ва стилистик белгилари системасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар аниқланган ва тавсифланган. Турли йилларда нашр қилинган рус тили луғатларида сифат ва миқдор кўрсаткичлари асосида шаклланган стилистик белгилар системасининг эволюцион ривожланиш қонуниятлари аниқланган; 4 томли (1981-1986) "Словарь русского языка" ва С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведоваларнинг "Толковый словарь русского языка" (2000) материаллари асосида сифат стилистик бўёғининг типи ва кўринишлари лингвостатистик тадқиқи ўтказилган. Илк марта, лингвостатистик тадқиқот натижасида, рус тили луғатларидаги сифат

стилистик бўёгининг фаол (юқори частотали) ва нофаол (паст частотали) типи ва кўринишлари ажратилди, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларига таъсир кўрсатувчи факторлар аниқланди.

Диссертация натижаларидан луғатлар (меъёрий, частотали) тузиш жараёнида стилистик белгилар системасини унификация қилишда, шунингдек, рус тили стилистикаси, морфологияси, лексикографиясига оид илмий тадқиқотларда ва ОТМ филологик факультетлари ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Эсанов Уктам Джаббарович: «Рус бадиий адабиётида лексик шарҳлашлар стилистик усул сифатида (Н.С.Лесков асарлари асосида)» (10.02.03) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Студентлар шаҳарчаси, ЎЗМУ, Тел.: 114-52-36) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Д.С.Қулмаматов

Иш бажарилган ташкилот: Термиз давлат университети

Оппонентлар: Х.И.Исламджановна, О.В.Милютин

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади – бадиий матнда камтушунарли сўзларни ажратишнинг турли стилистик усулларни аниқлаш, шунингдек, уларнинг стилистик вазифаларини тавсифлаш, Н.С.Лесков асарларида изоҳлаш турларини белгилаш.

Диссертацияда ҳанузгача махсус лингвистик тадқиқот предмети бўлмаган фактик материал – курсив ва қўштирноқнинг стилистик вазифаси, бошқа тил ибораларини график ва нографик йўл билан ажратиш, камтушунарли лексик бирликларини изоҳлаш, бадиий асар матнида глоссалаш усуллари, Н.С.Лесков асарлари матнида муҳаррирлик ва нашриёт изоҳлари кўриб чиқилган.

География фанлари

Сафарова Насиба Иранкуловна: «Иқтисодий географик ўриннинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири (Сурхондарё вилояти мисолида)» (11.00.02) – Гидрометеорология ИТИ (100052, Тошкент, К.Махсумов кўч., 72. Тел.: 233-43-49, Факс: 233-11-50) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.С.Солиев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Оппонентлар: Т.Джумаев, С.С.Зокиров

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти

Ишнинг мақсади Сурхондарё вилояти мисолида минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишига иқтисодий географик ўрин (ИГЎ) таъсирини таҳлил қилиш асосида ушбу омилни қулайлаштириш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишда иқтисодий географиянинг муҳим категорияларидан бири бўлган иқтисодий географик ўриннинг асосий хусусиятлари, кўринишлари ва унга таъсир этувчи омиллар, унинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида омил ва ресурс сифатидаги аҳамияти биринчи мартаба илмий жиҳатдан ўрганилди. Турли даврларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий географик ўринини таҳлил этиш жараёнида унинг тарихий ўзгарувчан хусусиятга эга эканлиги аниқланди. Мустақиллик йилларида мамлакат ИГЎ қулайлашувида катта аҳамиятга эга бўлган транспорт соҳасида юз берган ижобий ўзгаришлар батафсил ёритилди. Топологик имкониятларни баҳолаш орқали Ўзбекистоннинг яқин кўшнилари орасида тутган ўрни ўрганилди, республикаимиз минтақаларининг ИГЎ шаклланишига фаол таъсир этувчи омиллар таҳлил этилиб, шу асосда Сурхондарё вилояти географик ўринининг қулай ва ноқулай жиҳатлари аниқланди. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, демографик ҳолати, иқтисодий географик ўрин хусусиятлари тадқиқ этилиши ёрдамида вилоят бир-биридан таъсир доираси, иқтисодий имкониятлар даражасига кўра фарқ қилувчи иқтисодий районларга ажратилди. Сурхондарё вилояти иқтисодий географик ўринини яхшилашда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, ўсиш кутб ва марказлари, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш имкониятлари илмий асослаб берилди.

Холматжанов Бахтияр Махаматжанович: «Атмосферанинг чегаравий қатламида ифлослантирувчи моддаларнинг кўчишини моделлаштириш (мезоэффектларни ҳисобга олган ҳолда Оҳангарон водийси мисолида)» (11.00.09)

– Гидрометеорология ИТИ (100052, Тошкент, К.Махсумов кўч., 72. Тел.: 233-43-49, Факс: 233-11-50) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ю.В.Петров

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: А.К.Абдуллаев, А.А.Ни

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Сейсмология институти

Ишнинг мақсади ифлослантирувчи моддалар кўчишининг гидродинамик модели асосида мезозффектларни ҳисобга олган ҳолда Оҳангарон водийсида ифлослантирувчи моддалар тарқалишининг синоптик ва метеорологик шароитларини ўрганиш ҳамда водийда ифлослантирувчи моддалар тарқалишининг мониторинги, ташҳиси ва қисқа муддатли прогнози учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ишда тадқиқот объекти сифатида катта миқдордаги антропоген келиб чиқишга эга бўлган чиқиндилар чиқарилувчи хавфли экологик ҳудуд ҳисобланган Оҳангарон водийсининг ҳаво ҳавзаси танланган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Ғарбий Тянь-Шан водийларидан биридаги шомол режимининг экспериментал йўл билан олинган маълумотларини морфометрик характеристикалари ўхшаш бўлган бошқа водийларда қўллаш имконини берувчи янги ёндошув ишлаб чиқилган; йилнинг илиқ ва совуқ ярим йилликларига хос бўлган циркуляция турлари учун Оҳангарон водийси ҳаво ҳавзасининг ҳолати баҳоланган; водий атмосферасининг ифлослантирувчи моддалардан тозаланиши учун қулай ва ноқулай шароитларни юзага келтирувчи критериял шомол тезлиги қийматлари аниқланган; ҳавонинг ифлослантирувчи моддалардан тозаланиши учун қулай ва ноқулай шароитларнинг Ўрта Осиё синоптик жараёнлари турлари билан боғлиқлиги аниқланган; ҳаво ҳавзаси ҳолатининг қисқа муддатли прогнозини ўз ичига олувчи мониторинг схемаси таклиф қилинган.

Юридик фанлар

Аҳмедова Муқаддас Турсуновна: «Қўқон хонлигининг ташкил топиши, давлат тизими ва ҳуқуқ манбалари» **(12.00.01)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ҳ.Б.Бобоев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Ш.И.Жалилов, Н.П.Азизов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ишнинг мақсади: XVIII-XIX асрларда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Қўқон хонлигини Ўзбек давлатчилигининг узвий бир қисми сифатида ўрганиш. Унинг ташкил топиши, ривожланиши, давлат тизимининг ўзига хослиги ва ҳуқуқ манбаларини илмий жиҳатдан талқин этиш, шу билан бир қаторда Қўқон хонлигида зулм-зўравонликка қарши курашган, халқ орасида маърифатчиликни тарғиб этган, давлат бошлиқлари ва амалдорларни адолатли бўлишга даъват этган илғор мутафаккирларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот ишида Қўқон хонлигини мустақил давлат сифатида ташкил топиши, давлат ҳокимиятининг Минглар назорати бошқарувига ўтиши ва бошқичларга бўлиб ўрганилиши давлат ва ҳуқуқ тарихи нуктаи назардан таҳлил этилган. Шу даврда хонликда яшаб ижод қилган мутафаккирларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ўрганилиб, уларнинг ҳали тадқиқ этилмаган асарлари илмий муомалага киритилган.

Хонлиқнинг марказий ва маҳаллий бошқаруви, ташқи сиёсат ва дипломатияси, суд тизими, ҳарбий мудофаа фаолияти, ҳуқуқ манбалари ва асосий соҳалари Бухоро ва Хива хонликлари билан тарихий-қиёсий усулда таҳлил этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятлари, ижобий ҳамда салбий жиҳатлари ўрганилган.

Қўқон хонлиги ҳуқуқий тизимида ислом ҳуқуқи манбалари ва асосий тамойилларининг ўрни ҳамда шариат нормалари ва одат ҳуқуқининг ўзаро нисбати масалалари таҳлил этилган.

Хусаинов Улуғбек Шухратжонович: «Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари» **(12.00.02)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Д.Қ.Ахмедов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: А.С.Турсунов, Э.Т.Хожиев

Етакчи ташкилот: Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти

Диссертация мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган давлат-ҳуқуқий ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти фаолиятини янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш шароитида давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтини қўлланилиши, ротация тушунчаси, унинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва аҳамиятини, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти тармоқлари фаолиятида ротация институтини қўллашнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий жиҳатларини тавсифловчи назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларга оид муаммоларни ўрганишга бағишланган.

Ишнинг мақсади ротация тушунчаси, унинг мазмун моҳияти, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтини қўлланилишининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишда Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти тармоқлари фаолиятида ротация институтини қўлланилишининг ҳуқуқий асослари, ротация тушунчаси, давлат хизматчиларини ротация қилишда ишчанлик қобилиятини баҳолаш масалалари илк маротаба ўрганилиб, ротация институтининг давлат ҳокимияти фаолиятини такомиллаштиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда ротация бошқарув тизимининг ривожланишига хизмат қилувчи муҳим тамойиллардан бири эканлиги кўрсатилиб, давлат ҳокимияти тармоқлари фаолиятида ротация институтини қўлланилишига доир таҳлиллар бўйича назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Джолдасова Сахипжамал Джалгасовна: «Халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия нормалар асосида мерос муносабатларни тартибга солиш» **(12.00.03)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.Р.Раҳманкулов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Т.А.Умаров, З.С.Убайдуллаев

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ишнинг мақсади халқаро мерос муносабатларини коллизия метод тасирида ҳуқуқий тартибга солиш билан ифодаланган назарий ва амалий муаммоларни таҳлил қилиш; халқаро мерос субъектларининг манфаатларини таъминлашга қаратилган илмий асослантирилган хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, ушбу диссертация мерос муносабатларни коллизия-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган энг биринчи илмий ишларнинг бири ҳисобланади. Диссертацияда халқаро мерос соҳасидаги “коллизия нормаларни таҳлил этиш ва баҳо бериш”, “ҳуқуқни қайта ҳавола этиш ва учинчи давлат ҳуқуқига ҳавола этиш”, “даслабки коллизия масала”, “эрк мухторияти ва қонунни айланиб ўтиш” каби муаммоларни тадқиқ қилинади. Бу миллий доктрина ва амалиёт учун янги изланиш бўлиб ҳисобланади.

Халқаро мерос соҳасидаги мунозарали масалаларни тадқиқ этишда ҳар ҳил тизимларнинг ҳуқуқий доктриналаридаги ҳар ҳил нуқтаи назарлар ва таклифларга назарий ва амалий баҳо берилди, ушбу соҳадаги миллий ва чет эл қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таҳлил берилди.

Джураев Джахонгир Бахтиярович: «Юридик шахсларнинг ишчанлик обрўси ва уни фуқаровий-ҳуқуқий ҳимоялаш муаммолари» **(12.00.03)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.С.Гулямов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: И.И.Насриев, Ш.М.Асьянов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ишнинг мақсади: Юридик шахслар ишчанлик обрўсининг фуқаролик муомаласидаги иштирокининг самарали ҳуқуқий режимини яратиш муаммоларини комплекс, концептуал ва назарий

таҳлил қилиш ҳамда бир қанча илмий-амалий қоидаларни ишлаб чиқиш орқали номоддий неъматларни ишончли тарзда ҳуқуқий ҳимоя этишни таъминлашга қаратилган, мамлакатимиз қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўлланиш амалиётини такомиллаштиришга тааллуқли аниқ амалий тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, унда юридик шахслар ишчанлик обрўси моҳиятининг ҳамда бу обрўни ҳимоя этишнинг назарий ва қонунчилик асослари мамлакатимиз юриспруденциясида биринчи бор концептуал таҳлил этилди.

Юридик шахсларнинг ишчанлик обрўсини ҳимоялаш тизимлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, чет эл мамлакатларининг қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўлланиш амалиёти, уларнинг хусусиятлари, ижобий жиҳатлари ва камчиликлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг янгилиги кенг доирадаги муаммолар ўрганилганлиги, гудвиллни баҳолашнинг ҳуқуқий механизми муаммоси биринчи марта тадқиқ этилаётганлиги билан ҳам, номоддий неъматларнинг тижорат муомала-муносабатидаги иштирокини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан муаллиф томонидан киритилган, назарий жиҳатдан асосланган ҳамда амалий жиҳатдан исботланган таклифлар билан ҳам белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, унда баён этилган назарий ва амалий қоидалар, ҳулосалар ва тавсиялар: номоддий неъматларни ҳимоя этиш билан боғлиқ илмий муаммоларни ишлаб чиқишни давом эттиришда; Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонун ҳужжатларининг юридик шахсларнинг ишчанлик обрўсига оид концептуал асосларини такомиллаштиришда; амалиётчиларни юридик шахсларнинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш асослари билан таништиришда фойдаланилиши мумкин.

Саипова Юлдуз Бахтиёровна: «Тадбиркорлик фаолиятининг мулкий негизи сифатида кўчмас мулкнинг ҳуқуқий режими» **(12.00.03)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Р.Ж.Рўзиёев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Оппонентлар: Д.М.Қараходжаева, С.Б.Холбаев

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ишнинг асосий мақсади - тадбиркорлик муносабатларининг объекти сифатида кўчмас мулкнинг ҳуқуқий мақоми концепциясини шакллантириш, тадбиркорлик соҳасида кўчмас мулк билан боғлиқ, бугунги кунда муаммолар бўлган битимларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини таҳлил қилиш; тадқиқотнинг ҳулосалари асосида тадбиркорлик фаолиятининг мулкий негизи сифатида кўчмас мулкнинг ҳуқуқий режимини тартибга солишчи фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги, у Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг негизи сифатида кўчмас мулкнинг фуқаролик-ҳуқуқий институти тартибга солинишига бағишланган дастлабки комплекс илмий изланиш эканлиги билан изоҳланади. Диссертацияда тадбиркорлик муносабатларининг объекти сифатида кўчмас мулкнинг ҳуқуқий режими таҳлил қилиниб, кўчмас мулк бозорининг самарали фаолият юритишини ҳуқуқий таъминланишининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган бўлиб, унда тадбиркорлик соҳасида кўчмас мулкнинг бозор айланмасини рағбатлантиришнинг долзарб вазифалари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда унинг натижалари, ҳулосаларидан фойдаланиш ва қўллаш мумкинлигидадир. Диссертацияда шу соҳани тартибга солишчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека қимматли қоғозлари тўғрисида” ҳамда “Кўп хонадонлик уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улушли иштирокчилик асосида қуриш тўғрисида”ги Қонунларини қабул қилиш ва Фуқаролик кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф ва тавсиялар берилган.

Чиниев Дилшод Абдимуминович: «Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари» **(12.00.03)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: О.Окюлов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Ф.Ю.Шодманов, В.Ё.Эргашев

Етакчи иташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ишнинг мақсади - мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини, мазкур ҳуқуқни амалга оширишга кўмак берувчи ҳуқуқий институтларни комплекс тарзда ўрганишга, мулк ҳуқуқини амалга оширишни таъминловчи механизмларни такомиллаштириш борасида илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар беришга қаратилган.

Ишда Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларининг назарий ва ҳуқуқий асосларининг комплекс, тизимли тарздаги таҳлили биринчи марта ўтказилди. Ўтказилган тадқиқот ва унинг натижаларини илмий таҳлил қилиш асосида муаллиф мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини кучайтириш муаммоларининг комплекс ечимини топишга эришди. Бундан ташқари, «мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари», «мулк ҳуқуқини дахлсизлиги», «мулк ҳуқуқини муддатсизлиги», «зарарни тўлиқ қоплаш» ва «рейдерлик» каби атамалар конкрет дефинициялар сифатида илмий муомалага илк маротаба киритилмоқда. Теран ва чуқур таҳлиллар асосида ушбу тушунчаларга таъриф берилди, мазкур масалаларни тартибга солувчи халқаро ва миллий қонунчилик нормалари таснифи келтирилди. Тадқиқотнинг янгилиги шунингдек, муаллиф томонидан ўрганилган муаммоларнинг кенг доираси билан, ҳамда мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини кучайтириш, мазкур соҳадаги бўшлиқларни бартараф этиш ва муаммоларни ҳал этиш учун қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган назарий жиҳатдан асосланган ва амалий жиҳатдан исботланган таклифлар ишлаб чиқилганлигида ҳам намоён бўлади.

Ниёзова Шахло Гулмурадовна: «Муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари» **(12.00.08)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Ж.Ахраров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: М.С.Собиров, Г.С.Шарипова

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ишнинг мақсади муддатлар ўтиши муносабати билан жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилишнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, уларнинг Жиноят кодекси принципларига мувофиқлигини ўрганиш ва такомиллаштириш, мазкур нормаларни қўллаш амалиётида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг сабабларини аниқлаш, жиноятчиликка қарши курашда жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш институти таъсирининг самарадорлиги моҳиятидан келиб чиққа ҳолда вужудга келадиган муаммолар мажмуини ўрганиш ва уларни ҳал қилиш учун илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: ишда муддатлар тўғрисидаги нормалар юзасидан назария ва амалиётда вужудга келадиган масалаларни илк бор комплекс тадқиқ қилинганлиги, уларни тўғри ҳали қилиш йўллари, кўрсатилган нормаларни ва уларни қўллаш соҳасида тергов ва суд органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаганлиги билан белгиланади. Диссертацияда Жиноят кодекси принципларига таянган ҳолда жиноий жавобгарликка аниқ тушунча берилган.

Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар жиноят, жиноят-ижроия қонунга янги нормалар киритиш ва амалдаги нормаларни такомиллаштиришда эътиборга олиниши мумкин. Тадқиқотда жиноятчиликка қарши кураш ва олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган бир қанча назарий қоидалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар ҳам қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида, шу жумладан жиноятчиликка қарш кураш соҳасида умумдавлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишда ҳисобга олиниши мумкин.

Рустамбаев Азиз Мирзаюсупович: «Жиноятчиликнинг уюшган шакллари қарши курашга оид жиноят қонуни ва қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» **(12.00.08)** - Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ф.Тахиров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Р.Кабулов, А.К.Иркаходжаев

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади тадқиқот объектини комплекс юридик таҳлил қилиш асосида: жиноят қонунчилигини такомиллаштириш; қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштириш; ЎзР жиноят ҳуқуқи доктринасини ривожлантириш; жиноий фаолиятнинг гуруҳ шаклларига қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, диссертацияда комплекс тарзда гуруҳ томонидан содир этиладиган жиноий фаолиятнинг муаммолари концептуал даражада ўрганилган; илк маротаба уюшган жиноий гуруҳ шакллари зарурий белгиси бўлган аниқ жиноят таркиблари таҳлил қилинган; жиноий фаолиятнинг гуруҳ шаклларига оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни яхлитликда ўрганишга ҳаракат қилинган; диссертацияда ЎзР Жиноят кодексига хорижий давлатлар қонунларидаги гуруҳ жиноятчилигига қарши жиноят-ҳуқуқий курашга бағишланган айрим қоидаларни рецепция қилиш натижасида тақлифлар берилган; мазкур муаммонинг комплекс тадқиқ этилганлиги муаллифга қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича тавсиялар, тадқиқот предмети доирасида жиноят қонунини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш имконини берган.

Ишда гуруҳ таркибида жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ЖК нормаларини татбиқ этиш амалиётини ўрганиш, миллий ва хорижий давлат жиноят қонунчилигини, ўрганилаётган муаммо ҳақидаги асосий концепцияларни таҳлил қилиш негизда қатор назарий тақлифлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар жиноятчиликлнинг гуруҳ шаклларига оид жиноят-ҳуқуқий институтларни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг турли жиноий гуруҳларга қарши курашиш фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тургунбоев Эльбекжон Одилжонович: «Жиноятни квалификация қилишга юридик ва фактик хатонинг таъсири» **(12.00.08)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ф.Тахиров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Р.Қобулов, М.А.Мусаев

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади жиноят-ҳуқуқий хато тушунчасига жиноят субъекти хулқини баҳолашнинг муҳим жиҳати сифатида ёндашиш, юридик ва фактик хатонинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш, унинг жиноят квалификациясига таъсирини ўрганиш орқали суд, тергов органларининг амалий фаолиятида келиб чиқадиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: иш мустақилликка эришилгандан кейин жиноят ҳуқуқининг асосий муаммоларидан бири юридик ва фактик хатони тадқиқ этишга бағишланган дастлабки изланишлардан ҳисобланади. Диссертацияда юридик ва фактик хато ҳолатида жиноятларни квалификация қилишнинг жиноят-ҳуқуқий муаммолари ўрганилган, жиноятларни тўғри квалификация қилиш юзасидан илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациядаги хулоса ва тавсиялар суд ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят қонуни нормаларини қўллаш фаолиятида, жиноят қонунини такомиллаштиришда, ўқув жараёнида, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда қўлланилиши мумкин.

Юсупджанов Одил Абдугафурович: «Мураккаб айбли жиноятларни квалификация қилиш муаммолари» **(12.00.08)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-66-36) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.Х.Рустамбоев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: М.С.Собиров, А.К.Эркаҳўжаев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги

Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш
ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази

Ишнинг мақсади қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш билан боғлиқ фаолиятда жиноят ҳуқуқида мураккаб айбли белгилашга доир ҳуқуқий масалаларни умумлаштириш ва назарий тизимга солиш, шунингдек, у билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда мураккаб айб билан содир этиладиган жиноятлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларини белгилаш, умуман, бу хил айб билан содир этиладиган жиноятларнинг тўғри тавсифланишига эришиш, Жиноят кодексидаги айрим нормаларни такомиллаштиришдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда мураккаб айбнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари комплекс тарзда атрофлича ёритилган. Ишда илк маротаба айбнинг ҳар икки шакли муштараклигидан иборат мураккаб айб билан содир этиладиган жиноятнинг нафақат субъектив томони, балки объектив томон хусусиятларини ўзаро боғлиқлигини ўрганишни назарда тутувчи яхлит воқелик сифатида таҳлил этилган. Мураккаб айб билан содир этиладиган жиноятлар таркибининг рўйхати берилиб, уларни таснифлаш мезонлари ишлаб чиқилган. Баъзи ҳолларда шахснинг ўзига ишониши орқасидаги ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини англамаслиги ва ўзига ишонишнинг ижтимоий моҳиятини белгилашда ушбу масаланинг янги ечими тавсия этилган.

Диссертациядаги хулоса ва тавсиялардан мураккаб айб тушунчасини аниқ белгилаш, шунингдек, ўзига ишониш ва бепарволикнинг интеллектуал ҳамда иродавий жиҳатларининг тавсифидан қонун ижодкорлигида Жиноят кодексининг Умумий қисмида мураккаб айбнинг моҳиятини белгилаш ҳамда Махсус қисмда мураккаб айб билан содир этиладиган жиноятлар таркибини шакллантириш учун келгусида фойдаланиш мумкин.

Матжанов Ильхам Адилбаевич: «Жиноят процесси иштирокчиларининг шахсий манфаатлари» (12.00.09) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ғ.А.Абдумажидов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Ю.С.Пулатов, Ғ.М.Абдусаломов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ишнинг мақсади жиноят процесси иштирокчиларининг шахсий манфаатларига оид муаммоларни жиноят-процессуал қонунчилик бўйича таҳлил қилиш ва ўрганиш; уларнинг юзага келиш, амалга ошириш ва ҳимоя қилиш масалаларини тадқиқ этиш; Ўзбекистон Республикасида жиноят процесси иштирокчиларининг шахсий манфаатларини рўёбга чиқариш ва таъминлашга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, илк маротаба “манфаат” категорияси, шу жумладан, жиноят суд ишини юритиш соҳасига жалб этилган шахсларнинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ, уларнинг тузилмаси ва келиб чиқиш сабаблари масалалари комплекс тарзда тадқиқ этилган. Жиноят ишини юритишга жалб этилган шахсларнинг қандай манфаатлари мавжуд эканлиги, қайси манфаатлари таъминланиши лозимлиги ва қайси манфаатлари жиноят процессининг ҳуқуқий ҳимоя предмети бўла олмаслиги масалалари ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, диссертациядаги хулоса ва таклифлар шахс, жамият ва давлат манфаатларини таъминлашга оид процессуал кафолатлар назариясининг тегишли жиҳатларини ривожлантириш мақсадида қўлланилиши мумкин. Улар ҳуқуқий нормалар яратиш жараёнида, шунингдек жиноят ишини юритувчи органларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида ишлатилиши мумкин.

Утепбергенов Махсет Садыкбаевич: «Жиноят процессида фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципини амалга ошириш» (12.00.09) - Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.Т.Алламуратов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Ю.С.Пулатов, Д.М.Миразов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади танланган мавзуга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий-назарий қоидалар тизимини яратиш, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва судларнинг қонун ва суд олдида барчанинг тенглиги принципини амалга ошириш орқали жиноят судлов доирасига жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги жиноят процессида фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципининг рўёбга чиқаришда мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг эҳтимолий йўллари илк бор комплекс тарзда ўрганилганлиги билан белгиланади. Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларини шакллантиришда жиноят процессининг айрим иштирокчиларнинг далиллар тўплаш ва тақдим этиш, рад этиш, у ёки бу қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглигини таъминлаш талаблари етарли даражада ҳисобга олинмаганлиги аниқланган. Мавзунинг кам ўрганилган жиҳатларининг тадқиқ

этилганлиги жиноят процессининг айрим муаммоларини ҳал этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этувчи қатор янги хулосалар қилиниши учун асос бўлди.

Шодиев Ғулом Махамматович: «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати» (12.00.09) - Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: З.Ф.Иноғомжонова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Б.Саломов, Б.Б.Муродов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг моҳияти ва ҳуқуқий табиати ҳамда улардан жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритишда фойдаланиш имконияти хусусида мантиқан изчил назарий хулосаларни асослаш, ушбу хулосалар асосида суд назорати механизмини ўрнатиш ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Диссертацияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати институти жиноят-процессуал ҳуқуқи фанида илк бор комплекс ўрганилган ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқ қилинаётган мавзунинг кам ўрганилган жиҳатлари кўриб чиқилиши янгилик аломатларига эга бўлган ва жиноят процессининг айрим муаммоларини ҳал этиш учун ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятини такомиллаштириш учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи бир қатор хулосаларни таърифлаш имконини берди.

Педагогика фанлари

Исмоилов Турабжон Умирзақович: «Бошланғич синфларда жисмоний тарбия – соғломлаштириш тадбирларининг педагогик хусусиятлари» (13.00.02, 13.00.04) – Тошкент давлат педагогика университети (100070, Тошкент, Ю.Х.Ҳожиб кўч., 103. Тел.: 254-92-02, факс: 215-54-18) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: К.М.Маҳкамжонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Оппонентлар: Ф.Р.Кадырова, Р.Д.Халмухамедов

Етакчи ташкилот: Термиз давлат университети

Ишда бошланғич синфларнинг жисмоний тарбия – соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш жараёнида ўқувчиларнинг ҳаракат фаоллигини юқори даражага кўтаришнинг илмий-назарий омиллари ҳамда жисмоний соғлом, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ педагогик муаммолар илмий асосланган. Ҳафтада уч соатдан жисмоний тарбия дарслари ва турли жисмоний тарбия тадбирларини ташкил қилиш асосида ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги аниқланган; жисмонан соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш тизими ишлаб чиқилган; илк бор ҳафтада 3 соатли жисмоний тарбия дарси, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлиги, маънавий ва ахлоқий тарбияси, назарий ва амалий билимлари, шунингдек, жисмоний тарбия машғулотларини ўтиш тизими илмий-педагогик жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг назарий ғоялари ва амалий натижалари бошланғич синф ўқувчиларини жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, узлуксиз таълим тизимига доир дастурларни такомиллаштириш ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда татбиқ этилиши, шунингдек, бошланғич синфларнинг жисмоний тарбия дарслари ва ўқув кун тартибидаги жисмоний соғломлаштириш тадбирлари самарадорлигини оширишда кенг фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг тажриба-синов натижалари асосида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида жисмоний тарбия ва соғломлаштириш тадбирлари бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Багдасаров Армен Юрьевич: «Юқори малакали дзюдочилар мусобақа фаолиятини оралиқ машқларни қўллаш асосида ташкил қилиш хусусиятлари»

(13.00.04) - Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти (100052, Тошкент, Оққургон кўч., 2. Тел.: 286-19-91) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Л.Р.Айрапетьянц

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

Оппонентлар: Ф.А.Керимов, Ф.М.Пулатов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишда дзюдодо такрорий-оралиқ хусусиятга эга бўлган мусобақа фаолиятини маромига етказишга (оптималлаштириш) мўлжалланган янги, илмий асосланган ёндашув ва воситалар аниқланди, турли мамлакатларда юқори малакали дзюдочиларни тайёрлаш хусусиятлари қиёсланди ва илмий таҳлил этилди ва бу ҳолат дзюдо амалиётида мавжуд кўп услубли мусобақа тайёргарлиги жараёнини умумлаштириш ва ўзаро бойитиш имкониятини яратди, дзюдочилар махсус чидамкорлигининг локал компонентини устивор шакллантириш воситалари ўта самарали эканлиги қайд этилди.

Машғулот юкламаларининг мувофиқ модели мўлжалланган мусобақаолди тайёргарлик услубияти жорий этилди ва Ўзбекистон терма жамоалари амалиётида қўллаш учун тавсия қилинди.

Тиббиёт фанлари

Абдуллаева Мукаддас Абдуганиевна: «Хламидий-уреаплазма инфекцияси бор ҳомиладорларда, чақалоқларида иммун тизимининг ва қондаги микроэлементлар миқдорининг ўзига хос хусусияти ва коррекциялаш» **(14.00.01)** – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Д.Д.Курбанов

Иш бажарилган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ИАТМ

Оппонентлар: М.А.Махмудов, Т.Э.Тулаганов

Етакчи ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Илк бор хламидий-уреаплазма инфекцияси бор ҳомиладорларда, уларнинг чақалоқларида иммун тизимини ва микроэлементлар салмоғини корреляциявий боғлиқлигини ўрганилди. Ҳомиладорларда иммун тизимидаги Т-система депрессияга учрайди, иммуноглобулинлардан Ig G миқдорининг салмоқли ошиши ва Ig M, Ig A ва ФАН миқдорининг салмоқли камайиши, ўз навбатида токсик микроэлементлар ошиши билан корреляциявий боғлиқ. Хламидий-уреаплазма инфекцияси бор ҳомиладорларда гестацион ҳолатнинг кечишида, уларнинг ҳомиласини зарарланиши билан микроэлементоз оғирлиги ўртасида тўғридан тўғри корреляциявий боғлиқлик аниқланиб, бу циркуляциядаги эссенциал микроэлементлар концентрациясининг салмоқли пасайиши, ҳамда ҳомиладор ва чақалоқлар қон зардобиде токсик микроэлементлар миқдорининг ўсиши билан характерланади. Хламидий-уреаплазма инфекцияси бор ҳомиладорларнинг даволаш жамланмасига микроэлемент сақловчи Лакто-Флор препаратини киритилиши она ва ҳомиладаги микроэлементозни, иммун системадаги бузилишларни тиклашга имкон беради.

Джамилова Феруза Абдулхаевна: «Лейкоз билан оғриган аёлларда патологик жараёнга жинсий аъзоларнинг жалб этилиши ва уларни тўғрилаш усуллари» **(14.00.01)** – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Н.М.Мағзумова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Х.К.Фарманкулов, М.Х.Каттаходжаева

Етакчи ташкилот: Москва давлат тиббий-стоматологик университети

Илк бор лейкоз билан оғриган аёллар жинсий аъзоларининг ҳолати ўрганилди. Цервикал канал суртмаси цитологик ўрганилганда биринчи марта махсус лейкоз хужайралари – бластлар аниқланиб, бу лейкоз жараёнига жинсий аъзолар жалб этилишини исботлайди. Лейкоз ва чуқур тромбоцитопения фонида гиперполименорея билан беморларни комплекс даволашда гемостаз ва қон оқиши профилактикасига эришиш учун КОКлар қўлланилди. Даволаш схемаси ишлаб чиқилди ва

метроррагия, шунингдек лейкоз билан оғриган аёллар кимётарбияси вақтида овариопротекциянинг олдини олиш ва даволашда КОКларни қўллашнинг самарадорлиги кўрсатилди.

Мирзакаримова Дилдора Бахадировна: «Андижон шаҳридаги мактаб ўқувчиларининг антропометрик кўрсаткичларининг ёшга, шахсга ва жинсга боғлиқ хусусиятлари» **(14.00.02)** – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 218-59-41) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: И.Қ.Қосимходжаев

Иш бажарилган ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Оппонентлар: Ш.М.Ахмедов, Ш.Ж.Тешаев

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Андижон шаҳри мактаб ўқувчиларининг тана қисмларини антропометрик кўрсаткичларининг ёшга, шахсга ва жинсга боғлиқ хусусиятларини ўрганиш.

Ишда биринчи марта Андижон шаҳрида 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда жисмоний ривожланиш ўрганилди. Тадқиқот натижалари иккинчи болалик, балоғат ёши ва ўсмирлик даврида ўсиш жараёнлари давом этаётганлиги, шаклланаётганлиги ва мутаносиб уйғунлик бошланаётганлигидан далолат беради.

Ўсиш жараёнлари ва жинсий етилиш давлари нисбатидан аниқланган қонунийликлар болалар тана ўлчамларининг турли даврларда олдиндан объектив аниқлаб беришга имкон беради.

Андижон шаҳар мактаб ўқувчиларининг ёшга, шахсга ва жинсга боғлиқ белгиланган ўсиши ва ривожланишидаги ўзгаришлар ягона йўналишга эга, фарқлар фақат ўсиш жараёнларининг муддатлари ва тезлигида ифодаланади.

Ким Евгений Климентьевич: «Адгезив ўрта отитларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш» **(14.00.04)** – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 289-43-96) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.М.Маткулиев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: К.Д.Джаббаров, С.А.Хасанов

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: адгезив ўрта отит диагностикасини такомиллаштириш ва даволаш эффективлигини ошириш.

Адгезив ўрта отит билан оғриган беморларни комплекс клинико-аудиологик текширишлар эшитиш пасайиши характерини аниқлаш, товуш қабул қилиш ва ўтказиш системаларидаги ўзгаришларни эрта аниқлашга имконият яратади. Адгезив ўрта отитда МСКТ текширишини ўтказиш ногора бўшлиғидаги чандикли жараёнларни, суяк склеротик ўзгаришларни аниқлаш, боғламлар оссификацияси ёки склерози, товуш суякчаларидаги деструктив ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради. Адгезив ўрта отит диагностикаси ва даволаш усуллари алгоритми ишлаб чиқилди, эндопазоурал электрофорез усули яратилди ва амалиётда қўлланилди.

Аудиологик текширишлар натижаси асосида адгезив ўрта отит даволаш жараёнида 5% димексид эритмаси, эндопазоурал электрофорез усулини қўллаш эффективлиги аниқланди.

Махмудов Ботир Бобокулович: «Бурун ва бурун ёндош бўшлиғи папилломаси билан хасталанган беморларни даволашни такомиллаштириш» **(14.00.04)** - Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Тараққиёт кўч, 103) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: У.Л.Лутфуллаев

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт институти

Оппонентлар: Х.Э.Шайхова, Х.Э.Карабаев

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади - бурун ва унинг ёндош бўшлиғи папилломаси билан хасталанган беморлар организмида протеолиз ферментларнинг ҳолати ва уларнинг бемор организмнинг иммунологик кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўрганиш, ҳамда даволашни такомиллаштириш.

Бурун ва унинг ёндош бўшлиғи папилломаси билан хасталанган беморлар қонида калликреин-кинин тизими ферментларининг ҳолати ўрганилди. Бемор организмнинг калликреин-кинин тизими ферментларининг ҳолати билан иммунологик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик ўрганилди ва улар ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. Калликреин-кинин тизими ферментларининг фаолликлари орқали беморлар организмнинг иммунологик ҳолатига баҳо бериш мумкинлиги кўрсатилди. Булар ўз навбатида касаллик патогенези, ташҳиси ва даволаш тадбирлари белгилашда меъзон вазифасини ўташи мумкин. Бурун ва унинг ёндош бўшлиғи папилломаси билан хасталанган беморларни циклоферон ва контрикални қўллаб, бемор организмнинг иммунитет ва протеолиз ферментлари фаоллигини мўътадиллаштиришга қаратилган такомиллашган самарали усули ишлаб чиқилди.

Туляганов Абдусатор Абдувасикович: «Орттирилган сенсоневрал эшитиш заифлигини даволаш ва башоратини оптималлаштириш» (14.00.04) – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.М.Хакимов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: К.Д.Джаббаров, С.А.Хасанов

Етакчи ташкилот: Санкт-Петербург қулоқ, томоқ, бурун ва нутқ ИТИ

Ишнинг мақсади: орттирилган сенсоневрал эшитиш заифлиги (ОСЭЗ) бор болаларни нейромидин билан комплекс даволашда эшитиш аъзоси ҳолатини клинко-аудиологик баҳолаш асосида даволаш ва прогнозини оптималлаштириш.

ОСЭЗ бор болаларда нейромидинни эффективлиги аниқланди, қисқа латентли чақирилган эшитиш потенциаллари (ҚЛЧЭП), отоакустик эмиссия (ОАЭ), импедансометрия каби субъектив ва объектив методларни комплекс қўллаш натижалари асосида болаларда эшитув аъзоси ҳолати баҳоланди.

ОСЭЗда комплекс аудиологик текширув натижалари таҳлил қилинганда нейромидин дори воситасининг комплекс давога қўшиб берилганда, унинг даволаш кўрсаткичи ва касаллик прогнозига ижобий таъсири натижасида даволаш тактикасини оптималлашганлиги кўрилди. Нейромидин дори воситасини ОСЭЗ даволашда қўллаш тартиблари ва шартлари аниқлаштирилди.

Хасанов Мухтор Саидрахимович: «Болалардаги аденоидларнинг комплекс диагностикаси ва хирургик даволаш услубини такомиллаштириш» (14.00.04) – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Г.Қ.Бобохонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: А.М.Хакимов, Т.Ш.Маматова

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: болалардаги аденоидлар ва уларнинг қайталанишини комплекс диагностикаси ва хирургик даволаш услубини такомиллаштириш

Аденоидлар вегетацияси ва уларнинг қайталанишида бурун-ҳалқумни бармоқ билан текшириш усулига нисбатан, ригид эндоскоп ёрдамида юқори аниқликда бажариш мумкинлиги исботланган.

Илк бор бирламчи аденоидлар вегетацияси ва уларни қайталанишида тўқималарнинг морфологик тузилиши қиёсий таҳлил қилиб чиқилган. Аниқланишича, кичик ёшдаги болалар гуруҳидаги бирламчи аденоид вегетацияларига ўткир яллиғланишли, дисциркулятор ва дистрофик-некротик иммунореактив жараёнлар, катта ёшдагиларга эса лимфоид ва бириктирувчи тўқималарнинг сурункали иммунопролифератив ва гиперпластик жараёнлари хос.

Хабилова Наталья Глебовна: «Ортиқча тана вазнига эга беморларда сурункали панкреатит клиник кечиши хусусиятлари ва даволаш самарадорлиги» (14.00.05) – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.Т.Рустамова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: А.В.Фозилов, З.М.Орзиев

Етакчи ташкилот: Донецк миллий тиббиёт университети (Украина)

Ишнинг мақсади: ортиқча тана вазнига эга беморларда сурункали панкреатит (СП) кечиши хусусиятларини аниқлаш ва даволаш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш.

Олинган натижалар биринчи бор сурункали панкреатит билан хасталанган беморларда ортиқча тана вазнининг диагностикаси ва даволашни муқобиллаштиришга қаратилган. Сурункали панкреатит ва ортиқча тана вазни ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги, юқори тана вазнининг беморлар психоэмоционал ҳолати ва ҳаёти сифатига таъсири аниқланди. Сурункали панкреатит билан хасталанган беморларда ортиқча тана вазнининг медикаментоз ва номедикаментоз коррекциялаш усуллари самарадорлиги ўрганилди ва муқобиллаштирилди. Ортиқча тана вазнига эга беморлардаги сурункали панкреатитни даволашда, даволаш самарадорлигини оширишга ва касаллик хотимасини яхшилашга қаратилган, комплекс ёндошув ишлаб чиқилди.

Комплекс даволаш схемаларининг, ҳаёт сифати ва психоэмоционал статусни баҳолашнинг гастроэнтерологик амалиётга тадбиқ этилиши, касалликнинг эрта босқичларида юқори тана вазнига эга беморлар билан ишлашни яхшилаш борасидаги тадбирлар тизимида ва, мос равишда, даволаш муддатларининг ва хотимасининг қисқаришида муҳим омил бўлади.

Юлдашев Рафик Нуманович: «Асосий буйрак касалликларини меҳнатга лаёқатли уюлмаган аҳоли орасида тарқалиши, хатар омиллари ва профилактикаси хусусиятлари (эпидемиологик текширув)» **(14.00.05)** – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Н.С.Мамасолиев

Иш бажарилган ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Оппонентлар: Ш.М.Рахимов, А.Х.Юлдашев

Етакчи ташкилот: Қирғизистон Республикаси ССВ Кардиология ва терапия миллий маркази

Илк бора Фарғона водийсининг аёллари ва эркаклари популяциясида сурункали буйрак касалликлари (СБК) ва уларнинг хатар омилларини шаклланишининг эпидемиологик хусусиятлари аниқланган. Ушбу касалликларга бевосита алоқадор бўлган устувор 28та хатар омиллари аниқланган ва ажратилган ҳамда уларни профилактикасига оид махсус дастур ишлаб чиқилган. СБК клиник кечиши хусусиятлари аниқланган ва катта ёшли аҳоли орасида мазкур хасталикларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикаси тизими яратиб берилган.

Ишлаб чиқилган прогнозлаш амалиётини жорий этилиши ва профилактика моделини ишлатилиши кенг шифокорлар ва амалий тиббиёт муассасалари ҳамда ҳар бир миқдор учун СБК га нисбатан самарали профилактик тадбирларни “мўлжалли” режалаштириш ва амалга ошириш имкониятларини беради ёки ушбу касалликлар билан боғлиқ “охирги нуқталарни” 50,0 фоизга етиб камайтиради.

Аъзамова Зулфия Султанмуродовна: «Кўп компонентли пестицидларни босқичма-босқич гигиеник меъёрлаш (Гранстар Плюс ва Гранстар Повер препаратлари мисолида)» **(14.00.07)** - Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ш.С.Бахритдинов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Г.Т.Искандарова, А.У.Содиқов

Етакчи ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Илмий тадқиқотларни ўтказишдан мақсад Гранстар Плюс ва Гранстар Повер препаратлари мисолида кўп компонентли пестицидларни босқичма-босқич гигиеник меъёрлашдир.

Кўп компонентли пестицидларни физик-кимёвий ва токсик-гигиеник кўрсаткичлари ўртасидаги бевосита корреляцион боғланиш ўрганилди. Гранстар Плюс ва Гранстар Повер препаратларининг атмосфера ҳавоси, сув ҳавзалари суви ва озиқ-овқат маҳсулотларида гигиеник меъёрлари асосланди. Гранстар Повер препаратини абсолют, минимал ва ўртача ўлим дозалари, бўсаға дозалари ва сурункали экспериментда энг сезгир кўрсаткичлари аниқланди. Кўп компонентли пестицидлар билан ишловчиларининг меҳнат шароити ўрганилди ва уни оптималлаштириш учун гигиеник тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Кўп компонентли пестицидлар Гранстар Плюс ва Гранстар Повер препаратлари мисолида меъёрлаштиришнинг босқичма-босқич амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан тасдиқланган услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва Давсанэпидназорат ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси муассасалари амалиётида тадбиқ қилинди.

Иногамова Валида Вахидовна: «Нефрологик касалликлари бирламчи ва иккиламчи профилактикасининг гигиеник аспектлари» (14.00.07, 14.00.33) – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 214-84-16, факс: 150-78-28) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Л.А.Пономарева

Илмий маслаҳатчи: А.С.Бабаджанов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Ш.Т.Искандарова, П.Р.Менликулов

Етакчи ташкилот: Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон шароитида нефрологик касалликларни келиб чиқиши ва ривожланишига олиб келувчи тиббий-биологик, гигиеник ва ижтимоий-гигиеник хавф омилларни ўрганиш асосида бу касалликларнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси бўйича тадбирларни илмий асослаш.

Биринчи маротаба ЎзР буйрак касалликлари эпидемиологиясини асосий қонуниятларини ўрганиш ўтказилди: ЎзР ва Тошкент шаҳри бўйича касалликлар даражасини ўсиши бўйича турғун тенденция аниқланди. Республика вилоятлари бўйича ва йирик шаҳар маъмурий туманлари бўйича ҳудудий боғлиқлик борлиги аниқланди. Ўсмирлар ва аёллар ўртасида бирламчи касалланишнинг юқори даражаси қайд этилди. Организмга атмосфера ҳавоси ва ичимлик сув билан тушадиган баъзи кимёвий моддаларни дозали юқламаси турли катталиклари шаклланиши кўрсатилди. Тиббий-биологик ва ижтимоий-гигиеник хавф омилларини ўрганиш ва баҳолаш бўйича ўтказилган кўп режали тадқиқотлар хавф гуруҳини шакллантиришни илмий асосини ишлаб чиқиш ва нефрологик касалликларни профилактикаси бўйича популяцион-йўналтирилган тадбирларни тавсия этиш имконини берди.

Ахмедова Эльвира Парыховна: «Биорегуляцияловчи терапияни гипертоник ретинопатия мавжуд қари ва кекса ёшдаги беморлар ҳаёт сифатига таъсири» (14.00.08, 14.00.53) – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараккиёт кўч., 103) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбарлар: Х.М.Камилов, С.В.Трофимова

Иш бажарилган ташкилотлар: Тошкент врачлар малакасини ошириш

институту, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази

Оппонентлар: Ф.А.Бахритдинова, М.М.Дьяконов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Биорегуляцияловчи терапияни гипертоник ретинопатияли кекса ва қари ёшдаги беморларнинг кўрув аъзоларининг клиник-функционал ҳолатига ва ҳаёт сифатига таъсирини ўрганиш ва уни клиник-патогенетик жиҳатдан асослаш.

Гипертоник ретинопатия мавжуд кекса ва қари ёшдаги беморларда кўрув аъзоларининг клиник-функционал, кўз ёшидаги биокимёвий ўзгаришлари ва ушбу ўзгаришларни беморлар ҳаёт сифатига таъсири аниқланди.

Артериал гипертензияли беморларда касалликни эрта аниқлаш, олдини олиш ва кўрув аъзоларидаги асоратларни даволаш самарадорлигини баҳолаш учун “Ҳаёт сифатини баҳолаш шкаласи” сўровнамаси ишлаб чиқилди.

Гипертоник ретинопатияли кекса ва қари ёшдаги беморлар ҳаёт сифатини ошириш ва кўрув функцияларини яхшилаш мақсадида стандарт гипотензив терапияга пептид нейропротектор кортексинни қўшилиши патогенетик жиҳатдан асосланди, бу эса соғлиқни сақлашни ижтимоий-иқтисодий масалаларини ечимини топишга имкон беради.

Мирхаликов Равшан Артикбаевич: «Қўнғир катаракта лазер экстракцияси факофрагментация технологик босқичларини такомиллаштириш» (14.00.08) –

Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 150-78-25. Факс: 150-78-28) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.М.Камилов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Оппонентлар: А.У.Закиров, Б.Т.Бузруков

Етакчи ташкилот: Қозоғистон Кўз касалликлари ИТИ

Ишнинг мақсади: Қўнғир катаракта лазер экстракцияси факофрагментация технологик босқичларини такомиллаштириш.

Бугунги кунда қўнғир катаракта экстракцияси амалиёти вақтида ва ундан сўнг бир қатор асоратлар кузатилади ва бу ҳол охириги ҳисобда даволаш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Қўнғир катаракта лазер экстракцияси амалиётида лазер энергияси кўрсаткичларини оптималлаштириб периферик вакуум фиксацияси ва факофрагментацияси усули ишлаб чиқилган.

Қўнғир катаракта лазер экстракцияси технологик босқичлари такомиллаштирилганда амалиёт вақтида ва ундан сўнг учрайдиган асоратлар камайиши ва кўриш ўткирлигининг юқори бўлиши клиник-функционал кузатувлар билан аниқланган.

Сидиков Жахонгир Зафарович: «Метаболик синдроми бор беморларда катаракта экстракциясида операциядан кейинги даврни кечиши» **(14.00.08)** – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.Х.Каримова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: А.У.Закиров, А.Р.Худойбердиев

Етакчи ташкилот: Россия ССВ «Кўз микрохирургияси» ФДК

Ишнинг мақсади: метаболик синдромли беморларда катаракта экстракциясида операциядан кейинги даврни кечишини ва унга симекарни таъсирини ўрганиш.

Қиёсий экспериментал-морфологик, клиник ва ультратовушли биомикроскопик текширувлар асосида метаболик синдромли операциядан олдинги коррекциясидан сўнг операцион ярани тез ва физиологик битиши кўрсатиб берилди. Метаболик синдромли симекар билан коррекцияси муҳитида кўз операциядан кейинги клиник реакцияси сезиларли паст ва экссудатив-геморрагик реакцияни камроқ ифодаланиши ҳамда унинг кўринишларини тез нивелирланиши исботланди.

Джагарян Аида Дмитриевна: «Болаларнинг она қорнида оддий герпес вируси билан зарарланиш ҳавфини стратификациялаш» **(14.00.09)** - Тошкент педиатрия тиббиёт институти (100140, Тошкент, Боғишамол кўч., 223, Тел.: 260-31-26, факс: 262-33-14) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.А.Агзамова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: Ф.М.Шамсиев, Б.Т.Халматова

Етакчи ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Ишнинг мақсади: Клиник, серологик, тиббий-биологик кўрсаткичлар ва юрак уриш мароми ўзгарувчанлигининг спектрал параметрлари асосида болаларнинг оддий герпес вируси билан она қорнида зарарланиш ҳавфини даражалаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Жисмоний ва психомотор ривожланиш даражаси ва уйғунлиги таҳлил этилди, шунингдек оддий герпес вируси билан зарарланган илк ёшдаги болалар соғлиги ҳолати ўрганилди. Юрак уриш мароми ўзгарувчанлигининг даражали баҳолари бўйича она қорнида зарарланишнинг дифференциал белгилари аниқланди.

Математик моделлаш усули ёрдамида она қорнида оддий герпес вируси билан зарарланишнинг уч даражали стратификацион шкаласи юрак уриш мароми ўзгарувчанлигининг клиник, спектрал хусусиятлари ва даражали баҳоланиши асосида ишлаб чиқилди.

Ҳавфни баҳолашнинг стратификацион шкаласи бирламчи соғлиқни сақлаш бўғини шароитларида болаларни она қорнида оддий герпес вируси билан зарарланишини эрта аниқлаш ва диспансер назоратга олиш бўйича чора-тадбирларни оптималлаштиради.

Убайдуллаева Севара Абдуллаевна: «Обструктив бронхит болаларда қазамикқа қарши эмлаш самарадорлигини ошириш» **(14.00.09)** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти (100140, Тошкент, Боғишамол кўч., 223. Тел.: 260-31-26, факс: 262-33-14) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Э.А.Шомансурова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: Т.А.Бобомурадов, А.А.Умарова

Етакчи ташкилот: Москва тиббиёт академияси

Ишнинг мақсади: обструктив бронхит болаларда клинко- иммунологик хусусиятларини, қазамикқа қарши иммунитетни ўрганиш ва қазамикқа қарши эмлаш бўйича тавсияларини асослаш. Илк ёшдаги обструктив бронхит болаларда Т-лимфоцитлар (СД3) ва унинг иммунорегулятор субпопуляциялари Т-хелперлар (СД4), (СД8) – Т-супрессорлар умумий сонини камайиши, лимфоцитларда CD16+нинг юқори экспрессияси билан юзага чиқувчи иммун тизимнинг фаолияти бузилиши аниқланди, бу эса ўтказилган корреляцион таҳлилга асосан обструктив бронхит болаларида касалликнинг авж олган вақтида инфекцияга қарши иммун жавобни функционал нотўлиқлигини ва қазамикқа қарши иммунитетнинг тўлиқ ҳосил бўлишига тўсқинлик қилишини кўрсатади.

Обструктив бронхит болаларида В-лимфоцитлар ортиши фонида Ig E юқори кўрсаткичи кузатилиши аниқланди ва бу эса болаларда кейинчалик бронхиал астманинг ривожланиши бўйича назоратга олиш лозимлигини талаб қилади.

Иммуномодулятор дори воситаси Рибомунил – обструктив бронхит болаларда қўллаганда йўлдош инфекция қўшилишини ва қазамикқа қарши эмлашдан кейинги даврдаги асоратларни олдини олиши исботланди.

Бикбова Елена Анатольевна: «Захми даволашнинг олис натижаларини таққосий тавсифи» **(14.00.11)** – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.Ш.Ваисов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: С.С.Арифов, Т.У.Арипова

Етакчи ташкилот: ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология ИАТМ

Заҳмининг эрта шаклларини экстенциллин ва цефтриаксон билан даволаш самарадорлиги сувда эрувчан пенициллин билан таққосий равишда ўрганилди. Заҳм билан касалланган ва серологик резистент шахсларда иммун ҳолат кўрсаткичлари ўрганилди. Биринчи маротаба қон зардобидеги IFN-α, ИФН-γ, ИЛ-4 миқдори ўрганилди. Инфекцион жараён фаоллик даражаси, инфекцияни персистенцияси фаоллигини баҳоловчи ва коррекцияловчи даволаш схемасини танлашга имкон берувчи интерферон бўғинидаги нуқсон аниқланди. Серорезистентли беморларда Т-лимфоцитлар фаоллашиш маркери CD25+ миқдорий кўрсаткичлари ва CD95+ апоптоз омили, ҳамда махсус инфекцион антиген мавжудлигини кўрсатувчи табиий-киллерлар фаоллиги аниқланди. Биринчи марта серорезистентли беморларни комплекс даволашда бузилган иммун статус ва цитокинлар профилини меъёрлаштириш мақсадида трепонемоцид таъсирли антибиотиклар билан бир қаторда интерферон индуктори циклофен қўлланилди.

Олинган натижалар заҳм касаллигида даволаш-профилактика чоралар самарадорлигини оширишга, амбулатор шароитда қулай бўлган, юқори хавф гуруҳида беморлар билан ишлаш учун иқтисодий қулай даволаш усуллари самарасини оширишга имкон беради.

Маркелов Владимир Фёдорович: «Тери касалликлари, жинсий йўл орқали юқадиган инфекциялар, синдромлар ва уларни даволаш чоралари» **(14.00.11)** – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.С.Арифов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Оппонентлар: А.Ш.Ваисов, А.М.Маннанов

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Биринчи маротаба дерматовенеролог амалиётида учрайдиган кенг тарқалган, кам учрайдиган, атипик дерматозлар ва ЖИБЮИ, синдромлар, симптомлар, терминларнинг илмий асосланган энциклопедик луғат маълумотнома яратилди.

Дерматовенерологик касалликлар, синдром, симптом ва тушунчаларни этиопатогенези ва клиникасини ҳисобга олиб даволаш усуллари амалиётга тадбиқ этиш даволаш самарасини ошириш ва полипрагмазияни олдини олишга олиб келади.

Саатов Ботир Талъатович: «Витилигонинг ривожланиш механизмини клиник-биокимёвий тадқиқоти ва патогенетик даволаш услубини ишлаб чиқиш» **(14.00.11)** – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.С.Арифов

Иш бажарилган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология ИАТМ

Оппонентлар: А.Ш.Ваисов, А.Н.Арипов

Етакчи ташкилот: Қозоғистон миллий тиббиёт университети

Витилигога учраган беморларда қалқонсимон без функционал фаоллигининг ишончли пасайиши исботланган. Витилиголи беморларнинг териси ва қон зардобидида илк бор фосфолипидлар таркиби аниқланган. Беморлар терисининг ҳам жароҳатланмаган, ҳам депигментацияга учраган қисмларида фосфолипид фракциялари таркибининг ўзгариши кўрсатилган. Нормага нисбатан витилиголи беморлар терисининг жароҳатланмаган ва жароҳатланган қисмларида лизофосфатидилхолин ҳамда фосфолипидларнинг кислотали фракциялари миқдорини ортиши ва нейтрал фракциялари миқдорини камайиши кузатилган. Беморлар қон зардобидида умумий холестерин концентрациясининг кескин камайиши витилигога хос бўлган хусусият эканлиги кўрсатилган. Витилиголи беморларнинг териси ва қонидида оксидатив стресснинг юқори даражада эканлиги аниқланган ва бу ҳолат липидлар пероксидланишининг жадаллашуви ва антиоксидант тизимининг пасайиши орқали намоён бўлади. Биокимёвий текширишлар натижаларига асосланиб, витилигони даволашда юқори терапевтик самарадорликка эга бўлган, липосомали препарат ишлаб чиқилган.

Реймназарова Гульсара Джамаловна: «Меъёрдаги ҳомиладорликда ва даволанган захмдаги ҳомиладор аёллар йўлдошининг структур-функционал ҳолати» **(14.00.15)** – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 214-83-11, факс: 218-59-48) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.А.Магруппов

Иш бажарилган ташкилот: Ташкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: З.Г.Тухватуллина, А.М.Дауреханов

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Нормал кечувчи ҳомиладорликда ва даволанган захмдаги ҳомиладор аёллар йўлдошининг ҳар хил соҳаларини морфологик ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Илк бор нормал ҳолатда кечган ҳомиладорликда ва захмнинг ҳар хил шаклларида чалинган, ҳамда махсус захмга қарши даволанган ҳомиладор аёллар йўлдошининг ҳар хил анатомик соҳаларида комплекс морфологик, морфометрик тавсифлар берилди.

Заҳмга чалинган ҳомиладорлар йўлдошининг ҳар хил соҳаларидаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичларига кўра, чет қисмларида томирлар сонининг кўпайиши, облитерацияланувчи ангиопатия – томирлар деворининг склерози, массив фибриноид некроз ўчоқлари, децидуит ва ўчоқли лимфоплазмозитар инфильтрация аниқланган.

Ўтказилган махсус захмга қарши даволаш усуллари қўлланишига қарамасдан йўлдошда захм инфекциясига оид ўзгаришлар, яллиғланиш белгилари сақланади, бу даволаш услубининг самарадорлигининг камлигидан далолат беради. Бу яллиғланиш патогенетик механизмларини бартараф этувчи мукамаллаштирилган даволаш усуллари ишлаб чиқиб, захмда йўлдошда ривожланадиган патогенетик механизмларни инobatга олган ҳолда қўшимча воситалар киритиш заруриятидан далолат беради.

Сайфуллаева Саида Акрамжоновна: «Меъда ярали зарарланишида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар патогенезида нитрерик тизимнинг ўрни» (14.00.16) – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 214-83-11) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.О.Охунов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Ё.У.Закиров, Ш.З.Косимов

Етакчи ташкилот: Москва тиббиёт академияси

Ишнинг мақсади меъда ярали зарарланишида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар патогенезида нитрерик тизимнинг ўрнини аниқлаш.

Ульцерогенез чақирилган ҳайвонларда ошқозон резекцияси ва ваготомиядан кейинги меъдада учрайдиган асоратлар ривожланиши механизмида NO-тизим ўрнини ўрганиш бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказилган. Меъда шиллиқ қавати тўқималари микросомаларида NO-тизим дисбаланси ульцерогенезда резекция ва ваготомиядан кейинги асоратлар муҳим патогенетик омил бўлган монооксигеназ тизими фаоллигини сусайиши, липидларнинг пероксидланишини жадаллашуви, антиоксидант тизими ферментлари депрессияси ва проапоптик жараёнлар фаоллашиши билан ўзаро боғлиқдир.

Олинган янги маълумотлар резекция ва ваготомиядан сўнг учрайдиган асоратлар патогенези тўғрисидаги назарий билимларни кенгайтиради, ҳамда меъда ярали зарарланишида ўтказиладиган жарроҳлик амалиётини режалаштиришда NO-тизим, монооксигеназ ва антиоксидант тизимлар, ҳамда липидларнинг пероксидланиши фаоллигини эътиборга олиш кераклигини кўрсатади.

Ахмедов Жамшид Хусанович: «Аллергик муҳитдаги беморларни акрилатлар билан протезлашда клиник-иммунологик асослаш» (14.00.21) – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.И.Ирсалиев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Х.П.Камилов, Х.Ю.Ахмедова

Етакчи ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Ишнинг мақсади: клиник-иммунологик текширувларни ўтказиш ва унинг асосида базис пластмассаларини аллергия муҳитдаги беморлар оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига аллергия таъсирини прогнозлашга ёндошишни ишлаб чиқиш.

Ҳозирги пайтда ишлатилаётган базис материалларини, шу жумладан акрил пластмассаларининг баъзилари аллергия чақириб, организмда кўтара олмасликни келтириб чиқариши аниқланди. Бу охир-оқибатда организм умумий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Стоматологик амалиётда НСТ-тестини пластмасса мономерини билан in-vitro қўллаш протезлашдан олдин беморларда тиш қатори пластмассасига аллергия реакция ривожланиши эҳтимоли даражасини аниқлашни, базис материални танлашни оптималлаштиришни ва протезлашдан кейин аллергия реакциялар учрашини камайтириш имконини беради.

Акрил пластмассасидан тайёрланган олиб қўйиладиган тиш протезларига клиник, микробиологик ва иммунологик фойдаланиш самарадорлиги берилди.

Камалова Феруза Рахматиллаевна: «Болаларда ўткир йирингли периоститни даволаш ва асоратларни олдини олишни такомиллаштириш» (14.00.21) – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел: 150-78-25, факс: 150-78-28) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.И.Азимов

Иш бажарилган ташкилотлар: Бухоро давлат тиббиёт институти,
Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Ш.Ю.Абдуллаев, Л.Г.Баженов

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ишнинг мақсади комплекс даволашга бактериал лизат ИРС-19 ни қўшиш билан ўткир йирингли периоститни даволашни такомиллаштиришдир.

Олинган натижаларга кўра, 2-5 ёшли болаларда сурункали периодонтитни қайталаниши билан периоститни ривожланиши каби кариес асоратларини юқорилиги аниқланди, бу эса мактабгача бўлган муассасаларда профилактик ишларни такомиллаштириш заруриятини туғдиради.

Йирингли периоститни комплекс даволашда бактериал лизатларни (ИРС-19) қўшилиши оғиз суяқлиги номахсус химоя омиллари фаоллигини ошириш ҳисобида беморларни даволаниш муддатларини камайтиради ва одонтоген остеомиелит ёки флегмонага ўтиш эҳтимолини олдини олади.

Махмудов Алишер Ахмедович: «Юз скелети нуқсон ва шакл бузилишлари хирургик даволаш усулларини қиёсий баҳолаш» (14.00.21) – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 103. Тел.: 150-78-25, факс: 150-78-28) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Ю.Абдуллаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: М.З.Дусмухамедов, А.А.Абдукадиров

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: ташхислаш ва хирургик даволаш усулларни оптимизациялаш билан юз скелети суяқлари нуқсон ва шакл бузилишлари бор беморлар реабилитациясини мукаммаллаштириш.

Операциядан олдинги ташхислар мажмуаси бош суягининг мультиспиралли компьютер томографиясини ва ушбу патологияга эга беморларни даволашни сезиларли яхшилаш имконини берадиган имплантатларнинг аниқ шакли ва ўлчамларини шакллантиришга шароит яратадиган компьютер дастурининг киритилиши билан такомиллаштирилди.

Хирургик даволашнинг оптимал усулини танлашни кенгайтирадиган, жағ суяги нуқсонини тўғрилаш учун биоситалдан тайёрланган армирилланган имплантат ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилди.

Аллаяров Улугбек Джураевич: «Ўт тошининг катта дуоденал сўрғичда қисилиши диагностикаси ва жарроҳлик тактикасининг ўзига хос хусусиятлари» (14.00.27) – Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази (100107, Тошкент, Фарход кўч., 10. Тел.: 277-69-10, факс: 277-04-94) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.М.Хаджибаев

Иш бажарилган ташкилот: РШТЁИМ

Оппонентлар: Н.У.Арипова, А.В.Девятков

Етакчи ташкилот: Хирургия илмий маркази (Алма-Ата)

Ишнинг мақсади беморларда ўт-тош касаллигининг илк диагностика ва жарроҳлик давоси даврида ўт тошининг катта дуоденал сўрғичда қисилишини шошилиш дуоденоскопия қўллаб аниқлаш ва даво тактикасини яхшилашдан иборат.

Иш Республика шошилиш тез тиббий ёрдам илмий марказида 2000-2008 йиллар давомида ўт тошининг катта дуоденал сўрғичда қисилиши билан текширилган ва даволанган 87 беморнинг таҳлил натижаларига асосланган. Холедохолитиазда ўт тошининг катта дуоденал сўрғичда қисилиш частотаси катта клиник материалда ўрганилган. Клиник таҳлил асосида ўзига хос белгилар, қўшма асоратлар ва уларнинг ривожланиш даври аниқланди. Ўт тошининг катта дуоденал сўрғичда қилиши диагностикаси ва даволашда шошилиш эзофагогастроуденофиброскопиянинг юқори самарадорлигини исботланди. Ўт тош касаллигининг ўткир панкреатит, йирингли холангит, механик сариклик каби асоратларига ўт тошининг катта дуоденал сўрғичда қисилиши сабаб бўлиши исботланди.

Ишда ўт тоши катта дуоденал сўрғичда қисилганда шошилиш дуоденоскопия ва папиллосфинктеротомия амалиётининг бажарилиш услугига кўрсатмалар аниқлаштирилган.

Клиник белгилар натижалари, инструментал текшириш хулосалари ва жарроҳлик амалиётлари таҳлиliga асосланиб ўт тошининг катта дуоденал сўрғичда қисилиши даво-ташхисот алгоритми ишлаб чиқилди.

Бойназаров Исмоил Хайитмуродович: «Холедохолитиазнинг ўткир йирингли холангит билан асоратланишини ташхислаш ва даволаш»

(14.00.27) - Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази (100115, Тошкент, Фарход кўч., 10. Тел.: 277-69-10) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.К.Алтиев

Иш бажарилган ташкилот: Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази

Оппонентлар: Ш.А.Дадаев, А.Е.Аталиев

Етакчи ташкилот: РТФА Хирургия илмий маркази (Москва)

Ишнинг мақсади - Ўт йўллари эндоскопик декомпрессияси ва санация қилиш йўли билан механик сарийлик, йирингли холангит билан асоратланган холедохолитиазда ташхислаш ва даволаш самарасини ошириш.

Ишда Республика миқёсида, катта клиник манба асосида ўт йўллари санация қилишда фурацилин, диоксидин ва гипохлорит натрийнинг 0,06% эритмаларининг клиник аҳамияти ва хусусиятига баҳо берилди. Холедохолитиаз, механик сариклик ва йирингли холангит билан хасталанган беморлар ҳт йўллари аэроб ва анаэроб микроорганизмлар билан зарарланиш даражаси ва уларнинг антисептик эритмаларига сезувчанлиги параллел равишда ўрганилди.

Ўт йўллари эндоскопик назобилиар ва оператив найчалашнинг техник тамоиллари, уларни бажариш усуллари, камчиликлари ўрганиб чиқилиб, бунинг асосида назобилиар найчалаш услуги такомиллаштирилди. Ўт йўллари натрий гипохлоритнинг 0,06% эритмаси билан санация қилишнинг ўзига хос услуги таклиф қилинди.

Изланиш натижалари асосида холедохолитиаз, механик сариклик ва йирингли холангит билан хасталанган беморларда эндовизуал ва анъанавий жаррохлик усуллари дифференциал равишда қўллашга асосланган янги такомиллаштирилган ташхислаш-даволаш тизими яратилди.

Хаджибаев Фарход Абдухакимович: «Ичаклараро ва билиодигестив анастомозларни шакллантириш усуллари такомиллаштириш» **(14.00.27)** - Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази (100115, Тошкент, Фарход кўч., 10. Тел.: 277-25-22) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.А.Акилов

Иш бажарилган ташкилотлар: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази

Оппонентлар: Ф.А.Черноусов, Ш.З.Касымов

Етакчи ташкилот: Тез тиббий ёрдам ИТИ (Санкт-Петербург, Россия)

Ишнинг мақсади - қорин бўшлиғи аъзоларида ўтказиладиган шошилинич амалиётларнинг натижаларини ташқи каркас қўйиш ёрдамида ичаклараро ва билиодигестив анастомозларни шакллантириш усуллари такомиллаштириш орқали яхшилаш.

Биринчи бор ичаклараро ва билиодигестив анастомозларни металл каркасда тикиш усули ишлаб чиқилди. Ушбу усулда ичаклараро ва билиодигестив анастомозларни шакллантириш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳамда унинг афзалликлари экспериментда ўрганилди ва асосланди. “Меъда-ичак тракти анастомозларини қўйиш учун мослама” фойдали моделга патент олинди. Ичаклараро анастомозларни қўйишнинг таклиф қилинаётган усули қўлланилганда операциядан сўнги эрта даврда чок этишмовчилиги ва кечки даврда анастомоз стенози асоратлари деярли учрамаслиги исботланди. Анастомозларни металл каркас билан қўйишнинг таклиф қилинаётган янги усули ичаклараро ва билиодигестив уламаларни шакллантиришни талаб қилувчи ингичка ичак, йўғон ичак ва жигардан ташқари ўт йўллари касалликларини хирургик даволаш натижаларини яхшилашга имкон берди.

Эшонходжаев Отабек Джураевич: «Трахеянинг чандиқли торайишини ташхислаш ва босқичли эндохирургик даволаш тактикасини такомиллаштириш» **(14.00.27)** – Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази (100115, Тошкент, Фарход кўч., 10. Тел.: 277-69-10, факс: 277-04-94) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ф.Г.Назиров

Иш бажарилган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази

Оппонентлар: Н.Ф.Кротов, Э.С.Джумабаев

Етакчи ташкилот: РТФА Хирургия илмий маркази (Москва)

Ишнинг мақсади ташҳисот ва хирургик даволаш босқичларида замонавий технологияларни татбиқ этиб трахеянинг чандиқли торайиши билан беморларни даволаш натижаларини яхшилаш.

Трахеянинг чандиқли торайиши билан оғриган 101 беморни ретроспектив ва проспектив текширув кўрсаткичлари, клиник кечими, эндоскопик ва хирургик даволаш натижалари таҳлили ушбу тадқиқотнинг асосини ташкил қилди. Тадқиқотда катта клиник материал асосида эндоскопик лазерли фотодеструкция, бужлаш, стентлаш ва трахеядаги реконструктив операцияларни ўз ичига олувчи турли босқичли жарроҳлик усулларни қўллаб трахеянинг чандиқли торайишини комплекс даволаш натижалари илк бор ўрганилган ва берилган. Клиник ташҳисот асосида чандиқли стеноз давомийлигининг ёшга, стенознинг шаклланиш муддатларига, шунингдек трахеяга таъсирнинг этиологик шакллари ва стенознинг жойлашишига боғлиқлиги аниқланган. Трахеянинг чандиқли торайиши ташҳисотида 3D-реконструкция ва виртуал бронхоскопия билан мультислайс компьютерли томографиянинг юқори самарадорлиги ва ахборотлилиги кўрсатилган. Замонавий технологияларни қўллаб трахеянинг чандиқли торайиши билан оғриган беморларни комплекс текширувдан ўтказиш ва босқичли даволаш илмий асосланган. Ишда трахеяни чандиқли стенозида тезкор ва режали эндохирургик реканализация ва жарроҳлик усулларида кўрсатмалар аниқланган.

Трахеянинг чандиқли торайишларини эндоскопик ва хирургик даволашнинг турли усуллари натижаларини таҳлил қилиш асосида даво-ташҳисот алгоритми ва стенознинг давомийлигига боғлиқ ҳолда ташҳисот ва даволашнинг юқори технологик усулларини қўллаб, комбинацияланган босқичли даволаш тактикаси ишлаб чиқилди.

Ермекбаева Акбал Урдабаевна: «Оролбўйи ҳудудидаги талаба ёшларнинг соматик, репродуктив саломатлиги ва турмуш тарзи тавсифи» **(14.00.33)** - Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: П.Р.Менликулов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Оппонентлар: Х.Е.Рустомова, А.С.Бабаджанов

Етакчи ташкилот: Қозоғистон Республикаси ССВ Жамият саломатлигини сақлаш олий мактаби

Ишнинг мақсади: Соматик касалланиш репродуктив саломатлик ва турмуш тарзини ўрганиш асосида ёшлар саломатлигига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва уларни камайтириш ҳамда бартараф этишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Коллеж талабаларининг касалланиш даражасини уларнинг яшаш тарзи, шароитлари ва ўқув жараёнига боғлиқлиги исботланди. Тиббиёт коллежлари талабаларининг касалланишини ўрганиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш усуллари бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт коллежлари ўқув жараёнига ва маҳаллий даво-профилактика муассасалари амалий фаолиятига тадбиқ этилган. Соғлиқни сақлаш амалиётига талаба ёшлар соматик ва репродуктив саломатлигини ҳамда уларга тиббий ёрдам кўрсатиш кўламини яхшилаш имконини берувчи ташкилий ва тиббий-ижтимоий чора-тадбирлар комплекси тақлиф этилди.

Тадқиқот натижаларидан Қорақалпоғистон тиббиёт коллежлари ўқув жараёнида фойдаланилмоқда. Талаба ёшларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг аниқланган ва тақлиф этилган кўлами ҳамда характери маҳаллий соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари томонидан ушбу муассасага бириктирилган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни режалаштиришда фойдаланилмоқда.

Рахимов Абдураим Фозилович: «Ҳарбий хизматни ўташ шароитларида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси перфорациясининг хавф омиллари ва ушбу касалликни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари» **(14.00.33, 14.00.27)** – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбарлар: Д.А.Асадов, Х.А.Акилов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Оппонентлар: А.С.Бабаджанов, Ш.З.Косимов

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган шахсларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак перфоратив ярасининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи хавфли омилларни аниқлаш, чақирув ёшидаги ўсмирлар ва хизматга янги келган ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилаётган даволаш-соғломлаштириш тадбирларининг самарадорлигини яхшилашга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак перфоратив яра касаллиги кўп учраши тўғрисида янги ва объектив маълумотлар олинди. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак перфоратив яраси келиб чиқишига сабаб бўлувчи бир қатор хавфли омилларнинг тутган ўрни аниқланди. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак перфоратив ярасини тиббий асбоблар ёрдамида аниқлаш усуллариининг ишончлилиги тўғрисида объектив маълумотлар берилган. Чақирув ёшидаги ўсмирлар ва хизматга янги келган ҳарбий хизматчилар ўртасида даволаш-соғломлаштириш тадбирлари самарадорлигини янада яхшилашга қаратилган методологик йўналишлар ишлаб чиқилди. Вазн етишмовчилиги аниқланган муддатли ҳарбий хизматчиларга нисбатан режимли чеклов чоралари комплекси жорий этилди. Ёшларни ҳарбий хизматга чақиришда уларнинг бўйи ва вазни бўйича жорий этилган чекловлар перфоратив гастродуоденал яра билан хасталаниш даражасини 28,6%га камайтириш имконини берди. Ярали касаллик асоратларини олдиндан аниқлаш бўйича бир қатор тадбирлар тизими ишлаб чиқилди. Соғлиқни сақлаш муассасаларига вазн етишмовчилиги аниқланган шахслар орасида даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ўтказиш бўйича тавсиялар берилди.

Юсупова Зульфия Мураддиновна: «Қишлоқ жойларида яшовчи болаларда ривожланишнинг туғма нуқсонлари» (14.00.33) – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 214-83-11) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.С.Бабаджанов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонетлар: У.А.Каримов, С.И.Исмаилов

Етакчи ташкилот: Жанубий Қозоғистон давлат фармацевтика академияси

Ишнинг мақсади: ЎзРнинг қишлоқ жойларида яшовчи болаларда ривожланишнинг туғма нуқсонлари шаклланишига ҳамда аёллар саломатлигининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи устувор таҳлика омилларини аниқлаш асосида туғма аномалиялар даражасини пасайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирлари тизимини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш.

Пахта экиладиган ва боғдорчилик-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда яшовчи болалардаги туғма нуқсонлар даражаси ва таркиби ҳақида маълумотлар олинди. Туғма патологияли ва патологиясиз болаларнинг умумий касалланиш даражасидаги ишонарли тафовутлар аниқланган. Туғма патологияли болалари бор бўлган оналарнинг саломатлиги баҳоланган, уларнинг ижтимоий мавқеи ва турмуш тарзи тавсифланган. Таҳликининг устувор омиллари ажратилган ва уларнинг болаларда туғма патологиянинг шаклланишига таъсир этиш даражаси аниқланган. Туғма патологияли болаларга ҳамда уларнинг оналарига тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича профилактика чора-тадбирлари ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ жойлари учун хусусиятли бўлган омилларга боғлиқ равишда ривожланишнинг туғма нуқсони мавжуд бўлган болаларнинг туғилиш таҳликасини башоратлаш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсияномаларнинг тадбиқи тиббиёт ходимларига ривожланиш патологияси мавжуд болалар туғилишининг юқори таҳликаси мавжуд бўлган аёллар гуруҳини ўз вақтида аниқлашга ва ушбу бузилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ўтказишга кўмаклашади.

Қабулов Қахраман Мадраимович: «Орол бўйи худудида перинатал ўлимнинг тиббий ва ижтимоий қирралари» (14.00.33) – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 214-83-11) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.М.Маматқулов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонетлар: П.Р.Менликулов, Д.Д.Қурбонов

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Қорақалпоғистон Республикасида перинатал ўлимнинг асосий ижтимоий - гигиеник ва тиббий омилларга боғлиқлигини чуқур комплекс ўрганиш, хавф омилларини аниқлаш ва уни камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Қорақалпоғистон Республикасида перинатал ўлим кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга. Перинатал ўлимнинг 38,6% - антенатал даврга, 10,4% - интранатал даврга, 51,0% - постнатал даврга тўғри келади. Перинатал ўлимнинг бевосита сабаблари ичида етакчи ўринларни асфиксия, туғруқдаги жароҳатлар, ўсишнинг секинлашиши ва овқатланишнинг пастлиги, туғма аномалиялар ва ателектаз эгаллаган. Ҳомиладорлик даврида перинатал ўлимнинг даражасига таъсир қилувчи омиллар қаторига: эрта ёшда турмушга чиқиш, олдинги ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари, бола туғилгандаги онанинг ёши, оиладаги салбий рухий ҳолат, онанинг экстрагенитал касалликлари, ҳомиладорлик асоратлари киради. Туғруқ даврида ва ундан кейин перинатал ўлим даражасига

таъсир қилувчи етакчи омилларга: туғруқ вақтидаги асоратлар, ҳомиладорликнинг муддати, киндик патологияси, туғиш вақтидаги оператив муолажалар ва бошқалар киради. Ҳомиладорлар ва чақалоқларда перинатал ўлим хавфи даражасини аниқлашга ёрдам берувчи прогностик жадвал ҳамда илмий амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдусаматов Бобир Закирович: «Болаларда ўткир аппендицитни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш» (14.00.35) - Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази (100115, Тошкент, Фарҳод кўч., 10) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Т.Салимов

Иш бажарилган ташкилот: Республика болалар кам инвазив ва эндовизуал хирургия илмий-амалий маркази

Оппонентлар: Л.М.Рошаль, Ю.М.Ахмедов

Етакчи ташкилот: Москва давлат тиббий-стоматология университети

Ишнинг мақсади: болаларда ўткир аппендицит ташхисланишини оптималлаштириш ва даволаш натижаларини яхшилаш.

Болаларда ўткир аппендицитнинг морфологик шаклини ташхислашда чувалчангсимон ўсимтани ультратовушли текширишнинг самарадорлиги баҳоланган ва УТТ-мезонлари беморларнинг ёшига мувофиқ системага келтирилган. Ўткир нодеструктив аппендицитни лапароскопик ташхислашга янгича ёндошувлар ишлаб чиқилган. Спазмолитиклар билан ўтказилувчи Кригер синама таклиф этилган бўлиб, у чувалчангсимон ўсимтадаги морфологик ўзгаришлар даражасини аниқлашга имкон беради. Таклиф этилган даволаш-ташхислаш тадбирлари қиёсий баҳоланиб, улар негизда мақбул даволаш-ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Ўткир аппендицитнинг анъанавий ташхислаш ва даволаниши ҳулосалари текширилиб кўрилганда 14,2% беморда ўзгармаган чувалчангсимон ўсимта олиб ташланган. Ультратовушли текширув – маълумотга бой ташхислаш услуги бўлиб, болаларда чувалчангсимон ўсимтадаги яллиғланиш жараёнининг турли босқичларини ҳаққоний дифференциаллаш имконини беради. Комплекс текширувдан ўтказиш ва УТТнинг ўткир флегмоноз аппендицитни морфологик верификациялашдаги диагностик самарадорлиги – 97,4% ни, гангреноз аппендицитда – 93,9% ни ташкил этади. УТТ аниқлиги - 97,2%, сезувчанлиги – 98,5% ташкил этди. Касалликнинг клиник манзараси ноаниқ бўлганида ташхисни лапароскопия текшируви ёрдамида ойдинлаштирилади. Спазмолитиклар билан ўтказилувчи таклиф этилган Кригер синама 98,7% ҳолларда ўткир катарал аппендицитнинг нодеструктив шаклини верификациялаш имконини беради. Таклиф этилган даволаш-ташхислаш алгоритми 98,7% гача кузатувларда ўткир аппендицитни тўғри ташхислаш имконини беради.

Мирзакаримов Баҳромжон Халимжонович: «Болаларда кўкрак қафаси гирдобсимон деформациясини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш» (14.00.35) - Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази (100115, Тошкент, Фарҳод кўч., 10. Тел.: 277-69-10) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.А.Акилов

Иш бажарилган ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Оппонентлар: Ю.М.Ахмедов, И.Ю.Ходжанов

Етакчи ташкилот: Россия давлат тиббиёт университети (Москва, Россия)

Ишнинг мақсади болаларда кўкрак қафаси гирдобсимон деформацияси оқибатларини ташхислаш ва хирургик даволаш натижаларини такомиллаштириш.

Мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази хирургия бўлимида 2004 йилдан 2009 йилгача текшириш ва даволаш учун ётқизилган 78 нафар кўкрак қафаси гирдобсимон деформацияси бор бемор болалар ўрганиб чиқилди. Тадқиқот мазмуни бўлиб гирдобсимон деформацияси бор бўлган болаларнинг клиник-функционал кўринишлари ҳисобланади. Хирургик амалиётда биринчи бўлиб тўш-қовурға комплексининг гиперкоррекцияси ва қайталанишини олдини олиш мақсадида тўш-диафрагмал бойламни узайтириш ҳамда юрак-қон томир тизимини клиник-функционал ҳолатини оператив даволашдан олдин ва кейинги даврларда ўрганиб чиқилди. Оператив даволашдан олдинги даврда юрак ва йирик қон томирлар ҳолатини баҳолаш учун ЭКГ, вегетатив гомеостаз ҳолати, эхокардиографик ва рентгенологик кўрсаткичлар ўрганиб чиқилди.

Изланиш давомида ташқи фиксация билан олиб бориладиган хирургик коррекция усулларида кўп учровчи тўш-қовурға комплекси (ТҚК) гиперкоррекцияси ва рецидивини олдини олувчи

такомиллаш-тирилган усуллар таклиф қилинди. Операция вақтида ва операциядан кейинги даврда учраши мумкин бўлган асоратлар ўрганиб чиқилди.

Гаипова Гулнара Жубатовна: «Орол бўйи экологик нохуш зонасида истиқомат қилувчи аллергик ринит болаларда иммуноцитокин тизими ҳолати» **(14.00.36)** – ЎзР ФА Иммунология институти (100060, Тошкент, Я.Ғуломов кўч., 74. Тел./факс: 233-08-55) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.Н.Бабаходжаев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ

Оппонентлар: О.А.Назаров, И.Р.Юлдашев

Етакчи ташкилот: Россия Иммунология институти

Ишнинг мақсади: Орол бўйи экологик нохуш зонада яшовчи аллергик ринит болаларда цитокинлар продукцияси ва иммуни тизим ҳолатини ўрганиш.

Орол бўйи минтақасида яшовчи аллергик ринит (АР) болаларда касалланишнинг клиник кечиш хусусиятлари ва бурун шиллиқ қаватини функционал ҳолати ўрганилган. Болалардаги АР ларда ҳужайра имунитети томонидаги ўзгаришлар касалланишнинг қўшма шаклларида яққолроқ намоён бўлган. АР нинг турли клиник шаклларида фаоллашган Т-лимфоцитлар (CD25+) ва апоптоз (CD95+) маркерларининг патогенетик аҳамияти ўрганилган. АР бемор болаларда гуморал имунитети томонидан IgG ва E ларнинг гиперпродукцияси аниқланган. Болаларда АР нинг турли клиник шаклларида интерферон α ва γ ҳамда яллиғланишни оширувчи (IL-1 β) ва сусайтирувчи (IL-4) интерлейкинларнинг касалликнинг клиник шакллари намоён бўлишидаги патогенетик аҳамияти исботланган. Рибомунил билан даволашдан сўнг АР бемор болаларда ижобий ўзгаришлар кузатилиб, ушбу позитив ҳолат хасталикнинг аллергик симптомларини камайтириш ёки йўқотиш имконини берган. Болалардаги АР ларда касалликнинг клиник шаклига қараб клиник-аллергологик ва иммуноцитокин кўрсаткичларининг солиштирма фарқи ўрганилган. АР ларнинг турли клиник шаклларида бактериал табиатли иммуномодулятор – рибомунил билан даволаш тизими ишлаб чиқилган.

Султанов Одилбек Султанбоевич: «Клапан инфекцион эндокардитининг ташхиси ва хирургик даволашнинг ўзига ҳос хусусиятлари» **(14.00.44)** – Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази (100115, Тошкент, Фарҳод кўч., 10. Тел.: 277-25-22) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.А.Абдумаджидов

Иш бажарилган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази

Оппонентлар: К.А.Абдраманов, Р.Э.Асамов

Етакчи ташкилот: Украина ТФА Юрак қон-томир хирургияси миллий институти

Ишнинг мақсади: даволаш профилактика чора тадбирларини қўллаш ва ташхис қўйиш йўллари мукамаллаштириш орқали клапан инфекцион эндокардити билан оғриган беморларда хирургик амалиёт натижаларини яхшилаш.

Иш мамлакатимизда биринчилардан бўлиб, клапан инфекцион эндокардитининг хирургик давоси натижаларини умумлаштириб ўрганилган тадқиқот ҳисобланади. Эндокардитнинг ташхисида трансэзофагеал эхокардиографиянинг имкониятлари аниқланган. Инфекцион этиологияли юрак нуқсонлари вужудга келишида замбруғли микрофлорани кўпроқ иштирок этиши аниқланди. Антибактериал дори воситаларини замбруққа қарши дорилар билан биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқлиги катта клиник материал анализи асосида тасдиқланди. Даволаш профилактик чора тадбирларини эндокардитнинг хирургик давосида қўлланилиши, ўлим кўрсаткичини ва инфекцион асоратларни камайтиришга ёрдам бериши илмий асосда тасдиқланди. Беморларнинг операциядан кейинги эрта ва узоқ давр кузатувлари натижаси асосида, хирургик давонинг оптимал даври ва госпитал ўлими камайтириш йўллари аниқланди. Шунинг эвазига беморларнинг ҳаёт тарзи яхшиланди. Клапан инфекцион эндокардити билан оғриган беморларга ташхис қўйиш ва даволаш тактикасини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилди. Шунингдек беморларни узоқ кузатув давридаги реабилитацияси учун тиббий ва социал тавсиялар киритилди.

Суюмов Азамат Сайфуллаевич: «Оёқ артериялари окклюзион жароҳатланиши бўлган беморларда реконструктив операциялар самарадорлигини

баҳолаш» **(14.00.44)** – Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази (100115, Тошкент, Фарход кўч. 10. Тел.: 277-25-22) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ф.Ш.Бахритдинов

Иш бажарилган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази

Оппонентлар: Р.Э.Асамов, М.Н.Махкамova

Етакчи ташкилот: Россия давлат тиббиёт университети (Москва)

Ишнинг мақсади: Оёқлар сурункали ишемияси бўлган беморларда аорта-ёнбош ва сон-тизза ости сегментларда операция ўтказилганда регионар гемодинамика ўзгаришини ўрганиш орқали даволаш натижаларини яхшилаш.

Иш оёқлар сурункали ишемияси бўлган 110 беморларни даволаш натижаларини таҳлил қилишга асосланган. Оёқлар сурункали ишемияси бўлган беморларда тўпиқ систолик босими индекси ва периферик қон айланиш параметрлари (максимал қон оқиш систолик тезлик, резистивлик индекси, пульсацион индекс) ўртасида корреляцион боғлиқлик борлиги исбот қилинган. Исботланган периферик гемодинамика ўзгаришларининг ўзига хос томонлари асосида, ишемик синдром ривожланиш даражасини ҳаққоний аниқлаш ва оптимал хирургик даволаш тактикасини танлашга имкон берувчи, оёқлар сурункали ишемияси бўлган беморларни ультратовуш ёрдамида комплекс текширишнинг алгоритми ишлаб чиқилган. Аорта-ёнбош ҳамда сон-тизза ости артериал сегменти биргаликда жароҳатланган беморларда реконструкция соҳасини танлашда дуплекс сканерлаш натижаларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган, унинг асосида ушбу тоифадаги беморларда хирургик тактика танлашнинг алгоритми ишлаб чиқилган. Оёқлар сурункали облитерланувчи касалликлари бўлган беморларда операциядан олдинги ва кейинги даврларда регионар қон айланиш ҳолатини ҳаққоний баҳолашда болдир артерияларида максимал қон оқиш систолик тезлиги, пульсацион, резистив индекслардан фойдаланишнинг юқори самарадорлиги исботланган.

Ашуров Зарифжон Шарифович: «Аёллар алкоголизмининг турли ижтимоий адаптация кўринишларидаги клиник хусусиятлари ва қиёсий даволашни мукаммаллаштириш» **(14.00.45)** - Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (100007, Тошкент, Паркент кўч., 51. Тел.: 268-17-44) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Н.И.Ходжаева

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: А.Х.Имомов, Ф.Б.Абулқосимов

Етакчи ташкилот: Республика Психиатрия, психотерапия ва наркология
илмий-амалий маркази (Алмати, Қозоғистон)

Ишнинг мақсади: Аёлларнинг ижтимоий адаптациясига боғлиқ равишда аёллар алкоголизмининг клиник хусусиятларини ўрганиш ва даволашнинг қиёсий усулларини ишлаб чиқиш.

Ҳозирги кунда аёллар алкоголизми жуда долзарб муаммога айланмоқда. Аёллар алкоголизмини ўзига хос оғир ва ёмон сифатли эканлиги маълумдир, ундан ташқари унинг яқол намоён бўлмаслиги сабабли аёлларда оғир шахс ўзгаришлари ва ижтимоий оқибатларга олиб келиши, аёллар ҳамда уларнинг болаларига салбий таъсирини кўрсатади. Лекин бир қанча мақолалар чиқдики, улардан маълум бўлишича аёллар алкоголизмини енгил кечиш ҳоллари кузатилган ва бу аёллар алкоголизмини фақат оғир кечади деган фикрларни қайта кўриб чиқиш кераклигини кўрсатади.

Ишда ижтимоий адаптация прогноз критерийлари сифатида қуйидаги параметрлар анализ қилинди: наслий омил, касаликгача бўлган характер ўзгаришлари, спиртли ичимлик истеъмол қилишнинг ва сурункали ичишнинг бошланғич ёши, маълумоти, меҳнат фаъолияти, ижтимоий ҳолати, oilавий шароити, турмуш тарзи ва ҳоказо. Алкоголга тобеъ аёлларни ижтимоий адаптация критерий ларини аниқлаш аёллар алкоголизмининг даволаш ва реаби литациясида муҳим ўрин эгаллаши илк бор ўрганилди. Ижтимоий мослашган аёлларда фрустрацияга нисбатан интрапунитив реакциянинг, ижтимоий мослашмаган ва деликвент хулқли шахслар учун фрустрацияга экстрапунитив ва импунитив реакцияларнинг устунлик қилиши кузатилди.

**Қаранг яна: Н.М.Рахимова (03.00.04), Д.Б.Эшчанова (03.00.04, 14.00.25),
Д.Т.Якубова (03.00.04), А.Й.Исломов (03.00.07), Р.С.Мадияров (03.00.07)**

Фармацевтика фанлари

Алиев Сарвар Убайдуллаевич: «Йод танқислиги натижасида келиб чиқадиган касалликларда қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш» **(15.00.01)** – Тошкент фармацевтика институти (100015, Тошкент, Ойбек кўч., 45. Тел.: 256-37-38, факс: 256-45-04) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.С.Зайнутдинов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Оппонентлар: Ҳ.М.Юнусова, М.Я.Ибрагимова

Етакчи ташкилот: “Дори-Дармон” Акциядорлик компанияси

Ишнинг мақсади: Фармакоиқтисодий тадқиқотлар асосида йод танқислиги касалликларни олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш учун илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Биринчи маротаба даволаш-профилактика муассасаси шароитида йод танқислиги касалликларида дори воситаларини қўллаш, “Қиймат минимизацияси” ва “Ҳаражатлар самарадорлиги” усуллардан фойдаланилиб, фармакоиқтисодий жиҳатдан таҳлил қилинди ва асослаб берилди. “Касаллик қиймати” таҳлил усули ёрдамида, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, йод танқислиги касалликларига чалинган беморлар кўрсатилган тиббий хизматлар учун сарфланган бевосита ҳаражатлар аниқланди. Йод танқислиги касалликларини олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ибрагимов Жамшид Абдуллаевич: «Грек ёнғоғининг хом меваси асосида фитопрепаратлар технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг сифатини баҳолаш» **(15.00.01)** – Тошкент фармацевтика институти (100015, Тошкент, Ойбек кўч., 45. Тел.: 256-37-38, факс: 256-45-04) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.К.Жалилов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Оппонентлар: З.О.Назарова, М.Я.Ибрагимова

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон кимё-фармацевтика ИТИ

Ишнинг мақсади: грек ёнғоғининг хом меваси асосида фитопрепаратлар: суюқ экстракт, тиндирма, шира технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг сифатини баҳолаш.

Биринчи марта ГЁХМнинг суюқ экстракти ва тиндирмасини назарий ва олиб борилган тажрибалар асосида таркиби ва технологиясини асосланди. ГЁХМ ширасини олиш усули таклиф этилди. Экстракциялаш жараёнига таъсир этувчи технологик параметрлар ўрганилди, олинган натижалар асосида фитопрепаратларнинг асосий сифат кўрсаткичлари аниқланди.

Ишлаб чиқарилган дори турларининг табиий шароитда сақланиш жараёнида турғунлиги ўрганилиб, уларнинг мўътадил сақлаш шароити, жиҳозлаш тури танланди ва яроқлилик муддати белгиланди.

Рахимова Гулнора Рахим қизи: «Саримсоқ пиёз таблеткасининг технологияси ва стандартизацияси» **(15.00.01)** – Тошкент фармацевтика институти (100015, Тошкент, Ойбек кўч., 45. Тел.: 256-37-38) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.У.Усуббаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Оппонентлар: М.М.Миралимов, А.И.Нуритдинова

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон кимё-фармацевтика ИТИ

Ишнинг мақсади: гарлспин таблеткасининг мўътадил таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш, сифат ва миқдорий таҳлилини ўтказиш, турғунлигини ўрганиш.

Илк бор маҳаллий хомашё – саримсоқ пиёз (СП) асосида биостимуляторли, иммуностимуляторли, гипогликемик хоссаларга эга бўлган гарлспин таблеткасининг технологияси ишлаб чиқилди. Олинган дори воситаси таркибидаги олтингугурт сақловчи органик бирикмаларининг миқдори замонавий усулларда таҳлил қилинди. Чинлигини аниқловчи сифат реакциялар таклиф этилди, сақланиш муддати белгиланди. Таблетканинг биосамарадорлиги фармакодинамик усулда ўрганилди, шунингдек клиникагача бўлган барча синовлари яқунланди. Гарлспин таблеткаси учун

ВФМ, лаборатория регламенти лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тасдиқлаш учун Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасига тақдим этилди.

Шахидаятов Камолиддин Сиражетдинович: «Ўзбекистон Республикасида дори воситалари рекламасининг ҳолати ва яхшилаш йўллари» **(15.00.01)** – Тошкент фармацевтика институти (100015, Тошкент, Ойбек кўч., 45) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Э.Р.Ташмухамедов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Оппонентлар: К.С.Махмуджанова, А.А.Ашуров

Етакчи ташкилот: «Дори-дармон» Акционерлик компанияси

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида дори воситаларини реклама қилиш аҳволини ўрганиш. Ўзбекистонда дори воситаларини рекламасини тартибга солиш учун меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 12 мартдаги 74-сонли “Дори воситалари, тиббий хизматлар ва тиббий йўсиндаги буюмлар рекламасини жойлаштириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги буйруғи тасдиқланди. Тошкент фармацевтика институти фармацевтлар малакасини ошириш факультети талабаларининг ва тингловчиларининг амалий машғулоти учун ўқув-услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт муассасаларида ҳамда тиббиёт ходимлари учун реклама материалларини жойлаштириш учун рухсатнома бериш комиссияси ва тартиби ҳақидаги низом”и лойиҳасини ишлаб чиқишда қўлланилди.

Ветеринария фанлари

Рузикулов Рахматулло Файзуллаевич: «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг антиинфекцион резистентлигини зот, ёш ва конституцияга оид хусусиятларини ўрганиш» **(16.00.03)** – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти (140103, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: 234-33-20, факс: 234-07-86) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.П.Пармонов

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Оппонентлар: А.Абдусатторов, Д.Сайдалиев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон ветеринария ИТИ

Ишнинг мақсади: шартли патоген микроорганизмлар қўзғатадиган эпизоотик жараёнларнинг ички шаклланиш механизмларини ўрганиш; популяция, конституция, онто-филогенетик омиллар ва колострал антителанинг аҳамиятини аниқлаш; ҳайвонлар табиий резистентлигининг шартли патоген микроорганизмларга қарши шаклланишида нормал антителалар табиатини ёритиш.

Ишда биринчи марта инфекцион патология муаммоларини ҳал этиш учун янги методологик ёндошув қўлланилди. Ҳайвонлар табиий иммун статусининг микробиал муҳитга нисбатан шаклланишини генетик-конституционал асослари аниқланди. Колострал антителанинг нафақат опсонинловчи, балки эмлаш хусусиятини ифодаловчи янги вазифаси маълум бўлди.

Амалий аҳамияти: янги туғилган қўзиларда шартли патоген микроорганизмларга қарши табиий иммунитет шаклланишида аниқланган колострал иммуноглобулинларга нисбатан антиидиотип антителаларнинг аҳамияти ва турли синфдаги иммуноглобулинларнинг асил ҳолатда сўрилиш хусусияти уларни иммунопрофилактикада оптимал қўллаш имконини беради.

Қорақўл тери олиш учун сўйиладиган қўзилар қонидан иммунзардоб тайёрлаш ва қўллаш технологиясининг ишлаб чиқилганлиги шартли патоген микроорганизмлар қўзғатадиган касалликларга қарши курашда амалий аҳамиятга эгадир.

Санъатшунослик фанлари

Богословская Ирина Вадимовна: «Қорақалпоқ нақшлари: бадиий хусусиятлари, генезиси ва семантикаси» **(17.00.04)** - ЎзР ФА Санъатшунослик иснтитути (100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Э.Ф.Гюль

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Санъатшунослик институти

Оппонентлар: И.М.Жабборов, Р.С.Фатхуллаев

Етакчи ташкилот: Миллий рассомлик ва дизайн институти

Диссертация чала кўчманчи халқ бадиий маданияти сифатида қорақалпоқ нақши комплекс ўрганилишига, тизимли асос таҳлил қилинишига, аввал амалга оширилган археологик кашфиётлар, XIX- XX асрлар тадқиқотлари ва илк маротаба илмий муомалага киритилаётган материаллар асосида унинг тарихий илдиэларини, ривожланиш босқичларини аниқлашга бағишланган. Мавзу долзарблиги илмий тафаккур тараққий этиши билан қорақалпоқларнинг ажойиб ва ноёб маданиятига эътиборни тортиш, уни ёш ва келгуси авлодлар учун асраб қолиш, эклетик ходисалардан муҳофаза қилиш учун танланган мавзуга ёндошувни янгиланиш зарурати вужудга келди. XX аср мобайнида қорақалпоқ маданиятида анъанавий жамият тубдан ўзгариши, республикадаги экологик вазият билан боғлиқ тарзда сезиларли талафотларга учради. Ана шундай шароитда қорақалпоқ халқи тарихий қадриятларини сақлаб қолиш – ҳозирги куннинг энг муҳим вазифалардан биридир.

Биринчи бобда қорақалпоқ бадиий-амалий санъати орнаментал тизимлари бадиий хусусиятларига урғу берилган. Иккинчи бобда орнаментал мотивлар ва композицияларга характеристика берилган. Учинчи бобда эса қорақалпоқ орнаментал мотивларнинг бошқа халқлар анъанавий нақшлари билан умумий жиҳатлари типологияси аниқланган.

Архитектура

Мансуров Яшнар: «Метрополитен иншоатларини архитектура-фазовий ташкил этиш (Тошкент шаҳри мисолида)» **(18.00.02)** - Тошкент архитектура-қурилиш институти (100011, Тошкент, Навоий кўч., 13) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.М.Убайдуллаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент архитектура-қурилиш институти

Оппонентлар: Т.А.Хидоятлов, Р.Д.Асамов

Етакчи ташкилот: “Ташгипрогор” ОАЖ

Ишнинг мақсади йирик шаҳар тузилишида метробўғинларни шакллантиришнинг асосий принциплари ишлаб чиқиш билан биргаликда метрополитен иншоатлари тизимини ривожлантириш заминини комплекс таҳлил қилиш ва уларнинг архитектура-фазовий ташкил этишни асосий мукаммаллаштириш йўналишларини белгилашга асосланган.

Биринчи маротаба метробўғинлар муҳим шаҳарсозлик объектлари сифатида ер усти ва ер ости жамоат транспорти ва аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари билан биргаликда кўриб чиқилмоқда. Иссиқ қуруқ иқлим шароитида метробўғинларнинг функционал-фазовий тузилишини ташкил этиш ўзига ҳос томонлари аниқланди.

Изданишнинг натижалари ер ости урбанистикасини ривожланиш муаммоларини истиқболли ривожланиши, метробўғинлар архитектураси, специфик ечимларни излаш, йирик шаҳарлар метромарказларининг архитектурасига ансамбли ёндашувни шакллантиришда илмий-амалий аҳамиятга эга.

Умаров Муҳиджон: «Ўзбекистондаги аҳолини жойлаштириш тизимида қишлоқ аҳоли пунктлари ривожланишининг шаҳарсозлик жиҳатлари» **(18.00.04)** – Тошкент архитектура-қурилиш институти (100011, Тошкент, Навоий кўч., 13. Тел.: 244-18-78, факс: 241-80-00) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.К.Турсунов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент архитектура-қурилиш институти

Оппонентлар: Т.А.Хидоятлов, К.Х.Мухамеджанов

Етакчи ташкилот: ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Ишнинг мақсади: Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли пунктларини архитектура-режавий ташкиллаштирилишининг илмий-услубий принципларини ишлаб чиқиш ва келгусида уларни назария ҳамда шаҳарсозлик амалиётида татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги: Ишда жойлаштириш тизимининг Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли пунктларининг ривожланиши ва лойиҳалаштирилишининг шаҳарсозликка оид прогнозига нисбатан, аҳоли пунктларини жойлаштириш ва аҳолининг ҳаёт фаолиятидаги ўта муҳим

омилларнинг ўзаро боғлиқлиги муаммоларини тадқиқотида асосланган ҳолда, умуман янги тарзда ёндашилган. Ушбу ёндашишнинг янгилиги шундан иборатки, тадқиқот объекти сифатида жойлаштиришнинг маҳаллий тизимлари ҳамда ана шу тизимлар чегарасида қишлоқ аҳоли пунктларида архитектура-режелаштиришни ташкил қилиш принципларига бевосита таъсир кўрсатувчи локал территорияларнинг шаклланиши танланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, бир томондан, қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли пунктларининг жойлаштирилишининг бугунги кундаги ҳолати ўрганилиши ва ушбу тизимни такомиллаштирилиш бўйича йўналишларни аниқлашга таянган ҳолда, шаҳарсозлик амалиётига муаммонинг комплекс тарзда ўрганилиши бўйича назарий принциплар ва услубий асослар ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган, иккинчи томондан эса – жойлаштиришнинг маҳаллий тизимларини тузилмавий-режелаштирилиши бўйича умуман янги моделлар ва Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида ҳаёт фаолияти муҳитининг рационал равишда ташкил этилишига қаратилган аҳоли пунктлари архитектура-режалаштиришнинг шаклланиши бўйича асосий йўналишлар асосланган ҳолда берилган.

Психология фанлари

Шамсиев Ўқтам Бахриддинович: «Оилада мактабгача ёшдаги бола шахси ўзини-ўзи англашининг ижтимоий психологик омиллари» **(19.00.05)** – Тошкент давлат педагогика университети (100070, Тошкент, Ю.Х.Ҳожиб кўч., 103. Тел.: 254-92-02, факс: 215-54-18) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: В.М.Каримова

Иш бажарилган ташкилот: Республика “Оила” илмий-амалий маркази

Оппонентлар: Ғ.Б.Шоумаров, Р.Х.Душанов

Етакчи ташкилот: Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти

Ишнинг мақсади мактабгача ёшдаги боланинг ўзини-ўзи англаши мазмунига таъсир кўрсатувчи оилавий муносабатлар, хусусан, эр-хотин ўртасидаги ҳамда ота-она билан бола ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотда ўзбек оилаларида болалар ўзини-ўзи англашининг ижтимоий психологик феноменлари махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилди; ижтимоий тасаввурлар доирасида шахснинг ўзи тўғрисидаги тасаввурлари ўзини-ўзи англашнинг ижтимоий-психологик механизми сифатида қаралган; бола “Мен” концепциясига таъсир кўрсатувчи ота ва она ўртасидаги, ота-она ва бола ўртасидаги муносабатлар таҳлил этилган.

Тадқиқотдан олинган маълумотлар ижтимоий психология ва ёш даврлари психологиясини янги илмий маълумотлар билан бойитади; оиладаги ички муносабатлар муаммолари бўйича психологик маслаҳат методларини яратишда фойдаланилади. Тадқиқот натижалари ва материаллари ижтимоий психология, ёш даврлари психологияси, оила психологияси, оила педагогикаси, амалий психология фанларидан машғулотлар ўтказишда қўлланиши мумкин.

Сиёсий фанлар

Саипов Забихулло Сабитович: «Янги жаҳон тартиби шаклланиши шароитида АҚШ ташқи сиёсатида ислом омили» **(23.00.04)** - Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (100077, Тошкент, Мустақиллик шоҳ кўч., 54) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Ҳайдаров

Иш бажарилган ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Оппонентлар: Н.Ў.Туляганова, Х.П.Умаров

Етакчи ташкилот: Тошкент ислом университети

Диссертация замонавий босқичда АҚШнинг араб-мусулмон дунёсидаги сиёсати фаоллашувининг юзага келиш сабаблари ва ўзига хос жиҳатларини таҳлил этишга бағишланади.

Тадқиқотнинг мақсади янги жаҳон тартиби шаклланиши шароитида, айниқса 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг ислом омилининг АҚШ ташқи сиёсатида устувор йўналишлардан бирига айланишидаги ёндашувларни мажмуавий ўрганишдан иборат.

Диссертациянинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда АҚШнинг ислом йўналишидаги манфаатдорлик манбалари тизими таҳлил этилган. Яқин ва Ўрта Шарқда мусулмон мазҳабчилиги

авж олаётган шароитда АҚШнинг диний мутаассибликка қарши курашиш, исломни “ислоҳ этиш” ва мусулмон дунёси мамлакатларини демократлаштириш соҳасидаги узоқ муддатли лойиҳаларидаги ёндашувлар етарли даражада тўлиқ очиб берилган. АҚШнинг мусулмон дунёси акторлари билан истиқболдаги ҳамкорлиги акс эттирилган, амалий тусга эга оригинал модель-схема ишлаб чиқилган. Янги жаҳон тартиби ва уни шакллантириш муаммоларига оид замонавий америка концепцияларининг қиёсий тадқиқоти амалга оширилган. АҚШнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро муносабатлари ривожининг замонавий тенденциялари белгиланган.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда ишлаб чиқилган асосий ҳолатлар қўшимча назарий, методологик ва амалий асосларни яратиб, Ўзбекистон ташқи сиёсати самарадорлигини ошириш ва миллий манфаатларини таъминлаш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган ахборот-таҳлилий базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Диссертациянинг айрим ҳолатларидан мамлакатнинг ташқи сиёсий ва дипломатик фаолиятида иштирок этаётган вазирлик ва идораларнинг амалий ишида фойдаланиш мумкин. Илмий ишнинг асосий материаллари кенг минтақада исломшунослик ва америкашуносликка доир долзарб масалалар билан шуғулланувчи Марказий Осиё давлатлари ва АҚШнинг тегишли структуралари учун амалий аҳамият касб этади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ*

(ихтисосликлар шифрлари ўсиши тартиби бўйича чоп этилади)

Илмий кенгашлар қуйидаги диссертация ишлари мавзуларини
тасдиқлаганлар:

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ

Физика-математика фанлари

Закиров Ботир Сабитович: **«Некоммутативное интегрирование для следов Магарам и пространства Орлича-Канторовича»** (01.01.01)

Илмий маслаҳатчи: ф.-м.ф.д., проф. В.И.Чилин

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти

Каримов Абдусалом Кадиралиевич: **«Метод обертывающих алгебр фон Неймана в исследовании эргодических и предельных теорем в йордановых операторных алгебрах»** (01.01.01)

Илмий маслаҳатчи: ф.-м.ф.д., акад. Ш.А.Аюпов

Иш бажарилаётган ташкилотлар: ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Ахмеджанов Фархад Рашидович: **«Закономерности распространения высокочастотных акустических волн в гиротропных диэлектрических и сегнетоэлектрических кристаллах»** (01.04.07)

Иш бажарилаётган ташкилот: Навоий давлат кончилиқ институти

Олимов Хусниддин Косимович: **«Образование $\Delta(1232)$ изобар, кумулятивных частиц и лёгких ядер на ядрах ^{12}C , ^{16}O , ^{20}Ne и ^{181}Ta при высоких энергиях»** (01.04.16)

Илмий маслаҳатчи: ф.-м.ф.д., проф. С.Л.Лутпуллаев

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎзР ФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ Физика-техника институти

Сапаев Усман Каландарович: **«Бир жинсли, даврий ва нодаврий кристалларда гармоникалар генерациясида лазер нурланиши параметрларини бошқариш»** (01.04.21)

Илмий маслаҳатчи: ф.-м.ф.д., проф. Т.Усманов

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎзР ФА Электроника институти

Кимё фанлари

* Диссертация ишлари мавзуларини «ОАК Бюллетени» журналида чоп этилиши, ушбу мавзулар ва улар бўйича ёзилган диссертация ишлари ОАК томонидан тан олинганлигини асло билдирмайди.

Сманова Зулайхо Асаналиевна: **«Теория действия иммобилизованных органических реагентов и их аналитическое применение при определении тяжелых токсичных металлов»** (02.00.02)

Илмий маслаҳатчи: к.ф.д., проф. А.М.Геворгян

Иш бажарилаётган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Маматханов Ахматхон Умарханович: **«Технологии производства субстанций препаратов на основе экистероидов и сложных эфиров терпеноидных спиртов из растений *Rhaponticum carthamoides*, *Silene praemixta*, *Ajuga turkestanica* и *Ferula tenuisecta*»** (02.00.10-техника фанлари).

Илмий маслаҳатчи: т.ф.д. Ш.Ш.Сагдуллаев

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти.

Қаранг яна: А.М.Қудратов (11.00.11)

Биология фанлари

Абдуллаев Икром Искандарович: **«Роль микроорганизмов в регулировании численности термитов в природных и антропогенных средах их обитания»** (03.00.08)

Илмий маслаҳатчи: б.ф.д. проф. А.Ш.Хамраев

Иш бажарилаётган ташкилот: Урганч давлат университети

Акрамова Фируза Джалалиддиновна: **«Трематоды-бильгарциеллиды, их присхождение и эволюция»** (03.00.08)

Илмий маслаҳатчи: б.ф.д., проф. С.О.Мовсесян

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎЗР ФА Зоология институти

Насиров Кабил Эркинович: **«Сравнительное исследование механизма нейро-и гемотоксического действия компонентов ядов животного присхождения»** (03.00.13)

Илмий маслаҳатчи: б.ф.д., проф. П.Б.Усманов

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎЗР ФА Физиология ва биофизика институти

Аминжонов Шерзод Мирабосович: **«Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари ва уларга қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқариш»** (03.00.20-ветеринария фанлари)

Илмий маслаҳатчи: вет.ф.д., проф. Н.М.Матчанов

Иш бажарилаётган ташкилот: Ўзбекистон Ветеринария ИТИ

Техника фанлари

Рыскулов Алимжон Ахмаджанович: **«Научные основы технологии нанокмпозиционных полимерных и металлополимерных материалов для автотракторной техники»** (05.02.01)

Илмий маслаҳатчи: т.ф.д., проф. В.А.Струк

Иш бажарилаётган ташкилотлар: Тошкент автомобил-йўллар институти,
Гродно давлат аграр университети (Беларус Республикаси)

Нуралиев Фахриддин Муродиллаевич: **«Электромагнит майдонларни мураккаб шаклли юпқа электрўтқазувчан жисмларга таъсир этиш жараёнларини математик моделлаштириш»** (05.13.18)

Илмий маслаҳатчи: ф.-м.ф.д., проф. Ш.А.Назирова

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎЗР ФА Математика ва информацион технологиялар институти

Насиров Уткир Фатидинович: **«Научно-технические основы взрывной технологии образования открытых горных выработок в сложных гидрогеологических условиях»** (05.15.03, 05.15.11)

Илмий маслаҳатчилар: т.ф.д., проф. Б.Р.Раимжанов, т.ф.д., проф. Ю.Д.Норов

